

**С.Н.Турсунов
Т.Р.Пардаев
Н.Махмадиёрова**

**СУРХОНДАРЁ –
ЭТНОГРАФИК МАКОН**

Термиз-2012

УДК: 39(575.151)

ББК 63.5 (5Ў)

Т91

Турсунов, С.Н.

Сурхондарё-этнографик макон: очерки, эссе\ С.Н.Турсуноа,
Т.Р.Прадаев, Н.Махмадиёрова.-Тошкент: Akademnashr, 2012.-232 б.

I.Пардаев Т.Р.

II.Махмадиёрова, Н.

ISBN 978-9943-397-95-8

УДК: 39(575.151)

ББК 63.5 (5Ў)

Муаллифлари:

тарих фанлари доктори профессор Турсунов Сайфулла Нарзуллаевич

тарих фанлари номзоди доцент Пардаев Тошкенбой Ражабович

илмий тадқиқотчи Махмадиёрова Нодира

Масъул муҳаррир: тарих фанлари номзоди, доцент. О.Бўриев

Тақризчилар:

тарих фанлари номзоди А.Қурбонов

тарих фанлари номзоди А.Тўхтаев.

Монография Сурхон воҳаси аҳолисининг этнографияси, этник тарихи масалаларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, бунда воҳа аҳолисининг моддий маданияти, анъанавий хўжалиги, урф-одатлари, маросимлари ва расм-русумлари таҳлил қилинган. Шунингдек, воҳада шаклланган этник гуруҳлар, уларнинг жойлашуви ҳамда этник хусусиятлари каби масалалар кенг қамровли таризда очиб берилган. Мазкур Сурхондарё – этнографик макон жаҳон этнографияси бўйича тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларга, илмий жамоатчиликка, этнография бўйича қизиқувчи сайёҳларга, оммага, талабаларга, профессор-ўқитувчиларга мўлжаллаб тайёрланган. Шунингдек мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган моддий-маънавий меросни ўрганиш, қайта тиклаш, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар бўйича ташкил этилаётган оммавий халқ байрамлари, маросимлари, халқ ўйинларини янада такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган дастур бўлиб хизмат қилади.

Китоб Термиз давлат университети Илмий кенгашининг 2011 йил 26 августдаги қарори билан тавсия этилган

ISBN 978-9943-397-95-8

“Akademnashr” нашриёти -2012

Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,
Узоқ синаб кўрдим , билсанг у китоб.
Сирни яширмагай ўқувчисидан
Хабар берар сенга ёзувчисидан
Хилватда сен билан бўлиб у улфат
Жимгина қуради ёқимли суҳбат

СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2009 йил 25-августда Термиз давлат университетига ташрифи жараёнида ўқув-услубий, илмий, маънавий масалаларга тўхталиб, Сурхон воҳаси моддий ва маънавий маданиятга асос солган худуд эканлигига алоҳида эътибор бериб, “Сурхондарё – этнографик макон” деб воҳанинг урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва миллий туйғуларни бошқа худудлардан фарқ қилишини таъкидлаб, этнография соҳасида кенг илмий тадқиқотлар олиб бориш ғоясини таъкидлади. Халқимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин бой тарихий меросимизни ўрганиш, маънавий қадриятлар ва анъаналарга бўлган муносабати тубдан ўзгариб, ўтмиш аждодларимизнинг келиб чиқиш тарихи ва маънавиятини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Айниқса ёш авлодни тарбиялашда халқимизнинг ўтмиш моддий ва маънавий маданиятини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ёшларни рухан покланиш, қалбан улғайишига етарли маънавий қадриятлар мавжудлиги асослаб берилди. Чунки мустақиллик йилларида ёш авлоднинг ички дунёсини маънавий жиҳатдан халқимизнинг ўтмиш мадаанияти билан бойитиш, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини мукаммаллаштириш муҳим масалалардан бирига айланди. Айниқса, миллий байрамлар, урф-одатлар, азиз авлиёларга муносабат масаласида алоҳида эътибор берилди. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, этнология соҳасида амалий тадқиқотлар олиб бориш учун мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жуда катта амалий моддий-маънавий имкониятлар яратилиб, давлат грантлар тақдим этилмоқда. **Ана шу имкониятлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси Инновация лойиҳасини давлат буюртмаси асосида №-И-2010-33 сонли шартномаси билан олиб борилган тадқиқотлар туфайли ушбу монография ҳамда веб-сайт тайёрланди.**

Тарихий илмий тахлиллар натижасига диққат билан эътибор берилса, этногенез масаласида фикр билдириш ниҳоят даражада мураккаб йўналиш эканлиги сезилади. Этногенез тўғрисида илмий мушоҳада этиш учун чексиз манбаларни қайта ўрганиш, уларни танқидий-ҳолисона баҳолаш ҳар бир тадқиқотчидан катта меҳнат талаб этади. Чунки йўл қўйилган оддий бир хато ёки жумбоқли фикр турли норозиликларга хаттоки сиёсий жанжалларга айланиб кетиши мумкин. Чунки дунёдаги мавжуд 2000 дан ортиқ этник гуруҳлар-222 та давлатларда истиқомат қилади, уларнинг ҳар бирининг ўз миллий ғурури, ватан туйғуси, ор-номус, урф-одатлари, анъналари ва миллий қадриятлари мавжуд. Ушбу миллат ва элатлар ўзининг этник ўзлигини англаш, ўз қавми номини, ҳудудини, тилини, маданиятини, ички барқарорлигини, ҳавфсизлигини таъминлашга узоқ асрлардан буён ҳаракат қилиб келмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: **«Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин-инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг шахс, имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади»**.¹ Ушбу фикр ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлиб этногенез масаласини мукамал урганишга даъват этади ва ҳар бир элат ва миллатни маданий жараёнларини ҳолисона урганишни такоза қилади. Ўзбек миллати этногенезини урганиш, уни илмий тахлил этиб мукамал ҳулоса бериш, илк аجدодларимиз, уларни қачон пайдо бўлганлиги, миллий давлатчилигимизнинг қандай шаклланганлиги, қайси ҳудудларга вужудга келганлиги, улар қандай ном билан аталганлиги, уларга қимлар асос солганлиги ҳақида тарих фани маълум ютуқларга эришди.

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ҳақида баъзи мулоҳазалар ҳақида тўхталсак, Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг таркибий қисми бўлиб, кишилик тарихи тараққиёти, тамаддунинг илк босқичи милоддан аввалги 3 мингинчи йиллик охирлари 2 минг йиллик бошларида маданий юксалишга асос солинганлигига, иккинчи босқичда “Осиё-Европа эллинизм

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т., «Ўзбекистон», 1998, 473-б.

тамаддуни”да муносиб маданий тараққийётга ҳисса қўшганлиги ва жаҳон цивилизацияси тараққийётининг ижтимоий-иқтисодий маданий, сиёсий ва мафкуравий ривожланишда алоҳида ўрни борлиги илмий манбаларда ўз аксини топди.

Ўзбек миллати жаҳон цивилизация тарихида қадимги элат сифатида сўнгги бронза даврида шаклланиш даври бошланиб, XI-XII асрда узил-кесил элат бўлиб шаклланиб, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти мукаммал ривожланиб, жаҳон цивилизация тарихида муносиб тарихни босиб ўтди.

Ўзбек сузи ва унинг этнолуғавий маъноси хақида жаҳон олимлари, ва этнографлар узларининг ижобий баҳосини беришган. Абдукаххор Иброхимов ўзининг «Биз ким ўзбеклар» китобида АҚШнинг Чикаго шаҳрида чоп этилган «The World Encyclopedia Dictionary Book» («Жаҳон қомусий лугати») китобидан жуда мазмунли жумлани: «Ўзбеклар-жаҳон халқлари орасида биринчилардан булиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб, ўтқоқлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат...»² деган этнологик таърифни келтиради. Бу мулоҳаза талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир, яъни ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини дунё олимлари ҳақиқатдан тан олди деган сўздир.

«Аждодларимиз кимлар? Ўзбек халқи қачон пайдо бўлган? Миллатимиз қачон ва қайси ҳудудларда шаклланган? Миллий давлатчилигимиз асослари нималардан иборат? Уларга кимлар ва қачон асос солган? Ўзи биз-ўзбеклар қандай халқмиз? Асосан туркий қон жўш ураётган томирларимизда яна қайси қавмларнинг қони ҳам қўшилиб оқмоқда экан?»

Ниҳоят, «Ўзбек» сўзи «Ўз» ва «Бек» сўзларидан иборат бўлиб, шулардан биринчи асл, ажойиб, таги мустаҳкам, иккинчиси эса бек, сардор маъносини билдиради. Том маъноси «Асл бек» дир. Бу сўз XI-XII асрларда ҳам шахсий ва қабила номи сифатида ҳам ишлатилган.

Ўзбекларга этнологик-антропологик жиҳатдан қуйидагича таъриф бериш мумкин: - Ўрта гавдали, озғин ёки истисно тариқасида жуда семиз,

² Иброхимов «Бизким ўзбеклар». Т.: «Шарқ»-1999, 7-б.

териси силлиқ, буғдой ранг, сочи қора, малла ва камдан-кам қизғиш-қўнғир бўлади. Соқоли сийрак ва қора, баъзида кулранг қам бўлади. Бурни кичкина ва тўғри, бурун канотлари кенг, лаблари қалин ва бўртиб чиққан, тишлари оқ ва жуда соғлом, пешонаси тўғри ва дўнг, қош усти кам билинади, бурун ва лўнжи ўртасидаги кесим унчалик чуқур бўлмайди. Қошлари ёйсимон, лекин жуда қалин эмас, оғзи катта, ияги йирик, ёноғи чиқиб турувчи, юзи кўпроқ серқирра, қулоғи катта ва ажралиб туради, оёқ-қўли кичкина, гавдаси кучли эмас, балки кўпроқ нозикдир.

Ўзбекларнинг миллий эътиқоди, ғурурида ватанни ахлоқий жиҳатдан юксак бўлишига, миллий бирликнинг шакллантириш асосий бурч эканлиги сингдирилган. Чунки ватан деб устида ўтирганимиз оддий бир тупроқ эмас. Ватан тупроғи ҳар бир инсон учун ёпинчиғдир ва тупроқ ёпинчиқ бўлгани учун ҳам муқаддасдир. Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, ватаний ахлоқ миллий мафкурадан, миллий туйғудан таркиб топган муқаддас бурчдир. Шунинг учун ватанни севиш учун юксак ахлоққа эга бўлиш лозимдир. Ватаний ахлоқни юксалтириш учун миллий маданиятга, эстетик гўзалликка эга бўлишимиз зарур. Ватанимизни, миллатимизни қандай севсак, миллатдошларимизни ҳам ҳудди шундай севишимиз зарурдир.

Француз адиби Жан-Пол Рунинг ёзишича «Турклар моддий ва маънавий соғломликка эгадирлар. Улар юксак ҳунарлик инсонлардир. Ўз ваъдаларида устуворлар. Улар хоинларга қарши аёвсизлар. Ораларида иркчилик йўқ. Аскарлик ишини жуда яхши биладилар. Бу билан боғлиқ мурувватлари бор. Келажакни кўра билувчи инсонлардир. Жангчилар орасида ном қозонганлари кўп. Ўз устига олинган вазифани кескин адо этадилар. Бу соҳада ўзларининг борлигини ва бошқаларнинг ҳаётини доимо сақлашга интиладилар. Бошқарув ва ҳисоб ишларини яхши биладилар. Бу соҳада улкан олимлар бордир. Ижтимоий табақаланиш жуда кучли бўлишига қарамай, буюк бир қулайлик билан бир синфдан бошқа синфга ўта оладилар. Билим ва санъатни севадилар. Дин оламида битмас-туганмас билимлари бордир».

Ўзбеклар миллий урф-одатлар, анъаналар, тўй-маросимларини нихоятда қадрлайди. Уни ўзларининг миллий ғурури, андиша эътиқоди деб биладилар. Кийиниш маданиятига алоҳида эътибор берадилар. Кийимларни улуғ ҳамда муқаддас биладилар. Айниқса дўппига алоҳида эътибор билан қарайдилар. Ўзбек халқининг севимли бош кийимларидан бири-дўппидир. Фарғонада дўппини 10 дан ортиқ дўппи тури бор. Энг машҳури Чуст дўпписи. Дўппи бундан 2,5 минг йил олдин пайдо бўлган. Халқда инсон тупроқдан пайдо бўлган деган ривоят мавжуд. Шунинг учун бутун ер шаридан сув қисми «чиқариб» юборилиб, шарнинг ярими олиб қолинган, яримини инсоннинг бир умрига таққосланиб, бир йил деб олинган ва у 4 фаслга, 12 ойга бўлинган. Дўппидаги гуллар оддий эмас, балки у 12 ойдир. Дўппи адоғида қора жияк бўлиб, бу дўзах дегани, унинг ўртасида нозик оқ чизиқ бор-бу жаннатга ўтадиган Пулсирот (кўприги) дир. Дўппининг гулида ярим ойнинг нусхаси ётибди, Халқимизнинг «Ойнинг ўн беш қоронғу, ўн беши ёруғ» деган сўзи ҳам дўппида акс этган. Дўппида қоронғи қисм акс этмаган, фақат ёруғ қисми олинган холос. Ой атрофидаги кашталар, юлдузлар ҳисобланади. Бу эса аёлларимизнинг ўз фарзандларига юлдузнинг иссиқ бўлсин деган мақсадини гуллар орқали баён қилингандир. Хуллас бу бош кийимида мардлик, жасорат, ҳалоллик, поклик каби белгилар яширин бўлиб, дўппини фақат сўзининг уддасидан чиқадиган йигитларгина кийган.

«Ўтроқлашишнинг отаси ҳам, онаси ҳам деҳқончиликдир - Ўзбекка ҳосилдор тупроқли Ер, табиий маъданларга тўйинган Сув, етарли Қуёш нури ва мўътадил-Иқлим» Оллоҳ томонидан берилган бўлиб, йил ўн икки ой ердан ҳосил олиб, деҳқончилик қилиши ва чорвачилик билан шуғалланиш учун ҳар томонлама қулай имкониятлар берилган.

Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»ида «Отим Аҳмад туркистондир элим менинг» «юртим турк, элим турк, тилим туркдир. Тилим кўп тиллардан кўрклидир» Туркий халқ деганда қадим замондан бошлаб Турон ва Туркистонда яшаб келган ўтроқ туркий халқ-биз ким ўзбеклар назарда тутиладиган бўлди.

Биз ким, ўзбеклар эса халқимиз номи ҳатто уч ном-турк, туркий ва ўзбек деб аталган.

Биз ким, ўзбеклар халқ бўлиб шаклланган ҳудуд ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан анчагина каттадир.

Ўзбек халқи асосан икки этник қатламдан ташкил топган. Биринчи қатлам Турон-Туркистон ҳудудларида шаклланган. Иккинчи қатлам эса Волга (Итил) бўйларидан тортиб, то Хоразмнинг шимолий, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида Қипчоқ дашти, Олтин Ўрда, Оқўрда.

«Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён, у ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлсада дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир»

Ўзбек халқининг тарихи ва тараққиётида муносиб ҳисса қўшган Сурхон воҳасининг жаҳон цивилизация тарихи муносиб ўрни бор. Марказий Осиё тамаддунида воҳа ўз тарихи, маданияти, урф-одатлари, анъаналари билан юксак маънавиятга эришган ҳудуд сифатида олимларни диққатини тортган. Марказий Осиёда Сурхон воҳаси инсониятнинг энг қадимги аجدодлари яшаган манзилгоҳ сифатида 1938 йилда Бойсун тумани Мачай қишлоғи яқинидаги Тешиктош ғоридан топилган 8-9 ёшли неандерталь боланинг топилиши билан алоҳида ажралиб туради. Жаҳон цивилизация тарихининг ибтидоий жамоа тузумига тааллуқли Тешиктош ғори Амир Темур ғори, Айритом ҳамда Тўпаланг дарёси ҳавзаларидаги манзилгоҳлар тарих фани учун муҳим манбаларни тақдим этиб, илк аждодларимизнинг турмуш тарзи, меҳнат қуроллари ва антропологик қиёфасини аниқлашда тамаддун ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Шунингдек Сурхон воҳаси инсониятнинг юксак маънавий дунёқарашининг шаклланишига асос солган ҳудуд сифатида Марказий Осиёда тасвирий санъатнинг пайдо бўлишининг илк манзилгоҳи сифатида катта аҳамиятга эга. Ибтидоий тасвирий санъат ёдгорлигининг асосий манбаси ҳисобланган Шеробод тумани Қизилолма қишлоғи яқинидаги Зароутсойдан топилган 200 дан ортиқ ибтидоий расмлар тошга қизил бўёқ билан солинган суръатлар илк санъатнинг манбаси сифатида тадқиқотларда асослаб берилди. Унда илк аждодларимизнинг табиат сир-асрорларини ўрганиш овчилик санъатни

афсонавий сеҳрли туйғуларни ўрганиши тасаввур этилган ушбу манбалар милоддан аввалги III-II минг йилликнинг тарихий тасвири сифатида жаҳон тамаддунида ўз аксини топди.

Сурхон воҳаси инсон ақл заковатининг ўсиб бориши натижасида, табиат сир-асрорларини ўрганиб, табиатни ўзлаштириш ва меҳнат натижасида сунъий деҳқончиликка асос солган ҳудуд ҳисобланади. Милоддан аввалги 3 минг йиллик охири ва 2 минг йиллик бошларида Бронза даврида Сурхон воҳасининг ҳамма ҳудудларида зироатчилик ва чорвачилик яхши ривожланиб, Сополлитепа, Муллали, Жарқўтон сунъий суғориш деҳқончилигининг шаклланганлиги ушбу ҳудудларда буғдой, арпа, сули, пахта экилганлигини қадимшунос олимлар ҳар томонлама илмий асослаб бердилар. Сополлитепа милоддан аввалги XVIII-XV асрларда жаҳон тамаддунида илк бор тупроқдан идиш ясаш ва уни оловда пишириб, мустаҳкам сопол буюмларни шакллантирган ҳудуд сифатида алоҳида изоҳланади. Илк аждодларимиз турмуш тарзида ишлатилган 20 дан зиёд хумдонларда тайёрланган нафис қадах, кўза, кум, чойнак, лаган, кўзгу, сопол буюмларнинг энг юксак маданият билан тайёрланганлиги ҳозирги замон кишиларини лол қолдиради. Сурхон воҳасининг яна бир тарихий аҳмиятга эга бўлган макони Шеробод воҳасида Бўстонсой қирғоқларида жойлашган Жарқўтон маданиятини Марказий Осиёда илк бор шаҳарнинг ташкил топганлиги энг қадимги муҳр, тамғаларда бургутнинг қанот қоқиб учаётган тасвири, тўрт хил илоннинг ҳаракатланиб туриши, энг муҳими иноснга хос ва муқаддас ҳисобланган 4 нарса Сув, Тупроқ, Ҳаво, Олов инсон тараққиётининг муҳим омили эканлиги изоҳлаб берилган. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, инсон тасаввури ақл идрокининг дунёвий ва диний тасаввури Жарқўтон маданиятида зардуштийлик дини анъаналарининг пайдо бўлганлиги ва инсон ўз аждодлаи мурдасини тобудларга кўмиш мумкинлигини изоҳлаб берган. Жаҳон тамаддунида Сурхон воҳасида инсонни орзу умидларини ўзида акс этирган Хумо қуши қиёфаси илк бор Жарқўтон идишлари акс этганлиги, Хумо тинчлик, осойишталик, орзу-умидлар, эзгулик, фикрларга амал қилиш ғояси шаклланганлиги қадимшунослик илмий

изланишлари натижасида изоҳлаб берилди. Марказий Осиёда Жарқўтон деҳқончилик, хунармандчиликнинг шалклантирган илк манзилгоҳ сифатида инсон ўз танасига жисмоний тарбия бериш соғлиқни сақлаш, ўзига безак беришда сурмадон, биронза ойналар, турли хил табиий дори-дармонлардан фойдаланганлиги фанда исботланди. Энг муҳими шундаки, 3500-3800 йил олдин яратилган хум, хурмача, ваза, чойнак, косалар, лаганлар шунчалик нафислик билан ишланганки, ҳозирги замон кулоллари ҳам илк аجدодларимиз меҳнати олдида ожиз бўлиб қоладилар.

Жаҳон цивилизацияси тамаддунида Сурхон воҳаси минг шаҳарли ҳудуд сифатида таллашқон, жондавлаттепа, кизилтепа, хайитободтпеа, ғозмулла, Бандихонтепа, манбаларда милоддан олдинги 1 минг йилда илк темир қуроллардан фойдаланганлиги, сунъий суғоришга асосланган Сурхон воҳаси пахта, арпа, дон, зиғир, кунжут, қовун ва бошқа полиз экинларининг кенг эканлигини билан ажралиб туради. Жаҳон тамаддунида Сурхон воҳасининг бетакрор маданияти Бактрия давлати даврида мустаҳкам шаҳарлар Кучуктепа, Бешқўтон, Таллашқон, Бурачи, Қизилча каби қалъалар, шунингдек воҳанинг бронза ва темир буюмлардан ясалган буюмлари, темирчилик, кулолчилик, тўқимачилик, тикувчилик, заргарлик соҳасининг жиддий тараққий этганлиги фанда ўз исботини топди. Тарихчи Курций Руф Бактрия ҳақида тўхталиб, “Бактриянинг табиати бой ва турли-тумандир. Баъзи жойларда кўпдан-кўп дарахтзорлар ва ток новдаси ширин мева сероб ҳосил қилади: унумдор ерлари кўпи санокли булоқ-дарёлар суғорадилар; ҳосилдор тупроқда буғдой экилади. Бошқа ерлар ўтлоқ учун қолдирилади”деб Сурхон воҳасига юксак баҳо берган эди. Сурхон воҳаси Ватан озодлиги, муқаддаслиги, чет эл босқинчиларига қарши жиддий қаршилик кўрсатган ҳудуд сифатида Искандар Зулқарнайнга муносиб қаршилик кўрсатган ҳудуд ҳисобланади. Тарих саҳифаларида хали баён этилмаган Сурхон воҳасининг мард ўғлони Катан ва Авестан Искандар қўшинларига жиддий қаршилик кўрсатди. Жаҳон тамаддунида алоҳида аҳамиятга эга бўлган Термиз унинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни тарихий манбларда Тарамастха (бактрча) (“нариги соҳилдаги манзил”), Тарамата, Тами,

Тармит, Тармиз, Термиз номи билан жаҳон маданиятида катта тарихий воқеаларни ўзида мужассам этган. Сурхон воҳаси жаҳон цивилизация тарихида мусиқага асос солган ҳудуд сифатида энг дастлабки уд, арфа, фриз каби мусиқа асбобларига асос солган. Мусиқа санъатини ривожланишида санъатни юксалишида маъморчилик, хайкалтарошликни тараққий этишида Айритом манбалари орқали милодий I-II асрларда маълумдир. Жаҳон тамаддунида Сурхон воҳасининг қадимий маданий маркази бўлган Далварзинтепа илк аждодларимизнинг маънавий дунёқарашига, дам олишига асос солган ҳамда Марказий Осиёда шохмотнинг ватани сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Далварзин шохмот доналари Сурхон воҳаси ҳудудида илк ҳисоблаш рақамларини шаклландиргани, дастлабки математик рақамларнинг пайдо бўлганлигини қуйидаги шохмот донаси учун подшонинг шохмот ихтирочисига берган буғдой донасида қайд этилган рақмдан билиш мумкин. Ушбу рақамда 18446744073709581661 та буғдойни ташиш учун эни 10 м, баландлиги 4 м ва узунлиги 3 миллион километр оғор кераклиги, яъни бу оғорнинг узунлиги ер билан қуёш ўртасидаги масофадан 2 марта зиёдроқ бўлишини ёки бунинг учун ер юзига 8 марта буғдой экиб, ҳосилни йиғиштириш лозимлигини ёки шунча буғдойни ташиш учун 4 отли аравадан 628 млрдли лозимлигини подшога тушнатирибди. Ушбу рақамлар Сурхоннинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини нақадар юксаклигидан далолат беради. Ўзбек этногенезининг илк аждодлари илк утрок дехқончилик хужалигига асос солган, ушбу дехқончиликнинг илк босқичи лалми галлачилик булса, маданий жараёнларнинг ривожланиши натижасида сугорма дехқончиликка утилганлиги аллақачон тарих фанида исботланди. Амударё ва Сирдарё оралигидаги 3500-4000 йил бурун яратилган ушбу маданият манзилгохларига Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм, Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Бустонсой ёқасидаги Жарқутон археологик обидаси мисол булади. Ўзбекистон илк сугорма ўтрок дехқончилик маданиятининг қадим маданий ўчоғи бўлиб, қадимги Миср ва Хитой маданияти билан тенглаша олади. Илмий тадқиқотлар натижасида Жарқутоннинг 100 гектардан ортиқ маданий майдонни ўз ичига олганлиги, шаҳарнинг икки

қисмдан, яъни «Арки аъло» ва «Шахристон»дан ташкил топганлиги, Арки Аълонинг умумий майдони 3 гектар бўлиб, у мудофаа девори билан ўраб олинганлиги, Арки аълонинг шарқий ва жанубий томонларида шаҳарнинг асосий аҳолиси-деҳқон ва хунармандлар яшаган «Шахристон» эканлиги аниқланди. Ушбу тарихий таҳлил замирида Ўзбекистонда дастлабки давлатчилик асосларининг шаклланганлиги мисолида илмий хулоса исботланди. Баъзи бир ноилмий фикрларда аниқроқ қайд этсак, Туркменистон ва Тожикистон тарихчиларининг кейинги тадқиқотларида ушбу масалани тан олмаслик, этногенезида Ўзбекларнинг илк аجدодлари асос солган илк ўтроқ деҳқончилик унинг илк давлатчилик манбаларини инкор этиш холлари яққол намоён бўлмоқда. Қадимги Хоразм ва Жарқўтон маданияти ушбу ноилмий фикрларга қарши тарихий маконлар саналади. Шунингдек, қадимги шаҳар-давлатларнинг вужудга келишига асос бўлган аҳолининг ўтроқ деҳқончилиги ва хунармандчилиги негизида ушбу ўлкаларда сиёсий, диний ва ўз-ўзини бошқарув маркази бўлган илк давлатларнинг шаклланишига шароит яратди. Ҳар бир давлатни сиёсий жиҳатдан вужудга келиши учун дастлаб табиий шароитлар зарур эканлигини қуйидагилар асослайди: қулай иқлим, серсув дарёлар, унумдор тупроқ, дастлабки давлатларнинг пайдо бўлишига иқтисодий омил бўлиб хизмат қилган. Илк давлатчиликни шаклланишида аҳолининг диний тасаввурлари, қабилавий ҳарбий уюшмаларнинг пайдо бўлиши ҳам ҳудудларни химоя қилиш эҳтиёжи сиёсий бошқарув тизимининг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиё минтақасида дастлаб Ўзбекистонда хунармандчилик хўжалигининг, тўқимачилик соҳасидаги йигирув ва тўқув дастгоҳларининг кашф этилиши, кулолчилик чархининг яратилиши, металл эритиш ва қуйиш технологиясининг ўзлаштирилиши, уй-жой қурилишини мукамаллаштириши айнан Жарқўтон ҳудудида вужудга келганлиги айнан ҳақиқатдир. Ўзбекистон ҳудудида илк аجدодларимиз ўтроқ маданият таъсирида милoddан олдинги II-мингинчи йилларда Сополлитепа, Жарқўтон, Чуст, Зомонбобо ва Хоразм заминида яшаб истиқомат қилганлиги археологик омилларимизни тадқиқотларида ўз аксини топди. Илк

аждодаларимизни антропологик жиҳатдан илмий ўрганиш туфайли милоддан олдинги V-III мингинчи йилларда Марказий Осиёда ўтроқ аҳоли сифатида яшаб, улар қадимги европоид ирқининг икки илк тури: шимолий илк европоид (протеврополик) ва жанубий европоид (протоуртаерденгизлик) турларга кирганлиги жаҳон этнологик олимлар томонидан илмий исботланди. Ҳатто тарих фанининг асосчиси Геродот (милоддан олдинги V аср), Эроф (милоддан олдинги V аср охири - IV асрнинг биринчи чораги) шунингдек, Персепол яқинидаги Нахширустам, Персеполдаги ҳамда Эқбатандаги ёзувлар илк қадимги аждодаларимиз ҳақида қимматли тарихий маълумотларни ёзиб қолдирган. Илк аждодаларимиз Хаумарка, Тиграхауда, Тиайпо ро дарайалар Сак уюшмасини, дахлар, дербеклар, сакарауқлар апасиаклар, ассийлар (яти) ассиан, аугалар, массагет-сак уюшмаларни ташкил этиб, уларнинг асосий қисми ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўтроқ-кўчманчи аҳоли сифатида истиқомат қилганлар.

Юқорида қайд этилган илк аждодалар ҳарбий-сиёсий уюшмалари таъсирида Хоразм, Суғдиёна ва Бактрия минтақаларида милоддан олдинги I-минг йиллик бошларида илк давлатлар шаклланиб, улардаги элатлар ҳудудий ва сиёсий нуқтаи назардан жипслашиб, ўзларини хоразмликлар, суғдийлар, бактрияликлар, фарғоналиклар, тохарлар деб атаб ўзаро ҳамкорликда яшаб, ягона элат бўлишга шарт-шароит яратдилар. Милоддан олдинги VI-IV асрларда Ўзбекистон ҳудудидаги маҳаллий ўтроқ аҳоли ва кўчманчи сак массагетлар ўзбек халқининг этник илдизлари бўлиб саналади. Жаҳоннинг машҳур тарихчилари, сайёхлари, этнографлари Геродот, Эроф, Н.Я.Бичурин, Ю.А.Зуев, Л.Н.Гумилев, Н.А.Аристов, К.Ф.Смирнов, С.П. Толстов, В.В.Гинзбург, В.В.Бартольд, В.И.Абаев каби машҳур тадқиқотчи олимлар ўз асарларида ўзбекларни илк аждодалари, унинг маданий тараққиёти, илк давлатчилигига оид масалаларни ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилганлар. Бироқ ўзбекларни илк аждодаларини, уларнинг миллий давлатчилигини, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини инкор этувчи, миллий ўзбек давлатчилигини инкор этувчи

ноилмий ғоялар ҳам мавжудки, уларни қарашларида ҳақиқатни тан олмаслик ҳолатлари мавжуддир.

Юқоридаги мулохазаларга эътибор берилганда эса, ўзбек этногенези ва илк давлатчилиги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан маҳаллий аҳолини ўтроқ деҳқончилиги, ҳунармандчилиги ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган қишлоқ ва шаҳар аҳолисини меҳнати туфайли вужудга келганлигини исботлайди.

Шунинг учун ҳам атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов Ўзбекистон ва ўзбек халқига баҳо бериб, 1964 йилда «Правда» газетасида чоп этган «Пахтанинг ойдин йўли» мақоласида «Қадим Греция Европада цивилизация ўчоғи сифатида қандай ўрин тутган бўлса - Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда, бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган», деб ниҳоятда ҳаққоний ҳолисона фикр билдирган. Бу тарих учун исбот ва мулохаза талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Халқимизнинг этно-экологияга бўлган муносабати қадимги даврдан бошланиб, табиатни муҳофаза қилиш, асраш бўйича муҳим ахлоқий-тарбиявий ишлар амалга оширилган. жумладан археологлар мил. авв. II минг йилликларга оид зардуштийлик динининг пайдо бўлишини ҳам Жарқўтон мисолида тахмин қилдилар. Зардуштийлик дини одатларига кура тўрт нарса муқаддас ҳисобланган: 1. Сув. 2. Тупроқ. 3. Ҳаво. 4. Олов. Зардуштийлик дини анъаналарига кўра ўлган кишини дафн қилишда ана шу тўрт нарсага қатғиқ амал қилганлар:

Сувга ташлаш мумкин эмас, чунки сув муқаддас.

Тупроққа кўмиш мумкин эмас, чунки тупроқ муқаддас.

Ҳавога ташлаш мумкин эмас, чунки ҳаво муқаддас.

Оловга ташлаш мумкин эмас, чунки олов муқаддас.

Шунинг учун бу даврда ўлганларни тоғу тошларга, одам яшамайдиган жойларга олиб бориб махсус даҳмалар устига қўйиб, мурданинг гўштини йиртқичлар, қарғақузғунларга едирганлар, суякларини эса махсус идишларга, яъни остадонларга солиб қўйганлар.

БАҒРИКЕНГ ВА ОРИЯТЛИ СУРХОН ЭЛИ.

Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида Сурхон воҳасининг ҳам алоҳида ўрни мавжуд. Чунки Сурхон воҳаси тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақаладиган қадим маскандир. Ўтмиш тарихимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган археологик ёдгорликларнинг ҳам аксарият қисми шу воҳада жойлашган, қолаверса, воҳа худуди инсониятнинг энг қадим аجدодлари макон тутган замин ҳамдир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов **“Сурхондарёнинг мард, меҳнаткаш ақл заковатли халқи бор,-Бағри кенг, айни замонда орияти баланд, бу эл фарзандларини ҳурмат қилмаслик мумкин эмас”** деб берган улуғ фикрлари бу воҳа тарихини нақадар бой ва жаҳон цивилизация тарихига улкан ҳисса қўшганлигидан билиш мумкин. Воҳа худудида жойлашган Зараутсой тасвирлари ибтидоий одамлар тафаккур ва тасаввури асосида яратилган бўлса, ўз аҳамияти жиҳатидан Сополлитепа обидаси ўтроқ тарзда турмуш кечирган аجدодларимизнинг бебаҳо илк манзилгоҳлари саналади. Жарқўтонда шаклланган дастлабки шаҳарсозлик маданияти мамлакатимизда урбанизациявий ривожланиш юзага келган жараёнларнинг дебочасидир.

Ўзбек давлатчилигининг илк тонглари ҳам шу заминда қарор топган қадим Бактрия худудлари билан чамбарчас боғлиқликлар касб этади. Мамлакатимиз худудига жанубдан ёв ҳамла қилган даврларда ҳам воҳа ахли қалқон бўлган. Юксак фалсафий-ахлоқий ақидаларга асосланган зардуштийлик дини негизларининг юзага кела бошлаган маънавий, руҳий кадриятлари шаклланишида ҳам воҳанинг муносиб ҳиссаси бор. Жаҳон фотиҳларидан бири саналган Искандар Зулқарнайн аҳолининг жасорати ва мардлигига қойил қолган. Салавкийлар ва Юнон-Бактрия подшоликлари даврида воҳа ахлининг маҳаллий маданияти қадим эллин маданияти билан омухталашиб, ҳатто унга таъсир ўтказган қудратли Кушонлар салтанатининг равнақи ҳам бевосита ана шу табаррук замин билан чамбарчас боғлиқ.

Воҳа ахли ўрта асрлар шароитида ҳам мамлакатимиз тарихида, қолаверса, Шарқ халқлари тарихида муҳим роль ўйнади. Ўрта асрлар мобайнида минтақада шаклланган барча давлатлар тараққиётида ана шу қадим маскандинг муносиб ўрни мавжуд. Ҳатто соҳибқирон Амир Темур хазратлари ҳам давлатчилик рамзи саналган туғ ва ноғорани пири Саййид Барака қўлидан Шеробод яқинидаги Биё қишлоғида қабул қилиб олиб, Мустақил Темурийлар давлатига асос солган эди. Ўрта асрлар даврида воҳада яшаган кўплаб алломалар диний ва дунёвий билимлар тараққиётига ўзларининг муносиб улушларини қўшганлар. Инсоният маънавий хазинасини бойитган ислом дини равнақида ҳам замин илм ахлининг ўрни жуда катта. Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилояти ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан тараққий этиб, жуда катта амалий натижаларга эришди.

Сурхондарё вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил этилган. Майдони 20,1 кв.км., Аҳолиси 2 миллион 300 000 минг киши яшайди. Сурхондарё вилоятида 13 туман (Ангор, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё,

Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, Қизирик, Қумқўрғон), 8 шаҳар (Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Термиз, Шарғур, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон), 7 та шаҳарча (Ангор, Дўстлик, Какайди, Сариосиё, Сарик, Элбаён бекати, Хуррият), 114 та фуқоралар йиғини бор.

Вилоят маркази Термиз шаҳри, маъмурий, иқтисодий ва маданий марказ (1929 йил). Шаҳар ҳудуди 0,03 минг кв.км. аҳолиси 137 минг., Амударёнинг ўнг соҳилида дарё порти. Республиканинг энг жанубий ҳудудида жойлашиб, Афғониятонга чегарадош, Денгиз сатҳидан 302 метр баландликда.

Табиати. Вилоятнинг маркази ва жанубий қисми текислик бўлиб, шимолий Ҳисор тоғ тизмаларининг давоми бўлган бойсун тоғ, Қўхитанг тоғ Боботоғлар билан ўралган. Текислик қисмининг иқлими қишнинг илиқ, ёзининг иссиқ ва узоклиги билан фарқ қилади. Январнинг ўртача темпиратураси 2,8⁰-3,6⁰, июлники 28⁰, 32⁰. Энг йирик дарёлари Тўпаланг, Сангардак, Мачайдарё, Шеробод. Сурхондарё тоғларда жайрон, тоғ эчкиси, ёввойи чшчқа, силовсин, бўри, шақал, қўнғир айиқ, жайра, кушлардан: қирғовул, каклик, тўрғай учрайди. Ўсимликлари: ҳархил ўт ўсимликлар, эфемир-бошоқли ўсимликлар арча, ёввойи ва маданий мевалар, Боботоғда пистазорлар. Дарёларда усач, оқ амур, зоғора, жеррих балиқлари учрайди.

Аҳолиси. Аҳолисининг асосий кўпчилиги ўзбеклар, 1 кв.кмда 69,1 киши тўғри келади. Миллий таркиби ўзбеклар, тожиклар, руслар, туркманлар, татарлар, қозоқлар, украинлар, корейслардан иборат.

Хўжалиги. Вилоятда нефт ва газ (Хавдағ, Какайди, лалмикор), кўмир (Шарғун, Бойсун), полиметал (Сангардак), Ош тузи (Хужаикон), гипс, гранит, аргилит конлари, саноати пахта тозалаш, пахтани қайта ишлаш, “Жарқўрғон нефт, Денов ёғ экстракция, Сариосиё тош саралаш, Шўрчи ун комбинати, Жарқўрғон йиғирув, тўқув, Термиз шаҳрида “Шиндонг” ип йиғирув кўшма корхонаси, “Умида” ҳиссадорлик жамият, Шеробод керамика бадий буюмлари корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги асосан пахтачилик, дончилик, полиз-сабзавотчилик, боғдорчилик, тоғчилик, лимончилик, пиллачилик. Чорвачилиги қорамол, қўй, (қорақўл ва хисор зотли думбали қўйлар), эчки, йилқи, парранда, қуён боқилади.

Транспорт. Вилоят ҳудудида Тошкент-Термиз автомобил тракти, Тошкент-Термиз темир йўли тармоғи, Тошғузур -Бойсун- Қумқўрғон темир йўли, Термиз-Тошкент, Термиз, Москва ҳаво йўллари мавжуд.

Маданий маориф ва соғликни сақлаш. Сурхондарё вилоятида Термиз давлат университети, 5 академик лицей, 115 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежи, 851 умумтаълим мактаб фаолият кўрсатади. Термиз хайвонот боғи мавжуд, Вилоят ҳудудида 3 та санатория “Хонжиза” дам олиш уйи, “Жайронхона” физотерапия, Н.А.Семашко номидаги саломатлик тиклаш ва тиббий даволаш илмий тадқиқот институтининг “Учқизил” филиали, Сурхон санаторияси фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда “Сурхон тонги” 1935 йилдан, “Заря Сурхон” (1941 йилдан), “Термиз оқшоми”, “Аёл ва замон”, “Тиббиёт ва ҳаёт”, “Бақтрия”, “Халқ йўли” (1994), “Жануб вақти” (1999), “Илм чашмаси”, газеталари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг президенти И.А.Каримов Сурхон воҳаси тарихи ва этнографиясига алоҳида эътибор бериб, қуйидаги

фикрни алоҳида таъкидлаган эди: “Сурхон воҳасида яшаган одамларнинг қандай буюк, улуғ тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз”.

Сурхон воҳасининг тарихи ҳақида қуйидаги фикрларни таҳлил этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Меъморий ёдгорликлари. Далварзинтепа-Шўрчи туманида жойлашган милоннинг I-VII асрларига оид, Будда дининг маънавий-маърифий тарғибот маркази бўлиб, бу ердан Бодисатванинг баландлиги 2,18 метр, эни 89 см. маҳобатли хайкали топилган.

Термизшоҳлар саройи – XI-XII аср меъморлигининг диққатга сазавор намунаси. Саройнинг бош фасатида пештоқ бўлиб, кенг ховли ўртасида ховуз, меҳмонхона, зал олдида 4 кв. Устунли айвон бор. 1220 йилда Термизни Чингизхон қўшинлари босиб олиб, шаҳар вайрон қилинган. **Ал-Ҳаким Ат-Термизий мадраси** Термиздаги қадимий меъморий мажмуотдир. Унда Исломи дини қомусий олим, алломаларидан Ҳаким ат-Термизий мақбараси дастлаб XI аср охирида бошланиб, 1091-1095 йилларда Қорахонийлар султони Аҳмад ибн Хизрнинг кўрсатмасига мувофиқ ат-Термизий қабри устида қурилган, Ҳонақоҳ (XV) аср. Мажмуа мустақиллик йилларида айниқса, 2009-2011 йилларда мукаммал қайта таъмирланди. **Зул-Кфил мақбараси** X-XII асрга оид бўлиб, “Пайғамбар ороли” номи билан тарихда машҳур. **Султон-Саодат** Термиз сайидлари дафн этилган мақбаралардандир. Дастлабки мақбаралар X асрда қолганлари XV-XVII асрларгача давом этган мажмуадир. **Хўжа Исо Имом Термизий масжиди** Шеробод туманида IX асрда қурилган Тўғри тўртбурчак шаклидаги меъморий ёдгорлик. Жануб томондаги бино мақбара бўлиб, бошқалари масжид вазифасини бажарган. **Жарқўрғон минораси** Сурхон воҳасидаги Жарқўрғон минораси Хуросон ҳокими Султон Санжар буйруғи билан Сарахлик уста Али ибн Муҳаммад томонидан 1108-1109 йилларда қурилган ушбу минора 8 қиррали пойдевор устига 16 қирра қилиб бунёд этилган. Баландлиги 50 метр бўлган, ҳозирги қисми 21,6 метрни ташкил этади. **Қирққиз қалъаси** Термиз туманидаги IX-XIV асрларга оид тўртбурчак шаклидаги 50 га яқин умумий хоналарни бирлаштирган мақбара. Айвон ва йўлаклар бинони тенг тўрт қисмга ажратади. Хоналарнинг тепаси асосан равоқлар, баъзи хоналарнинг тепалари куббалар билан бекитилган.. **Сурхондарё тарихи йилномасига оид манбалар.** Сурхондарё Бойсун туманидаги 1938 йилда қадимшунослик олимлар томонидан 8-9 ёшли неандертал болани Тешиктош ғоридан илмий аниқланиши, Мачай ғори, Амир Темури ғори, Тўпаланг дарёси ҳавзасидаги 5 та полеолит даврига оид манзилоҳлари билан жаҳон цивилизациясининг илк инсоният яшаган манзилгоҳи ҳисобланади.

Сурхондарё жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган Зараутсой сирлари билан асосланган тасвирий санъатнинг 200 дан ортиқ расмлари билан жаҳон санъатининг тараққиётига муҳим ҳисса қўшган. Сурхондарё милондан аввалги III минг йиллик охири – II йиллик бошларида Жез даврига асос солган ҳудуд бўлиб, Сополлитепа, Муллали, Жарқўтон, Кўзали даври манбалари билан илк деҳқончилик марказлари Ўзбекистоннинг Сурхондарё ҳудудида вужудга

келганлигини тасдиқлайди. Сурхондарё илк милоддан аввалги XVIII-XI асрларга оид илк давлатчиликка асос солган Жаркўтон археологик манбаси асосида шаҳар, қабила, уруғ оқсоқоллигига тааллуқли муҳр ва тамғаларга асос солган ҳудуд. Сурхондарё илк инсоният тарихида табиатни асраш, уни экологик жиҳатдан ҳимоя қилишга, Сув, Тупроқ, Ҳаво, Оловни муқаддас сақлаш ғоясига Жаркўтон маданий манбаси асосида маънавийни ривожлантирган юрт, Сурхондарё қадимий илк динлар, Авесто-Зардуштийлик, Буддавийлик, Ислом дини анъаналарини шакллантирган диний билимни маънавий асосларини ривожлантирган воҳа. Сурхондарё дастлабки давлатчилик бирлашмаларида, Сополли, Кучуктепа, Таллашқон, Жондавлаттепа, Қизилтепа, Ҳайтободтепа, Ғозимулла, Бандихонттепа каби истехкомли кўрғонларга милоддан аввалги 1 мингинчи йилликларда асос солган юрт. Сурхон воҳаси жаҳонни энг таниқли олимлари Герадот, К.Руф, П.Трог, Ктесий, И.В.Пьянков, Р.Фрайн, В.Григорьев, В.Томашек, Г.Ф.Дебец, М.Н.Герасимов, М.Д.Гремяцкий, О.П.Окладников, И.Марквартни ўзини нигоҳига қаратган муқаддас заминдир. Сурхон воҳаси Ўзбекистоннинг тарихшунослигини ривожланишига ҳисса қўшган академиклар Л.Альбаум, А.Асқаров, Г.Пугаченкова, Э.Ртвеладзе, У.Сулаймонов, таниқли профессор олимлар Т.Ширинов, А.Сағдуллаев, Ш.Пидаев, С.Турсунов каби олимларни дунёга танитган. Сурхондарё жаҳон фотихлари, Аҳамонийлар, А. Македонский, Юнон-Бақтрия, Кушонлар, Эфталитлар, Турк хоқонлиги, Араблар, Чингизхон, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Бухоро амирлиги, Россия ҳукмрон сулолаларни ўзига мафтун этган ва уларга мардона қаршилик кўрсатган баҳодирлар юрти.

Сурхондарё халқ оғзаки ижодиётининг буюк афсонавий баҳодирларини, Тўмарис, Катан, Австан, Алпомишларни тарбиялаб етказган она замин. Сурхондарё ўзининг меъморчилик ва шаҳарсозлигида Термиз, Айритом, Дарбанд, Холчаён, Далварзин, Фаёзтепа, Будрач, Чағонруд каби мардлик намуналарига асос солган шаҳарлар замини. Сурхондарё жаҳон маънавий маданиятининг ривожига ҳисса қўшган Айритом манбасида уд, арфа, ноғора мусиқа асбобларга, далварзин шохмати ва заргарлик санъатида, будда ибодатхонасининг муқаммал хайкаллари билан 1998 йил Японияда, 1995 йил Парижда Будда маънавиятини тарғиб этган ҳудуд. Сурхондарё ҳудудида Кушон империясининг шаклланишида 5 та сиёсий хонадон, Хиюми, Шуанми, Гуйшуан (Кушон), Хайтун хонадонлари бирлашмасидан шаклланган. Сурхондарёнинг маркази Термиз шаҳрининг қадимий номлари, Тарамастха, Тарамета (Бақтрча “нариги соҳилдаги манзил”), Тарамата, Тарамат, Тами, Тармит, Дирмат, Тармиз, Термиз, IV-VI асрлардаги арман манбаларида Драмат, Дармат, VII аср Хитой манбаларида “Тами”, XIV аср Хитой манбасида Тармиз, Тирмиз. Сурхондарёнинг қадимий археологик манбалари Дарбанд, Айритом, Қоратепе, Дунётепа, Чингизтепа, Кампиртепа, Зартепа, Хайтободтепа, Далварзинтепа, Чағонруд, Холчаён, Шўртепа, Оққўрғон, Зўрмўла. Сурхондарё милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг сўнгги II-I асрларда Тохаристон ҳудудига Юэчжилар даврида Хитой сайёҳи Сюан Цзян 639-645 йилларда, “Дами (Термиз) шаҳрини муҳофаа деворларининг узунлигини 10 километр (20 ли), Чағониён муҳофаа деворларининг узунлиги 5 километр (10 ли)” деб изоҳлаган.

Сурхондарё VIII асрда Араб халифалиги сиёсий таъсирида. VIII-IX асрларда Шеробод воҳасида Куфтан ёки Гуфтан мулклигига асос солинган. Сурхондарё IX-XIII асрларда Араб, Эрон ва бошқа хориж тарихчиларнинг манбаларида ўзининг тарихий тақдирини сақлаб қолган. Сурхондарё ҳақида таниқли араб тарихчилар Ибн Хурдодбех (820-813 йй), “Термиз дарё ёқасида жойлашиб, деворларни Амударё суви юриб турадиган қоя устида жойлашган” деб эътироф этади.

Тарихчи йирик олимлар қомусий билим эгаси Абу Жаъфар Муҳаммад Ибн Жарил Ат-Табарий “Тарих ар-расул вал-мулк” (Пайғамбарлар подшолар тарихи,) IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи ярмида яшаган Ал Истахрий “Масолик ал-мамалик” (Мамлакатларга олиб бориладиган йўллар ҳақида), Абу Бакр Ал Муқаддасий “Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим” (“Иқлимларни ўрганиш учун яхши қўлланма”), сайёҳ географ Ибн Хавқал “Китоб ул масолик”, “Китоб суръат ал-ард” (“Ернинг шакли”) китобларида Термиз ва Чағониёнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида маълумот берган.

Ҳасан ал Амир 865 йилда Термиз шаҳрига келиб, ҳозирги Султон Саодат сайидлар сулоласига асос солди. Термиз Жаъфар ал-Муссавий, Зиё ул-Мулк, Аъло ул-Мулк, Сайид Бурхониддин, Сайид Бараканинг маънавий-диний таълимоти маркази. Термиз ва Чағониён X-XII асрларда Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар сиёсий таъсирида бўлган. X-XII асрларда Термиз шаҳрининг умумий майдони 500 гектар бўлган, Чағониён шаҳрининг маркази 6 кв.км тенг бўлган. Термизий буюк аллома Ҳаким ат Термизий I-X асрларда яшаб, 205 хижрий йилда (820 мелодий йил) туғилган. “Асрор ас-салот” (“нома сирлари”), “Асрор ас савм” (“Рўза сирлари”), “Асрор ал Хаж” (“Ҳаж сирлари”), “Наврўзнома” (“Солнома”) асарлари билан танилган, 400 дан ортиқ қимматли китоблари билан танилган.

Варроқ ат-Термизий (вафот йили сифатида 907 йил (хижрий 294 йил)) Варроқ сўзи арабча “вароқ”сўзидан олинган. “Китоб ал-Ихлос”, “Китоб ал хуруф”, “Китоб ал-ажаб” каби китоблар билан танилган. Абу Исо ат Термизий хижрий 209 йил, (мелодий 824 йил) Шеробод туманидаги Чуқурқўл кишлоғида туғилган. Ҳадис илмининг таниқли вакили “Ал жомеъ ас-Саҳийх” (“Ишончли тўплам”), “Аш-Шамойил ан-Набавий” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”), “Асмо ас-Саҳоба” (Пайғамбар суҳбатдошларининг исмлари). IX-XIII асрларга оид Чағониён амирлари Тохир Чағоний, Мухтож Чағоний, Фахр уж-Давла, Ал Чағоний, Наср Чағоний, Абу Мансур Чағоний, Абул Хорис Чағоний, Музаффар Чағоний. XI-XIII асрларга оид Чағониёнинг ижод – адабиёт намоёндалари, Абу Бакр ас-Сағоний, Муҳаммад ас-Сағоний, Устурлобий ас-Сағониё, Аҳмад ас-Саломий, Муҳаммад ал-Искофий, Тохарий, Маъруфий, Дақикий, Лабибий, Фаррухий. Термиз Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” китобида “Мадинат ур-рижол” (“Мардлар шаҳри”) Чингизхонга қаттиқ қаршилик кўрсатгани учун тарихий ном олган. Термиз сайёҳ ва элчи Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” китобида, “Термиз шаҳри чиройли иморатлар ва бозорлари кўп бўлган йирик шаҳар, гўшт-сут жуда сероб” деб баҳоланган. Термиз ва Чағониён Амир Темурнинг иқтисодий ва сиёсий жихатдан қўллаб-қувватлаган шаҳар бўлиб, 1370 йилда Амир Темур Термиз яқинидаги Биё

қишлоғида Амир деб эълон қилиниб, унга “Соҳиб-ул-қирон” яъни юлдузлар султони унвони берилган.

Испания элчиси Руи Гонсалес Де Клавихо Самарқандга Амир Темур ҳузурига бораётганда 1404 йил Термиз шаҳрида бўлиб, “Термиз жуда катта ва аҳолиси зич, унда ташқи девор муҳофаа истехкомлари йўқ, боғлар ва анхорлар кўп шаҳар” деб таърифланган. Сурхон воҳаси XVI асрда Шайбоний Саид Муҳаммад Султоннинг сиёсий таъсирида бўлган. XVII асрда йирик тарихчи Муҳаммад Ибн Вали “Бахр ул-асрор фи маноқиб ал-аҳёр” асарида Термизни тўртинчи иқлимга киритиб, Солихобод қишлоғи ҳақида тарихий маълумот қолдирган. Сурхон воҳаси XVIII асрнинг ўрталарида 1757 йил Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхон томонидан истило қилиб, Сурхон воҳаси Бухоро амирлигига бўйсундирилиб, 1758 йилда Шеробод ва Денов, 1868 йилда Бойсун бекликлари ташкил топди. 1885-1886 йилларда Бухоро амирлиги сиёсатида қарши Денов ва Шеробод бекликларида халқ қўзғолони кўтарилди. XIX асрда Сурхон воҳаси адабий муҳитида Хожа Самандар Ибн Бақо Термизий, Абдуллоҳ Термизий, Тақий Термизий, Сўфи Оллоёр, Мунтахойи Бойсуний ўзларининг ижоди билан танилди. Термиз шаҳри 1893 йил 15 январдаги Россия-Бухоро шартномаси асосида Россия подшоҳига “совға сифатида инъом” этилди. 1894 йил 24 июлда Россияни сиқуви билан Термизда Божхона тизими ташкил этилди. 1894 йил 12 декабрда Паттакесар-Термизга Россияни 31- Амударё ҳарбий чегара қушинлари жойлаштирилди. 1900 йил Россияни сиёсий таъсири билан Термиз ҳудудидан 10,514 десятинадан иборат ер майдони Бухоро амирини розилги билан бепул фойдаланишга берилди. Россияни иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий мақсадлари учун 1916 йил 14 июлда Когон-Термиз темир йули қуриб ишга туширилди.

Сурхондарёда биринчи касалхона 1924 йили Термиз шаҳрида, 1925 йили туманларда касалхоналар иш бошлаб, 1924 йилда Сурхондарёда соғлиқни-сақлаш бўлими ташкил топди. Сурхондарё округида 1926 йил 29 сентябрда Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Паттакесар, Сариосиё, Шеробод туманлари ташкил топди. 1926 йил Шеробод пахта тозалаш заводи ишга туширилди. 1925 йил Термиз-Душанбе темир йули қуриб ишга туширилди. 1927 йили Термиз шаҳрида элетросстанцияси қуриб ишга туширилди. Сурхон воҳаси учун муҳим аҳамиятга эга. Самарқанд-Китоб-Шаҳрисабз, Қарши-Дарбанд-Бойсун-Сариосиё, Термиз-Денов-Душанбе почта алоқа йиллари қуриб ишга туширилди.

Ўзбекистон ҳукумати 1927 йил 23 июлдаги қарори билан Сурхондарё округининг маъмурий маркази Шеробод шаҳридан Термиз шаҳрига кўчирилди. Ўзбекистон ҳукумати қарори билан 1933 йил 8 январда Паттакесар тумани Термиз тумани деб ўзгартирилди.

Сурхондарё вилояти аҳолиси 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши даврида мардлик, жасарат кўрсатиб, ҳаёт-мамот жангларида 50365 нафар сурхон воҳаси ўғлонлари, фашизмга қарши урушларда иштирок этиб мардлик намунасини кўрсатдилар. Ўзбекистон ҳукумати 1968 йил 25 декабр қарори билан Музрабод тумани тузилди. 1975 йил Қизирик, 1977 йил 5 мартда Қумқўрғон туманлари ташкил топди.

Сурхондарёда 1966-1968 йилларда Термиз-Қўрғонтепа-Душанбе темир йули қуриб ишга туширилди. 1969 йили Тошкент-Термиз-Душанбе автомобиль йўли қайта қурилди. 1969 йилли Термиз-Тошкент, Термиз-Душанбе, Термиз-Самарқанд, Термиз-Қарши ҳаво йўллари очилди. 1978 йилда Шўрчи ун комбинати ишга тушди. 1957 йил 165 минг кубометрли Учқизил сув омбори қуриб ишга туширилди. Ўрта Осиёда энг йирик сув омбори ҳисобланган жанубий Сурхон сув омбори ишга тушурилди. 1966-1973 йилларди икки босқичли Шеробод сув магистрал канали ишга туширилди.

Сурхондарё вилояти мустақиллик йилларида. Сурхондарё вилояти мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳада улкан ютуқларга эришиб, аҳолининг турмуш тарзи ва маданияти ҳар томонлама юксалди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 25-августда Термиз давлат университетига ташриф буюрган пайтида Сурхондарё этнографиясига алоҳида эътибор бериб, **“Сурхондарё – этнографик макон”** деб, воҳа аҳолисининг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари ва маросимларини илмий-амалий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида 2007 йил “XXI аср мўжизаси” ҳисобланган 223 км. ли Тошғузсар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли ишга туширилиши натижасида Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятлари яратилди. Вилоятда мустақиллик йилларида тадбиркорлик ва бизнес ҳамда кўшма корхоналар қурилишига алоҳида эътибор берилиб, “Сурхон” ун, “Шингдонг-Спининг-Термез”, “Ўзтекст-Термиз”, “Сурхонтекст”, “Сурхон-Термиз-Силк”, Деновда тадбиркор “Меҳнат қахрамони” А.Нарзуллаевнинг “Лочин”, тадбиркор Тохир Қуллиев “Сурхон агрохизмат”, тадбиркор Пўлат Алпомишов “Турон”, “Алп Пўлат”, тадбиркор Р.Тоғаев “Рамз”, шунингдек, “Намаф”, “Афруз”, Шерободда “Умид”, “Орзу”, Сариосиёда “Мукамал”, Қизирикда “Баракат”, Деновда “Эрк”, Бойсунда “Ибн Сино” каби кўшма корхоналар фаолият олиб бормоқда. Сурхондарё вилоятида 1997 йил ноябрда Ховдак конидан йод олиш йўлга қўйилиб Республика тиббиётига муносиб ҳисса қўшилди. 1999 йил апрелда Сурхондарё вилоятида “Жарқўрғоннефт” акциядорлик жамияти ташкил этилиб, нефт-газ қазиб олиш жадал ривожланди. Сурхон воҳаси ўзининг меҳнаткаш, ишбилармон, тадбиркор, инсонпарвар инсонлари билан дунёга танилганлигини ҳурматли президентимиз И.А.Каримов қуйидагича қайд этган эди. “Сурхон халқининг ўзлиги, иймон, эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармайди” деган фикрлари халқимизнинг муносиб фарзандларини дунёга танилиб меҳнатининг қадрланишига олиб келди. Жумладан Сурхондарё вилояти мустақиллик йилларида ўзининг муносиб Ўзбекистон қахрамонлари И.Файзуллаев, Р.Мухаммадиев, А.Нарзуллаев, Ҳ.Маҳкамов, И.Баҳромов, Ю.Зиёевлар билан фахрланади.

Сурхондарё вилоятдан фан-техника тараққиётига ҳисса қўшган дунёга танилган олимлар этишиб чиқиб, Н.Тўраев, А.Х. Бобоҳўжаев, Қ.Шодмонов, М.Эркаев, А.Рўзиёв, Х.Раҳмонқулов, Ш.Қаландаров, Ш.Саматов,

Ж.Омонтурдиев, Ж.Эсонов, Б.Қодиров, Ш.Хуррамов, З.Мирзаев, Ч.Жумаев, С.Турсунов, Ж.Тошпўлатов, М.Мирсобиров, И.Аллаков, Э.Тўраев, М.Ҳайдаров, Ҳ.Эгамбердиев, Д.Кулмаматов, Х.Тўраев, Қ.Мадартов, П.Бакиров, А.Дўстбоев, З.Зунинов, Ч.Нормуродов, Ш.Жўраев, О.Ҳайитов, А.Абдуллаев, М.Аликулов, Ҳ.Кичкилов, Қ.Авлиёқулов, Б.Тиловов, И.Ботиров, Ю.Валикулов, Н.Орипов, Н.Сариев, М.Саидов, Э.Абдуллаев, П.Исмоилов, Э.Бозоров, И.Эсонқулов, Э.Қобилов, Т.Пардаев, Т.Аннаев, Ш.Шайдуллаев, А.Тўхтаев, А.Сатторов, Р.Аликулов, А.Қурбонов, Ҳ.Холмуминов, О.Ҳатамов, Э.Авазов, Р.Алимардонов, Х.Худойбердиев, Ф.Арсланова, Р.Мустафоқулов, С.Рахимов, А.Кулмаматов, А.Эшонқулова, Н.Тўраева, М.Норбошева, М.Файзуллаева, Х.Дустёров, Б.Имомов, Ш.Очилдиев, Н.Панжиев, П.Хушбоқов, Б.Рахимов, Б.Муртозаев, З.Холиқов, Ў.Исматовлар шулар жумласидандир.

Сурхондарё вилояти тиббиёт соҳасида ўзининг таниқли шифокорлари билан эл-юрт хизматидан обрў-эътибор топган фидойи инсонлардан Ю.Салонава, С.Сариева, Ғ.Мамедов, К.Хасанов, Е.Землянова, В.Рўзиева, Ш.Шокиржонов, Ш.Раупов, Т.Бердиев, Х.Зокиров, М.Холматов, Р.Пинаев, З.Усмонов, Н.Кудинова, И.Ғуломов, Т.Яресько, Э.Махмудов, Х.Раҳмонов, Б.Сатторов, М.Чубарова, А.Қурбонгелдиев, Г.Чориева, О.Тўлакова, Қ.Икромов, А.Дўстбоев, Б.Қурбонов, Ч.Жўраев, Р.Мардонов, Б.Бўронов, Б.Сатторов, С.Ахмедов, У.Мисиров, Н.Бердиёров, П.Омонов, А.Соатов, Б.Беккамовлар билан фахрланади. Сурхон воҳасида миллий ва маънавий кадриятларни янада юксалтириш ва ёш авлод онгига сингдириш масаласида, улкан тадбирлар ўтказилиб, 1999 йил 6 ноябрда “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги ўтказилиб, республика Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан “Халқ бахшиси” унвони таъсис этилиб, унга биринчи бўлиб, Шоберди Бахши Болтаев сазавор бўлди. 2001 йил Бойсун маданияти ЮНЕСКО томонидан “Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси” деб эълон қилиниб, “Бойсун баҳори” халқаро очик фольклор фестивали ташкил этилди. 2002 йилнинг 2 апрелда Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи ЮНЕСКО ҳамкорлигида нишонланди.

Сурхон воҳаси Алпомиш алплар ватани бўлиб, ўзбек миллий курашининг дунёга танилишига ҳисса қўшган воҳа ҳисобланиб, 1993 йил апрелдан буён “Ал-Ҳаким ат-Термизий” соврини учун Халқаро миллий кураш мусобақаси ўтказилиб келмоқда. 1997 йил Тоштемир Муҳаммадев, 1999 йил Маҳматқул Махмудов, 2003 йилдан буён Абдулла Тангриев ушбу совриннинг мутлоқ ғолиблари сифатида воҳамиз обрў-эътиборини ҳимоя қилмоқда. Вилоятимизда карате спорти бўйича 12 марта республика чемпиони А.Қаландаров 1992 йил Исроил ва Эронда 1997 йил Истамбул, Лондонда, 1999 йил Австралияда мутлоқ жаҳон чемпиони бўлди.

Сурхондарё вилояти Маннон Уйғун номидаги мусиқали драма театри 1957 йил қайта ташкил этилди. Театр сахналарида “Гулсара”, “Ота рози”, “Муҳҳабат”, “Алпомиш”, “Қайдасан”, “Олтин девор”, “Осмонсиз уй” каби асарлар сахналаштирилди. Сурхондарё бахшилар ва шоир-ёзувчилар юрти бўлиб, Шерна бахши, Умир бахши, Холёр юзбоши, Ш.Бойқул, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Чорша бахши, Б.Маматмурод, Р.Маматмурод, Х.Мардонақулов,

Ш.Болтаев, А.Поёнов, Илҳом каби бахшилари, Р.Узоқова, Т.Сайдалиев, А.Чош, Н.Хайиткул, Ш.Холмирзаев, Т.Мурод, М.Сафаров, И.Отакул, У.Азим, С.Сайид, Э.Аъзам, Э.Шукур, Т.Турдиев, Ш.Раҳматуллаев, Н.Парда, Б.Содиқов, Б.Ёриев, М.Азимов, Ж.Эргашева, Г.Саидмаликов, М.Абулфайзов, Ч.Жумакулов, Ш.Саломов каби адиблари билан дунёга танилди.

Сурхондарё ўзининг театр обрўйини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими М.Равшанов, Ўзбекистон халқ артистлари Х.Бобохонова, Г.Равшанова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар М.Маҳмудова, Т.Эргашев, А.Нарзуллаев, С.Муқимов, Р.Маматалиев, Х.Орипов, М.Шарипов, З.Боқиева, Й.Мирқурбонов, М.Маҳмудова, Ўзбекистон халқ артисти М.Намозов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар С.Қосимова, Х.Раҳимова, Л.Аҳмедова, таниқли саъноткадорлар А.Турсунов, Н.Алланазоров, Ш.Қурбонова, Х.Тўлаевлар ва “Шалола”, “Булбулгўё”, “Қунғирот”, “Қуролай” болалар фольклор, “Райхон”, “Жайхун”, “Кумуштола”, “Лола”, “Навнихол”, “Шодиёна”, “Райхон”, “Роҳат” каби фольклор этнографик ансамбиллари халқ дасталари билан фахрланади.

Сурхон воҳаси ўзининг мўйқалам соҳиблари бўлган Р.Чориев, Т.Кўзиев, С.Аҳмедова, А.Амонтурдиев, Х.Хасанов, Т.Ўроқов, Х.Турсунов, О.Югай, Д.Йўлдошев, Ш.Йўлдошевларнинг асарлари билан дунёга танилиб, рассомлик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда..

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИ.

Ўзбек халқининг қадимий аجدодлари жуда қадим даврларидан бошлаб табиий шароитга мослашиб ўзига хос хўжалик-маданий типларини яратганлар. Бу ҳолат маҳаллий этносларнинг шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўрқазиб келган. Чунки табиий шароитнинг таъсири ва белгиларини этник маданиятнинг барча соҳаларида, ишлаб чиқариш воситаларидан, айниқса меҳнат қуролларида бошлаб маиший турмуш буюмлари ва ҳатто элатларнинг номларигача сезиш мумкин. Ўзбекларнинг кўп қиррали қишлоқ хўжалиги асрлар оша тўпланган анъанавий тажрибага таянади. Сурхон воҳасининг ҳозирги ҳудуди табиий географик шароитига қараб учта қишлоқ хўжалиги

зонасига бўлинади: тоғли ва тоғ олди зонаси, суғорма ерлар зонаси ва дашт-ййлов ерлардан иборат зона.

Сурхондарёдаги Бойсун тоғлари

Суғорма дехқончилик хўжаликлари асосан дарёлардан сув чиқадиган ҳудудларда жойлашган. Баҳори экинлар тоғ этаги минтақасида экилган. Экин ерларининг ишлатилишига қараб иккала хўжаликларда ҳам зироатчиликнинг ҳар хил усуллари қуриқ, партов ёки бўз ва дам берилган шудгор ва пайкалли ерларга бир хил экиш қўлланилган. Кўп жойларда қурилиш материаллари етказиш мақсадида зироатчилик дарахт кўчатлари ўтқозиш билан бирга олиб борилган. Махсус ажратилган ерларга тол, терак, кайрағоч экилиб бир неча йиллардан кейин улар қурилишга ишлатилган. Одатда оилада ўғил фарзанд туғилса унга атаб махсус қурилиш материали бўладиган дарахт ушбу кўчатлар экилиб у вояга етгунча теракзорга айланиб кетган.

Суғориладиган ерлар яна экин турларига қараб, дала ёки очик. ерларга, боғдорчилик ҳамда полизчилик ерларига бўлинган.

Суғорма дехқончилик ниҳоятда катта меҳнат натижасида амалга ошган. Йирик суғориш иншоотларини қуриш ва уларни мунтазам равишда ўз вақтида тозалаш ва таъмирлаш ишлари катта маблағларни, жуда кўп кишиларнинг уюшган куч-ғайратини талаб қилган. Бундай харажатлар ва оғир меҳнат даставвал кенг заҳматкаш аҳоли зиммасига юкланган ва асрий жамоачилик анъаналари асосида бошқарилган.

Тўпаланг дарё ирмоғи

Минг йиллар давомида тўпланган бой тажриба маҳаллий аҳолининг мураккаб зироатчилик ва сув хўжалиги тартиби ҳамда техникасини яратиш ва уни ташкил қилиш шунингдек амалда жорий этиш йулида муайян анъанани юзага келтирган эди. Ўтган асрда бундай ишларнинг жонли гувоҳи бўлган бир муаллиф ўз мулоҳазаларини қуйидагича изоҳлайди: «Ўрта Осиёнинг ҳар қайси қишлоғидаги ирригация тизими сув орқали ҳаммага ҳаёт бағишлаши билан қон томири тизимига тамомила ўхшаб кетади. Турмушда сув ана шундай эҳтиёт қилинган. Сув бор жойда бойлик, экинзорлар, полизлар, боғ-роғлар, бир неча чақирим узоклашсангиз қақраб ётган дашти биёбон».

Ўзбекистонда табиий-географик шароит турлича бўлиши туфайли хилма-хил сунъий суғориш усулларида фойдаланилган Соё оқаваси, ҳавза ва ҳовузларда сув тўплаш, чиғириклар орқали чуқурдан сув чиқариш, канал ва ариқлар қозиш йули билан сув келтириш қадимдан сақланиб келган. Ариқ ва каналларга дарёлардан сақа орқали сув чиқариш усули жуда кенг тарқалган. Бу нисбатан қулай ва ишончли усул бўлса-да, асли ниҳоятда мураккаб ва сермеҳнат ҳисобланган. Магистрал каналлар воҳадаги ерларни суғориш учун қазилиб, дарё қирғоқларининг ҳолатига қараб унинг ўнг ва чап соҳилидан қазиб чиқарилган. Мазкур каналлардан шохобчалар, сўнгра улардан майда суғориш тармоқлари ажралиб чиққан.

Катта-кичик каналлар ва ариқларга оддий тўғонлар қуриш йўли билан дарёлардан сув чиқариш техникаси кенг тарқалган. Шох-шабба, ажриқ ўтлар, кесак-тошлардан махсус қорабура ёки банд ясашиб дарёнинг секин оқаيدиган жойларига ташланиб турон қилинган. Баъзан бундай туронлар мураккаб ирригация иншоотини ҳосил қилган. Қорабуранинг йўғонлиги баъзан бир неча метр, узунлиги эса бир неча ўн метр қилиб тайёрланган

Сурхон воҳасида ерга ишлов бериш ўрта асрлар даражасида бўлиб, дехқончиликнинг асосий меҳнат қуроллари бир жуфт хўкиз кўшиб ишлатиладиган қадимги ёғоч сўқа омочдан иборат эди. Археологик ва этнографик маълумотларидан шу нарса маълум бўладики, ХХ асрнинг бошида зироатчилик асбобларининг аксарияти, яъни ерга ишлов берадиган, ер ҳайдайдиган ва экин ўрадиган мосламалар такомиллаштирилмаган ва ўзгармай қолган эди. Ерни ҳайдашда ёғочдан ясалган омоч ишлатилган. Омоч бўйинтуруқ ва тирқиш билан хўкизларга кўшилган. Омоч уч қисмдан иборат бўлган,

Бойсун тумани Работ қишлоғида қўш ҳайдаш жараёни

Ҳайдалган ердаги кесакларни эзиш, ерни текислаш ҳамда уруғ сепилгандан сўнг устидан тупроқ тортиш учун мола ишлатилган. Моланинг икки хил тури мавжуд бўлган; бири катта, узунлиги 3-3,5м, кўп йиллик тут ёки ўрик ёғочидан ясалган (йўғон танали тут ёки унинг танаси пойтеша билан йўнилган), Моланинг эни 40-60 см бўлган, Молани хўкизлар тортган, Хўкизларни бир киши етаклаган, мола устида доим бир одам ўтирган. Мола аксарият лалмикор ерларда, қатқалоқ, ва ҳашакли ерларда ишлатилган, Баҳорги экинлар экиладиган ерларда мола ўрнида шох - шаббали кичик дарахт танаси ишлатилган. Мола ясашга имкони бўлмаган камбағаллар омочнинг шотисидан мола сифатида фойдаланишган. Моланинг кичиги 2-2,5 м чамаси бўлган, буни қўш хўкиз, от ёки туя тортган.

Олтинсой туманида Омоч билан ер ҳайдаш

Сурхон воҳасида қадимдан ишлатилиб келаётган ер юмшатгич воситаси белкурақдир. Бу асбоб темирдан ясалган бўлиб, ишлатувчининг хоҳишига қараб, махсус қулоқ. Қулоқ ўнг ёки чап томонида бўлган. Баъзи хонадонларда икки тепкили қулоқ ишланган бел бўлган. Белкурақ ерни қовлаш, аравага гўнг ёки тупроқ ортиш, ариқ қазиш ва пахса девор қуришда қўлланилган. Белнинг узунлиги 25-27 см, эни 20-23 см атрофида бўлган. Дастасининг узунлиги 1,3-1,5 метрни ташкил этган. Лой ишларида белдан фарқлироқ лойни кесишга қулай ва енгил бўлган капча ишлатилган.

Қадимда дехқончиликда ишлатиладиган қурол кетмон бўлиб, воҳа зироатчилари учун ҳам бу қуролнинг хизмати катта бўлган. Боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик ва ғаллачиликда умуман, ер ишларида кетмон ишлатилган. Кетмонлар ҳам шакли ва ҳажмига қараб бир-биридаи фарқланган.

Эни 30-32 см, узунлиги 25-27 см бўлган кетмонлар тупроқ ишларида, айникса, жўяк олиш, уват кўтариш, ер текислашда кўпроқ, ишлатилган. Ҳажми кичик кетмонлар эса ўсимликларнинг тагини юмшатиш ва чопиқ қилишда кенг қўлланилган. Кетмон сопи ҳам тол дарахтдан тайёрланган. Воҳа деҳқонлари ердан кўпроқ ҳосил олиш учун унга сифатли ишлов беришган. Тадбиркор бойлар кузда ерни бир-икки марта қўш билан ҳайдашган. Мола босиш, сув тараш ва маҳаллий ўғитларни бериш ишлари ҳам тажрибали деҳқонлар маслаҳати билан амалга оширилган. Алмашлаб экиш ҳам деҳқончиликда асосий ўринда турган. Ўсимликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, бирининг ўрнига иккинчисини экишган. Албатта, бу жараёнда фаслнинг қандай келиши ва тупроқнинг хусусияти ҳам ҳисобга олинган.

Бойсун туманидаги Хомкон қишлоғида буғдойни галвирлаш жараёни

Ўрта Осиёдаги барча халқлар сингари Сурхон воҳаси деҳқонлари ҳам донли экинларни кўпроқ экилган. Кузда ҳайдалган ерларга буғдой, арпа экилган. Уруғ қўл билан сепилган ва устидан мола тортилган. Дон экилган тўқай ерлар асосан, майса униб чиқгач, бошоқ олиш олдидан ва дон ҳамирга айланганидан сўнг 2-3 марта суғорилган.

Пишган донли экинлар ўроқ билан ўрилган. Ўроқлар ишловчининг талабига кўра катта-кичик қилиб ясалган. Ёш ўспиринлар, қизлар, аёллар кичик ва енгил ўроқларни ишлатишган. Махсус ўроқчиларнинг ўроғи солварли, тиғли қисми узун ва энли бўлган. Маҳаллий ўроқлар деярли бир хил, факат катта-кичиклиги ва тиғининг шакли билан фаркланган. Сурхон ўроғи ўзига хос шакли ва тишининг майдалиги билан ажралиб туради.

Бойсун туманидаги Қамчибулоқ қишлоғида буғдойни сомондан ажратиш жараёни

Деҳқончиликда воҳа аҳолиси лалмикор майдонларда кўпроқ қовун, тарвуз эккан. Суғориладиган ерларда эса ошқовоқ (кади), бодринг етиштирилган. XX асрнинг бошларидан эътиборан эса воҳада картошка, редиска, карам, помидор, бақлажон каби экинлар ҳам экила бошлаган.

Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятларининг қовунлари сингари Сурхондарё қовунлари ҳам ўзининг хушбуйлиги, ширинлиги билан машҳур бўлган. Шунингдек, Бандихон, Истара, Гилямбоб, Боботоғ, Бешқўтон қовун-тарвузлари, Шеробод, Жарқўрғон, Денов сабзию, шолғомлари, Дашнобод анорлари, Бойсун, Хонжизза, Сангардак олхўрию олмалари, Мачай, Кенгтала, Шалқон писталари, Олтинсой узумлари қўшни шаҳарлар бозорларининг кўрки бўлган.

Олтинсой туманининг Жобу қишлоғида узум териш жараёни

Воҳа зироатчилари «оқ пиёз» ва «қизил пиёз»ни мунтазам равишда экиб келишган. Эрта баҳорда ерга қадаладиган бошкўкпиёз жуда кўп истеъмолда бўлган, Муштуми, мирзойи каби сабзи навлари серҳосил бўлгани учун ҳам воҳада кенг тарқалган.

Сурхон воҳаси деҳқончилик маданияти билан боғлиқ анъаналар ниҳоятда кўп ва турли туман бўлиб, деҳқончилик баҳорги дала ишлари асосида янги йил- кўешнинг балиқ (хут) буржидан қўй (хамал) юлдузлар туркумига ўтган вақтдан, яъни 21 мартдан бошланиб 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олган. Наврўз арафасида деҳқонлар омов-бўйинтуруқлар, ер ҳайдайдиган молларни тайёрлаб, баҳорги экинлар учун сара донларни жаратиб қўйганлар. Деҳқонлар байрами Наврўз кунинда катта байрамлар ташкил этилиб, ер ҳайдашни душанба ва чоршанба кунлари ҳосиятла кун сифатида амалга оширган. Сурхон воҳасида ерни кундуз кунини бўлса шимолга, кечаси бўлса жанубга қаратиб қўй билан ҳайдаганлар. Ер ҳайдашдан олдин кийимлар ва тана пок ҳолда бўлиб, серҳосил мўл дон ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларга эга бўлиш учун хўкиз, қўй ва хўроз сўйиб қурбонлик қилганлар. Сурхон воҳаси суъний суғоришга асосланганлиги учун Наврўзгача ариқлар тозаланиб, хашарчилар лойқа қолдиқларни, сувни йўлини тўсиб турган бошқа жисмларни ариқ ва каналлардан олиб тозалашган. Энг муҳими сувни мунтазам бўлиши учун хашарчиларга маҳалла аҳолиси пул тўплаб, пулга садақа учун, «жонлик», яъни қўй, эчки сотиб олиб, қурбонлик қилганлар. Шеробод, Қизирик, Бандихон, Бойсун, Узун, Олтинсой ҳудудларида ўтказилган тадқиқотлар жараёнида Ҳазрати Сулаймонга, Ҳазрати Деҳқон бобога атаб махсус қурбонликлар қилганлар ҳамда омовни далага чиқариш мақсадида «ис» чиқариб руҳларни шод қилганлар. Ер ҳайдаш учун қиш ойларида махсус боқилган хўкиз ёки сигирларни омовга қушишдан олдин, ҳайвонларни шохларига «ис» ёғидан суртиб, ҳосил мўл, тўкин сочинлик бўлсин деб дуо қилишганлар. Сурхонга хос бўлган хусусиятлардан бири дала бошига Деҳқон бобо тимсолида қишлоқнинг энг кекса нуроний қишиси тоза тана, оқ қўйлак, оқ иштон ҳамда оқ белбоғ билан далага дастлаб ер ҳайдашни бошлаб, донни далага сепиб берган.

Деҳқончилик илми қадимги авлод-аждодаларимиздан мерос сифатида бизга етиб келиб, жаннатмакон Боғи Эрам ҳақида афсона, эртак, ривоятлар яратилган. Боғи Эрам шохлар зодагонларга йилнинг 12 ойи давомида шириндан шакар мевалар дастурхонига етказиб беришган.

Буюк саркарда Александр Македонский қадимги Сурхон воҳаси узумзорларига, узумдан тайёрланган мусалласга, меваларни рангги, хушбўй ҳидларига қойил қолган. Воҳанинг узум тоқларининг хилма-хил навларининг яратилиши, ширин шакар меваларни узоқ муддат сақлаш хусусиятлари экинларга ерни тайёрлаш ҳамда уруғ сепиш, ниҳол экиш маданияти минг йиллик тарихга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Зироатчилик тарихига эътибор берсак қадимги Рим ёзувчиси ва олими Плинийнинг ўзининг «Ўттиз етти китобдан иборат табиий тарих» асарида юнонлар илдиз меваларга

алоҳида эътибор билан қараб, юнон эҳромларининг бирида олтиндан ишланган турп, кумушдан лавлаги ва қалайдан шолғом тасвирлаганлигини қайд этади. Қадимги юнон ёзувчиси Никандир карамни илоҳий ўсимлик сифатида тасвирлаган бўлса, файласуф Пифагор карамни кишиларга тетиклик ва қувноклик, осойишталик бағишлайди деб такидлайди. Авестода эса пиёз, саримсоқ, шолғом сиҳат- саломатликни тикловчи ҳамда киши танасига куч қувват бағишлайдиган, кўплаб касалликларга даво, эркаклик иқтидорини кучайтирувчи, тиш ва миликларни даволовчи дори сифатида қайд этилган. Қадимги авлод-аждодларимиз боғ яратишда тупроқ ҳосилдорлигига алоҳида эътибор бериб, дарахтларни экишдан олдин боғлар учун жой танлашган, деҳқон дарахт экиш учун жой танлашда қуйидагиларга эътибор берган. Ёмғир ёққанда ер ёрилмаса, ерда турли хил гиёҳлар гуркираб ўсса, рангги қора ёки сарикқа мойил тупроққа бир неча бармоқ чуқурликда нам бўлган ҳолатда, тупроқни қўл билан сиққанда юмалоқ бўлиб қолса, бармоқ учи билан нуқиганда уқаланиб кетса бундай тупроқлар ҳосилдор тупроқлар бўлган. Қадимги боғбонлар тупроқ бир-бирига ёпишмаса, ёки ортиқча ёпишиб кетса, одам ва ҳайвонлар оёғига тупроқ илашиб қолса, бундай тупроқларни кам ҳосилли сифатсиз тупроқ деб белгилаган. Шунингдек, боғбонлар боғ майдонларга ёмғир ёғишини алоҳида кузатишиб, қайси ҳолатда ёмғир ёғишини олдиндан билганлар. Масалан, чумчуқни дарахт устида сайраши, ой чиқаётган пайтда қизилга мойил бўлиши, қуёш чиқаётганда уни булут парчалари ўраб олиши, қуёш ботаётганда унинг чап томонда қора булутларнинг кўп йиғилиши, товуқни ҳа деб ўзини титкилайвериши, жимиб кетиши, думларини узун ва тўғри қилган ҳолда ғарб томонга қараб туриши, бўриларнинг қишлоқларга кўп аралаши ёмғир ёғишидан даалолат берган. Янги боғлар яратишда кўчатлар асосан, қадимда асосан куз вақтида, биринчи ёмғир ёғиши даврида экилган. Кейин эса совуқ тушган пайтида дарахтлар экилган. Куз пайтида экилган дарахтнинг катта томирлари ва майда томирлари сероб бўлган. Дарахтлар асосан кундуз куни экилган, сабаби дарахтнинг бўйи ўсиб кетмаган ҳамда меваси кўп бўлган. Ойнинг ёруғида ёки ой ер юзида пайдо бўлган вақтда экилган дарахтларнинг бўйи ўсиб кетиб, ҳосили кам бўлган. Дарахт экиш учун танланган ерни биринчи куни бир қарич чуқурликда кавлашиб, иккинчи кунида бир қаричдан кавланган, бу жараён тўрт марта такрорланган. Чунки, биринчи, иккинчи кунлар кавланган жараёнида тупроқнинг таркиби, шўрланиш жараёни, сувни шимиб олиш ҳолати ўрганиб олинган. Ер ва тупроқдаги амаллар экин экиш учун тупроқни серҳосиллигини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ёмғир ёққандан кейин нам ер остида қанча кўп туришига қараб ер кучли ва кучсиз эканлигини аниқлаш бўйича катта тажрибалар амалга оширилган. Шунингдек, уруғларни танлаш, кўчатларни соғломини экиш ва кўчат ўтқозиш масаласидаги тажрибалар асрлар оша такомиллашиб борган. Кўчатларни эккандан кейин 2 йил унга пўлат асбоб ускуналар теккизилмаган ва кўчат 2 ёшга етмагунча бошқа жойга кўчирилмаган. Катта дарахтларни кўчиришда жой кенглиги 3 газ миқдорда чуқур кавланиб, дарахтнинг томирлари ерда судралиб синмаслиги учун кесиб қўйилган. Кўчирилаётган дарахт олдинги жойида турганда шоҳлари шарқ томонга қараган бўлса кўчирилганда ҳам шарққа,

ғарбга томон қараган бўлса, ғарб томонга қўйиб экилган. Кўчирилган дарахтнинг баландлигига қараб шамол қимирлатиб юбормаслиги учун 3 томонга тирговуч қўйилган. Агар дарахт томирини кавлаб, очиб томирларини каптар гўнгни билан бўялса мевалар ҳосилдор бўлади. Дарахт учун ўрдак гўнгнидан ташқари ҳамма гўнглар фойдали бўлиб, паррандалар ичида кабутарнинг гўнгни энг яхшисир. Дарахтлар учун қўй ва эчкининг гўнгни жуда қувватли ва таъсирли бўлиб, олти арава қўй ва эчки гўнгни 9 арава от гўнгнига тенг бўлган. Қўй ва эчки гўнглари асосан қаттиқ ва совуқ бўлган тупроқларга берилиши, от гўнгни эса куруқ тортмайдиган тупроқларга, мол гўнгни эса куруқ ва иссиқ тупроқларга, сувни кўп ичадиган жойларга солиниши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, гўнг бўлмаган жойларда ариқ ва зовур тупроқлари чириган қамишлар, хашак, барг, эски уйларнинг томидаги тупроқлар, эски ва нураган деворларнинг тупроғи, кўчаларнинг чанг тупроқлари, ахлатлар, уйдан чиққан куллар, палос, либосларнинг парчалари, суяклар, чириган меваларни тўплаб улардан аёло “нури” ҳосил қилиб уни тупроққа бериш мақсадга мувофиқ. Дарахтларни экишда қадимги анъаналарга эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ток экиш учун аввало ер бир тирсак чуқур кавланиб, чуқурдан олинган тупроқ махсус идишга солиниб, уни сув билан чайқатиб, сув тингунча қўйиб қўйилади. Агар сувнинг ҳиди ва таъми асли ҳолда қолса ер яхши ҳисобланиб ток экилган. Ток етти даража иссиқ ва ўртача иқлимли ерларни хохлаб, ток асосан хут ойининг охири, яъни лайлак келадиган вақтда экилади. Токни ўтқозиш учун энг яхши вақт сув кам бўлган куз фаслидир. Деҳқончиликда беҳи дарахти кўпроқ куруқ ерга экилган, яъни, ер намли бўлмаган ерларга беҳи дарахти экилган. Олма дарахти баҳор ва куз фаслида экилиб, анзур пиёзини олма дарахтининг томири остига қўйиб экилса, қурт тушишидан омон сақлайди. Олмани олхўри дарахтига пайванд қилинса олманинг ранги кизил бўлади. Аммо, ёнғоқни бошқа дарахтларга пайванд қилиб бўлмайди. Шафтоли олхўрига, нок ва олмани ҳар уччовига пайванд қилиш мумкин. Агар анжирнинг ер остига бўлган томирига қисқароқ бирор нарса ёзиб қўйилса мева қилгач ўша ёзув мевасида пайдо бўлади. Дарахтларни мол ўти билан бўяб қўйилса барча офатлардан саломат бўлади. Деҳқончилик маданиятида дарахтларни экиш, кўкартириш ва ҳосилни йиғиб олиш жараёнида катта меҳнат талаб қилиниб, ҳозирги даврда халқимизнинг озиқ-овқатга бўлган талаб эҳтиёжларини қондиришда боғдорчилик муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз ва ўтмиш авлод-аждодаларимиз томонидан синаб кўрилган тажрибаларга таянишимиз долзарб масаладир.

Ўзбек халқи деҳқончилик соҳасида катта тажрибага эга бўлиб, қадим даврдан ҳозиргача деҳқончиликни ривожлантириш жараёнида боғдорчиликка алоҳида эътибор бериб, мева етиштириш бўйича авлодларга хос бой тажрибани келажак авлодга тақдим этмоқда. Таниқли адиб Абдулла Қодирийнинг **“Мозийга қайтиб иш кўрмоқ, хайрлидир”** – деган фикрига алоҳида эътибор бериб, деҳқончилик маданияти тажрибаларига асосланиб, янги-янги мева навларини яратиб, боғдорчилик соҳасида дунё тан оладиган мактаб яратдилар. Боғонларимиз экилган дарахтни кўкариб чиқишини, барг ёзишини, гуллашини, ҳосил беришини умид ва ишонч билан кутган. Боғларга алоҳида

меҳр билан қараган. Ҳар қандай инс-жинсларни яқинлаштирмаслик учун урф-одатларга қатъий амал қилган. Дарахтларни экишдан олдин Дехқонбобо, Хизирбобо, Боғбонбобо каби илоҳий кучларга садақалар бериб, эккан дарахтини мевасини насиб қилишни, тўй ва яхши кунларда, байрамларда одамларга тақдим қилишни ният қилганлар. **Шунинг учун боғга қадам қўйган дехқон тоза кийим, тоза тана, тоза дил ва фикр билан кириб келган.** Шу ҳаракати туфайли мевали дарахтларни ўсишига, ширин шарбат мевалар беришига, меваларни хашаротлар, қурт-кумурсқалар ва бало-офатлардан сақлаш учун Яратгандан илтижо қилиб сўрашган. Фарзандларига, неваралар, кўни-кўшнилари ва қариндош-уруғларга мевали дарахтларни ўстириш, кўчат қилиш, ҳосилни сақлаш ҳақида, нафсни сақлаш, очкўзлик, хасислик, бахилликни оқибатлари, уни боғ ва мевага таъсири ҳақида фикр-мулоҳазалар берган.

Донишманддан сўрадилар:

“Дарднинг келиши нимадандир?” - “Баднафсликдандир” .

Яна сўрадилар:

“Дарднинг келиши нимадандир?” “Давоси недур?” - “Нафсни тийишдир” .

Ҳар қандай касалликни мева ва шарбат билан даволаш мумкинлиги, мева ва шарбат давосидан қочиш инсонни ўлимга олиб келиши мумкинлигини тафаккур эгаси Юсуфий қуйидагича таъкидлаган: “Даволанишдан қочиш – ўлимга йўл очиш”. Ҳар қандай касаллик инсоннинг эътиборсизлиги туфайли келади. Уни даволашни йўли меваларда жамлашгандир, мевани истеъмол қилиш инсон танасига қувват, руҳига мадад беради деб Жалолиддин Румий қуйидагича изоҳлаган эди: “Дард ботмонлаб келиб, мисқоллаб кетади” .

Боғбонларга бағрикенг бўлиш, меваларни саҳий йўл билан мурувват қилиб одамларга бериш, ортиқча меваларни очларга, муҳтожларга бериш орқали савоб олиш, боғга фэйз-барака бериши ҳақида “Ҳадис” илмида қуйидаги фикр келтирилган: “Очларни тўйғизингиз, беморлар ҳолини сўрангиз ва асоратга тушиб қолганларни озод айлангиз”. Боғларимизда халқимизнинг дили ва меҳрида, тарихи ва афсоналарида, ижод ва дostonларида, табиб ва тиббиёт илмида алоҳида эътиборга сазовор бўлган анос дарахти ва меваси ҳақида кўплаб ҳикматли сўзлар мавжуд. Анос дарахтини экиш, парваришlash, кўчатини ўтқизиш, ҳосил олиш, сақлаш, истеъмол қилиш ва инсон соғлиги учун фойдаланиш бўйича мавжуд тажрибалар асосида қуйидаги фикрни тақдим этишни мақсадга мувофиқ . Тажрибалардан келиб чиққан ҳолда анос ўтқизиш учун энг яхши ер қуруқ ва нами кам бўлиши зарур, чунки анос дарахти заиф бўлиб, қишда совуқ тез таъсир қилади. Шунинг учун совуқдан омон қолдириш мақсадида ошқовоқнинг баргалари ва қуриган шохлари билан қадимда авлодларимиз совуқдан анос дарахтини асраганлар. Боғдорчилик тажрибасида анос дарахти билан ток дарахти ўртасида муҳаббат бўлиб, бу дарахтлар яқин экилса ҳосили сероб бўлиши боғбонларимиз томонидан асослаб берилган. Анос мевасини қизил рангдор бўлиши учун ҳаммом қулини сув билан аралаштириб бир неча кун томирига оз-оздан қуйиб туриш зарур. Анос экилаётганда чуқур атрофига тош териб қўйилса, томири олдида анзур пиёзи экилса ёки шохлари чуқур ичига тушиб турадиган қилиниб, бошини пастга қилиб экилса аноси

ёрилмайди. Анор ниҳолини бир газ миқдорда ёриб тана ичидаги мағзини олиб, анор танасини ёпиштириб лух билан ёки камиш билан боғлаб, бўлмаса вақтинча латта билан боғлаб тоза лой ва янги гунг билан суваб ёрилган жой ер юзасидан 3 бармоқ чиқиб турадиган қилиб экилса ва кўклагандан кейин ёриқ устидаги қисми кесиб ташланиб, сув бериб парвариш қилинса мева қилгач анор мевасининг уруғи бўлмайди. Агар аччиқ анорнинг тагини очиб, унинг томирларига чўчқанинг гўнги солинса ва одам сийдиги қўйилса унинг анори ширин бўлади. Боғдорчилик тажрибаси асосида анор ниҳолини тўрт хил усул билан кўпайтириш мумкин: 1.Донидан, аммо катта бўлиши узоққа чўзилади; 2.Унинг кесилган шохларидан экилади ва парвариш қилинади. Аммо бу ҳам секин ўсади; 3.Дарахт тагидан ўсиб чиққан ортиқча шохлардан олиб экилади. Буни тез ўсувчи бўлади. Лекин кам ҳосил беради; 4.Анорнинг танасидаги шохни бири эгиб кўмилади. Буни тизза дейилади, бу усул барча усулдан яхши бўлиб, анор кўп ҳосил беради. Баҳорда анорларни новдалари бутланиб, унинг шохлари кесилиб, кўчат учун ерга кўмилади. Кўкарган кўчатлар икки йилгача олинмай учинчи йилда кўчат сифатида қайта экилади. Анор дарахтининг ораси 6-7 кадам бўлиши, атрофида ҳеч қандай сояли мевали дарахт бўлмаслиги шарт. Анор қизил кийим ва қизил нарсадан узоқ бўлиши керак. Анор жигар иллатларига ғоят фойдали, шодлик бағишлайди, шарбати ташналикни даф этади.

Боғдорчилик тажрибалари натижасида узоқ асрлар давомида анор навларини яратиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган натижаларга эришилиб, иқлим, тупроқ шароитига мос турлари яратилди. Ҳозирги вақтда анорни уч хил нави мавжуд. Булар: Аччиқ; Майхуш; Ширин навлари бўлиб, улар ўзининг ширинлиги, сифати, узоқ сақланиши билан бир-биридан фарқ қилиб шифобахшлилиги билан ажралиб туради. Аччиқ анор 3 хил навга эга:

1. “Қайинийи асл ва аъло” бўлиб, катта-катта, қизил, ялтироқ ҳамда доналари сувли ва йирик бўлади. Тергандан кейин териси тез юмшайди.
2. “Қайинийи паст” (“Паст қайин”) бўлиб, юқоридагига нисбатан кичикроқ, териси оқишроқ, доналари майдароқ, ўзи эса нордон ва кам сувроқ бўлади.
3. “Қизилбоший” бўлиб, унча катта бўлмайди, териси қизил, йўғон тожли бўлади. Майхуш анор ҳам 3 хил навга эга: 1.Энг аъло – “Қубодиёний асал” (Асл Қубодиён) бўлиб, анорларнинг тожи бўлиб, доналари йирик, сувли, ширин. Нафис териси қизил, кўк ва оққа мойилдир. 2.Кўк терилиги бўлиб, териси қалин, қаттиқ бўлиб, териси кечроқ бужмаяди ва баҳоргача сақланади. 3.“Нори сурх” (“Қизил анор”) – унчалик катта бўлмайди, ранги чиройли, таъми жуда ширин, тез ҳазм бўлади. Яхши пишша доналари йирик ва сувли. Қизилдан қорага мойилроқ. Кўп ёрилмайди ва узоқ сақланади. Ширин анор 2 навга бўлинади: 1.“Бузруги сурхина” (“Катта қизғиши”) – асл қайин анорга ўхшаб териси қизил, донаси қизил, сувли, йирик бўлади. 2.Кичик, сувсиз, териси оққа мойил, унча кадрли эмас.

Анорга Ҳамал ойида қайта ишланиб, Савр ойида кўпроқ ишлов бериш зарур. Анор тагидан ўсиб чиққан эркак шохлар ўткир арра билан кесиб ташланиб, анор тагидаги шохлар қолмаслиги керак. Жавзо ойида сув кўпроқ берилиб, ҳосилни олиш ва сақлаб қолишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Анорга Саратон ойида камида тўрт марта сув бериб, гиёҳлар қуриши даврида анор танасидан ўсиб чиққан шохлар кесиб олинади. Дарахт кам танали бўлса, ўсиб чиққан шохлардан кўчат учун сақлаб қолинади. Асад ойи охирида анор дарахтига қайти ишлов берилиб, дарахт танаси атрофи ағдарилиб, икки-уч кун қолдирилиб, кейин сув берилади. Орадан бир ҳафта ўтгач яна анорга сув берилади. Сув берилгач орадан маълум вақт ўтиб ер қуригач, анор дарахти атрофи ағдарилиб юмшатилади. Дарахт атрофидан ўсиб чиққан ўсимликлар юлиб ташланиб, ер бир ҳафтагача ағдарилган ҳолда туради. Мезон ойида тўрт марта анорга сув берилиб, анор пишиш арафасида сув бериш тўхтатилади. Кейинги сув бериш анор ҳосилини ёрилишига олиб келади. Анор дарахти ҳосилларини дарахт танасига оғирлик қилмаслиги учун тирговичлар бериш зарур. Чунки ушбу тирговичлар орқали дарахт танаси синмайди ҳамда ҳосил ривожланишига фойдаси тегади. Анор ҳосилини шохлар тагига, барглар орасига ҳамда қоғоз, юпқа сурп латтлар билан боғлаб қўйилса, қуёш иссиғидан ҳамда шабнам сувларидан сақлайди. Ушбу йўл билан анорларнинг кўп ёрилиши ва ортиқча нобуд бўлишидан сақлайди. Анор дарахти ҳосилдан бўшагач уни тезда буталаб, шохлар орасидан қуриб қолган ёки эркаги деб аталган йўғон новдалар кесиб ташланади. Анор дарахтига от порийсини солиш мақсадга мувофиқ, бу анорни хушранг қилади. Анор дарахтига ит тезаги, кул, нажосат, суяк, жун, майда чармларни тупроққа қўшиб аралаштириб анорга солинса, серҳосил ва хушранг бўлади. Умуман анор табиий ўғитларни яхши кўрадиган дарахт ҳисобланиб, у ўн даражагача совуққа чидайди. Анор дарахти яхши парваришланиб, совуқ ва иссиқдан асраб, ўз вақтида парвариш қилинса уч юз йилгача умр кўради. Боғдорчиликда қўлга кириилган ютуқлар асосида анорни инсон танасига қувват, шифо бериш даврлар давомида ўз исботини топиб, тиббиёт соҳасига алоҳида хизмат қилиб келаётган мевали дарахтдир. Анорнинг шифобахш хусусиятлари тўрт минг йиллик тарихга эга бўлиб, уни қуйидаги мисоллар орқали билиш мумкин: **Анор** – нордон анор шарбати – совуқ, қуруқ ва латифдир, кўнгил айнишини қайтаради. **Анор гули** – милк қонашига яхши янчилгани шифо бўлади. Эски яраларни битиради, дабба касалини тузатади (қайнатиб ичилади). Қимирлаган тишларни мустаҳкамлайди. Қайнатмаси ичилса, қон оқишини тўхтатади. Ични қотиради, бачадон оқмасидан қон кетиш ва ичак яраларини тузатади. Анор гули ва уруғини қайнатиб ичса ҳам ичак яраси даволанади. **Анор** – 1) уруғи талқони асал қўшиб, кулоқ, бурун яраларига суртилса фойда қилади. 2) анор сувига шароб қўшиб ишлатилса кулоқ орқаси шишига фойда қилади (суртиш). 3) кундузи кўрмай қолса, ширин ва аччиқ анор сувини тенг қўшиб, озроқ шароб қўшиб, қуёшга 7 кун қўйилса, оз-оздан ичилса фойда қилади. Анор гули ва пўстлоғини қўшиб баробар туйиб дамламасини 5 кун 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда қилади, қон кетишини тўхтатади. Ҳомиладор аёллар анор тановул қилиши керак. Анорга ялпизни қўшиб еса, маъда бақувват бўлади. Анорга ҳар куни турп уруғини товуқ тухумининг сариғи билан қўшиб еса, маъдага куч беради ва шаҳват (эрлик) кучини оширади ва балғамни ҳайдайди.

Ток ер юзидаги энг қадимги гулли ўсимликлар жумласига кириб, бу ўсимлик ҳозир қуриб кетган Цицитес деган ўсимликлар туркумига кирилади.

И.В.Палибенинг маълумотларига қараганда бу туркумдаги баъзи тур ўсимликларнинг қолдиклари Қозоғистонда бўлиб ўтган устки бўр давридаги чўкиндиладан ҳам топилган, чунончи, Чўтқа кўл, Эспе-сай, бўйларида, Қаратовда (Қизил жар), шунингдек, Урал тоғининг ғарбий томонида ва жанубида, кулден темир дарёси (Эмбанинг ирмоғи) бўйларида учрайди. Шунингдек, ток дастлаб ўлчамли даврда Европа ва Шарқий Осиё ҳали биридан океанлар билан ажралиб турмай туташ бўлганида токнинг бир тури тарқалган. У вақтда арктикада илиқ тропик иқлим эди. Музлик даврида Арктикадаги токларнинг бир қисми қуриди, бир қисми эса, жануброққа силжиб, Шимолий Америка ва Шарқий Осиёда музлик у қадар силжимади. Шу сабабли бу ерларда токнинг қадимги турлари то ҳозирги кунгача сақланган. Ток вита виңферанинг кейинги ўнинчи гуруҳларидандир. турли туман ўсиш шароитида, юз минглаб йиллар даврида токнинг ҳозирги ҳар хил маданий навлари вужудга келди. П.А.Барановнинг маълумотларига қараганда, токнинг дастабки аждодлари яхши ривожланмаган, улар серкуёш ерларда ўсган.

Таниқли ботаник олим А.М.Негруль ток дастлаб Ғарбий Осиёда, асосан Касбий ва Қора денгизларининг жанубидаги ҳудудларда, Закавказье, Ўрта ва Кичик Осиёда Сурия, Мессопотамия, Эрон ва Арабистонда экила бошлаган деб ҳисобланади. Тахминан 5-7 минг йил илгари Сурия, Мессопотамия ва Мисрда ток экишни билганлар. Жуда кўп археологик қазилмаларда, қабрларда топилган узум уруғлари, узум боши, ток тупи ва токзорларнинг тасвири, шунингдек, сақланиб қолган хат ва тасвирий суратлар буни исботлайди.

Тахминан 3 минг йил илгари Грецияда, Ўрта денгиз бўйларида, Римда ток ўсган, кейинроқ Марказий Европага ҳам тарқалган.

Профессор И.В.Палабиннинг фикрича, Ўзбекистонда ток Ғарбий Европа мамлакатларидаги каби жуда қадим замонлардан бошлаб эволюция даврини босиб ўтган, жанубий ҳудудларимиз ток экиладиган ва узумдан вино тайёрлайдиган энг қадимги марказлар бўлган, дейишга тўла асос бўла олади.

Юнонлар Ўрта Осиёда токчилик ва вино ишларининг анча ривожланганлигини ўз кўзлари билан кўрганлар. Қадимги юнон географи Страбон ўзининг машҳур “География” деган китобида ҳозирги Тукманистоннинг жануби-ғарбий қисмига кирадиган жойлар ҳақида ёзади: “Маргинада баъзан занги йўғон шундай токлар учрайдики, унга икки кишининг қулочи зўрға етади, узум бошлари икки тирсак узунликда бўлади дейдилар. Ария Маргинага чегарадош Бактрияда ҳам олхўридан бошқа ҳамма меваларни етиштирилади”. Зарафшон водийсида ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидаги каби, ток Александр Македонскийнинг ҳарбий юришларидан анча илгарироқ мавжуд бўлган. Юнонлар босиб олганидан кейин ҳам токчилик ва виночилик янада ривожланди, чунки вино юнонларнинг маишатида, тирикчилигида катта аҳамиятга эга эди.

Эрамиздан аввалги II асрда Ўрта Осиёнинг жуда кўп ҳудудларида бўлган Хитой элчиси Фағонада ва унинг ғарбида жойлашган ҳамма

мамлакатларда винони жуда яхши кўришларини, ток ўстиришларини, бадавлат кишилар жуда кўп миқдорда вино ғамлаб кўйишларини ва инолар бир неча ўн йиллар мобайнида бузилмай сақланишини айтади.

Мусаллас ичиш араблар Ўрта Осиёга бостириб келгунига қадар, яъни эрамизнинг VII-VIII асрларигача чекланмаган ва таъқиқланмаган эди вашунингдек, вино бу ерда ҳукм сурган зардуштий динининг маросимларида, айниқса, кўп ичиларди. VIII аср охирларигача Ўрта Осиёда токчилик виночилик жуда ривожланган эди.

Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши (VII-VIII асрлар) токчиликка жиддий ўзгаришлар киритди. Халқаро алоқанинг ўсиши билан Арабистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа шарқ мамлакатларидан токнинг янги навлари келитирилди. Ток аввалги асрларга қараганда кенгрок тарқарқалди; у суғориб деҳқончилик қиладиган воҳаларнинг ҳаммасига ёйилди. Токчилик, айниқса, Шош(ҳозирги Тошкент), вилояти, Фарғона, Осрушон (Ўратепа), Кеш ва Насафда (Ҳозирги Қашқадарё вилояти) яхши ривожланди.

Зарафшон дарёсининг водийсидаги кенг майдонларга токзорлар барпо қилинган эди. IX аср географлари Амударёнинг ўнг ва чап қирғоғидаги водийда, шунингдек, Хоразм воҳасида ток болигини кўрсатиб ўтадилар. У вақтларда ҳамма товарлар туяларда ташилар эди. шунинг учун халқаро савдода узум билан савдо қилиб бўлмас, лекин вилоятларнинг ичида узум билан қизғин савдо қилинар эди. Майиз эса узоқ мамлакатларга олиб бориб сотилган. Масалан, Хоразм воҳасидан Фарбга, Эронга, Волгага, булғорлар мамлакатига, эҳтимол, ҳатто славянлар мамлакатига олиб борганлар. Бошқа мамлакатларга шинни, яъни араб географларининг таърифича “куёш асали” ҳам олиб борганлар. Мўғуллар Ўрта Осиёни забт этиб (XIII аср бошлари) босиб олган ерларни вайронага айлантирди, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари тушкунликка тушди. бироқ, XV асрда Ўрта Осиёнинг асосий ҳудудларида токчилик тикланганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Кейинроқ Ўрта Осиёда феодал давлатлар (Хива, Кўкон, Бухоро давлатлари) ташкил топган ва ислом дини кенг тарқалган вақтда виночиликка ва уни истеъмол қилишга қарши қаттиқ ва шавқатсиз кураш олиб борилди. Махсус кишилар ислом дини белгилаган ҳамма қоида ва урф-одатларга риоя қилинишини назорат қилиб турар эдилар, уларнинг асосий вазифаларидан бири вино истеъмол қилинишига қарши кураш эди. Винобоп навлар йўқола борган: улар кундаков қилиниб, ўрнига бошқа навлар экилган ёки қарамай кўйилган. Ургутда Бахтиёрий, Ўратепада Обаки ва шунинг каби ширали винобоп навларигина сақланиб қолган. Ўзбеклар ҳақида шундай дейдилар:” Қачон ичкимиз келса, биз шу узумларни еймиз”. бу навлардан узум шираси -шинни тайёрлашда ҳам фойдаланилган.

Рус қўшинлари Ўрта Осиёни забт этганларида бу ерда улар узум бошларининг катталиги в чиройлилиги жиҳатдан ҳали учратилмаган хўраки навларини, ширадор майизларнинг жуда кўп тайёрланишини ва кенг истеъмол қилинишини кўрдилар. Виночилик савдо-сотикнинг кенгайиши асосида ривожлана борди ҳамда вино ишловчиларга ва вино сотувчиларга

катта даромад келтирди. шу сабабли Туркистон ўлкасида виночилик заводларининг сони тез ўсди. масалан, 1888 йилдан бошлаб бешта ароқ ва коньяк заводи, 1903 йилда эса, 23 та вино заводи ишлай бошлади. Красноводскни Тошкент билан боғлайдиган темир йўлнинг курилиши ҳамда Тошкент –Оренбург темир йўлининг ишга тушиши Ўрта Осиёнинг тоқзор худудларидан маҳсулотларни Россиянинг марказий бозорларига олиб бориш имкониятини берди.

Туркистонда боғдорчиликни ва тоқчиликни ривожлантиришда Р.Р.Шредернинг роли жуда катта. 1911 йилда тоқчилик в виночиликнинг Туркистон комитети тузилди. бу ташкилот тоқзорларни филлоксерадан сақлашда, ўлкада кенг тарқалган (Оидиум) касаллигига қарши тоқларга олтингугурт чанглашни тарғиб қилишда, мева дарахтлари, тоқ ва сабзаёт ўсимликлари кўчатзорларини барпо қилишда, кўрғазмалар уюштиришда ҳамда Туркистон виноларини ўрганиш ва уларнинг оддийлигига қарши курашишда ижобий роль ўйнайди.Ўзбек халқи тоқ ўстиришни яхши кўради, уни билади ва жуда қадрлайди. Миришкор дехқонлар орасида узумдан мўл ҳосил олаётган ва ўз тажрибасини бошқа тоқчиларга ўргатаётган соҳибкор жуда кўп.

Табиатда тоқ тоқсимонлар оиласига кирувчи лионалар туркумига мансуб ўсимликдир.Табиатда тоқсимонларнинг 11 туркуми мавжуд бўлиб, улар ўз ичида 600 га яқин турга ажралади. Ҳар бир тур турли шароитга мослашиб, морфологик тузилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Улар орасида баланд дарахтларга чирмашиб, ер бағирлаб ёки бутага ўхшаб тик ўсадиган турларидан ҳам учратиш мумкин. Тоқ шу тарзда иқлим ва тупроқ шароитида мослашган.

Тоқсимонлар оиласига кирадиган Витас узумлар туркуми халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлиб, уни 70 тури жаҳонда кенг тарқалган. Витас туркуми ўсишига қараб, Европа, Осиё, Шарқий Осиё, Шимолий Америка гуруҳларига ажралади. Европа осие гуруҳига биргина Витас Винифера тури киради. бу турга эрма, ярим ёввойи турлар киради. Унинг ватани Ўрта ва Кичик Осиё, Кавказорти, Шимолий Америка ҳамда Ўрта денгиз ва Касбий денгизи худудларидир. Олимлар миришкор боғбонлар билан ҳамкорликда кўплаб хўраки, майизбоп, винобоп узум навларини етиштирдилар. Ўрта Осиёда етиштирилган Ҳусайни, Нимранг, Чарос, Ҳасайни, Келин бармоқ, Нажими, Октябрь, Чарос мускати, Ўзбекистон мускати каби узум навлари дунёга машҳурдир.

Тоқнинг тузилиши ва ривожланиши. Тоқ-кўп йиллик ўсимлик. Узум уруғидан кўпайтирилганда, биринчи йилиёқ ўқ илдиз чиқара бошлайди ва кеч ҳосилга киради. Қаламчасидан кўпайтирилганда, бир йиллик кўчатларда қаламчанинг пастки уч қисмида асосий илдиз, юқорироқда ён илдиз, тупроқ юзасига яқинроқ қисмида “шудринг терувчи” илдизлар униб чиқади. Тажрибада шу нарса аниқландики, суғориладиган бўз тупроқли ерларда тоқ илдиз системасининг асосий қисми 50 см чуқурликда жойлашади, айримларининг илдизи 4 метр чуқурликкача киради. Тошлоқ ва сизот сувлари юза жойлашган ерларда тоқ чуқур илдиз отмайди. Таниқли боғбон

Д.И.Баулининг таъкидлашича, бўз тупроқли ерларда ҳосилга кирган оқ кишмиш навининг илдизи 3-4 метр атрофига ва 5-6 метр чуқурликкача киради. Ҳар йили кузда ток оралари 25-27 см чуқурликда юмшатилиб, ёз давомида ҳам юмшатилиб турилиши туфайли тупроқ қатламнинг остида зич қатлам-товон ҳосил бўлади. Тупроқнинг 25-30 мм қатлами махсус юмшатиб ўғитланса, суғорилганда ана шу қатламга нам силжийди ва илдизлари бу қатламдан ҳам кўпроқ озик олади.

Ток илдизи қуйидаги қисмлардан таркиб топади: бўлиниш зонаси-илдиз учи, узунлиги бир неча мм бўлиб, сариқ тусли қаттиқ ғилоф билан қопланган; ўсиш зонаси узунлиги 1-2 см бўлиб, илдиз тукчалари билан қалин қопланган. тукчаларнинг ташқи тўқимасида эпидермис хужайралари ҳосил бўлади. тукчаларнинг пўстлоғида кутикула йўқ. шунинг учун минерал моддалар сув билан пўстлоқдан хужайраларга осонгина ўтади.

Токнинг ер устки қисми. бир яшар ток кўчати суғолиладиган ерга экилганда, новдаси бир мавсумда 3-4 метргача ўсади, 2-4 яшар токларнинг новдалари 8 метргача етиши мумкин. Айниқса суғориладиган ерларда дарахтларга чирмашиб ўсадиган ток новдари юқорига қараб тез ўсади. **Токнинг йиллик ривожланиш даврлари.** Йил давомида ток икки давр - тинчлик ва ўсиш даврларини ўтайди. Токнинг ўсиш даври 6 даврдан иборат. Биринчи давр-тоқда шира юриша бошлагандан куртаклар бўртиб очилгунча; иккинчи давр –куртаклар очила бошлагандан шўралар гуллагунча; учинчи давр- ток гулга киргандан гуллаб бўлгунча; тўртинчи давр- гуллаш охридан ғужумлар пиша бошлагунча; бешинчи давр- узум пиша бошлагандан ҳосил тўла етилгунча; олтинчи давр эса барглар тўкилгунча давом этади. **Сурхондарё вилоятида** Хўраки навлар: Сурхон китоб, Қора кишмиш, Пушти кишмиш, Оқ кишмиш, Оқ ҳусайни, Гузал қора, Қора жанжал, Нимранг, Пушти тойфи, октябр, Термиз зонаси учун: Каттакўрғон, Султоний; Винобоп навлар: Пушти мускати, Венгер мускати, Алнатика, Рислинг, Ркацители, саперави, Баян ширей каби навлари мавжуд. Ўзбекистоннинг иклими мўтадил. Қишда айрим туманларда совуқ 30-35 даражага етади. Ёзда иссиқ 40 С даражадан ошади. Узум етиштириш учун қулай шароит март ойидан бошлаб, октябр, ноябр ойигача давом этади.

Ўзбекистоннинг ҳамма туманларида ҳам март - апрел ойларида қора совуқ бўлиб туради. Баъзан бу совуқда токнинг бўртиб қолган куртак ҳамда навлари зарарланади. Ҳатто, уларни совуқ уради. Куз ойларида ҳам баъзан кун иссиқ бўлиб, кўкқисдан совуқ тушади.

Мирзачўл ва Фарғона водийси, Каттакўрғон, Қарши ҳамда Шўрчи туманлари худди оч тусли бўз тупроқдан ташкил топган. бу тупроқнинг таркибида озик моддалар жуда кам (чиринди 1-1,5, азот 0,05-0,1 %) бўлади. Республикамининг Тошкент ва Самарқанд вилоятлари Фарғона водийсининг Наманган, Фарғона, Олтиариқ, Янгиқўрғон ва Андижон туманлари, Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариосиё туманлари, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг кўпгина туманлари ерлари типик бўз тупроқдан иборат. Бу хил тупроқларнинг таркибида озик моддалар кўпроқ (чиринди 1,5-2, азот 0,1-0,2%) бўлади ва шу жиҳати билан улар оч тусли

бўз тупроқлардан фарқланади. Республикаимизнинг 50 фоиздан кўпроқ ерларида хлор, сульфат каби ўсимлик учун зарарли ҳисобланган тузлар мавжуд. Узумзор барпо қилиш учун органик ва минерал моддаларга бой, ҳавони яхши ўтказадиган, шўрланмаган, ботқоқланмаган, ёзда сув билан тўла таъминланиб турадиган, бўз тупроқли ерлар қулай ҳисобланади. Лекин қуёш ва қаттиқ қиздириши, мунтазам суғориш, ишлов бериш натижасида кулранг бўз ва шўр типдаги бошқа тупроқларнинг структураси йил сайин бузилиб боради. Бундан ташқари, тупроқдаги гумус, азот, фосфор ва калий моддалари кўп йиллик ўсимлик билан токнинг бу озик моддаларга бўлган ыалабини тўлиқ қондира олмайди.

Қаламча тайёрлаш ва уни сақлаш. Ток кўчатлари асосан қаламчадан кўпайтирилади. Ток қаламчадан осон кўпаяди ва бунда ўзининг биологик хусусиятларини тўлиқ сақлаб қолади. Ток кўчатлари уруғидан ҳам кўпайтирилади, лекин уруғидан кўпайтириш усули фақат янги ток навларини етиштиришда қўлланилади. Қаламчалар яхши чиниқиб пишган, касалланмаган, эзилмаган, маълум йўғонликдаги новдалардан олинади. Қаламчаларнинг узунлиги икки хил -55-60 ёки 110-12 смдан қилиб қирқиш мумкин. Ҳар бир қаламчадан камида бештадан бўғин бўлиши шарт. Кузда тайёрланган қаламчалар махсус чуқурларга кўмилади. Бу чуқурлар сув тўпланмайдиган, сизот суви чуқур жойлашган, ботқоқланмаган, шўр босмаган, қуёш нури кун бўйи қиздирмайдиган ерда чуқурлиги 60-70 см, кенглиги 1,5-2 метр ва узунлиги қаламчалар ҳажмига мос қилиб қазилади.

Кўчатзор учун ер ва уни тайёрлаш. Ток қаламчаси экиладиган ер сув билан таъминланиб турадиган, бегона ўтлардан тоза, унумдор, катта йўлга яқинроқ бўлиши керак. **Қаламчаларни экиш.** Ток қаламчалари республиканинг кўпгина вилоятларида март-апрел ойларида экилади. Тоғли ва ер қатламлари музламайдиган ва қишда қор қалин тушадиган зоналарда октябр- ноябр ойларида экса бўлади. Баҳорда 25-30 сантиметрлик тупроқ қатламидаги ҳарорат 10 даражага етганда экилган қаламчалар яхши етилади. **Токзор учун жой танлаш.** Ток 60-80 йил ва ундан ҳам кўпроқ яшайди ва ҳосилга киргандан бошлаб ҳар йили ҳосил беради. Токзор узоқ йиллар мўл ҳосил бериши учун даставвал узумзор барпо қилинадиган майдон унумдор бўлиши керак. Ток кумлоқ, тошлоқ, бўз ва шунга ўхшаш тупроқли зоналарда яхши ўсади ва мўл ҳосил беради. **Узумзор барпо қилинадиган ерларни бўлиб чиқиш.** Узумзор барпо қилинадиган режа асосида кварталларга, кварталлар карта ва карталарга бўлиб чиқилади. **Ерларни ток кўчатлари экишга тайёрлаш.** Катта майдонларни текислашда бульдозер, скрепер, грейдер ва тракторлар волокушкаларидан фойдаланилади. Сизот сувлар юза жойлашган участкаларнинг четидан 3-4 метр чуқурликда зовур қазилади. Ер текислангач, 60-70 см чуқурликда ҳайдалади. **Шўрхоқ ерларни кўчат экишга тайёрлаш.** Ток ўсимлиги бошқа меваларга нисбатан тупроқ шўрига анчагина чидамли. Аммо ток ўтказиладиган ернинг умумий тузлилиги 0,1-0,2 фоиз ёки энг зарарли ҳисобланган хлорион тузи 0,02-0,03 фоиздан кўп бўлмаслиги керак. Узумзор қатор ораларига биринчи йили полиз экинлари ёки чопиқ қилинадиган экинлар

экиш ҳам мумкин. Экин қаторлари тоқ тупларидан ғ,5 метр узоқликда бўлиши керак. Ўсиш даврида узумзор қатор оралари трактор культиватори билан 4-6 марта, қўл билан 2-3 марта юмшатилади. Қатқалоқ пайдо бўлишига, бегона ўтларнинг ривожланишига йўл қўйилмаслик керак. Тоқ кўчатлари ўтказилган дастлабки йилда унинг илдиз системаси унча яхши ривожланмаган бўлади. Шу сабабли узумзорни тез-тез суғориб туриш зарур. Тоқ Ўзбекистон шароитида **симбағаз, ишком, икки томонли симбағаз, (сўриток) сўри** ҳолида ва **ербағирлатиб** ўстирилади.

Сурхондарё воҳасининг тоғ олди туманлари ва дарё қирғоқларига яқин жойларида табиий иқлим қулайлиги туфайли боғдорчилик ва узумчилик анча ривожланган. Қишлоқдаги томорқаларда 20-40 туп тоқ 5-10 туп мевали дарахтлар мавжуд бўлган. Тоқлар сувни кам ичганлиги сабабли, бошқа мевали дарахтлардан ажратиб экилган. Шаҳар жойлардаги ҳовлиларда дарахт ва тоқлар сони 2-4 тупдан ошиб кетмаган. Дарахтлар тагидаги ер бўш ётмаслиги учун беда экилган. Чунки бошқа экинлардан фарқли равишда беда сояда ҳам ўсаверган. Воҳанинг Бойсун, Шеробод, Денов каби бекликлари ҳудудларида тут дарахтлари ҳам парвариш қилинган. Жойларда балхитут, шотут, марварид тутларни кўпроқ учратиш мумкин бўлган. Шунингдек, олманинг эрта пишар ва кузги пишар, новлари, нокнинг гулоби, ношвоти каби турлари ҳовлиларда парваришланган Денов, Юрчи, Миршоди, Шеробод бозорларида узумнинг чарос, кора киштиш, хусайни, маска, султони, шакарак каби турларини, қовуннинг хандалак, кўкча, бухори, кўккалаваш, бўрикалла, зарифтолли, тарвузнинг олатарвуз, қоратарвуз, чиннитарвуз, қирққунлик тарвуз, олманинг кизил олма, оқ, олма, нок олма, трамойи олма сингари турларини учратиш мумкин .

СУРХОН ВОҲАСИГА ХОС ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАЛАР ВА МАРОСИМЛАР.

Ўзбеклар қадим даврлардан чорвачилик билан шуғулланиб келганлар. Аммо ўтроқ аҳоли билан ярим ўтроқ аҳоли орасида турли хилдаги чорва хўжалиги мавжуд бўлган. Халқ орасида тарқалган турли афсона ва ривоятларда қўй жаннатдан келтирилган, деб ҳикоя қилинади. Ҳозиргача чўпонлар ўзининг рисоласи ва пирига эга. Уларнинг пири Чўпон ота ҳисобланиб, чўпон бўлиш худонинг марҳамати, шунинг учун у жуда ҳурматли касб деб қаралган.

Бойсун тумани Беишапа қишлоғи. Қўй соғиш жараёни

Сурхон воҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар чорвадорлар табиат қонунларига эътиқот билан қараганлиги, чўпон янги йилни 16 мартдан бошлаб кутиб олиш ҳамда худди шу кундан бошлаб ер исиб ўсимликлар кўкариб молни ризқ-насибаси мўл бўлишни ният қилганлар. Шеробод, Музробот, Ангор, Жарқурғон, Шўрчи, Денов, Бандихон чорва яйловларига Наврўз белгиси

бўлган “наврўз чумчук” ини пайдо бўлиш чўпонларни қувонтирган.” Наврўз чумчук” оқ рангли бўлса, ёғингарчилик кам бўлиш ёки сариқ рангли бўлса, ёмғир кўп бўлишни сезиб шунга қараб чорвани тарадудини кўришган. Сарик, Хотиробод, Шеробод, Ангор, Боботоғ чўл-адир ҳамда тоғ олди чўпонлари чоршанба ва шанба кунлари кўчишни ташкил этиб хосиятли кунлардан тез фойдаланиб қолишган, жума кунни хосиятсиз деб кўчишни амалга оширмаган, чунки бу кун мусулмонлар каби ҳамма жонзотлар дам олишган кун деб тушунилган. Сурхон чорвадорлари яйлов ҳақи учун махсус қурбонликлар қилиб, чорва пири Чўпон отага сиғинганлар ҳамда қўй пири Чўпонота, қорамол пири-Зангота, отнинг пири-Қамбарота, эчки пири- Чифатотаги сиғиниб, уларни ҳақиға “ис” чиқариб қурбонликлар қилишган. Чўпонлар ҳамisha хушёр яшаб, ёвуз кучлардан молларни асраб авайлаш мақсадида, қўйларни қутонларига киритиб қўйларни оралаб, ҳазарисирик қўшиб оқ ва қора латтани махсус мойлаб олов ёқиб алас-алас қилиб зиён-заҳматлардан холос қилишган. Чорвачилик билан шуғулланувчи қабилалар сув манбалари яқинида ўтроқлаша бориб деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганлар.. Сурхон воҳасида аҳолининг ўтроқ яшаши, озуқабоп ўсимликларни парвариш этиши, деҳқончилик билан шуғулланишига бошланган омил саналган. Деҳқончилик ўзининг юқори поғонасига ўтиши учун одамнинг янги йирик маданий ютуғи – ҳайвонларни ўргатиш ва хонакилаштириш жараёни амалга ошмоғи лозим эди. Шубҳасиз, ҳайвонларни ўргатиш ва хонакилаштириш ер юзасида бир пайтда эмас, балки ҳар хил шароитда амалга ошган. Бундай вазият турли хил ҳайвонларга ҳам тааллуқлидир. К.Келлер фикрича, инсоният маданиятининг ривожланишида ҳайвонларни хонакилаштириш муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маънавий самаралар берди. Бу жараён одамзотга ўзининг руҳий даражасини кўтаришга ёрдамлашди, унинг яшаши учун барқарор манба берди. Шунинг учун ҳам айрим маданий ҳудудларда уй ҳайвонларига ҳақиқий эътиқоднинг ривожланиши тасодифий эмасдир.

Сурхон воҳасида энг қадим замонларда ҳайвонларни қўлга ўргатиш жойи бўлган. Натижада чўпонлик – подачилик усулларига ўтиш имконияти туғдирилган. Л. П. Потапов фикрича, уй молини қўлга ўргатиш ва дастлабки урчитиш умуман Осиёда ҳали неолитик даврларда, милоддан 3 минг йил илгари амалга оширилган, Демак. бу вазият кўчма қорамолчиликдан қанча олдинроқ вужудга келган.

Е.А. Богдановнинг таъкидлашича, хонакилаштириш аста-секинлик билан амалга ошган. Ҳамма одамларда бир хил истеъдод ва ҳайвонларни ўргатиш қобилияти бўлмагандек ҳамда табиий шарт-шароитлар бир хил бўлмаганлиги сабабли ҳайвонлар қўлга бир вақтда ўргатилмаган. Дарҳақиқат, уй ҳайвонларини ўргатиш қандайдир бир жойда ва яқка бир халқнинг иши бўлмаган. Л. Адамец ҳайвонларни тутиб ўргатиш айрим халқларнинг ҳар хил тарқалган жойларида вужудга келган деб ҳисоблайди.

Одамзод томонидан ҳозирги замон уй ҳайвонларининг деярли барчасини – қорамол, от, қўй, чўчқа, эчки ўргатиш мезолит (12-10 минг йил илгари), даврида бошланган, неолитда эса янада ривожланган. Биринчи ўргатилган ҳайвон деб барча тадқиқотчилар итти ҳисоблайдилар, Биринчи

хонакилаштирилган ҳайвонлар деб эса чўчқалар, эчкилар; қўйлар ҳисобланади. Хўкиз билан бирга чўчқа ҳам хонакилаштирилган. Булар билан ҳам эркак машғул бўлган, чунки ёввойи чўчқани, айниқса, тўнғизни овлаш ёввойи буқани овлашдек хавfli бўлган. Шунга ўхшаш услубда эчки ҳам хонакилаштирилган. Бу ҳайвонларнинг ҳаммаси олдин гўшт учун хонакилаштирилган: Фақат анча вақт ўтиб ип йигириш ва тўқиш пайдо бўлиши билан эчкига, кейинчалик қўйга қараш хотинлар қўлига ўтди, лекин бунгача бутун теридан фойдаланиш тадбири амалга оширилган. Молни ўргатиб ва аста-секин хонакилаштириш билан бир пайтда унинг эгаси молчи - чўпонга айланди хонакилаштирилган молдан деҳқончиликда фойдаланиб, эркак оила ва ибтидоий жамият тарихида бурилишни таъминлади.

Қорамолчиликни пайдо бўлиши дастлаб одамнинг гўштга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун хизмат қилди. Сутни истеъмол қилиш эса анча кейин бошланган. "Зороастризмда сигир сути илоҳий деб ҳисобланган. Сигир судидан ва хаома ичимлигидан истеъмол қилишни Зардушнинг онаси бошлаган", –деб ёзади С. П. Толстов Авестонинг "Видевдат" маскида бундай сўзлар бор; "Иймонли эр уй қурган ер бахтлидир, шундай ер энг суюкли бой ердир".

Қадимги овчилик ва молчиликни тасаввур қилишда ҳайвонлар суяклари, одамнинг қурол – яроғлари ва расмлар (аввало қоялардаги тасвирлар), асосий манба бўлиб хизмат қилади. Чунончи, чорвачиликни ёшини аниқлашда молларни асраш излари – гўнг, қўтонлар, оғиллар ва ҳоказолар ҳам муайян аҳамиятга эгадир.

Шу билан бир пайтда қўй ва эчкилар бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларига қараганда, катта қум яйловларини ўзлаштира оладилар. Шунга ўхшаш ерлар бу ўлкада кўп бўлган. Уй эшакларининг суяклари милоддан олдинги VII –V асрларга яқин Ўрта Осиёда пайдо бўлган вақти тўғрисида алоҳида айтиш керак. Аввал эшак бу ерда милоддан олдин 2000 йиллар ва милод бошланганида пайдо бўлган деб ҳисобланган.

Деҳқончиликнинг ривожланиши чорвачиликнинг ҳам ривож топишига олиб келиши керак эди. Чунки Сурхон воҳасининг деҳқончилиги шароитида уловбоп куч ва далаларни суғориш, ўғитлаш етарли миқдорда бўлмаса деҳқончиликнинг янада ривожланиши даргумон эди. Шундай қилиб, қорамол, от, туя сонлари камаймаслиги лозим эди.

Туялар табиатан бақувват, қумнинг табиий шароитига аъло даражада мослашган юк ташувчи ҳамда гўшт берадиган ҳайвон. Туя муқаддас маънода энг тоза ҳайвонлардан ҳисобланиб, туя тимсолида илоҳийлар, ҳам фаришталар, руҳлар тушуниланган. Туяни хўкизни ургандек, асло уриш мумкин бўлмаган. Туяни ҳеч нарса билан, ҳаттоки қўл билан ҳам уриш мумкин эмас, шунингдек, унга нисбатан ҳақорат сўзларини ишлатиш ҳам таъқиқланади. Туяда руҳлар ва ёмон кўздан сақлаш хусусиятига ишонилади. Тумор сифатида унинг жуни ишлатилади – думидан ва айниқса, олдинги оёғида осилиб турган жунлари алоҳида эъзозланади. Унинг жунини дуч келган жойга ташлаш ман қилинади. Чунки туянинг жуни ҳам муқаддас ҳисобланиб, туябоқарларнинг ҳомийси деб авлиё Султон Вайсга эътиқод қилинади.

Қоракул зотли қўйларнинг келиб чиқиши айниқса, уларнинг минтақаси бўйича, бир-бирига қарама-қарши фикрлар бор. Қорақўл қўйлари Арабистондан келиб чиққан деб фикр юритувчи айрим муаллифлар Ўзбекистоннинг аҳолиси қора қорақўл қўйларининг "араби", кулрангларини – "шерози" деб айтиши билан исботламокчи бўладилар. Қизиғи шундаки, америкалик тадқиқотчи Юнг қорақўл қўйларининг келиб чиқишини донадорни (Арабистоннинг зоти, аслида Ўзбекистонда донадор деб қорақўл қўйларининг тиғиз ловиясимон жингалаклар билан қопланган майда жингалакли терисига айтилади), думбали ва афғон қўйлари билан чатиштириш натижасида амалга оширилган деб фараз қилади.

“Қорақўлчилик бўйича қўлланма” китобининг муаллифлари (Б.И. Васин, Е.Г.Васина –Попова, И.Н.Грабовский, Э.К.Коимская, Б.А.Петров, ҳамда И.Я.Аверьянов ҳозирги замон қорақўл қўйлари қадимги зот бўлмай, бирмунча яқин вақтда келиб чиққан, деб фараз қиладилар. Уларнинг фикрича, "қорақўл жингалаки ҳосил бўлишининг ягона йўли – бу чатиштириш йўлидир, унинг натижасида жингалак ҳосил бўлиши учун керакли бўлган жун қатламининг узунлиги, таркиби ва унинг нақшланиб товланиши вужудга келиши мумкин”.

Қорақўл терилари қадим замонлардан бери Бухоро бозорига Ўрта Осиёнинг, шу жумладан Сурхон воҳасининг қорақўлчилик туманларидан келтирилган.

В.И.Стойновская қорақўл зоти абorigен (маҳаллий), зот, у Ўзбекистонда эса, эҳтимол, милоннинг VII асрида Арабистондан келтирилган тери берувчи қўйлар қонини маҳаллий думбали қўйларга аралаштириб, кейинчалик усталик билан молларни танлаш ва саралаш натижасида барпо этилган деб ҳисоблайди.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, от– одамзод томонидан ўргатилган ва хонакилаштирилган энг қадимги ҳайвонлардан бири бўлган. Кўп маълумотларнинг далолат беришича, от, ҳатто, дунёнинг маданий жиҳатдан анча ривож топган Месопотамияга ва Яқин Шарқнинг қадим замонлардаги бошқа давлатларига ҳам Ўрта Осиёдан тарқалган. От бу ерда милондан илгариги 2280 йилларда пайдо бўлган, қизиғи шундаки, қадимги шумер-аккадликлар тилида от "шарқ эшаги" деб, хеттлар тилида "Шарқдан келтирилган ҳайвон" деб юритилган. От дастлаб хонакилаштирилган юртларда ва халқларда кўп асрлар давомида бошқа тур хонакилаштирилган ҳайвонлардек одамга озик-овқат берадиган мол сифатида хизмат қилган.

“Авесто”нинг Вендидод қисмида муқаддас ҳайвонлардан саналган итлар ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар учраб, соқчи (чўпон ити), хонаки ит, ов ити ҳақида ёзилган.

Заратуштра Ахурамаздан сўрайди: “Қандай ит чўпон ити бўла олади?”, Ахурамазда жавоб беради:

— “Пода ёки сурув атрофида пойлаб юрувчи ва молларни бўрилар ва ўғрилардан қўриқловчи итларга айтилади”,

— Хонаки итлар қандай итлар?

— Уй атрофида айланиб, бўри ва ўғридан қўриқловчи итлар.

Айниқса, урғочи итларни асраш, уларга бола туғиш вақтида ёрдам бериш, кучукларини озиклантиришга ҳам ғамхўрлик қилиш тўғрисида айтилади.

“Авесто”да ҳавони тоза сақланиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, итлар ва одамлар ўлган заминда қай маҳалгача экин экилмайди деган саволига Ахурамазда жавоб беради:

“Итлар ва одамлар ўлган заминга бир неча давр ҳеч нарса экиш мумкин эмас – дон сочиш, сув қуйиш” (Вендидод, VI фаргард, I қисм). Ёки, инсонлар ё итлар жасадини еган сигирни поклаб бўладими?

Ахурамазда жавоб беради:

“ — Поклаб бўлади. Бироқ бир йил давомида олий руҳоний мубод ўша сигирдан диний маросими учун сут ва завр (сув билан бажариладиган диний русум), гўшт олиб ишлатиш мумкин эмас. Кейинчалик фойдаланса бўлади”.

Сигирдан бевосита ўз ҳолича тўкилган нарса ҳалол, демак истеъмол қилса бўлади. Агар ўша нарса сигирдан билвосита олинса – ҳаром. Истеъмол қилиб бўлмайди. Бўғоз сигир мурдор емасдан бурун тукқан бўлса, унинг боласи пок, агар еганидан сўнг тукқан бўлса, боласи ҳам ҳаром ҳисобланади, деб илоҳ қилинади, (Вендидод, VII фаргард, II бўлим).

Чорвачилик анъанавий хўжалик машғулотларининг энг қадимий кўринишларидан ва тирикчилик омилларини белгиловчи меҳнат турларидан бири. Энг қадимги “Авесто” китобида от, қорамол ҳамда майда туёқли уй ҳайвонларига алоҳида эътиборда бўлишган. Ҳатто, “Ҳаммадан кўра бахтиёрроқ бўлган дунёдаги тўртинчи жой қаерда деб сўраганда: бундай жой қўйлар суруви ва тевалар уюри кенг парвариш қилинадиган заминдир деб жавоб берилган”. “Авесто” да чорвани отарларда қайтариш байрам ҳисобланиб, чорвачиликка оид урф-одатлар асрлардан асрларга ўтиб келмоқда. Чорвани кўпайтириш учун уни турли касалликлар ўлат, ёввойи йиртқич ҳайвонлар ва ўғрилардан химоя қилиши учун турли хилда маросимлар ўтказилган. Чорвадорлар учун янги йил 16 мартдан бошланиб, ўт-ўланларни ўсиб чиқиши билан байрам кутиб олинган.

Сурхон воҳасида маълумки қўйнинг икки турини кўпайтирилиб, боқилмоқда. Булар қоракўл (қоракўл териси етиштириладиган қўйчилик) ва думбали қўйлар. Сурхондарёда думбали қўйлар боқиш кенг тарқалиб, унинг қуйидаги турлари мавжуд: козиқи, жойдори, (қозоқи ва ҳисори қўй чатишмаси), ҳисори. Ҳисори қўйлар асосан Денов ва Бойсун туманларида кўп боқилмоқда. Яйловларни табиий шароити ва фойдаланишига қараб қуйидаги турларга бўлинган, тоғ бағри ва чўл яйловлари, яъни пастки тоғ олди ва чўл зонаси районларидаги кузги-қишки-бахорги яйловлар, ўрта тоғ районларидаги баҳорги-ёзги яйловлар, юқори тоғ районларидаги ёзги яйловлар.

Денов, Шеробод ва Бойсун туманларидаги тоғ олди худудларида асосан энг кўп ёғ ва гўшт қиладиган ҳисори қоракўллар боқилиб, ёз ойларида тоғ зоналарига ҳайдалган. Бу қўйларнинг жуни қирик, яъни дағал бўлган. Шеробод худудида қўйларнинг бошқа турлари боқилиб, бу қўйлар: ислиқи қоракўй (ҳисори қоракўйларга қараганда кичикроқ, жуни ҳам майинроқ бўлган, қозоқи қўй ҳам деб аталган, ғалжаки (Афғонистон территориясидан ўтган), чибаланг (араби, қоракўл), кўрғўза (қозоқи ва чибалангдан урчиган) ва саржипаранг (Саржибой томонидан яратилган) турларга бўлинади.

Сурхон-Шеробод воҳасида ота-боболаримиз асосан ҳисор қорақўй ва ислиқи қорақўйларни боқишган бўлиб, бу қўйлар тана ва думба тузилишига қараб ҳам турли хилда номланган. Масалан, капкирт думба, ойна думба, шалпи дума турларига бўлинган. Агар капкирт думба тури яхши боқилса думбасининг оғирлиги 30-35 кг гача етган. Ойна думбали тури кўпроқ танасига ёғ боғлаган. Шалпи думбали тури ҳам капкирт думбали турича оғирликда ёғ берган, бироқ чорвадорлар бу турдан кўчқор танлашмаган. Сабаби, шалпи думбали ҳисори ва ислиқи қорақўйлар семиргандан кейин унинг юришини думбаси анчагина қийинлаштирган. Шунинг учун чўпонлар совуқларга бели ва бўйни узун, боши ва тумшуғи чўзинчоқ, капкирт думбали кўчқорларни танлашган ва бир кўчқорни икки йилдан ортиқ қўймаган. Бунда ота-боболаримиз кўп нарсаларни ҳисобга олишган. Қўзилаётган совлиқни азобламаслиги, наслнинг бузилиб, майдалашиб кетмаслиги, кўп гўшт ва ёғ қилишлиги ҳамда яйловларда қийналмай ҳаракат қилишлиги каби жиҳатлар эътиборга олинган. Ҳисори ва ислиқи қорақўйлар сурхон воҳасининг турли бекликларида иқлим шароити ва яйловлардаги ўт-ўланларнинг кучли ёки кучсизлигига, поримли (ёқимли) ёки поримсиз (ёқимсиз)лигига ҳамда боқилишига қараб турлича вазнда бўлганлар. Масалан, ҳисори қўйлар Денов ва Сариев худудларида, Ҳисор тоғ бағирларида 180-200 килограммгача, ислиқи қорақўйлар эса 90-110 килограммгача гўшт-ёғ қилган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз ҳисори ва ислиқи қора қўйларни асосан гўшти ва ёғи учун боқишган.

Сурхон воҳаси чорвачилигида қўйчиликнинг жаҳон аҳамиятига молик бўлган тармоғи қорақўлчилик ҳисобланган, қимматбаҳо қорақўл тери берадиган чибаланг араби қўйлари гавдаси унча катта бўлмай, тез ҳаракатланади, кўчқорлари шохдор, жунлари майин ва узун бўлиб, асосан жуни ва қорақўл териси учун воҳанинг чўл ва ярим чўл зоналарида боқилган. Бу қўй турининг кўчқори 45-50 кг, совлиқлари 25-30 килограммгача гўшт ёғ қилиб, кўпроқ ичига чарви боғлаган. Чибаланг (араби) қўйлар чирози, гарди, кулранг, пайғами, қора ва сур рангларда бўлиб, қорақўл (бағана) териси жуннинг жингалаклиги, гулининг чиройлиги ва жозибадорлиги билан ажралиб турган. Чирози ва сур қўйларнинг жуни олий навга кетган, қорақўл териси жаҳон бозорида юқори нархда баҳоланган. Энг яхши сур ёки чирозит қорақўл териси 1 та катта ҳисори қўй баҳосида нархланган. Воҳада чибаланг (араби) қўйларнинг кўк (пайғами) ва кулранг турлари кўп тарқалган. Афғонистон билан чегарадан Амударё қирғоқларида кўрғўза қўй тури боқилган. Бу қўйлар чибаланг ва ислиқи қорақўйнинг чатишидан келиб чиққан тури бўлиб, 50-60 кг атрофида гўшт-ёғ қилган. Боботоғ этаклари ва адирларида ғалжаки деб номланган қўй тури ҳам боқилган. Бу қўй тури Афғонистондан Сурхон воҳасига ўтган қўй тури ҳисобланади. Ғалжаки қўйлар олабош, оқиш, кулранг ва кўкимтир, рангларда бўлиб, 18-20 кг чамаси гўшт-ёғ қилган. Бу қўй турининг жуни ниҳоятда майин бўлиб, асосан жуни учун боқилган ва кўпинча эгиз қўзилаган.

Сурхон-Шеробод воҳаси адирликларида боқилган қўй турларидан яна бири саржипарангдир. Бу қўй тури туркман бойи Саржибой номига қўйилган. Саржипаранг қўйи 50-60 кг атрофида гўшт-ёғ қилган, жуни ниҳоятда майин бўлиб, ҳар бир қўй 2-3 кггача жун берган. Амударёнинг Оқ деб аталган

адирларида Окгарди деб номланган туркман кўйлари ҳам боқилган. Кўйчилик турларини кўпайтириш, зотдор насларни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш аждодаларимиздан катта меҳнатни, сабр-тоқатни ва чорвачилик анъаналарига ҳамда қонун-қоидаларига амал қилишликни талаб этган. Хусусан танлаб олинган зотдор кўчқорлар тоғ зоналарида 1-10 октябрларигача солиқларга кўйилиб, тўл олиш март ойига мўлжалланган бўлса, чўл зоналарида август ойининг 15-25 ларида кўйилган ва декабрь ойи охири ва январ ойининг биринчи ярмида тўл олишган. Тоғ зоналарида кўчқорлар уйғониш арафасида отар (сурув)дан ажратилган ёки белига куяк (кигиздан қилинган тўсиқ) тақиб кўйилган.

Чўпон ва унинг чўлиғи отардаги (ҳар бир отарда 1000-1500 тача кўй бўлса) барча кўйларнинг ўхшашлигидан қатъий назар бир-биридан ажратиб ола билган, борди-ю бирорта кўй ёки кўзи отарда бўлмаса уни дарҳол сезган ва шундай кўй йўқ деб туси (ранг) билан айтиб берган. Шунингдек, чўпонлар, умуман аждодаларимиз кўй-кўзиларни ёшига қараб ҳам номлаганлар. Кўзи эса анъанавий номлар билан, кўй бўлгандан кейин эса, унинг тишига қараб аниқлаганлар. Масалан, энди туғилгани барра, кўзичоқ деб 2-3 ойлиги ширвоз кўзи деб, 4-5 ойлиги сароёқ кўзи деб, ундан каттароғи габа кўзи деб, бир яшари тўхли, икки яшари шишак, уч яшари чори, тўрт яшари панжи, беш чикқани ва ундан каттаси манги деб номланган. Асосан буни тишларига қараб аниқлаганлар, кўй шишак бўлгунча кўзи тишлари жойида турган. Шишакка чикқандан кейин ўртадаги икки тиш тушиб, ўрнидан катта тишлар ўсиб чикқан, чорига чикқанда катта тишлари 4 та бўлган ва кўй панжи бўлганда олдидаги барча тишлари катта тишларга айланган.

Ўзбек чорвачилигида қоракўлчиликка айниқса эътибор катта бўлган, думбали кўйлар ҳам кўп боқилган. Қоракўл кўйлари асосан текисликлардаги яйловларда боқилган. Кузга яқин ҳосил йиғилгандан кейин подалар яйловлардан қайтарилиб қишлоқдаги махсус ажратилган кўтонларда сақланган. Улар қишлоқ атрофидаги далаларда боқлиб, кечалари кўтонларда тўпланган. Кейинги баҳорда кўй-кўзилар яна яйловларга чиқарилган. Ундан олдин кўйларнинг биринчи марта жунини қирқишган, кейин узоқ, яйловларга кўчилган.

Кўйларнинг думбали ҳисори наслари айниқса Жанубий Ўзбекистонда ва Тожикистонда кўпроқ бўлган. Улар кўпроқ тоғли яйловларда кузнинг ўрталаригача боқилган, кейин водийга ҳайдаб келтирилиб, кузги жунни қирқиб ва қочириб бўлгач қишлоқ атрофидаги ўтлоқларда ва оғилхоналарда боқилган.

.Кўйчилик асосан сотишга мўлжалланган. Дашт туманларда қоракўлчилик ривожланган ва бозорларга чиқарилган. Қоракўл териларини илгари махсус савдогарлар ўз вакиллари орқали териб олганлар, барра гўшти шаҳар (қишлоқ) бозорларига чиқарилган. Қоракўл гўшлари жуда ширин бўлганлиги учун улар тирик ҳолда шаҳардаги қассобларга келтириб сотилган. Уларнинг жунини қирқиб баъзан шаҳардаги ўзбекларга оғилхонада боқишга ёки махсус чўпонларни ёллаб топширганлар. Подаларни Кўхитанг ва Боботоғ тоғ

тизмаларидаги ёзги яйловларда боқиб август ойдан шаҳар бозорига чиқара бошлаганлар. Катта бойлар ҳам молфурушлик қилганлар.

Қўй жуни ҳам бозорга чиқарилган. Ундан айрим хўжаликларда кигиз, палас, гилам, қоп ва хуржун ишлаб чиқарилган ва *қисман* савдо қилинган. Қўй терисидан пуштин ва телпак, шунингдек тўшама, меш, саноч ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ясалган.

Кўпчилик ўзбеклар эчки гўштани «совуқлик» деб ҳам истеъмол қилганлар. Унинг жунидан хўжаликда зарур аркон ва ип эшилган, терисидан пойабзал тикилган, меш ҳамда саноч ишлаб чиқилган. Кейинги йилларда ангор эчкиларини парвариш қилиш авж олди. Бундай эчкиларнинг жуни юқори сифатли бўлиб, улардан ажойиб гиламлар ва тивит рўмоллар тўқилган.

Жарқўрғон тумани Минор қишлоғи. Сигир соғиш жараёни

Ўтроқ зироатчилик билан шуғулланувчи ўзбекларда чорвачилик унча ривожланмаган, чунки суғорма ер танқислигидан хашак етмаган. Маҳаллий дехқонлар оз сонли сигир, эчки ва қўйни сут, қатиқ ва гўшт учух кўпрок бойбақувват оилаларда бўлган. Ишчи ҳайвонлар ҳам асосан бойларда бўлиб камбағал дехқонлар улардан коррандага олиб ишлатганлар. Ўтроқ аҳоли ўз моллари ва қўй-эчкиларини жамоа бўлиб махсус ёлланган чўпонларга боқтирган ёки оғилхонада сақлаб боққанлар. Камбағал оилаларда миниш, юк ташиш ва бошқа хўжалик ишларида эшак ёки ҳачирдан фойдаланилган.

СУРХОН ВОҲАСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ.

Ўзбекистонда ўтказилган археологик тадқиқотлар бу ерда икки минг йиллар муқаддам кенг ривожланган ҳунармандчилик мавжуд эканлигини исботлади. Бу даврда синфий жамиятлар пайдо бўлиб, йирик меҳнат тақсимооти негизида ҳунармандчилик мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан. Оқибатда шаҳарларнинг ўсиши, савдо-сотиқнинг ривожланиши руй беради. Бутун минтақада йирик шаҳарлар нафақат иқтисодий ва ижтимоий, балки сиёсий ва маданий марказларга айлана бошлаган.

Айниқса IX-XII асрларда ҳунармандчилик кенг миқёсида ривожланиб, Ўрта Осиёнинг, шу жумладан ўзбек элининг ҳам чет эллар билан иқтисодий-маданий алоқалари авж олади. Маҳаллий ҳунармандчилик ҳалқ хўжалигига зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариб техник ва бадиий жиҳатдан юксак даражага кўтарилади. Ўзбек хонликлари даврида пойтахтларда зодагонлар, бой-тўралар ва ҳокимлар эҳтиёжларини кондирадиган ҳашаматли бинолар, турли зебу-зийнатлар яратадиган касб-ҳунарлар анча ривожланади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига зарур маҳсулотлар етказиб берадиган ҳар хил ҳунармандчилик соҳалари пайдо бўлади.

Одатда хунармандчиликнинг энг камида 32 хили мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жойга шаҳар деб ном берилган. 1897 йили биринчи аҳоли руйхати вақтида катта шаҳарларда аҳолининг кўпчилик қисми хунармандлар ҳисобланган. Иккинчи катта ижтимоий табақани айрим маҳалла савдо расталарида жойлашган савдогарлар ва даллоллар ташкил қилган.

Хунарманчилик равнақи ишлаб чиқарувчи кучлар ва товар-пул муносабатларининг ривожига, натурал рентанинг пул билан алмашинувига борлик. Хонликлардан моллар карвонлар орқали Россия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва Афғонистонга жўнатилган.

Сурхон воҳаси сандиқсозлар иш устида

Шерободлик кулол

Хунармандчиликнинг қадимий даврлардан энг кенг тарқалган соҳаси темирчилик ҳисобланган. Бу соҳанинг ривожини даставвал маҳаллий хом ашёга боғлиқ бўлган. Ўзбекистон ўзининг ер қазилма бойликлари, олтин, кумуш, мис, темир кабилар билан илгаридан машҳур. 1913 йилда маҳаллий хунармандлар 72 фоиз металл буюмлар ишлаб чиқарганлар. Металл ишлаб чиқариш 19 та касбга бўлинган.

Ривожланган соҳалардан бири металл қуйиш билан борлик бўлиб, уни кўп жойларда дегрезлик (яъни «қозон қуйиш») ёки қозончи, Хоразм ва Бухорода «позачи» ёки «позагар» (омоч тиши қуювчи) деб номлаганлар. Дегрез одатда ҳар хил ҳажмдаги қозон, поза (тиш), чой идиш, обдаста, аспак, шамдон, манқалдон, қора-чироқ, арава ғилдирагига такчуён ёки ҳалқа, жувоз бошмоғи ва ҳаказо ишлаб чиқарган. Баъзан буюртма елим идиш, қандил, келича, нос суқи ва боиҳа буюмлар ҳам қуйилган. Бухоро ва Самарқандда илгари ,рехтагар ('тожикча (рехтан- қуймоқ.) жез билан чўяндан замбарак (тўп) ва ўқи, қурол-аслаҳа ва бошқа уй-рўзғор буюмларини ясаган. Айрим жойларда дегрезлар чўяндан қуйиладиган маҳсулотига қараб чўянгар деб ҳам номланган.

Бойсун тумани Хомкон қишлоғида темирчилик устахонаси

Чўян қуйиш махсус лойдан қурилган босқонли ўчоқ. (Фарғонада ва Тошкентда «ёндуқон», Бухорода «кура», Хоразмда «дастгоҳ») ларда эритилиб, қумдан ясалган асбоб ва идишларнинг ҳар хил қолипларда зарур маҳсулотлар қуйилган.

Чўян қуядиган асбоблардан воҳа дегрезлари қолипларни ясайдиган чорчуп, чарх ва белкурак, исканжа, лавгир, латтош ёки товонча, сихча, таганак (тевонак), тарнов (шовва), чаноқ ва чанарамбир, чўмич, зинтахта, чироғ ва ҳоказаларни ишлатадилар.

XIX аср ўрталаригача дегрезчилар хом ашёни маҳаллий конлардан олган, кейинчалик рус мустамлакачилиги даврида Россиядан келтирилган темир-

терсаклардан фойдаланилган. Манбаларнинг хабар беришича асримиз бошларида Оренбург ва Троицк орқали Ўрта Осиёга юзлаб тонна пуд чўян буюмлар жўнатилган, сўнгра сингандан кейин улар эритилиб маҳаллий маҳсулотлар қуйилган. Дегрезлик маҳсулотларининг 80-85 фоизини омочиши (поза) ташкил қилган. Қолганидан ҳар хил уй-рўзғор буюмлари, буюртма безаклар, қурол-аслаҳалар, тамғалар қуйилган.

Қўнғирот хотин-қизлари кўпроқ бўйинга ва кўкракка тақиладиган мунчоқ ва маржонларни ўзлари тайёрлашаган. Бу мунчоқ ва маржонлар жавак, гулбанд, хапамат деб аталган, шунингдек безак ўрнида туморлар ҳам ишлатилган, улар кўкрак тумор, бўйин тумор деб юритилган.

Тақинчоқлар мовий, зангори мунчоқлар, қимматбаҳо тошлар (нефрит, фируза, лаъл ва бошқалар) билан безатилган.

Умуман металл буюмлар ишлаб чиқариш хунармандчилиги асосан тўртта йирик соҳага бўлинган: темирчилик, заргарлик, мискарлик ва тунукасозлик. Шулардан энг қадимийси ва барча металл ишлаб чиқариш соҳаларига зарур қурол ва дастгоҳлар, халқ хўжалиги, айниқса дехқончилик қуроллари, уй-рўзғор буюмлари етказиб бериб турган соҳа темирчиликдир.

Ўзбек темирчилиги шунчалик ривожланганки, унинг ичида меҳнат тақсимооти асосида мустақил соҳалар юзага келган. Масалан, уй-рўзғор буюми ва эркак сарпаси таркиби ҳисобланган ўзбек пичоғини махсус пичоқчилар, қулф-калитни қулфчи ёки қулфгарлар, игна-бигизни игначи ёки игнасозлар, ҳар хил асбоб ва буюмларни чилангар мисгарлар хом ашё (тахталанган мис, жез, қизил ёки сариқ мис)ни асосан Россиядан келтирганлар, рух, қўрғошин, кислота, нашатир ҳам ташқаридан етказилган. Одатда идишларни қизил мисдан ясаганлар, нашатир ва туз билан оловда қаттиқ қиздириб, кейин сувга солиб қизартирганлар. Ўтга солинмасдан ясаладиган идишлар (кўзача, коса, пиёла, патнус ва х.. к.) ни қалайлаштириб оқлаганлар. Барча манбаларда маҳаллий усталарнинг зўр махорат билан бадий буюмлар ясаганлиги тўғрисида гапирилади. Ҳар хил буюмларда ўсимликлар, геометрик ва ҳайвонлар стилидаги ислимий услубдаги нақшлар ўзининг жозибадорлиги ва юксак савияси билан киши диққатини ўзига жалб қилади.

Маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланган тегирмонларда донли экинлардан ун тайёрласалар, техник экинлардан мойжувозлар ёрдамида мой олишган. Хунармандлар томонидан тайёрланган тегирмон ва мойжувозлар қарийиб ҳар бир қишлоқда бўлиб, ўша худудда яшайдиган аҳолига хизмат кўрсатган. Ўнта ун тегирмонида бир кеча-кундузда 1500 пудгача ун тайёрланган.

Сурхон қишлоқларида аҳоли турли хил касб-хунар билан шуғулланиб бориш натижасида темир буюмларга бўлган эҳтиёж кўп бўлганлиги туфайли

шаҳарда ўнга яқин темирчилик устахоналари мавжуд бўлган. Шарқий Бухоро бекликларда тоғли ҳудудлар кўп бўлганлиги, бекликни ҳимоя қилишга бўлган талаб натижада қурол-яроқ ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёж кўп бўлган. Қурол-яроқсозлик устахоналар қилич, найза, қолқон, пичоқ, сувлиқ, тақол ва турли хил катта-кичик қуроллар, майда буюмлар ишлаб чиқарилган. Бойсун беклигида мавжуд темир, тошкўмир рудаларидан фойдаланиб, Бойсун беклигида 25 руда эритиш печлари бўлиб, унда 50 киши фаолият кўрсатган. Оддий босқон кучи билан тайёрланаётган меҳнат буюмлари оғир меҳнат эвазига яратилсада, ташқаридан келтирилаётган сифатли қурол-яроқсозлик, игнасозлик, миҳсозлик каби темирчилик буюмлари маҳаллий усталар томонидан тайёрланган меҳнат маҳсулотларини сиқиб чиқара бошлади. Аграр соҳага мослашган Шарқий Бухоро бекликларида кўпроқ қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуроллари, тепкили бел, кетмон, ўроқ, омоч, сўка тишли омоч, арра, қайчи, шоха ва бошқа меҳнат қуроллари тайёрланган. Қишлоқдаги усталар ҳам оддий меҳнат қуроллари тайёрлашни ўзлаштириб олганлар. Сурхон ҳудудида темирчи усталар синчли уйларни қуришда ёғочдан уй қуриш (чўбкор)ни жуда яхши ўзлаштириб олганлар. Усталарнинг доимий иш қуроли бўлган болта, арра, теша, пойтеша, омбир, катта қалпоқли миҳлар мунтазам тарзда устахоналарда тайёрланган. Уй қурувчи усталар учун тайёрланган болта 60 тийин, омбир 1 сўм 40 тийин, арра 30 тийин, теша 30 тийин, катта қалпоқли миҳнинг 1 донаси 5 тийиндан сотилган. Бойсун беклигида чўян қуйиш корхонаси бўлиб, унда тошкўмир ёқилғисидан фойдаланилган. Чўян қуйиш устахоналарида ойда икки марта чўян эритилган, чунки бу иш машаққатли бўлиб, оғир меҳнатни талаб этган. Сурхон воҳасида қопқоғи очиладиган чиройли туфдонлар тайёрланиб, дастилуй-туфдон деб аталган. Гўзал ва нафис мис буюмлари нақшлигининг муракаблиги ҳамда хилма-хиллиги билан ажралиб туриб, мисгар наққош катталиги 12-24 вершок бўлган, палов ейишга мўлжалланган лаганни тайёрлаш учун бозордан 8 сўмдан 12 сўмгача бўлган материални сотиб олиб, ундан 3-3,5 ҳафта давомида юқорида айтилган лаганни тайёрлай олган ва унинг бозор нархи 30 сўмдан 50 сўмгача бўлган. Мис офтоба тайёрлаш учун мискар 2 сўмлик материал сарфлаб, уни яшашга 2 кун, нақшлашга бир ҳафта вақт сарфланган. Металлни қайта ишлаш соҳаларидан бири заргарлик санъати кенг ривожланган. Заргарлик устахоналарида хотин-қизлар учун чиройли тақинчоқлар кумуш, мис, тилладан тайёрланиб, рангли тошлар билан безатилган туморлар учун ғилофлар тайёрланган. Уста заргарларни иш қуроллари, тарози, дам даҳандам, ўчоқ, бута, сандон, манқал, дастаманқол, дастакчўб, қайчи, қиря, рачкоса, оташчироқ, резак, сувон, болға, болғача, омбир, омбирча, чисток, санчи манақ, ҳақиқи сағири, заргар қум, сумба, қолиб, муҳр қалам, масқол, дупоя, босма дамдандан иборат бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Денов, Шеробод ва Бойсун бекликларида ўтин пули, қамиш пули, сув пули, тўй пули, мактаб пули, амина пули каби турли хилда солиқ турлари бўлган. Бундан ташқари сўйиш пули бўлиб, яъни қассобларга ойига 20 танга миқдоридан маош тўланган. Шунингдек, маҳаллий бойлар, оқсоқоллар меҳмонларнинг хурмати учун муштак солиғи тўланган, унга кўра ҳар бир деҳқон олган ҳосилидан 1 чора (2 кг) миқдоридан солиқ

тўлаган. Шарқий Бухоро бекликларида мактаб пули солиғи ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра ота-оналар фарзандларининг ўқиши учун ўқитувчиларга (яъни муллаларга) Қушбеги ҳужжатлари асосида 15-20 танга солиқ тўлаши қайд этилган.

Бухоро амирлигининг Шарқий бекликларида ва қишлоқларида XIX аср охирида даруғона, яъни маҳаллий беклик ва унинг атрофидаги амалдорлар учун йиғиб олинадиган солиқ бўлиб, шу йиғиб олинган солиқлар ҳисобидан закот олинган. Бу солиқ Бойсун беклигида XIX асрнинг 2-ярмида ўтин пули, қамиш пули, сув пули, чўп пули, тўй пули, даллол пули, муроб пули, амина пули каби турли хилда солиқ турлари бўлган. Бундан ташқари сўйиш пули, яъни 1 қўй 20 танга, 2 эчки 28 танга ҳажмида белгиланган экан. Шунингдек маҳаллий бой оқсоқоллар меҳмон рамзи учун муштак солиғи ҳар бир деҳқон олган ҳосилдан 1 чора (2 кг) ҳосил солиғи берганлар. Шарқий Бухоро бекликларида мактаб пули алоҳида ажратилиб, ота-оналар фарзандларининг ўқиши учун ўқитувчиларга Қушбеги ҳужжатлари асосида 15-20 танга тўлаши қайд этилган. Халқ ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорларни имконият даражасида таъминлаши талаб даражасида бўлсада, лекин уларнинг турмуш даражаси анча паст ва ачинарли аҳволда бўлган. Чунки маҳаллий бекликлар, иш бошқарувчилар ҳунармандчиликнинг ривожланишига моддий-маънавий жиҳатдан амалий ёрдам бермаганлар. Солиқ ва мажбуриятларни ўз вақтида тўлаб туришга қарамасдан кўшимча солиқларга, ноқонуний мажбуриятларни бажаришга жалб этилган. XIX асрнинг 80-90 йилларида Россия мустамлакачилик сиёсатини жанубий Сурхон ҳудудида Россиядан келтирилган арзон ва сифатли маҳсулотларнинг кириб келиши маҳаллий ҳунармандчилик тизимига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар анча паст баҳоларда сотиб олиниб, ҳунарманд меҳнати ниҳоятда кадрсизланган эди. Фақатгина бек ихтиёрида бўлган ҳунармандларгина турли хил ортиқча солиқ, йиғим ва ҳашарлардан озод қилинган эди. Бухоро амирлигидаги йирик шаҳарлар ўзларини ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқиши билан алоҳида нуфузга эга бўлиб, айрим маҳсулотлари билан ажралиб турган. Масалан Сурхон воҳасида ҳунармандлар кулолчилик маҳсулотлари, темир буюмлар ҳамда тери маҳсулотларига қайта ишлов бериш, ҳунармандлар маҳсулоти миллий ифтхоримиз бўлган анъанавий кийимларда алоҳида ўз аксини топиб, миллий каштачилик санъати ниҳоят даражада ривожланиб, ҳар бир ҳудуд ўзининг зардўзлик ва каштачилик анъанаси билан ажралиб турган. Бойсун дўпписи ўзининг айлана жиҳози, сочиқ попик жилоси, нақшнинг пухта ва қалин нафис иплар билан тўқилиши, намгарчиликка чидамлилиги, жун иплардан мустаҳкам тўқилиши билан ажралиб турган. Бойсун дўппилари асосан баҳмал, сатин, сидирға шоҳидан тайёрланган. Бойсун, Кўҳитанг, Ҳисор, Боботоғ тоғ тизмалари ҳамда тоғ олди қишлоқларда Бойсунда тикилган мўйнали ҳамда қўй терисидан тайёрланган ичига баҳмал ёки бўз матодан тикилган телпаклар кўплаб тайёрланиб, телпак тикадиган ҳунармандчилик устахоналарининг маҳсус савдо дўконлари бўлган. Сурхон воҳасида миллий урф-одатларимизга анъанавий жило бериб келган тўқима чопонларини

тайёрлаш, тўқиш қадимий тарихга эга бўлиб, деҳқончилик маданиятининг ривожланганлиги, пахта ипларидан, момик толасидан тайёрланган чопоннинг инсон танасини совуқдан сақлашдаги хизмати бекиёсдир. Чопонлар одамларнинг ёшига, хизмат вазифаси, лавозимига қараб бичилган. Чопон табиий иқлимга хос тўкилиб, Бойсун чопонлари ўзининг тўкилиши, матоси, астар ҳамда нақш беага билан ажралиб турган.

Кулолчилик – ҳунармандлар лойдан турли-туман идиш, буюм, қурулиш материаллари ва бошқа ишланадиган маҳсулотларни, яъни махсус тупроқдан қорилган лойдан пиёла, коса, товоқ, лаган, кўза, хурмача, тоғора, хум, тандир ва бошқа буюмларни тайёрлаб, уларни сирлаб, беааб, хумдонда пишириш билан шуғулланади. Асосий асбоби-чарх. Тупроқдан идиш тайёрлашни одамлар неолит даврининг бошларидаёқ (милоддан аввалги 5 минг йиллик) билганлар.

Дастлаб кулолчилик билан аёллар шуғулланган. Милоддан аввалги 4 минг йилликларни охирлари (Месопотамия) да ва 3 минг йилликнинг бошлари (Миср) да кулол чархи ихтиро қилинган. Чарх ихтиро қилингач кулолчилик билан эраклар шуғуллана бошлаган (идишлар махсус ўчоқ ва хумдонда пиширилган) VIII-XII асрларда Мовароуннахрнинг барча тоғлик туманларида яшовчи халқларда кулолчилик анча ривожланганлигини археологик қазилмаларидан топилган топилмалар бунинг ёркин исботидир. Айниқса XIV-XVIII асрларда кенг ривожланган. Кулолчилик маҳсулотларининг шу жумладан идишларнинг шакли асрлар оша давр ва дид талабларига мос ўзгара борди. Ўрта Осиёда сувга бўлган катта эҳтиёж сопол идишларнинг кўпайишига олиб келди. Айниқса ўзбеклар ва тожиклар яшайдиган шаҳар ва қишлоқларда кенг ривож топди. Россияда XIX асрда арзонбаҳо чинни ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилиши, марказий Россиядан чинни маҳсулотларини кўп келтирилиши Мовароуннахрдаги кулоллар бозорини бир мунча сусайтирди. Лекин арзон сопол идиш ва буюмларга бўлган талаб кулолчиликни узлуксиз давом этишини тақозо этди.

Кулолчиликда асосий хомашё – тупроқ. Келиб чиқиши ва таркиби турлича бўладиган тупроқларда турли хил кулол маҳсулотлари учун лой тайёрланади. Лой икки соатча оёқ билан тегилиб, муштлаб, пишитилади. Кейин нам матога ўраб қўйилади. Кейинги куни яна бир соатга пишитилгандан сўнг идиш тайёрлашга киришилади. Лой қанча кўп пишитилса, сополнинг сифати шунча яхши бўлади. Кулолчиликда асосий кулол-чарх. Кулол чархи катта ва кичик икки ёғоч ғилдиракдан иборат бўлиб, ёғоч ўқ билан ўзаро бирлаштирилган. Кулол пастдаги катта ғилдиракни оёғи билан айлантириб туради. Юқоридаги ғилдиракнинг устига лой қўяди, унда идиш тайёрлайди. Тайёрланган идишлар қурутилиб, хумдонда қиздирилади. Сирланадиган идишлар эса сирланиб, шундан кейин яна бир марта хумдонда қиздирилади. Сурхон воҳасидаги археологик қазилмалардан топилган манбалардан маълум бўлишича бу ерда кулолчилик милоддан аввал II-IV асрларда ривожланган.

Кулолчилик учун тупроқни кулоллар Бойсундан 3 километр наридаги Пасурхи қишлоғидан келтириб, кулолчиликда идишларга қорамтир ялтироқ тус бериш учун кўрғошиндан фойдаланишган. XX аср Марказий Осиё кулолчилигида бунга ўхшаш сопол буюм топилмайди. Лаган нақшлари қалами

техникасида бажарилган, унга ёруғ фонга нафис, жимжимадор йирик нақшлар ишланган. Кўк-зангори ва яшил рангда ишланган бу нақшлар жуда чиройли ва жозибадор. Шу пайтгача Бухоро қадимий анъанавий кулолчилиги тўғрисидаги маълумот берувчи манбалар мавжуд эканлиги фанда маълум бўлса-да, аммо унинг намуналари аниқ эмас эди. Қолган иккита лаган нақшлари анъанавий. Улар “панжа” нақшларидан тамоман фарқ қилади. Бу лаганлар шойи тўқиш фабрикаси кулолчилик цехида қолипда тайёрланган. Шу хилдаги кулолчилик буюмларини Деновлик Зухур Расулов ҳам тайёрлаган бўлиб, сирланган кулолчилик буюмларини фақат аждодлари кулол бўлган усталаргина ясашган.

Сурхон воҳасида сирланган ва сирланмаган ажойиб кулоллик буюмларини сақлаб, ўрганиб, ўзи ҳам сарғиш-қизил тусли, тўпбарггулли безакгуллар билан нақшланган лаганлар, косалар, сирланмаган кўза, обхўрак (қушлар қафасига қўйиладиган сув идиши), ушпуллак кўзачалар тайёрлаган. Сирланган лаган ва косалар Ургутнинг машхур сарғиш-қизил керамикаси ўйма нақшлари асосида берилган. Катта лаган нақшлари Бухоро кулоллик мактаби “панжа” безакларига ўхшайди.

Ўйинчоқлар хумдонда пишириб олиниб, ўйинчоқ тайёрлайдиган хумдон тўғри бурчакли печка бўлиб, пастида темир панжараси бор..

Сурхон кулолчилиги асослари ва унинг тараққиётини илмий ўрганиш асосида сирланган керамикаси тарихини ўрганиш асосида Бухоро кулолчилигида йўқолиб кетган анъаналарни тиклаш ҳамда Бойсунча ҳуштак ўйинчоқлар, сирланган сопол идишларини ишлаб чиқарилишни қайта йўлга қўйиш имконияти юзага келади.

Кўнчилик. Ўзбекистонда чармни қайта ишлашда эчки, қўй, бузоқ, от, хўкиз, сигир, эшакларнинг терисидан замш, сахтиён, юфти туридаги чармлар ясалган. Қўпол сахтиён – саур ўзига хослик билан ажралиб турган: от ёки эшак терисининг ички қисми ингичка ва майда қилиб кесилиб, ичига тарик солиниб, қуритилиб ва урғлардан тозалагандан сўнг чиройли, ўзига хос сатҳ пайдо бўлган. Мис қириндилари билан бўялганидан сўнг сахтиён чиройли яшилсимон феруза рангга айланиб, сахтиён 32 кун давомида тайёрланиб, 12 кунда чарм қайта ишланиб, тайёр ҳолга келтирилган. Тайёр бўлган чарм 20 кунда бўялган. Саур чарми нақшли ва мустаҳкам бўлиб, тузилиши жиҳатидан турли хил бўлган чармлар босма нақшлар, занжир кашталар, чоклар, рангли чармдан аппликациялар, металл қопламалар билан безатилган, ёрқин бахмал билан тикиб чиқилиб, ингичка симлар, мунчоқлар, шокилали қўнғироқчалар билан безатилган. Чарм бўялиб, устига нақш солинган. Шу тарика эркаклар кийими, отларнинг эгар-жабдуқлари, лочин овининг анжомлари безатилган. Кенг шимлар (чамбарлар) – овчи ва спорт мусобақаларида, халқ ўйинларида (отчопарлар, улоқ, поло, кураш) иштирок этадиган одамнинг қулай кийими – сариқ ёки пушти-қизил рангли замшдан тайёрланган (чарм марена ва испарак билан бўяларди). Бой одамларнинг саёҳат ёки лочин овига киядиган чамбарлари рангли тўпбарггулли нақшлари танбур (занжир) усулида тўқиб чиқарилган. Ипак билан чармда тикиш эркакларнинг иши бўлиб, бугунги кунда ҳам ҳунармандчиликнинг бу тури билан фақат эркаклар шуғулланишади. Бозордаги устахоналарида ўтириб, улар тез ҳолда, тамбур илгакли чок билан

чамбарлар, ёстиқ-жилдлари, оёқ-кийим, бахмал ва мовут жабдуқ, ёпқичларга чиройли нақшлар солишади. Улар кашталарни ўзларининг кўникма ва ижодий тасаввурларига таянган ҳолда олдиндан расм чизмасдан кашта солишади. Қалин чармдан енгил ва мустақкам юк чемадонлари (яхдонлар) қилинган. Тилла-жигарранг чармдан ясалган яхдон, босма нақш ёки нақш ҳосил қилувчи рангли чок билан безатилган, бу нақш ичига саурдан ёрқин ферўза ранг қопламалар киритилган. Шунингдек, осма сумкалар, чарм флагалар ва чинни идишлар (таркаш) учун йўл футлярлари ҳам безатилган. Китобларнинг рангли жилди ва қоғозлар учун папкалар мазкур соҳанинг соф шаҳар турлари бўлган, улар медалонлар кўринишидаги нозик босма нақшлари билан, хошиялари ажойиб ўсимлик мавзулари билан безатилган; баъзида босма матн бутун муқовани эгаллаган.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ҳунармандчиликнинг пасайиши ҳам ташқи, ҳам ички сабаблар: республикамиздаги чарм маҳсулотларининг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиёда қўлланилишининг камайиши билан боғлиқ. Ўтроқ турмуш тарзининг кучайиши ҳам кўчманчилар рўзгор буюмларининг сиқиб чиқарилишига олиб келди. Бойсунда ҳам чарм маҳсулотларининг қўлланилиш доираси қисқарди, бироқ бугунги кунда чармдан тикилган оёқ-кийимларни ишлаб чиқариш ривожланмоқда, уларнинг асосий истеъмолчилари фольклор ансамбллари ҳисобланади.

Материал сифатида ёш бўлмаган молларнинг териси олинади, чунки бу чарм мустақкамлиги билан ажралиб туради. Этикларнинг пастки қисми қўлда бажарилган нақш билан, устки қисми машиналарда солинган нақшлар билан безатилган. Ранглар – қора, қизил, оқ бўлиб, иплари – нейлондан материалдан иборат.

Сайробда ишлаб чиқарадиган маҳсулот турлари – улоқ учун этиклар, қамчи, ковушлар, маҳсилар ва эгарлардан иборат бўлиб, у асосан буюртма асосида ишлайди. Чармни анъанавий технология асосида қайта ишлайди. Масалан, маҳси тайёрлаш учун таканинг териси олинади. Чармни ишлаш усули жуда осон: тери жунлари ички томонга қилинган ҳолда поҳол билан бирга ўралади. 2-3 кундан сўнг у чирий бошлади. Сўнг тугун ечилади ва жун ўзидан-ўзи тушиб кетади. Бех (бодом ёки ўрик дарахтидан) қайнатишади ва терига қуйишади, 3-4 кун шу суюқликда ушлаб туришади. Бу ҳол чармга жигарранг бериб, сув ўтмайдиган ҳолга келтиради. Таркибида олтингугурт мавжуд алоҳида навли гилга (зок) сув қўшилади ва бўтқасимон ҳолга келтирилади ва терининг ички қисмига суртилади, бунда тери қора ранга киради. Зокни Қашқадарё ёки Бандихондан келтиришади.

Кенг тарқалган чарм маҳсулотлари сонига пўстаклар – теридан ясалган ўзига хос, ёрқин гиламлар (1960-1990 йиллар) киради. Улар Беш эркак, Қизил Навр қишлоқларида топилган. Пўстакларнинг нақши ўзига хос, мавҳум композициялардан иборат – бир рангли квадрат марказий майдон зид рангли рамкалар билан хошияланади (жигарранг асосда қизил тўртбурчак, 1,5x2 м; марказида мовий тўртбурчакли пўстаклар, 1,5x2 м). Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш усули анъанавий бўлган. Жун аввал бўялади ва тайёр бўлаклар ягона қисмга тикилади.

Бойсунда шунингдек Пулҳоким қишлоғида териси ички томонга қараган подачилар пўстини ҳам тикилган. Рўзғорда кенг тарқалган яна бир маҳсулот – супралардир. Ишлатилишига қараб тери ивителилар ва ёғланарди, натижада рўзғорда ишлатиладиган чарм ҳосил бўларди; эчки ва қўй терилари ивителиб, ишлов бериларди. Замш тайёрлаш учун чарм олдин номокоп сувда ивителилар, кейин дудланарди; Саҳтиён тайёрлаш учун туз ва мис оксиди ишлатиларди.

Бугунги кунда, ўтмишдагидай сингари, чармга ишлов бериш учун қўлда қилинган анжомлар ишлатилади: учлари ташқарига қайрилган думалоқ шаклдаги ўтмас тигли темир ранда-доскун, у билан ивителинган тери тозаланган; терини жундан тозалашда ишлатилган пўлат ранда-ўроқ; пўлатдан ясалган ҳарошак, терини чўзишда ишлатилган ярим доира шаклидаги, тол новдалари билан егилган ва тортилган корчуб роми.

Хулоса қилиб айтганда, Сурхон воҳасида шу кунларда ҳам чармдан кийим, оёқ-кийим, рўзғорда кенг қўлланиладиган уй-рўзғор ва сафарбоп буюмлари тайёрланади.

Ёғоч ўймакорлиги. Ёғочга нисбатан ашё, бой ранг ва текстурага эга маҳсулот сифатида қаралиши, унинг кенг қўламда ишлатилишига олиб келди. Бойсунда ёғочга ишлов бериш ишлари ўз тарихига эга. Сайробнинг Жума мачитига ўрнатилган XIX асрда тайёрланган ўйма нақшли устун бунинг исботидир.

Ёғоч ўймакорлик рўзғордаги кўпгина буюмларни – турли хил тагликлар, сандиқлар, қутичалар, бешиқлар, кириш эшиклари, токчаларни беаб туради. Аҳолининг ёғочдан ясалган рўзғор буюмларига бўлган талабни дурадгорлар қондирадилар. Турли хил рўзғор буюмлари, уй жиҳозлари ва мусиқа асбобларига безак беришда Сурхон воҳаси усталари фақат нақшли ўймакорликни қўллайдилар. Материал сифатида дурадгорлар эса терак, ёнғоқ, қарағай дарахтларини ишлатишган. Рўзғор учун ишлатиладиган ёғоч буюмлар учун қўлланилган оддий сатҳсиз ўймакорлик халқ санъати тушунчаларига хос ва табиий материалнинг гўзаллигини ифодаловчи сифатини кўрсатади.

Қишлоқ аҳолисининг кенг қатламларига мўлжалланган сандиқ, бешик ва бошқа рўзғор буюмларида оддий сатҳсиз ўймакорлик қўлланилган. Сатҳсиз уч қиррали ўйма ва қавсли ўймакорлик нақшларни ёғочда ўйиб олиш йўли билан бажарилган. Бундай нақш қутичаларни, ошхона анжомлари ва озиқ-овқатлар учун ажратилган токчаларни, бешиқлар, ёғочоёқлар, эгарлар, баъзида ўқловларни безар эди. Ўйма нақшга – учбурчаклар, тўпбарггуллар, қавсчалар, чизиқлар силлиқ буюмларни ёруғлик ва соя ўйини билан жонлантириш эди. Фақат паст шикафчалар ва жавонларнинг олд қисми тўлалигича нақшдан иборат бўлиб, келиб чиқиши қадимги мавзулардан иборат оддий нақшлардан – ўсимликсимон ва геометрик шакллардан фойдаланилган.

Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган асосий асбоблар-теша, болта, арра, искана, ранда, омбур ва бошқалардир. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб усталар ишни осонлаштирадиган ва енгиллаштирадиган дурадгорлик дастгоҳларини қўллай бошлашган, шу сабабли оммавий рўзғор буюмларидан илгари нақшлаб ўйилган қисмларни токарли деталларга алмаштирилган. Илгари ёғоч усталари рўзғорда қўлланиладиган аниқ буюмларни ишлаб

чиқарар эдилар. Масалан, бешикчи, тароқчи, сарроқлик дурадгор-усталар мавжуд бўлган. Бугунги кунда ҳамма дурадгорлар кенг мутахассис ҳисобланадилар. Бойсун бешиклари фақат нақшларни куйдириш ва ўйма усулида бажарилган. Бойсун усталарининг фикрича, халқ табототи бешикларни бўяшни тақозо етмайди.

Бешиклар конструкцияси оддий: улар лола (харротин дастгоҳида кесиб олинади), куш (лоланинг учларидаги 2 та вертикал ушлагич), ярим ой шаклидаги ийма, уларнинг орасидаги панжара, каптоли, ўрта қисмлардан иборат. Анъанавий тузилмага қўшимча-чақалоқларнинг сўрғичларини сақлаш учун мўлжалланган тортма киритилган. Бешиклар нақшида каштачилик ва сандиқларда учрайдиган нақшлар қўлланилади: ой гул, лола гули, панжара ва ҳоказо.

Ёғоч буюмларидан яна бири – жавондир. Тузилиши жиҳатидан у бир ёки икки табақали бўлиши мумкин, олд қисми ўйма нақшлар билан безатилган (уларнинг рангини янгилаб туриш мақсадида, ҳаммаси мовий бўёқ билан бўялган). Жанубий Ўзбекистоннинг кўчманчилик маданиятига тааллуқли турли хил рўзгор буюмлари ҳам ажойибдир. Бу – Мунчоқ қишлоғидан чинникапгир (пиёлалар учун махсус кути, шуни қайд этиш керакки, чинни идишлар учун чармдан ҳам йўл қутилари тайёрланган). Шунингдек, унинг уйида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ясалган эгарлар, оёқ-кийим қолиплари, халаджи (пахтани уруғдан тозалайдиган қўл дастгоҳи).

Сандиқлар. Бадиий хунармандчиликда Сурхон воҳаси уйларини жиҳозлашда қадимги анъаналардан кенгроқ фойдаланиб, бунда хунармандлар томонидан тайёрланган сандиқлар алоҳида аҳамиятга эга. Сандиқлар қадимдан тайёрланиб келиб, унинг асосий вазифаси асосан кийимларни, майда рўзгор буюмларни сақлашга мўлжалланган. Сурхон воҳаси сандиқлар терак, ёнғоқ, қарағай дарахтларидан тайёрланиб, уларнинг олд қисми тунука билан безатилган.

Ҳажми ва тури бўйича сандиқлар икки усулга бўлиниб, сандиқни бири-бирига ўрнатиш усули фақат Бойсунда қайд қилинган. Остки сандиқ таглик деб аталиб, олд қисмига ўрнатилган ойнали эшикчасидан очилган, асосан майда рўзгор буюмлари ҳамда идиш-товоқларга мўлжалланган устки сандиқ тузилиши оддий қилиб ясалган ва тепага қараб очилган. Сандиқларнинг устига тахмон (гилам ёки палас нақшига эга бўғжома билан кўрпа, кўрпача, ёстиқлар, тугунлар ёпилган) тахланган. Бугунги кунда кўпгина уйларда сандиқлар мебелнинг ёгона тури бўлиб қолган.

Тунука қоқиб безатилган сандиқлар маълум бадиий аҳамиятга эга, чунки уларнинг безак йўсинларида кўчманчилик анъаналари яққол кузатилади. Тарих тақозоси билан ўтроқ ва кўчманчи халқлар орасида юзага келган муносабатлар ижтимоий кўникма ва анъаналарнинг аралашиб кетишига олиб келган, бунинг натижасида ўтроқ ҳаёт тарзига ўтилган бўлишига қарамай, санъат намуналарида кўчманчи маданият анъаналари сақланиб қолган. Турмуш тарзи ҳамда ўзбек ва тожик миллатига мансуб халқлар урф-одатларининг умумийлиги ҳам воҳа бадиий хунармандчилигида ўз аксини топган.

Сандиқлар асосан яшил ёки қизил бўёққа бўялиб, тунукадан кесиб олинган ялтироқ, кумушранг, рангли ёки нақшли чизиқчалар билан безатилиб, улардан нақшлар, кўп ҳолларда сандиқнинг девор ва қопқоғига қоқилган тўрсимон композициялар ҳосил бўлади. Сандиқлар шаклига лўнда, аниқ ифода, мақсадга мувофиқлик ва мутаносиблик хосдир. Нақш тузилиши икки тархликдан иборат –узоқдан бутун композиция, унинг тақсимланиши ва йирик мавзулар яхши кўринса, яқиндан майда нақшнинг нозик ишланмаси намоён бўлади. Сандиқлардаги нақш тузилишининг асосий тамойили асосий безак мавзуси ҳошияли билан чекланишида ифодаланади. Сандиқнинг ён қисмлари нақшинкор ҳошия билан тугалланади. Сандиқ нақшлари Сурхон амалий санъатининг ҳамма турлари учун анъанавий бўлиб, асосан геометрик шакллар ўсимликсимон, зооморф (хайвонот дунёсига оид), соляр нақшлар ва нарса-буюмларнинг тасвири камроқ ифодаланади.

Нақшларда кўчманчилик маданиятига хос анъанавий мавзулар алоҳида ўринни эгаллайди. Масалан, “кўчқорак” (кўйнинг шохи) нақши Сурхон воҳасининг ҳам гиламлари, ҳам кигизларига хос нақш. Хайвон тимсолларидан “кирмак” (чувалчанг), “зулук”, “илон изи” нақшлари ҳам кенг қўлланади. Геометрик нақшлар асосан шакл ажратувчи чизиқларда, нақшларнинг сиртини ифодалашда қўлланилади.

Сурхон каштачилигига ҳам тегишли, бироқ улардаги кийик тасвирларининг келиб чиқиши ўзгача. Кийик тасвири композициянинг марказий қисмида тасвирланган “мадохил” медалонининг ичига туширилган, атрофларига “палак гул” тўпбарггуллари жойлашган. Иккала сандиқнинг асоси қизил рангда, яшил, оқ, қизил ранглар қўлланилади. Маҳаллий буюмлар турини ифодаловчи, олд тарафи уч қисмдан иборат композицияли сандиқлар ташкил этади, бунда марказий, асосий қисм (таглик сандиқларнинг ўртасида ойнали эшикча жойлашган) каттароқ, икки ёнидаги қисмлар эса тўпбарггуллар билан нақшланган. Зооморф элементлар – “кирмак”, “зулук”, “кучкарок”лар тасвирланган олд қисмининг сирти ингичка чизиқлар билан ҳошияланган.

Шу билан бирга, ён қисмлари устунлик қилиб, асосий маънони ифодаловчи композициялар ҳам мавжуд. Бундай сандиқларнинг ноёблиги – уларнинг остки қисмида гуллар, барглар, анор дарахти (ҳосилдорлик тимсоли) меваларининг гажаксимон новдалари билан ифодаланган ўсимликсимон “ислими” нақши, алоҳида равишда сариқ рангли ясси ҳассага (жезл) солинган ва қўшимча безакли нақшнинг мавжудлигидадир.

Ушбу қўшимча нақш ҳаёт ва ҳаракатга тўла, эркин чирмашиб ўсаётган новда тинчлик, тенглик, барқарорлик туйғуларини бахш этадиган ингичка ҳошияли рамка билан тугатилишини ифодаловчи чуқур рамзий маъноли ечим ҳосил бўлади. Бу ердаги тўпбарггуллар, бошқа композициялардан фарқли равишда, остки қисмда жойлашган. Заргарлик буюмлари Сурхондарёда кенг тарқалган бешта кокиланинг ингичка чамбар кўринишидаги “беш оёқли сирға” билан ифодаланган. Сандиқларнинг безакларини умуман таҳлил қилганда, маҳаллий маданиятнинг ўзига хос хусусияти – кашта, гилам, кигиз, сандиқ, амалий санъатнинг бошқа турларида халқ санъатининг маълум услубий

йўналиши ва рамзий –тимсолий яхлитлигини ташкил этадиган нақшларнинг ўхшашлиги ажралиб чиқади..

Сурхон воҳасига хос кандакорлик (мисгарлик)-амалий санъат тури, ўймакорликнинг метал буюмларини ўйиб, чизиб нақш, тасвир ишлаш соҳаси. Буюмларни безашда кандакори (ўйиб, кесиб) қолипаки (қолип ёрдамида), симкори (симдан фойдаланилиб) шунингдек, буюмларнинг қисмлари (қопқоқ, даста ва бошқа) ва икки қаватли буюмларини безашда шабақа (панжарали қилиб ишлаш) усуллари қўлланилади. Анъанавий ўсимликсимон ва ҳандасий нақшлардан кандакар яратилган.

Нақш ёки тасвир замини пўлат қалам (асбоб) лар ёрдамида чуқур ёки саёз ўйилади, замин саёз ўйилганда рангли лаклар билан бўялади, пардозланади, чекма, ўйма, катак, параллел кесма чизиклар билан жило берилади. 1930 йилдан металл сиртига кимёвий моддалар таъсир эттириб нақш, тасвир яратиш усули ҳам қўлланилади. Археологик топилмаларга қараганда милoddan аввал IV-II асрларда топилган металл буюмлар бунинг ёрқин исботидир. Воҳадаги археологик қазилмаларида топилган топилмалар жуда қадимдан мавжудлигидан далolatдир. Араблар истелосидан кейин афсонавий тасвирлар ўрнини ҳандасавий нақшлар, безак даражасига етказиб ишланган араб ёзуви (байт) лари эгалаган.

Мискарлик - мисдан қуроллар, уй-рўзғор ашёлари, турли буюмлар яшас касби. Ҳунармандчиликнинг қадимги турларидан. Қадимда мискарлар соф мисни совуқлайин ишлаганлар, шу туфайли мис буюмлари юмшоқ ва мўрт бўлган. Кейинроқ мискарлар буюмларни мис ва қалай қотишмасидан хосил қилинган бронзадан ясаганлар ва бундай буюмлар бир мунча пишиқроқ бўлган. Нақшкор мис идишлар яшашнинг қадимий маркази Бухоро бўлган. XI-XII асрларда Термиз мискарлари ҳам майда гул солиш санъатида шухрат қозонган.

Воҳа мискарлари мис идишларини, асосан икки йўл билан эритиб қуйиб ва болғалаб ясаганлар. XVIII-XIX асрларда - XX аср бошларида воҳа мискарлари ясаган офтоба, қумғон, лаъли, чойдиш, мис кўза, коса, лаган, кашгул ва дастшуйларга майда гул солиш санъатида шухрат қозонганлар.

Мис косалардаги битиклар - Термиз Археология музейида сақланаётган мис коса XIX асрга оид Бухоро мисгарлик санъатининг намунаси бўлиб, у қизғиш мисдан ишланган бўлиб, Бойсунлик мискарлар томонидан ясалган.

Коса - ярим сферлик шаклда бўлиб, гардиши ташқи томонга тўғри қайрилган. Ички томонининг марказида ярим сферик қабарик шакл устида кичик «жом» жойлаштирилган. Кичик «Жом» нинг атрофида 40 та «калит» симон илмоқ бўлиб, улар занжирлар билан марказий илмоққа туташган. Идишнинг тагдони халқасимон бўлиб, унинг маркази чуқур калиб ишланган. Идишнинг ички ва ташқи томонлари «настаълик» ва «абжад» услублардаги арабча ёзув билан безалган. Мазкур мис коса «Жоми шифо» деб аталиб, «Шифо косаси» сифатида ишлатилган. Уни «Қирқ калит»- «чил калит» деб ҳам аташган. Идишнинг гардиш қисми 21 сантиметр, кичик жомнинг гардиши 7 сантиметр, баландлиги 5,5 сантиметр, тагдон гардиши 10 сантиметр ташкил қилади. «Жоми шифо» ёки «Қирқ калит» деб аталувчи мазкур мис косада Оллохнинг 6 та сифати қайд этилган:

Идишнинг девор қисми ва тагдонида дира ва ярим доира ичида «абжад» орқали дуолар битилган. Маскур мис идиш махсус диний маросимда ишлатилиб, идишларда йиғилган ёмғир сувига «Жоми шифо» қирқ марта ботирилиб, сўнг беморга ичирилган. Мис идишларни эпикграфик услубда безаш мусулмон Шарқи дунёсида уйғониш даврига кенг тарқалган.

Сурхоннинг заргарлик санъати тегишли бўлган аёллар, эркаклар ва болалар заргарлик тақинчоқлари, олтин ва кумуш мухрлар ва идишларни ташкил этади.

Заргарлик - баддий ҳунармандлик соҳаси - олтин, кумуш, мис, қалай каби рангли металллардан зеб-зийнат буюмлари (тақинчоқлар, безак буюмлари яшаш каби.) Заргар безак буюмлари тайёрлашда куйиш болғалаб (зарб бериш) яшаш, халлаш (олтин ва кумуш суви юритиш) ўйиб ёки бўрттириб нақш яшаш, босма, зигирак, савот кори, калипаки, шабака каби усуллардан кенг фойдаланилади.

Қимматбаҳо тошлар (гавҳар, феруза, дур, хақиқ ва бошқа) га ишлов бериб заргарлик буюмлари (баргак, бибишак, билакузук, бозубанд, бозгардон, балдоқ, булоқи, бўйинтумор, гажак, дуо тузи, жевах, жига, заркокил, зебигардон, зулф, исирға, кокил, ойбалдоқ, осматузи, санчоқ, тавқ, тилла, баргак, тилла тузи, тиллақош, турунж, узук, шокила, қошқарбалдоқ, халқа каби) яратилган. Заргарлик асосан олтин ва кумушдан фойдаланишган. Сурхон олтин ва кумушсозликда баддий мактаби тақинчоқларининг таркиби, техник ҳамда баддий услубнинг ўзига хослиги билан Бухоро баддий мактабига яқин туради. Заргарлик ишларида тоблаш, ўймакорлик, кесма, филигранъ, текис ва чуқур ўймакорлик, чизмачилик, сайқаллаш, олтин суви юритиш, сирлаш каби усуллар қўлланилган. Филигранъ буюмлари бўлиши «Панжара», «Бозбандча», «Қатмала», «Мохитилло» каби билакузуклар Бухоро заргарлик мактабининг асосий хусусиятларини ўзида мужассам этган.

Сурхон заргарларини буюмлардаги ранг-баранг ва беқиёс нақшинкор безаклар «Ислимий» ва хандасавий шакллардаги қатъий чизиқларнинг ўзига хос гўзаллиги кишини беихтиёр хайратга солади. Нақшларда ёзувчилар, шеърлар, Қуръон сураларига ҳам алоҳида эътибор беришган. Нозик араб имлосида битилган ёзувчилар буюмларга ўзгача ифода бахш этган. Қуръондан парчалар, шахс ва исм ва бошқа нарсалар ўйиб ёзилган. Эрон ферузаси ва хақиқ заргарлар томонидан алоҳида қадрланган. Тошлар сеҳрли хусусиятга эга деб ҳисобланган.

Чунончи, ёқут, лаъл, нилум (санфир), зумрад, қизил яхонт (рубин), марварид ва жавоҳирлардан қимматбаҳо буюмлар яшашда кенг фойдаланилган.

Тақинчоқлар таркиби ўзида аҳолининг жинсий бўлинишини акс эттирган. Аёллар тақинчоғи 3-4 ёшдан то кексалик давригача тақилган. Бойсун шаҳар келинчаклари бой, ранг-баранг сепи алоҳида ажралиб турган. Бинобарин тақинчоқлар авлодлар, сулола давомийлигини билдирган. Тўй тақинчоқларига бош, бўйин, кўкрак безаклари: «Қошитилло», «Боло-абру», «Тилло баргак», «Мохитилла» каби зеби-зийнатлар кирган. «Кишитилло»нинг дастлабки шакли олтин қошлар кўринишида бўлган ва қошлар устидан тақилган. Тақинчоқларни бора-бора тош кўзлар, кейинчалик эса, тошлар билан безалган яхлит тасма эгаллади. Қолипсимон маълум бир услубга солинган япроқли «Баргак»

тақинчоғи гул ва барглардан ясалган гулдастага ўхшайди. У яшаш ва туғилиш рамзини билдиради. «Бибишак» бой хотинларга яъни бегойимларга тегишлиликни англатади. Бошни безайдиган тақинчоқ-безаклар «Синсила» ёки «Силсила» дейилиб, икки хил маънони яъни «занжир» ва «сулола» маъноларини билдиради. Халқимизнинг «Дунёда аёл зоти бор экан, заргар ишсиз қолмайди» деган мақоли заргарларга берилган бекиёс тарафдир. Аёллар учун заргарлик буюмлар ранг-баранг, нафис ва чиройли бўлиб, улар турли хил ўзига хос белгиларга эга бўлган. Заргарлик буюмлари; - «Зеби сина», «тилла баргак», «ақик», «қўлтиқ тумор», «заркокил», «халқай Муҳаммади», «халқай сепоя», «халқай-бешоёк», «тиллақош», «бибишок» каби турли хил номлар билан ажралиб туради. Заргарлик касбини эгаллаган усталар турли хил буюмлар тайёрлашда ўз маҳоратларини кўрсатиб, эл орасига алоҳида нуфузга эга бўлиб, амалдорлар ўз буюртмаларини ана шундай истеъдодли усталарга тақдим этганлар..

Соч тугнагич эса «сарсўзан» деб аталган. «Сочпопук», «Туф» каби шаклдаги турли хил кумуш детали ипак боғичлар ўрим сочларнинг асосий зийнати ҳисобланган. Улар гўёки сочларни беркитиб туриш ва ёмон кўзлардан асраш учун ишлатилган. Сурхон заргарлик санъатига хос бўлган зиракларнинг барча асосий турлари-доирасимон- «кундалсози», «муҳаммади», «қашқар балдоқ», «шибирма» ва бошқалар мавжуд. «Шибирма» қизларга балоғат ёшига етганда ёки тўй куни совға қилинади. Зираклар, анъанавий филигранъ техникаси услубида тайёрланиб, оч-қизил ёқут, феруза марварид билан жило берилган. Бу ерда кўкрак тақинчоқларидан маржон, бозбандчанинг олтин ва кумуш ўрнатилган ярим қимматбаҳо тошли, жимжимадор қатмола шарчали, тангачали шода мунчоқларнинг бир неча тури заргарлар томонидан ясалган.

Заргарлар дастпона нақшлар билан жило берилган билакузук ва узук, айниқса беш йўлли «дастпона-панжара» флигранъ билакузуқлари жуда машҳур бўлган. Ҳар бир узук араб имлоси билан безатилган. Улар қўл покизалигини сақлаб туради, дейишган. «Тумор» (тўртбурчак, учбурчак), «Бозбанд» лар ҳам илохий хусусиятларга эга деб ҳисоблашган. «Бозбанд» балиқ тангачаларини эслатувчи «майдаланувчи феруза» техникси усулида тайёрланган. Балиқ тўкинлик, қут-барака тимсоли сифатида ифода этилади. Сурхонда отга тегишли кўкрак пешбанди, бош, бўйин, шунингдек эгар-жабдуқ безакларининг энг асл намуналари тайёрланган. Улар кумушдан ясалган ҳамда феруза ва қимматбаҳо тошлар билан жило берилган. Сурхон заргарлари томонидан ясалган олтин ва кумуш идишлар Бухоро амирига совға қилинганлиги ҳақида маълумотлар бизгача етиб келган. Пардозлаш, сирлаш ва ўймакорлик ишлари маромига етказилган, олтин, кумуш, ёқут, феруза каби қимматбаҳо тошлар ўз даврида Сурхон заргарлик мактабининг бекиёс санъат дурдоналаридан гувоҳлик беради. Ўзбек заргарлиги ҳам қадимий даврлардан ўзининг ажойиб санъати билан кенг танилган. Заргарлик ноёб бадиий асарларининг намуналари кўпгина археологик қазилмалардан топилган. Заргарлар техник жиҳатдан умум металл буюмларини яшаш услубларидан ташқари ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлганлар. Ҳатто олтин ва кумушни болғалаш,

қиздириш, сайқаллаш, пардозлаш, буюмга кўз босиш, тилла суви бериш каби ишларда ўзига хос нозик услуб талаб қилинган.

Заргарлар бойларнинг буюртмаси билан катта-кичик қимматбаҳо безакларни жуда чиройли қилиб ясаганлар. Улар хон ва беклар учун отларнинг анжомасига олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан турли безаклар ҳам ишлаб чиқарганлар. Сурхон заргарлари бош ва устки кийимлар осиладиган безаклар (дузуг, шавка-ладузуг, тахадузуг, клитбаги, тумор, аравак, зирак, билазик, юзик кабилар)ни зўр маҳорат билан яратганлар. Денов беклиги ҳудудида заргарлар қимматбаҳо зийнатланган металлдан турли узуклар ясаганлар: шоншанак кўзли ёки кўзсиз узук, тилла узук, кумуш узук, мис узук, қалай узук, овранча узук, румча узук; иш услубига қараб - қуйма узук, сукма узук, муҳир узук ва ҳоказо; металига ёки шаклига қараб турли билак узуклар тилла билак узук, кумуш, мис қуйма, тугмали, япалоқ, илон боши, бақа бош, карманалик ва ҳоказо. Қулоққа осадиган сирғаларнинг турлари ҳам кўп бўлган: Муҳаммади сирға, беш оёқли сирға, кўнғироқли зирк, анжирболдоқ ва ҳоказо. Бурунга осадиган аравак ва латива, сочга тақадиган металл қисмлардан иборат сочпопук (чочпопук), найча, пур сочпопук, тиллазулф, кокилли, панжара, кубба; буйинга ва кўкракка осиладиган безаклар (зебигардон, жавок, базубанд); пешанага тақиладиган тиллақош, тиллабаргак ва ҳар хил туморлар заргарлар томонидан зўр маҳорат билан ишланган. Олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар Россия, Эрон, Ҳиндистон, Қўқон ва Бухородан келтирилган.

Воҳа заргарлари асосан уйда, баъзилари бозорда дўкон қурганлар. Бекларнинг кўшк ва саройларида маҳсус заргарлик дўконлари бўлган ва у ерда қимматбаҳо тошлар билан безатилган пичоқ ва қиличлар ясалган. Дўкон жиҳозлари кичкина сандон, бир неча хилдаги болға (чўкич), қайчи, омбур, тутқич, сим ясаيدиган кира, кичкина босқонли учоқ ва мисдан ясалган баландам, аррача ва турли нақш берадиган металл қа-ламлардан иборат бўлган. Бойсун, Шеробод, Денов заргарлари ўйиб қоракумуш нақшлари беришда зўр маҳорат кўсатганлар.

Билагузук (XIX аср)

Ўрта Осиё, шу жумладан Россиянинг мустамлакасига айланган Ўзбекистонда заргарлик ва мискарлик касблари аста-секин тушкунликка учрайди. Арзон баҳоли завод-фабрика зебу зийнат буюмларининг маҳаллий бозорларга кўплаб келтирилиши бу ердаги хунармандчиликнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлган эди.

.Жамият тараққиёти босқичлари, меҳнат тақсимоти билан алоқадор ҳолда хунармандчиликнинг уч тури шаклланган:

- 1) Уй хунармандчилиги.
- 2) Буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган хунармандлар.
- 3) Бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик.

Уй ҳунармандчилиги аввалда ва ҳозирда энг кўп тарқалган тури бўлди.

Сурхон ҳудудида милоддан аввал I аср ва милодий I асрларда Кушонлар даврида қарор топган Бойсун туманидаги Туманкўрғон қалъасини қозиш пайтларида ҳунармандчиликни дастлабки муҳим тармоғи ҳисобланган сопол буюмлар ишлаб чиқариш ва тўқимачилик, заргарлик, темирчилик буюмлари ишлаб чиқариш вужудга келганлиги археологик қазилмаларда топилди.

Бухорода хусусан Сурхон ҳудудида ҳунармандчиликни барча турлари XX асрнинг 20 йилларигача сақланиб, ҳудудида ҳунармандчиликнинг 30 га яқин тури ривож топган. Бойсун Шахристонидаги ёпиқ Тимда (бозор) ҳунармандларнинг 53 та дўкони бўлган. Ўзида хилма-хил касбкорларни бирлаштирган терини қайта ишлаш соҳасида кунчилар, этикдўзлар, махсидўзлар, ковушчилар, эгар-жавдукчилар, телпакчилар, пўстинчилар, камарчилар, тўқимачилик соҳасида бўзчилар, атласчилар, гиламчилар, шолча ва намагчилар, тақачилар, мисгарлар, чилангарлар, заргарлар каби касблар бўлган. Булар ҳунармандчиликнинг тармоқ тузилишини белгилаган.

Темирчилик ҳақида- «Абу Муслимнома» қўлёзмасида (форс тилида) ва «Пахлавон Ахмадий Замчи» номли китобларида (Тошкент, 1904 йиллар нашр этилган) Абу Муслимнинг (747-749) йиллар барча ишлари, ҳаёти, инсонпарварлиги ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Китобда Абу Муслим Марв шаҳридан уста Хурдаки Хубқори бошчилигида ҳунармандларни, темирчи усталарни, Дарбандга келтирилганлиги, бу усталар Темир дарвоза ва кўрғонларда хизматда бўлган соқчилар ва аскарларга камон, қилич, отларга керак бўлган барча асбоблари ясаб берадилар ва Дарбанддаги Қапчиғай кўрғонида яшайдилар. Абу Муслим шу ерда туриб раҳбарлик қилганлиги батафсил ёзилган.

Археологик изланишлар натижасида Қапчиғай Кўрғони VI асрда қурулганлиги маълум бўлган. Бу кўрғон Заххон кўрғони ҳам деб юритилади. Кўрғоннинг пастки қисми дам олиш ва яшаш хоналари қурилган бўлса, юқори қисмида темирчилик устахоналари ташкил топган бўлиб, хоналар сони 16 та бўлиб, бу ерда турли асбоблар, ҳарбий қуроқлар тайёрлаган. Бу ҳақида «Абу Муслимнома» тарихий китобида батафсил ёзилган. Демак, Бойсунда темирчи усталар 1400 йил олдин яъни VI асрда Дарбанддаги Қапчиғай Кўрғони атрофида шаклланиб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Пичоқсозлик - пичоқ, устара, ханжар ва бошқа кесгир асбоблар яшаш каби, ҳунармандчиликнинг қадимий турларидан бири. Илк палеолит давридан маълум. Дастлабки кесгир қуруқ тошдан ясалган. Жез даврида мис ва жездан пичоқлар ясалган. Темирнинг кашф этилиши пичоқсозлик санъати тараққиётида катта бурулиш бўлди.

Шарқ мамлакатларида хусусан Ўрта Осиёда пичоқсозлик қадимдан ривожланган. Бойсун ҳудудида (Туманкўрғон, Мунчоқтапа, Кўрғони боло) олиб борилган археологик қазилмалар натижасида милоддан аввал I-III асрларга оид пичоқ намунаси топилган. VI-XII асрларда пичоқ яшаш ривожланиб, уни безаш технологиялари ўзгарган. XV-XVII асрларда ёнга олиб юрадиган пичоқ турлари пайдо бўлди. Кейинчалик пичоқсозликнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. Бухорода ва амириликдаги даврларда пичоқсозлик санъати ривож топди.

. Умида Сувонова илмий тадқиқотларида миллий маданиятимизни анъанавий каштачилиги, сўзана ва уй-рўзғор буюмлари ҳақида қуйидаги маълумотлар тақдим этилган. Кашта тикиладиган матога ранг танлаш Сурхон чеварлари учун муҳим саналади. Бунинг учун эса каштачи-чевардан юксак дид, анъанавий одатларни пухта билиш, момолар, аждодларнинг бу борада тўплаган тажрибалари, сирларидан хабардор бўлиш талаб этилади.

Каштачилик ипакчилик негизида тараққий этган Ўрта Осиёнинг барча ҳудудлари, жумладан, Сурхондарё воҳасида ҳам ривожланган ҳунармандчилик турларидан бири ҳисобланган. Асрлар давомида авлоддан авлодга утиб келаётган *каштачилик* аёлларнинг ижодий қобилиятлари, орзу-умидлари, табиатга, гўзалликка бўлган муҳаббати намоён бўлган. Қиз болаларни яхши каштачи бўлиб етишиши учун уларга ёшлигидан ҳунар ўргатилган. Ўрта Осиё, жумладан, воҳа аёлларининг барчаси ўз оиласи учун каштачилик буюмларини ўзлари тикишган. Каштачилик буюмлари сирасига *сўзана*, *жойнамоз*, *тахмонпеч*, *бўғжома*, *ёстиқпўш*, *зардевор*, *дорпеч чойшаб*, *палак*, *белбоғ*, *дўппи* ва хоказоларни киритиш мумкин.

Турли кашталарнинг кўриниши, шакли, ўлчови, асос, яъни тағ матоси, гул нақшлари ҳамда тикилиш услубига қараб уларнинг турмушда тутган ўрни белгиланган. Масалан, деворларга осиладиган ва ёшларнинг тўшаклари устига ёпиладиган *сўзаналар* (бўйи 230 — 280, эни 170 — 200 см.) марказий гул-нақш ва ҳошияли бир бугун кўринишга эга бўлган.

Тахмонга йиғилган тўшакларнинг устини ёпиш учун ишлатиладиган *тахмонпўш* сўзанадан ўлчовининг кичиклиги (бўйи 170 — 250, эни 120 — 150 см) билан фарқланган.

Сандалпўш эса квадрат шаклида, яъни тўрт томони бир хил (150 - 150 ёки 170 - 170 см) ўлчамда бўлган.

Жойнамознинг ўртасига гул тикилмаган. Бош томони ва иккала четидаги нақшли ҳошия бир-бири билан равоқ. ҳосил қилиб бирлашади. *Жойнамоз* (бўйи 130 — 150, эни 90 — 110 см) ва *рўйжо* (бўйи 260 — 285 см, эни 165 — 200 см) нинг паст томонига ҳошия тикилмай, очиқ қолдирилган .

Бўғжома ёки *бугчапўш* турли хил буюмларни туғиб қуйиш учун ишлатилган. Унинг безаги буюм марказида жойлашган. *Бўғжоманинг* бошқа жойида безаги бўлмаган.

Хонанинг, асосан, тепа қисмини безатиш учун тикиладиган *зардевор* айнан такрорланувчи гуллар билан безатилган. Унинг бўйи 50 см, эни 350 — 400 см ўлчамда бўлган.

Йирик сўзаналарни тикиш учун узоқ, вақт кетган. Бунда гул босилган мато бўлак-бўлак бўлиб, ҳар бири алоҳида тикилган ва кейин яхлит ҳолга

келтирилган. Бунинг натижасида, баъзида нақшлар бир-бирга тўғри келмай қолган холлар ҳам учрайди.

Кашталарга *қаламкаш* ёки *чизмакаш* деб ном олган моҳир каштачилар учи ингичка қамиш қалам билан матога гул чизган. Улар кўплаб нақшларни ёддан билган ва янги безак турларини яратишган ҳамда кашта гуллари рангини белгилаб берган. *Чизмакаш* ўз асарларига асос қилиб асрлар бўйи сақланиб келаётган нақш турларидан фойдаланган ва уни ўз ижодий янгиликлари билан бойитган. Шу жумладан, каштачиликда қадимий нақш турларидан бири қалампир нусха ўз мафтункорлиги билан асрлар давомида ижодкорлар диққат марказида турган ва турли шаклда янги безак сифатида тасвирланиб, сайқалланиб келган.

XIX аср 80-йилларигача сўзаналар оқ карбос ёки сариқ рангли қалин матоларга тикилган. Ушбу кашталар мафтункорлигини нақшлар ранг-баранглиги, нозик тикилиш усули ва табиий бўёқларда бўялган ипак иплар жозибаси билан изоҳлаш мумкин. Кашталарни тикишда ипак иплардан ташқари, оч қизил рангли жун иплардан ҳам фойдаланишган.

Кейинроқ эса кашта тикиш учун маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган бинафша, кўк, жигарранг сидирға матолар, Россиядан келтирилган оқ ва рангдор газламалар ҳамда кўпроқ сунъий рангларга бўялган маҳаллий ипаклардан кенг қўлланилган. Шу жумладан, XIX асрнинг 80 - 90-йилларидан ипакларни арзон анилин бўёқлари билан бўяш урф бўла бошлаган. Бу эса *каштачилик* буюмлари сифатига ўз таъсирини ўтказган. Бу бўёқ, табиий бўёқлар рангидан мутлақо фарқ қилиб, ипакка кескин очиқ ранг берган.

Сурхондарё воҳаси *каштачилигида сўзаналарга босма* ва *йўрма* чокларининг турли хиллари билан сидирға матога тўлдириб гул тикиш хос бўлган. Безак нақшлари ҳам шу чокларда тикилган.

Босма чокда икки - *ироқи* ва *кандахаёл* услублари мавжуд. *Ироқи* услуб майда чокли тикиш бўлиб, чоклар деярли перпендикуляр, мато устига узунасига тортилган ипга нисбатан сал қийшиқроқ тикилиб, ҳар қайси қатор чоклари бир-биридан ажралиб турган. Шунда сўзананинг олд томонида чиройли ва нафис гуллар солинган чокларнинг тўғри қатори ҳосил бўлган. Орқа томонидаги эса олд томонидагага нисбатан кўполроқ чок қаторлари юзага келган. Қаторлар орасининг катта-кичикгига қараб ушбу чок ҳам икки — нафис ва чиройли *майда ироқи чок* ҳамда кўполроқ кўриниш берадиган *йирик ироқи чокка* бўлинади.

Воҳанинг Бойсун каштачилиги қишлоқлардагига нисбатан юқори сифатлилиги билан ажралиб туради. Бойсун *дўппилари* ва *синаванчалари*, асосан, *ироқи чокда санама* ҳамда *чизма* услубда тикилган.

Санама услубида асос учун икки қават чит устидан бўз қўйилиб, кейин гулларнинг ўрни белгиланган. Баъзи тажрибали тикувчилар безак нақшини ёддан билса, кўпчилик каштачилар олдида маълум бир намуна турган ва ўша намунадан кўчирма олган. Одатда, гулларнинг ўрни қора рангда тикиб чиқилган. Кейин *кашта* гулларининг ичи тўлдирилган. Бу усулда кашта тикишда ранг танлаш кўпроқ тикувчининг хоҳишига боғлиқ бўлган. Бойсун анъанасига кўра, кўпроқ яшил ранг *дўппилар* қури учун ишлатилган бўлса, кўк

ва оқ рангли ипак иплар, асосан, дўппи ҳамда синаванчаларнинг асосини тикишда ишлатилган. *Дўппи* гуллари кўпроқ оч ҳамда тўқ пушти, жигарранг, сариқ ҳамда сиёҳранг ипларда тикилган.

Санама услубининг ўзига хос ҳамда аҳамиятга молик томони шундаки, бу усулда тикилган нақш шакллари жуда аниқ чиққан ва бир-биридан ажралиб турган. Нақшлар орасидаги масофа бир хил бўлган. Тикиш давомида атига бир катак адашилса ҳам, шакл бузилган, ўлчамлари фарқли бўлиб қолган. Бундай ҳолатда ишни бузиб, қайта тикишга тўғри келган. Шу сабабли санама услубида тикувчидан кўпроқ диққат талаб этилган.

Сурхон воҳаси каштачиларнинг маҳорат ва санъати айниқса сўзаналарда ёрқин намоён бўлади. Асосан тўқ қизил, тўқ сариқ ёки қора сидирға матоларга ипак ип билан тикиладиган ҳар хил шакл ўз маъносига эга бўлиб, маълум бир буюм, новда, ўсимлик қисми, ҳайвонлар аъзоси, ой, қуёш, заминнинг маълум бир қисмига оид рангларни ифодалайди. Кашта тикишда ишлатиладиган ипак иплар эса асосан ёрқин рангларда бўлади. Сўзана маркази айлана-доира шаклида бўлиб, қолган қисми "тарк гул", "кучкормез гул", "ой гул" каби нақшлар билан безатилади. Момолар бисоти орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу санъат бугунги кунга келиб, янги-янги чизгилар, шакллар ва тасвирлар билан бойитиб борилмоқда. Эндиликда замонавий сўзаналарда аниқ ва ёрқин тасвирланган ўсимлик барглари, атиргуллар, Сурхон диёрида ўсадиган турли гул тасвирларини кузатиш мумкин. Сўзана тикиш, унга ранг ва тасвирлар танлаш жараёнида худди қадимгидек, ҳозир ҳам қўни-қўшнилари, қишлоқ чеварлари биргаликда қатнашадилар. Бу каштачиликда муҳим анъана саналади ва бугунга қадар сақланиб қолган.

Сурхон амалий санъатининг каштачилик турини жиддий ўрганган Бойсун илмий экспедицией аъзоси, санъатшунос З.Носированинг таъкидлашича, бу ҳудуд каштачилиги жуда қадим тарихга эга. Санъатшунос олима бу ҳақда шундай ёзади: "Бойсун илмий экспедицияси Бойсуннинг 50 га яқин қишлоқларида тараққий этган каштачилик тарихи, унинг бадий хусусиятларини ўрганиб, уста-чеварлар билан суҳбатлар давомида уларнинг ишлаш услуби, технологияси, нақшлар талқини билан яқиндан танишиб чиқди. Илмий изланишлар асосида каштачиликда асосий мавзу баҳор фасли, Навруз байрами билан боялиқ эканлиги аён бўлди. Айниқса, бу Бойсун каштачилигида кенг тарқалган сўзаналарнинг композиция ва нақшларида яққол намоён бўлган". Дарҳақиқат, санъатшунос олима таъкидлаганидек, Бойсун каштачилари яратган сўзаналарда инсон тафаккурида шаклланган, яъни у ўз холича тасаввур этган сунгеиз само, табиат гўзалликлари, шунингдек бахт ва севги тушунчалари, садокат рамзлари ўзининг ҳам ёрқин, ҳам образли ифодасини топган.

Агар илмий нуктаи-назардан ёндошса, Бойсун сузаналаридаги тасвирларни, нақшларни композицион тузилишига қара бир неча турга бўлиш мумкин. Булар — зооморф, яъни ҳайвонот олами тасвири, тупбарггуллардан иборат нақшлар ва ўсимликсимон нақшлардир. Катта ҳажмдаги сузаналар асосан "ой" тупбарггуллардан фойдаланган ҳолда тикилади. Қолган қисмлар эса "бодом", "бодомча", "лола", "даста гул", "шоҳ" каби нақшлар билан безатилади. Шуниси

дққатга сазоворки, тупбарггул ичидаги барглар куринишидаги нақш муқаддас ҳисобланиб, "туморча" деб номланади.

Сўзаналар шакл ва нақишларининг мазмуни жихатидан ҳам бир-бирига ўхшайди. Музейда сақланаётган сўзаналар орасида тўғри туртбурчак шаклидаги қизил рангли матога тикилган сўзана эътиборлидир. Қизил сатинга тикилган бу сўзананинг марказида катта "ой" тасвири бор. Унинг атрофига эса саккизта кичик тупбарглар жойлаштирилган. Яхлит композициядаги марказий нақшлар туғи туртбурчак хошияга олинган. Хар бир тупбарггуллар орасида оқ, сариқ, яшил, кук рангли иплардан тикилган. Марказда катта тупбарггул ва саккизта кичик гулларнинг ҳаммаси бир-бирига симметрик тарзда жойлаштирилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу кашта усули Сурхоннинг чекка қишлоқлари чеварлари услубига хос тарзда тикилган. У кулда, қизил сатин матога пахта ипдан тикилган.

Бойсуннинг чекка худудларида, хусусан, Гуматак ва Дуоба қишлоқларида эса сўзана кизил фонди, қуш тасвири туширилган, яъни зооморф усулида бўлиб, "товус нухали" сузаналар тикиш урф бўлган. Бу турдаги сўзаналар каштасининг асосини қора бошли, қизил, сариқ, оқ патли қуш тасвири ташкил этади. Сўзананинг ён томонларида иккита йирик тупбарггуллар тикилган бўлади. Атрофи эса яшил рангли шохсимон нақш билан безатилади.

Бойсуннинг Авлод ёки Кучкак қишлоқларида эса сўзана яна бошқа усулда, ўзгача нақшлар билан безатилган ҳолда тикилади. Масалан, музейда сақланаётган ёки шу қишлоқлар хонадонларида учрайдиган сўзаналарнинг нақшлари ёрқин қизғиш матога тикилади. Сўзанага олтига йирик оқ, сариқ, қора рангли тупбарггуллар жойлаштирилган. Нақшлар зич ва қуюқ бўлиб, хар бир тупбарггуллар орасида гуллар бор, яъни оралиқ гул нухалари билан тўлдирилган. Ташқи хошиясимон нақш, яъни "оба" шаклида, ички хошиясида эса "мехроб гул" деб номланувчи ўсимликсимон нақшлар ва бодом гулларини учратиш мумкин.

Асосан қора рангдаги матоларга тикиладиган сўзаналарда юлдузсимон нақшли ун иккита тупбарггуллар оч ва ёрқин рангли қизил иплар билан тикилган нақшларни учратиш мумкин. Йирик тупбарггуллар орасидаги бушлиқ майда тупбарггуллар билан тўлдирилади. Атрофи эса яшил ипли тулқинсимон хошияли бўлиб, унинг ичи турли хил рангдаги гуллар билан безатилади. Бу турдаги сўзаналар ҳам Сурхоннинг чекка худудлари чеварларига тегишлидир. Қизил матога катта ҳажмда тикилган сўзаналарда унта йирик тупбарггуллар оқ, сариқ ипларда тасвирланган. Бу сўзана тури композицион қурилиши жихатидан жуда мураккаб ҳисобланади. Хошиясида тупбарггуллар «қайтарилган. Сузананинг пастки қисми популар билан безатилган бўлади.

Бинафша рангли матога тикилган сўзанада ун иккита тупбарггуллар жойлаштирилади. Тупбарггулларнинг хар бири оқ, ва кук ипларда тикилади. Тупбарггуллар ораларида ҳам кичик ҳажмли куп япроқли гуллар ва бодом гул нақшлари жойлаштирилади. Сузананинг хошияси оқ, ва сариқ, рангли майда гуллар билан тўлдирилади.

Албатта, Сурхон каштачилигида муҳим ўрин тутадиган сўзана турлари туғрисида яна қуплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу туфайли бу борадаги

фикрларимизни каштачиликнинг яна бир ёрқин тури бўлган зардеворлар хақидаги мисоллар билан давом эттираемиз.

Зардеворлар асосан узун ва энли тасма шаклида тайёрланади. Илмий тил билан айтганда, бу каби фриз-тасмалар хонанинг кундаланг ва бойлама деворларининг устки қисмини безатишда ишлатилади. Аввалида ўтовларни, кейинчалик хоналарни безатишда қулланилган зардеворларнинг ҳам турлари куп. Улар бир-биридан ранг, нақшларнинг жойлаштирилиши, нусхаси, тикиш услуби билан ажралиб туради. Қуйида Сурхон каштачилигининг зардеворларга оид нусхаларидан айримларини мисол тариқасида келтириб ўтаемиз.

Санъатшунос ва этнограф олимларнинг эътирофича, Шеробод чеварлари ижодига мансуб деб қараладиган қизил фондаги зардеворлар нақшларнинг жозибадорлиги, рангларнинг уйғунлиги, тикиш услубининг нафислиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай зардеворларда ун тўртта тупбарггуллар жойлаштирилади. Улар асосан кук, жигарранг ва кулранг иплардан тикилади. Юлдузсимон тупбарггуллар борлиги туфайли бу каби зардеворлар Сурхондарё каштачилик мактабига хос ҳисобланади.

Сидирға матога ҳар хил иплардан ўсимликсимон нақшлар билан тикиладиган, қуринишдан турт бурчак шаклини эслатадиган зардеворлар ҳам Шеробод каштачилик мактабига хосдир.

Зардеворларнинг яна бир тури қизил фонга аркасимон нақшлар тушириладиган зардеворлар ҳисобланади. Бу усулда тайёрланган зардеворларда ҳар бир арканинг ичи бештадан сариқ, оқ, кук рангли гуллар билан тўлдирилади. Зардеворнинг юқори ва пастки қисмлари хошияларида ҳам оқ ва сариқ рангдаги гуллар жойлаштирилади. Бу намуна асосан Сурхоннинг чекка худудларида истиқомат қилувчи каштачи чеварларга тегишли.

Сўзаналар ва зардеворларда акс этган нақшларда бир-бирига уйғун бўлган жиҳатларни алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки каштачиликнинг бу ноёб намуналарида асосан "мехробгул" деб номланувчи жингалак нақшлар туширилган кенг хошиялар билан ўраб олинганлиги кўзга ташланади. Бу усул асосий майдоннинг нақшидан қатъий назар ҳамма сўзаналар ва зардеворларга хосдир. Ташқи хошияларнинг "оба" деб аталувчи тулқинсимон нақшлар билан безатилиши ҳам Сурхон каштачилигига хос унсурлардан бири саналади. Бунинг маъноси ҳам қиёфали бўлиб, яъни баҳор келиб, қорлар эришини, сойлар, ирмоқлар, дарёлар яна тўлиб-тошиб оқа бошлашини англатади. Зеро, "оба" сўзининг маъноси ҳам "сув" демақдир. Барча каштачилик намуналарига хос бўлган яна бир ўхшашлик шундаки, одатда сўзана марказида ой ва қуёшни мажозий тасвирлайдиган катта доиралар-айланалар жойлаштирилади. Шу тариқа акс эттирилган сайёраларнинг номи битта, яъни ой саналса-да, лекин улар катта ой ёки панжа ой, кичик сайёралар-кичик ойларга ажратилади. Сайёранинг марказида эса унинг негизини ҳосил қилувчи даста гул ёки тупбарггул туширилади. Шу тариқа яхлит композиция яратилади. Яъни, нақшлар "бодом гул", "лола гул" ёки ўсимлик барглари тасвири, қушлар акси туширилиб бойитиб ва тўлдирилиб борилади.

Сўзаналар аслида чинакам санъат намуналаридир. Оддий матода акс этган ипак битиклар эса миллатимизнинг бой ўтмиш тарихидан, инсоннинг орзу хаёлларидан, севги ва бахтидан ўзига хос ривоятлар сузлайдиган кашталардир...

Сурхонлик чечалар қайнисини ёки бировнинг боласини эркалатмоқчи бўлса "ой юзингга ойна бўлай", дея суяди. Жуда латиф ва гўзал тарзда айтиладиган бу ибора замирида олам-олам маъно бор, аслида. Момолару чечалар ижоди — каштачиликда қулланиладиган усулларга, чеварлар яратган ўнлаб маҳоратли намуналарга қарай туриб, беихтиёр шу ибора ёдга тушади. Чунки унда миллатнинг ўзлиги, меҳр-оқибати, фақат яхшилик истовчи кишининг тилаклари бор. Сурхон каштачи чеварлари томонидан яратилган "ойнахалта", "чойхалта", "қошиқхалта" ва бошқа маиший турмушда фойдаланиладиган уй-рузгор буюмлари-да ҳам уларнинг орзулари, эстетик дидлари мана ман, деб намоён бўлиб туради. Каштачилар зеб берадиган уй-рузгор буюмлари, ашёлар эса жуда қуш.

БЎҒЖОМА — Сурхон эли чеварлари яратган каштачилик маҳорати маҳсули сифатида яратилган бўғжома аслида катта квадрат шаклида тайёрланади. Унинг фақат кўринадиган томонигина ажойиб кашталар билан безатилади. Ишлатиладиган нақшлар хилма-хил ва нафис бўлиб кишида яхши тассуротлар уйғотади. Нақшлар учбурчак шаклида бўлади. Бўғжомога жойлаштирилган либос ва кийимларни бир туплам қилиб боғлаб қуйиш учун иккита безакли балбес ҳам тайёрланади. Бўғжомалар нафақат кийим-кечакларни, балки курпа-тушакларни ўрашда ҳам жуда керакли ҳисобланади. Бўғжомо чеккалари ингичка нақшинқор чизиқлар билан безатилади. Нақш туширилган учбурчакнинг чеккалари попуқ билан безатилади. Бўғжомо асосан каштачилик намуналари асосида тикилади. Сўзана, зардевор ёки либос кашталаридан фарқли улароқ бўғжомаларда бутунлай бошқа нақшларни кузатиш мумкин. Бунда асосан дунёнинг турт томонини англлатувчи "тарк гул", "пичоқ учи", "кўзи гули" каби нақшлардан унумли фойдаланилади. Бўғжомо кашталари купчилик ҳолларда туқ, рангларда, масалан, туқ кук, туқ қизил, туқ яшил ва оқ рангларда тикилиши билан алоҳида ажралиб туради.

Бўғжомаларнинг яна бир тури "лас бўғжомо" деб аталади. Бунда кашта туғридан-туғри жун матога эмас, балки алоҳида тўқилган матога туширилади. У бўғжомо бетига ташлаб, яъни ёпиб қуйилади. Шу туфайли қам баъзи ҳолларда бу безак тури "бўғжомо бет" ҳам деб юритилади.

Куришиб турибдики, бўғжомалар халқ хунармандчилигининг, хусусан халқ амалий санъатининг ўзига хос тури сифатида Сурхондарёнинг турли ҳудудларида турлича усул ва нақшларда тикилган. Худди шундай ўзига хосликни Сурхонлик чеварлар яратган бошқа ўй-рузгор буюм ва ашёларида ҳам куриш мумкин. Масалан, қадимда жуда машҳур бўлган "ойна халта"ни (айрим манбаларда "тўрва" ҳам дейилади) олиб курайлик.

Ойна халта- яъни тўрва аслида тўртбурчак шаклида тайёрланиб, турли каштали нақшлар билан безатилган. Масалан, қизил фон марказида битта очиқ яшил рангли тўпбарггул тасвири туширилган "ойна халта" кўп тарқалган. Йирик тўпбарггул атрофида, аниқроғи тўртта бурчакда биттадан кичикроқ

ҳажмдаги тўпбарггуллар жойлаштирилади. Улар сариқ, оқ, яшил, мовий рангли иплар билан тикилади. Орاليқлари эса тўқ яшил рангдаги ўсимликсимон нақшлар билан тўлдирилади.

Сурхон каштачилари азал-азалдан тикиш ва тўқиш усулларида фойдаланган ҳолда ўй-рузғор буюмлари ва ашёлари, эркаклар ва аёлларнинг кундалик турмушида ишлатиладиган буюмларини каштачилик маҳорати билан тўқиб, тикканлар. Ана шуларнинг бири "кулбурча" деб аталади. Айрим жиҳатлари билан ҳозирги замон аёлларининг кул сумкаларига ўхшаб кетадиган бундай буюм аслида ҳам "сумка" вазифасини ўтаган, деса бўлади. Шунингдек, "Чаноч", "Тузлиқ", "Ханжарқин", "Қизлар ҳамёни" деб аталувчи буюмлар ҳам Сурхон каштачилари маҳоратидан дарак берувчи қулай ва гузал намуналар ҳисобланади. Бу нақшлар қадимда ўтовларни безашда кул келиш билан бирга айрим озиқ-овқат маҳсулотларини рузғор буюмларини тоза-озода сақлашда асқотган.

Булардан ташқари Сурхонликларнинг турмуш маданияти, ўй-рузғор юритиши даражасидан хабар берувчи гул-кўрпалар, каштали чойшаблар, жойнамозлар, лўлаболишларда акс этган кашталар ҳам диққатга молик саналади. Масалан, ёрқин қизил рангдаги матога кашта тикиш йўли билан тайёрланган лулаболишни олиб кўрайлик. Лулаболишларда асосан тўпбарггуллар ва геометрик шакллардан иборат нақшлар туширилган кашта усулидан фойдаланилади. Лўлаболишнинг ҳар иккала томонига баравар тушиб турадиган учтадан, олтита тупбарггуллар сариқ, оқ, яшил, оч кукиш ранглардаги ип ва ипаклардан тикилади. Шуниси ҳам борки, бу тупбарггуллар оралиғига ҳеч қандай қушимча нақшлар жойлаштирилмайди.

Жойнамозларга кашта тикиш ҳам Сурхон чеварлари фаолиятида муҳим ўрин тутган йўналишлардан бири ҳисобланади. Шуниси ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, жойнамозларнинг аксарияти қизил, кук, мовий, сиёхранг, туқ, сариқ, матолардан кашта тикиш йўли билан тайёрланган. Жойнамозларга тушириладиган кашталар, яъни нақшлар аслида йирик буюмлар бўлмиш сўзана ва зардевор нақшларига ўхшаб кетади. Жойнамозларда одатда ибодат қилувчининг оёғи турадиган жойида кашталар бўлмайди. Лекин четлари буйлаб у меҳроб йулакчасини безаб туради. Жойнамозларда асосан ўсимликсимон нақшлар кўпроқ, ишлатилишини таъкидлаб ўтмоқ, жоиз. Масалан, анор мевалари ва лола ғунчалари, икки қарама-қарши рангдаги бодом ранги куп қулланилади. Бодомгул қора-оқ рангда, кўпчилик ҳолатларда эса қора-сариқ, қора-мовий каби қарама-қарши рангларда тасвирланади. Жойнамознинг меҳроб қисмига эса кичик ҳажимдаги, майда-майда тўпбарггуллар тикилади. Бу тупбарггуллар сони жойнамоз ҳажмига қараб 9 тадан 16 тагача бўлиши мумкин.

.Сурхон гиламлари -Сурхон воҳасида гилам қадимдан тўқилиб келинган. Тарихшунос В.Г.Машкова гиламдўзлик санъати тарихини ҳақли равишда эрамиздан аввалги минг йилликлар маданияти билан боғлайди. Қадимшунос Г.А.Пугаченкова сак, суғд, массагетлар яъни қадимги аждодларимиз гиламдўзликни эрамиздан аввалги III-II асрларда оммавий равишда тўқилганлигини эътироф этади.

Сурхон воҳаси тоғи этагида яшовчи аҳоли (асосан кўнғиротлар, чигатойлар) қадимдан гиламчилик билан шуғулланган. Улар босма кигиз, содда тўқилган олачадан тортиб тақир гилам, қоли (қолин) гиламларгача тайёрлашган. Хонадонларда асосан тўқилган туз халта, ойна халта, дастурхон, хуржунлар, қоп, шунингдек от жабдукларини учратиш мумкин.

Олача гиламнинг қоқма олача тури орқов (кўндаланг тўқилган) қаттиқ тут ёки ўрик ёғочидан ясалган 0,6-0,7 м лик тўқув дастгоҳи (қилич) билан уриб-қоқиб тўқилганлиги учун шу ном билан аталади. Қасмалдакка содда, қирқоёқ шаклидаги гул солиб тўқилган. Гулдор олача сербезаклиги билан қоқма ва қасмалдакдан фарқланади. «Кулфи-калит», «Кўзи-тиши», «Майизгул», «Ханжар учи», «Қуроқгул», «Туморгул», «Балиқ кўз», «Иттовон» каби шакллар олачага ўзига хос жило беради. Ҳар бир безак шакли ўзига хос рамзий маънога эга.

«Кулфи-калит» - бир-бирига қарама-қарши шаклда тушурилган, шохдор кўчқор қалласини эслатувчи гилам шакл бўлиб, у хонадон эшиги дўстига очик, душманга ёпиқлигини билдирувчи рамздир.

«Қуроқгул» - бир-бирига занжирсимон чирмашиб кетган тоғ-эчкисининг бурма шохини эслатади. Бу безак гиламга икки ёш (келин-куёв) бир-бири билан кўша қарисин деган ниятда тикилади.

«Иттовон»- нухасида гиламнинг тўрт бурчагига тўртта нўхатдек ҳол тушурилади, чиллали келинчак ва ёш гўдакни ёмон кўзлардан асраш мақсадида қилинади.

«Ханжаручи», «Туморгул» - бир-бирига ўхшаш учбурчак шакллар бир қарашда пичоқнинг учи ёки туморга ўхшаб кетади. Гўёки у хонадонга қаратилган ёмон нафасни кесиб, уй сохибини асраб авайлайди. Гиламга чироз тўқилмайди, балки гиламга гир айлантирилиб 3-4 метр энликдаги оқ, қора рангли хошия шаклида тикилади. Чироз ўзига хос безак шаклини ўташ билан бирга тўқилган ипни тўзиб кетишдан сақловчи химоя вазифасини ҳам ўтайди. Дастлаб гилам тўқишнинг биргина тури мавжуд бўлиб, бу оддий шол гилам тўқишдан иборат бўлган гиламлар пахта, зиғир, каноپ толаларидан шунингдек кўй, эчки ва туя жунидан тўқилган гиламларнинг тўқима (гули тўқиладиган), тикма (тайёр буюмга гули тикиладиган) ва босма (тайёр буюмга гули бўяб босиладиган) турлари мавжуд бўлган. Воҳада гиламнинг патсиз тури кўп тўқилган бўлиб, бу гилам тури «қоқма гилам» деб юритилган. Қоқма гиламни тўқиш учун алоҳида ўрмақсозлар мавжуд бўлиб, бу асбоблар «адорғи», «кизув», «серув», «қилич» каби усқуналардан иборат бўлган. Воҳада тўқилиши расм бўлган гилам турларидан яна бири тақир гилам бўлиб, у асосан тўқувчилик тароғи орқали тўқилган. Аввал тўқилиб сўнгра ипак билан гул тикиб чиқиладиган гилам тури «Ой гилам» деб номланган. Воҳада асосан гиламларнинг араби гилам, терма гилам, чумчуқи гилам, ғажари гилам, шойи гилам, гажаки гилам, қоқма тақир гилам, қиличи шол гилам, шерози гилам, қуроқ гилам, бозори гилам каби турлари кенг тарқалган. Шунингдек қизлар турмушга чиқаётганда ҳар бир қизнинг сепида «қиз гиламлар» бўлиши шарт саналган. Гиламларга турли шаклдаги гул кўринишлари солиб тўқилган бўлиб, ушбу гулларда ҳам қатор маънолар мужассамлашган. Гиламга солинган ҳар бир гул маълум маънода чиройни шакллантирган. Жумладан воҳада тўқилган

гиламларга арча гул, тумарча гул, шойи гул, самавар гул, чумчуқ гул, тароқ гул, тўрт қиз гул, гажак гул, чумчуқ кўзи гул каби гуллар солинган. Ҳозирги пайтда тўқилиши деярли унутилаётган «Ой гилам»ларга эса ипак иплар ёрдамида коинот ва фалак тасвири тикиб чиқилган.

ТАҚИР ГИЛАМ — Асосан туғри тўртбурчак шаклида туқилади. У уч йўлаклик бўлиб, ана шу йўлақлар гиламларга хос нақшлар — геометрик шаклдаги турли безаклар билан безатилади. Тақир гилам энли холда тўқилиб, энлар пишиқ, чоклар орқали бир-бирига тикилиб, бирлаштирилмайди, аксинча бутунича тўқилиб, тўқилиш ва гул солиниши усули билан гиламчилик технологиясига яқин турса-да, патсизлиги туфайли олачага ҳам ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам тақир номини олган. Гиламчилигининг ўзига хос тўқилиши, ранг бериш ва гул солиши бўйича Сурхон воҳасида тўқиладиган гиламлардан фарқ қилади ва гиламчиликдаги энг нодир намуналари тўқилади. Унинг сербезаклиги, ўзгача жозибаси билан одам диққатини ўзига жалб қилади. Буни «Бойсун бахори» фестивалида иштирок этган чет эллик қадимшунос ва меҳмонлар томонидан эътироф этилди. Кўхна гилам намуналари ҳозирда ҳам айрим хонадонларда сақланмоқда. Гиламлар уларнинг турли шаклдаги безаклар халқлар тарихи этнографиясини ўрганишда ажойиб манба бўлиб хизмат қилади.

"ДИГ-ДИГА" ГИЛАМ — бу гилам тури буйи баравар нақшлар билан тўлдирилганлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Ички хошиялари геометрик нақшлар бўлиб, ташқиси эса турли рангдаги попуклар билан безатилади. Бу гиламни тайёрлаш технологияси “Ғажари” русумли гилам тайёрлашга ўхшаб кетади. Асосан, бу гилам нақшлари: чаён, тароқ,, юлдуз, пикон, яъни пайкон учи (найза учи) шаклида бўлади.

"ҒАЖАРИ" ГИЛАМ — бу турдаги гиламлар нақши жунсиз бўлиб, у туғри тўртбурчак шаклида туқилади. Асосий фони — қизғиш ранг. Геометрик шаклдаги нақшлари — кулранг, сариқ, ва туқ, кулранг бўлади. Бу нақшлар чизиқлар қаторини ташкил этади. Ранги устки ва ташқи томондан бир хил бўлади. Атрофи жияк билан хошияланади.

"ОҚ ЭНЛИ" ГИЛАМ — бу ҳам "ғажари" услубида тайёрланадиган гилам. Чизиқларида ўсимликсимон ҳамда геометрик услублар сезилиб туради. Нақшлар ўзаро занжир орқали бирлашиб кетади. Хар бир йул-йул бўлак қул чоки ёрдамида бирлаштирилади, мато билан милкланади.

КИГИЗ — жун толалардан кигиз (намат) буюмлари тайёрлаш кигиз босишда жун толаларнинг тўқилиш хусусиятлари (дағал-майинлигига физик-механик хусусиятлари: эластиклиги, чўзулувчанлиги, киришувчанлигига аҳамият берилади. Илгари ва ҳозирда ҳам Сурхон воҳаси қишлоқларида асосан ўзбек қўнғиротларида кигиз босиш қўлда бажарилади. Кигиз босиш касби, асосан қадимдан чорвачилик билан шуғулланган барча халқлар орасида кенг тарқалган. Сурхон воҳасида кигизнинг гулдор, ифодали ранг-баранг нақшли турлари тайёрланади. Бешэркак, Узункудук қишлоқларида тайёрланган кигизлар ўз ранги нақши, гули билан Хомконда ёки Пулҳоким ва Даштиғозда тайёрланган кигизлардан фарқ қилади.

Кигиз тайёрлаш билан асосан аёллар шуғулланади. Ювиб тозаланган ва саваланган жун навлари бўйича (юзлик, оралик, орқалик) ажратилади.

Хўлланган жун наamat ёки буйра қалин устида текис ёйилади: аввал гули хосил қилинади, сўнг оралиқ ва навбати билан оралиқ қисмлари бир текис ёйиб чиқилади, устидан қайноқ сув қуйилади, сўнг наamat думалатиб ўраб йиғилади, арқон билан боғланади. Ўрамаоёқ билан тепилади, биакланади, думалатилади. Вақт-вақти билан сув сепиб хўллаб турилади. Маълум вақтдан сўнг ўрам ечилади, сув сепилади ва яна ўралади ҳамда тайёр булгунга қадар бостириш давом эттирилади. Сўнг тайёр бўлган кигизга сўнгги пардоз берилади яъни четлари тортилади, текисланади, ортиқча туклари қирқиб ташланади. Оқ, кулранг ва рангли кигиз хиллари тайёрланади. Кигизни оёқ кийими ичига солинадиган юпқароқ тури (патак тайёрлаш) ҳам алоҳида соҳа ҳисобланади.

Кигиз қунғиротлар хунармандчилигига хос тушак бўлиб, турли рангларга бўялган жундан тайёрланган. Масалан, воҳа кигизларида кигиз узунлиги буйича учта ромбсимон медальонларга монанд нақшларни кузатиш мумкин. Кигизларда асосан шохсимон, яъни "қўчқорак" деб аталувчи нақшлар куп учрайди.

ПЎСТАК — тушамчи сифатида тайёрландиган пўстаклар ҳам ўтмишдошларимиз ўтовларини, ўйларини безаб турган. Бундан ташўари у қиш кезларида ўтирган жойни иссиқ; сақлашда ҳам фойдали бўлиб, кишилар соғлигини эҳтиётлашда асқотган. Қуй терисидан тайёрландиган пўстаклар тўғри туртбурчакли бўлади. Турли рангларга бўялган тасмалар марказ сари кетма-кет жойлаштирилиб, торайиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, Сурхон воҳаси аҳолисининг анъанавий хўжалиги халқнинг кўп минг йиллик тарихий тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, ўзига хос анъанага эгадир.

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ТУРАР ЖОЙЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.

Этнография фанининг долзарб муаммоларидан бўлган анъанавий уй жойлар қурилиши тарихини ўрганиш моддий маданият тарихида муҳим аҳамиятга эга. Чунки халқларнинг ўтмиш тарихи, моддий маданияти ҳамда табиий географик шароити уй-жойлар қурилиши тарихи билан узвий боғлиқдир. Қадимдан кишилар иқлим ва табиий шароитни эътиборга олиб, уй-жойларнинг турли хилларини, яъни унинг унинг тузилиши жиҳозлари ва қулайлик томонларини ҳисобга олиб танлаганлар.

Ўзбекистон ҳудудида уй-жойлар қурилиши бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, хусусан, «Жарқўтон шаҳар қурилиши ёдгорлиги бундан уч ярим минг йил муқаддам (ҳозирги Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ҳудуди) Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқасида жойлашган, майдони тахминан 100 гектар бўлган. Шаҳар икки қисмдан иборат, яъни «Арки аъло» ва «Шаҳристон» дан иборат. Арки-аълода шаҳар ҳокимининг қароргоҳи-ҳуқумдон саройи жойлашиб, Арки-аълонинг умумий майдони 3 гектарни ташкил этган, ҳамда унинг атрофи қалин мудофаа девори билан ўраб олинган «Арки-аълога» туташган мудофаа девори шарқий ва жанубий қисмдан иборат бўлган. Бу қадимги шаҳарнинг асосий аҳолиси-деҳқонлар ва хунармандлар бўлиб улар яшаган жой «шаҳристон» деб аталган.

Шаҳарнинг тарихий топографиясига кўра, Шаҳристон майдонида деҳқон ва хунармандларнинг патриархал жамоа кўрғонларидан ташкил топган 20 га яқин аҳоли турар-жой массивлари борлиги аниқланди.

X асрда яшаб ижод этган Шарқ мутафаккири Абу Носир Фаробий Геометрик услублари ичида қуриладиган меъморий обида тарҳини тузиш санъати мавжудлигини таъкидлаган. Шунингдек, унинг замондоши Абу Али ибн Сино тура-жой меъморчилигида қурилажак уйнинг жойини, жойнинг шамол йўлига нисбатини, қуриладиган ердан ўтадиган сувнинг таркибини, яқин атрофда турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатувчи манбаларнинг бор-йўқлигини назарга олиш зарурлигини ўқтириб ўтади. Ўрта Осиёда ҳар бир шаҳар, тур-жой меъморчилиги ўша жой шароити, об-ҳавоси, халқнинг иқтисодий, ижтимоий кечинмалари таъсири асосида ривож топган.

Шу жиҳатдан ҳам уй-жойларнинг қурилиши, тузилиши ва ички жиҳозларида халқларнинг ҳўжалиги, моддий маданияти ҳамда характерининг акс этиши унинг ўрганишнинг аҳамиятини янада оширади.

Қадим замонлардан буён Марказий Осиё халқларининг бир қисми турғун яшаб келган бўлса иккинчи қисми кўчманчи ва ярим кўчманчиликда ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик билан шуғулланган. Шу жиҳатдан XIX аср охири-XX аср бошларида Сурхон воҳасининг ярим ўтrock аҳолиси ўз турар жойларини барпо қилишда Сурхон воҳасининг табиий-географик иқлим шароити ва анъанавий турмуш тарзи ва машғулотларига асосланишган. Ҳамда минг йилликлар давомида уй-жой барпо этишда синовлардан ўтган анъаналарнинг

ижобий томонларини ўзлаштирганлар. Сурхон воҳасининг аҳолиси уй-жойлари мавсумий, вақтинчалик ҳамда доимий турар жойлардан иборат бўлган.

Марказий Осиёда энг қадимги уй-жой қурилиш Сурхон худудидида пайдо бўлганлиги Сополи маданияти мисолида илмий асослаб берилган бўлиб, дастлабки қурилиш ашёлари ҳамда 8-оила жамоаси уйлари ҳақида тассавурлар фан оламида акс этган. Сурхон воҳасига оид турар жойларни илмий ўрганиш жараёнида илк ажодларимиз табиатга ва иқлимга мос келадиган ҳамда инс-жинслар, зиён-заҳматлардан сақлайдиган муҳитни ҳисобга олганлиги ўрганилиб, уй-жойларни ҳимоя воситаси, фарзандларни тарбиялайдиган, авлодларни асрайдиган маскан сифатида қараганлиги алоҳида қайд этилди. Халқимизда уй-жой муқаддас ҳисобланиб, қабристон, зиёратгоҳ ва ёвузлик-ёмонлик келтиб чиқарадиган жойлардан узоқроқ жой танланиб, ўтган мархумларни руҳларни безовта қилгиси келмаган. Шунингдек, ушбу жойларга яқин қурилган уй-жойлар доимо руҳлар томонидан безовта қилиниши туфайли турли хил ёмонликларга сабаб бўлишни сезганлар. Чунки, “безовта” руҳлар оила фарзандларига, ёш ўсмирларга салбий таъсир этиб, бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқарганлар. Бойсун, Саросиё, Қумқурғон, Музробот туманларида ўтказилган тадқиқотлар жараёнида эски уй-жойларни бузиш ва янги уй-жойларни қуриш даврида ўтган ажодлар руҳига бағишлаб “ис”лар чиқаришган, оятлар ўқилиб дуолар қилишган. Акс ҳолда бузиш ёки қуриш жараёнида бахтсиз ҳолатлар пайдо бўлган. Сурхон воҳасида уй қуришда ёғоч харилари 5,7,9, 11 тадан қўйилиб, бир ёғоч хари уйни эркаги бўйнида, уйни кўтариб туради, эркак уйни устуни деб тушунилган. Халқимизда уйни пойдевори қурилгач, уйга биринчи илон киради, илон бойлик, хушёрлик белгиси деган рамзи маъно бўлиб, уйга кўчиб киришни дастлаб, хона устунларига, деворларга ун сепилган. Янги кўчиб кирилиши керак бўлган тайёр уйга поклик, тоза-озодалик, меҳр-муруват рамз ҳукмрон бўлсин деб аёл кирган, янги уй ҳақи сифатида махсус “жонлик” сўйилиб, ўтганларни руҳни шод этиб оятлар ўқилган.

Халқ бинокорлигига қизиқиш, халқ санъатида бўлганлиги сингари гоҳ ортади, гоҳ сўниб қолади. Бунга сабаблар кўп. Халқ меъморчилиги кўп қиррали бўлиб, ўзини турлича намоён этади: баъзан ҳаётнинг қадим тарзи билан боғлиқликда ўрганилганда, этнография ва ижтимоий асосий аҳамият касб этади, баъзан бадий хунармандчилик ва миллий меъморлик ривожини масалалари билан боғлиқ ҳолда. Булардан охиригиси санъат тарихчилари ва меъморлари диққатини жалб этиб, қизиқишни янада орттиради. Қизиқарли, бироқ қадим архаизм ва халқ меъморчилиги, унинг техник қолақлиги ва замонавий ҳаёт тарзи билан мувофиқ келмаслиги меъмор ва тадқиқотчиларни берк йўлга олиб кириб, довдиратиб қўяди. Замонавий бинокорлик ишларида туб бурилиш бўлмас, шунингдек, тадқиқотчилар қарашлари янгиланмас экан, зиддиятлар ечимини топмайди. Тўғри халқ меъморчилиги ва санъати бўйича академик пухта билимлар ўз аҳамиятини сақлаб қолади, лекин олимларнинг ўтмиш маданиятига нисбатан конфессионал қизиқишлари бугунги кун талаби билан боғлиқ эмас, фанни ҳам деярли ҳаракатлантираётгани йўқ. Унга фақатгина акслантирувчи эмас, балки ёруғликнинг кучсиз нурларини ҳам изчил

тарзда намойиш этиб турадиган экран керак бўлади. Бундай экран халқ меъморчилигини ва асосан, унинг изчил асосини тўлалигича тушунилишига имконият яратиши, замонавий меъморчилик тадқиқотчилари, сингариларга хизмат қилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр бирмунча ғайритабиий туйулиши мумкин.

Халқ бинокорлиги ва замонавий меъморчилик кўп жиҳатдан бир-бирига зид. Уларнинг техник жиҳатлари, ўлчамлари турлича, маиший ва маъмурий вазифасига кўра ҳам фарқ қилади; меъморчиликнинг эстетик омилларига мос келмайди. Халқ меъморчилиги – халқ турмуш тарзининг кўриниши. У ҳаёт тарзига кўра ўзини намоён этади ва унинг талабларига жавоб беради. Замонавий меъморчилик маълум ҳаёт тарздан илгарилаб кетади ва янгича борлиқни касб этади, туманлар ва шаҳарлар ўлчамларида фаол маъмурий кучни бошқаришни ўз зиммасига олди. Халқ бинокорлигининг айрим омиллари замонавий меъморчилик омилларига нимаси биландир ўхшашлиги жуда ажабланарли. Гап шундаки, халқ бинокорлиги турар-жойларининг фазовий-шаклий композицияси тарихий услублар, айниқса, қадим безаклар сингари тезлик билан барҳам топмайди. Шунга кўра халқ бинокорлигидаги мавжуд фазовий-шаклий композициялар қурилиш нураб кетган ва уни сақлаб қолинишининг ҳеч бир маъноси бўлмаган бир пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ўзини замонавий меъморчиликда солиштирма ўрганилиш жараёнида намойиш этадиган меъморчилик асосларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш жуда муҳимдир.

Ғиштин гумбаз, равоқ ва сумалаксимон ҳосилалар тизими дунё меъморчилик тарихида Шарқнинг бебаҳо ҳиссасини ташкил этади, бироқ улар замонавий қурилишда муомаладан чиққан. Тиргак-тўсинли тарз ёғоч ва тошда бир мунча умумий шаклда қўлланилади; лекин у тарихий услублар сиқувида бўлиб, замонавий муҳандисликка йўл очиб берди. Халқ меъморлиги диний-маданий ва сарой туридаги бинолардан, равоқ ва гумбазли қурилиш тарзини тиргак-тўсинли тарздан авзал кўрганлиги билан хусусиятланмайди. Ўрта Осиёда гумбазли турар-жойлар кам учрайди, лекин гумбазлар карвонсарой, ҳамом сингари умумхалқ фойдаланадиган жамоа иншоотларида қўлланилган. Халқ меъморчилиги қай тарзда гавдалантирилмасин, маҳаллий кўриниши, шунингдек, фазовий ҳажм ва меъёрий унсурларнинг нафис ва соддалиги билан ажралиб туради. Кенг қўламлилиқ ва қурилмалиқ, шаклнинг изчил тарзи, ҳажмлиқ ва мутаносиблиқ халқ бинокорлигининг муносиб эстетик хусусиятлари ҳисобланади.

Аждодларимиз иморат қуришда унинг сифатига алоҳида эътибор берганлар. Тарихга назар солсак Сурхон воҳасидаги масжид, мадраса, хонақолар ўта мустаҳкам хумдонда пиширилган ғиштлардан бунёд этилган. Чупқори усулдаги уйлар тумани халқининг азалий удуми билан боғлиқ. Чунки у зилзилага бардошлилиги, қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши билан ажралиб туради. Ғишт қўйиш учун фақат ариқ, қудуқ сувидан ишлатилиб, шўр сувдан асло фойдаланилмаган. Ғишт қуёш иссиғида қуригандан сўнг, хумдонда пиширилган. Ўтин сифатида зардоли, саксовул, шўра поясидан фойдаланилган, чунки улар ёнганда юқори ҳароратга эга бўлади, ғишт совугандан сўнг маълум

вақт сувга ташлаб қўйилиб, унинг пишиқлиги, яроқлилиги чидамлилиги аниқланган. Агар ғишда кемтик, мўртлик аломатлари кўринса иморатга ишлатилмаган.

Сурхон воҳасининг ярми ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи чорвадор аҳолисининг асосий турар жойлари мавсумий ва вақтинчалик бўлиб, уларни лочик, капа, чум, чайла, чодир, ер том, тўла, чўпон тўла, боғ том, ўтов, қора уй, оқ ўтов, қизил ўтов кабилар ташкил этган. Воҳада мавсумий ва вақтинчалик турар жойлар ичидан энг кўп тарқалгани қора уй (ўтов) бўлиб, унинг вужудга келиш тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Милоддан аввалги V асрда тарих отаси Геродот ўзининг «Тарих» номли асарида аргиппларни мавсумий ва вақтинчалик турар жой сифатида қурган уй жой учун қурилиш анжомини табиий ўсиб турган дарахтлардан фойдаланганликлари ҳақида тўхталиб: «Ҳар бир оила дарахт тагида яшайди. Қишда дарахт қалин оқ қигиз билан ёпилади, ёзда эса қигиз олиб ташланади,»-деб қайд этган. Ўғизларга қора уй бир мингинчи йилликнинг охирларида кириб келган. Муаллифи номаълум «Худуд ал-олам» номли асарида Иртиш бўйларида истеъкомат қилган қалмоқлар ҳақида тўхталиб: «Қишин ёзин кишилар қора уйларда яшаб, яйлов ва сув ахтариб, кўчиб юрадилар» дейилган. Хулоса қилиб айтганда қора уйлар кўчманчи халқларнинг йирик маданий янгиллиги бўлиб, милодимизнинг биринчи минг йилликлари ўрталарида вужудга келган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг ўтовлари эса ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Сурхон воҳаси аҳолисининг қора уй (ўтов)лари яъни юртлари икки қисмдан; а) тол (сарик тол) новдаларидан қилиниб, бу уйнинг суяги деб аталувчи керага, увуқ ва чанғароқдан; б) уйни устини ёпувчи жиҳозлар-тўрлик, узук ва туйнукдан ташкил топган. Уйнинг панжара қисми керага бўлиб, керагалар 48 бошдан 74 бошгача бўлади. Асосан битта қора уйда тўртта керага бўлиб, бу ҳар бир керага уйнинг тўртдан бир қисимни эгаллаган, ҳамда бу қанот деб номланган. Қанотларнинг бирлашган жойни жафсар деб аташган. Жафсарларга баландлиги олти ярим, саккиз ярим қарич узунликдаги жафсар қозиқлар қоқилган ва керагалар жафсар ип (бов)лар билан жафсар қозиқларга маҳкамланган. Тўртала керага бирлаштирилиб, қора уйнинг панжара қисмини ташкил этган. Керагалардан ҳосил бўлган панжара катаклари кўзанақ деб аталган. Кўзанақларнинг кенг яъни ел кўзанақ ҳамда тор кўзанақ каби турлари бўлиб, Сурхон воҳасининг ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолиси асосан тор кўзанақ уйлар қуришган. Кўчманчи ёки ярим кўчманчи аҳолиси эса ел (кенг) кўзанақли уйлар қуришган. Чунки, ел (кенг) кўзанақли уйлар нисбатан енгил ва ихчам бўлиб, кўчиш чоғида улов (туя, от ёки эшак)га ихчамгина жой бўлган. Ҳар бир қанотда 12 тадан чиноқ яъни қулоқ бўлса, қора уй 48 бошли, 16 тадан чиноқ бўлса 64 бошли қора уй деб аталган. Керага панжаралари керага кўки яъни хўкиз ёки туя терисидан маҳсус тайёрланган тасмалар билан боғланган. Шунингдек, керага кўки қора уйнинг ошиқ- мошиғи сифатида ҳам ишлатилган. Хўжамулки, Шалдиروق, Ободон қишлоқларида керагалар ёйилганда 7-8 қарич баландлигидаги панжараларни ташкил этса, Қумпайкал, Қорлуқ қишлоқларида эса 6 қарични ташкил этган. Ўйиштириб олинганда баландлиги 12-14 қарични, эни эса 3-4 қарични ҳосил қилган.

Бойсун тумани Тўда қишлоғида ўтов тикиш жараёни

Қора уйнинг эшиги «турди» яъни устки, пастки ҳамда ён бўсағалардан иборат бўлиб, кераганинг олд томони уй эшигининг ён бўсаға яъни ён устунига беркитилган. Ён бўсағаларнинг икки учи турди (тепа) ва пастки бўсағаларнинг чуқурчасига кийдирилган. Турди (тепа бўсаға)нинг устки қисмида бешта етим увуқ учун чуқурчалар қилинган. Икки ён бўсағанинг керагаларга келиб бирлаштириладиган жойи узунасига ўйиб, ариқча шаклида қазилган ва керагалар шу чуқурчага жойлаштирилган.

Беш-олти қарич баландликда қамишдан чий тўқиблиб, керагаларнинг ташқи қисмига тутилган. Бунда икки ёки учта чий етарли бўлган. Чий тўқишда эса қамиш пўстлоғидан ажратилиб, беш ёки олти қарич узунликда қирқилган ҳамда чий тўқиш дастгоҳида эчки қилидан йигирилган шардоз (ип)лар билан тўқиб чиқилган. Қора уйнинг керага ва бўсағалари ўрнатилиб бўлгандан кейин, кераганинг қисмидан эни 1-1,5 қарич бўлган рангга бўялган жундан тўқилдан боғиш ҳамда ўрта қисмидан эни ярим қаричдан узунроқ бўлган рангга бўялган жундан тўқилган жафсар бов яъни айил айлантилган ва икки учи ён бўсағаларига тортиб боғланган. Булар керагаларнинг ўтириб қолмаслиги, қолаверса жафсарларнинг очилиб кетмаслиги ҳамда керагаларнинг орқага қараб қийшаймаслиги учун кўрилган чорадир.

Сурхон воҳасида қора уйнинг увуқлари тол новдасидан ясалиб, Хўжамулки, Ободон, Тўла, Чақар қишлоқларида ўн қаричдан ўн тўрт қаричгача бўлса, Ипоқ, Қумпайкал, Қорлуқ, Чеп қишлоқларида саккиз-тўққиз қарич узунликни ташкил этиб, диаметри қўл ўрта бармоғининг бир ярим икки бўғин узунлигини ташкил этган. Увуқнинг эгилган жойи керага чиноқ (қулоқ)ларига маҳкамланган. Увуқларнинг сони уйнинг неча бошли бўлишлигига боғлиқ бўлиб, қора уй 52 бошли бўлса, увуқ 52 та, ёки 74 бошли бўлса увуқ ҳам 74 та бўлган. Албатта етим увуқлар бунга кирмаган. Етим увуқ деб устки бўсағага яъни эшик устига ўрнатиладиган бешта увуққа айтилган. Чунки етим увуқларнинг эгилган жойи қисқароқ бўлиб, бир қиричдан ошмаган. Учи эса чанғароқ тешикларга киритилган. Қора уйнинг чанғароғи толдан доира шаклида эгиб қилиниб, унинг айланаси 8-9 қарични, қалинлиги эса бир қарични ташкил этган. Бу қасқоқ деб аталган. Чанғароғ қасқоғининг устки қисмига толдан тайёрланган таёқлар гумбаз шаклида эгилиб чанғароқ тепароғидан ўйилган биринчи қатор тешикларига тиқилган. Таёқлар хоч шаклида кесишиб, ўрта қисми эса туя ёки хўққиз кўни (териси)дан тайёрланган тасма билан боғланган. Чанғароқнинг асоси бўйлаб «чанғароқ солма» деб номланган қизил бов (ип) айлантилган.

Сурхон воҳасида қора уй суягини кўтаришда яъни тикка қилишда иккита увуқни эчки шохига ўхшатиб, эгилган жойлари бир-бирига қарама-қарши холатда боғлаб, чанғароқ шунинг ёрдамида баландликка кўтарилган ҳамда уч ёки тўртта аёл увуқларни чанғароқнинг пастки қатор тешикларига киритиб, пастки қисмини керага чиноқ (қулоқ)ларига мустаҳкамлаб боғлаган. Увуқлар чанғароқ тешикларига киритилиб бўлгандан кейин, эни 2-2,5 бўғин узунликда

бўлган, жундан гулдор қилиб тўқилган тизмалар билан мустаҳкамланган. Увукларнинг эгилган жойидан яъни тизманинг тагидан қур уйнинг бутун айланасига тутилган. Қур жундан гулдор қилиб тўқилиб, эни 1,5-2 қарич узунликда бўлган. Қора уйнинг ичини чиройли қип-қизил тусда кўрсатиб туриш учун бир қарич энликда қизил гулли қилиб, жундан тўрлаб, сачоқлари куббали қилиб тўқилган гулдуровуқ қурнинг тагидан тутилган.

Қора уйнинг устки қисми кигиз (наMAT)дан тайёрланган иккита узук ҳамда тўртта тўрлик билан ёпилган. Бунда иккита узук билан уйнинг устки қисмини чанғароқча бўлган жойини ёпишган. Узукнинг юқори қисми чанғароқча мослаб айлана ҳолатда кесилган. Олдинги 6-8 та пўпакли қизил бов билан орқа томонга тортилган. 8-10 та бов билан эса орқа узукда уйнинг олдинги қисмига қарата увуклар устидан тортилади ҳамда олдини узукнинг устки қисмидан бир бири билан кесишган ҳолатда уйнинг белдовига боғланган. Узук оқ бови бир қарич энликда бўлган. Шунингдек, эни ярим қарич бўлган, 38 тадан 64 тагача оқ тағобчилари бўлган. Бу тағобчилар пастга тортиб олиб келиниб, ола белдовга маҳкамланган. Тағобчилар уйнинг чиройли ва оқ бўлиб кўринишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Тўртта тўрлик қора уйнинг тўртта жафсари (қаноти)га ёпилган ҳамда узуклар тагига тўрликларнинг тепа қисми киритилган. Кераганинг пастки қисмигача тўрликлар ёпиб турган. Ёзнинг иссиқ кунларида тўрликлар белдовга туриб қўйилиб, салқин бўлиши учун чийлар очиб қўйилган.

Қора уйларда ёруғлик тушуши, ҳаво алмашиши, сандал, ўчоқларнинг тутунлари чиқиши каби масалалар учун қора уй чанғароғининг туйнуғи бўлиб, туйнук кигиз (наMAT)дан қилинган. Туйнукнинг тўртта уч қулоқ узунликдаги туйнук бов (арқон)лари бўлиб, уйнинг тўрт томонидан пастга тушиб турган. Туйнукни очиб-ёпишда бу туйнук бовлардан фойдаланилган.

Қора уйнинг эшиги нарвон шаклидаги икки қанотли «эрганак» бўлиб. эрганак устидан уч қулоқ узунликдаги маҳсус чий, ҳамда чий устидан кигиз (наMAT) қопланган эшик ёпқич тайёрланган. Эшик ёпқичнинг тепа қисми узукка бирлаштирилган бўлиб, иссиқ вақтларда юмалоқланиб кўтариб қўйилган. Совуқ вақтлардагина тушурилиб, уйнинг оғзи беркитилган. Ёмғир ёққанда ташқаридан ичкарига сув кириб кетмаслиги учун уйнинг ташқи атрофидан «ғўр» яъни ариқча қазилган. Шунингдек, қора уйни «оширма» арқонлари бўлиб, оширма арқонлари чанғароқ устидан оширилган ва икки томонига қоқилган қозикларга боғлаб, довул ва шамол бўлганда кўзғалмаслиги учун мустаҳкамланган.

Сурхон воҳасида қора уйларнинг катта кичик, баланд бўлиши, безакларнинг турли хилда чиройли бўлиши уй эгасининг иқтисодий жиҳатдан бақувватлигидан келиб чиқиб, уларнинг уйлари икки устма-уст керага яъни қўш қанотли бўлган. Албатта бундай қора уйларни яшаш ва сотиб олиш катта маблағ асосида бўлган. Сурхон воҳасининг Қумпайкал, Қорлик, Жобу, Жалойир, Оққапчиғай, Хўжамулки, Шалдиروق, Ободон каби қишлоқларида қора уйларни эшигини жанубга қаратиб қурганлар. Чунки, куёш чиққандан ботгунга қадар уйнинг ичига куёш нури (айниқса куз ва қиш фаслларида)

тушиб туриши назарда тугилган. Бундан ташқари шарқ ва ғарб томондан эсадиган изғринли шамоллар ва ёгингарчилик ҳисобга олинган.

Жарқўрғон тумани Исмоилтепа қишлоғи. Жихозланган ўтов

Сурхон воҳасида янги уйланаётган йигитга оқ уй (оқ ўтов) қилинган никоҳ тўйига янги ўтов қилиш одати Хоразмликларда, қипчоқларда, лоқайларда ҳам мавжуддир. Оқ ўтовнинг суяги ва кигизларини куёв томон, ўтовнинг уйсози, яъни ички жихозларини келин томон тайёрлашган. Оқ ўтовнинг кигизлари оқ жундан тайёрланган.

Воҳада қора уйни тикиш ва бузиш ишларини фақат аёллар бажаришган. Қадимий турар жойлардан бири камарлар бўлиб XIX-XX асрларда ҳам одамларни маълум қисми ҳашаматли уйлар қуриш учун имконияти бўлмаганлиги сабабли табиий ҳолатдаги тепаликлардан сунъий равишда тайёрланган камарларнинг ёнларига совуқ, бўрон ҳамдан ёмғирдан сақланиш учун «тўғора» тўқиб, тутганлар ва тўғора устунни лойсувоқ қилиб яшаганлар. Ахборотчиларнинг таъкидлашича XIX аср охири XX аср бошларида қолаверса XX асрнинг 80 йилларида ҳам чорвадорлар ем ҳашагини тўплаб, узоқ яйловларда ёмғир ва қорлардан сақланиш учун камарларда яшаганлар.

Сурхон воҳасида ўтмишдан мавжуд бўлган турар жойлардан бири қапа бўлиб, воҳада, қолаверса ўзбекларда «қапа», «чайла» деб аталса қозоқларда эса «курке» дейлади. Қапа вақтинчалик ва мавсумий турар жой бўлиб тезда йиғиштириб олишга қулайлиги ҳамда содда тузилганлиги билан ажралиб туради. Воҳада капани юмалоқ (гумбазсимон) ва тик (конус) шаклида бўлиб ўртacha катталиги энига уч-тўрт қулоч, бўйига беш-олти қулоч бўлган. Капани тикиш учун узунлиги уч тўрт қулоч, диаметри бир ярим, икки бўғин келадиган тол ёки (тут, юлғун, арча, заранг) яъни «қапа чўп» ерга бир қарич узунликда, ораси уч қарич энликда қоқилган. Қапа чўплар бўшамаслиги учун икки қулоч юқорироғидан жундан тўқилган тизма билан боғлаб чиқилган. Жундан эни тўрт қулоч, бўйи олти саккиз қулоч узунликда кигиз қилинган бўлиб шамол, довул кўтариб юбормаслиги учун тўр буржига жундан арқон қилиниб, қапа чўпга боғланган. Пишиқ қилиб, мустахам тайёрланган бу кигизлардан қор ва ёмғир ўтмаган. Шунингдек, кигиздан ташқари қамиш ёки устидан сомонли лой билан лой сувоқ қилганлар. Ёзги капалар эса қамиш билан ёпилган. Айрмиларининг усти сомонли лой билан сувалган. Эшик оғзига қиш фаслида кигиз, бошқа иссиқли кунларда бўйра ёки шолдан тўқилган мато тўшаб қўйганлар. Ипоқ, Қорлуқ қишлоқларида тепасидан тутун чиқадиған туйнук қилинган. Ерга чий (бўйра) тўшалиб, устидан кигиз ёки гилам тўшаганлар. Капанинг деворига тақаб хапрмач, бўғжама, кўрпа, ёстик ҳамда бошқа буюмлар қўйилган. Кираверишда эшикка яқинроқ жойда ўчоқ бўлиб, тутун туйнукдан чиқиб турган. Шунингдек сандалдан фойдаланганлар. Сурхон воҳасида капаларнинг устунни махсус қамишдан тўқилган бўйралар билан ёпганлар. Бу капани воҳани юз, дўрмон, қорлуқ, барлос уруғига мансуб аҳоли «хос қапа», қўнғиротлар эса «чум» деб атаганлар.

Сурхон воҳасида яшовчи юз, дўрмон, қорлуқ ва барлосларнинг XIX аср охири- XX аср бошларида Қора уй (ўтов) ва қапага нисбатан асосий турар жойи лочиқ бўлиб, лочиқ турар жой сифатида туркияликларда, озорбайжонларда қолаверса қирғиз ва туркманларда ҳам мавжуддир.

Сурхон воҳасида лочиқнинг бир неча турлари бўлган.

Сурхон воҳасининг Чинор ва Бодиҳаво қишлоқларида лочиқнинг деворлари керагали бўлиб, бўйига тўрт беш қулоч, энига икки қулочни ташкил этиб, узунасига айвонсимон эгилаган ўқлардан фойдаланилган. Воҳанинг Дегрез, Чеп қишлоқларида эса айланаси беш олти қулоч, тепаси гумбазсимон бўлиб, эгилган ўқлардан ташкил топиб, девор қисми ўқлари икки, айрим холларда уч қатордан боғлаб чиқилган. Дўрмон, Чақар қишлоқларида лочиқнинг айланаси тўрт-беш қулочдан иборат бўлиб, тепасига чанғароққа ўхшаш шаклда айланаси бир қулоч бўлган иккита тол навдаси эгилган халқа бўлган. Бу халқа (туйнук)га 35 ёки 45 дона ўқ учлари «танғич» ёрдамида боғланади. Юқори қисми маълум миқдорда эгилган «ўқ навдалари» «ўқ бов» билан керага бошига маҳкамланади. Бир қулоч баландликдаги керагалар асосан айланаси икки бўғин бўлган тол новдасидан ясаиб икки қанот учун тўрт донадан иборат бўлган. Эшик «манглай таёқ», иккита «ён таёқ» ҳамда «пастки таёқ»лардан ташкил топган бўлиб, пастки таёқлар ишлатилмаган холларда икки ён таёқлар ерга қоқилиб, қозиқ вазифасини бажарган ҳамда керага қанотлари шунга маҳкамланган. Лочиқлар керагаси мустаҳкам бўлиши учун бир қулоч узунликдаги олти-саккиз дона қозиққа боғланган. Уйга мол ва итнинг кириб келмаслиги учун «эрганақ эшик» қўйилган. Шунингдек, унинг устидан кигиз ҳамда чийдан ясалган «солма эшик» ўрнатилган. Тўрт дона кигиз «орқа узук» ва «олдинги узук» деб номланиб, уйнинг устига ёпилган. Рангли чий керага устидан ён деворларига тортилиб, унинг устидан тўрлиқ кигиз маҳкамланган. Уйнинг туйнуғи боғлари бўлган юмалоқ кигиз билан ёпилган. «Оқ бов»лар уйнинг устидан тортилиб, уй атрофидаги қозиқларга боғланган ҳамда кигизлар мустаҳкамланган. Уйнинг устидан боғланган «оқ бов»лар уйни ола чипор кўрсатган, шу боисдан ҳам «олачи», «лочиқ» деб атаганлар.

Сурхон воҳасида доимий турар жойларни шаклланиши ўзига хос қадимий тарихга эга бўлиб, воҳанинг марказларидан бири бўлган «ҳозирги Денов шаҳри милоддан аввалги X-XI асрларда одамлар яшайдиган манзилга айланган. Милоддан аввалги II минг йилликнинг охирларида Денов қалъаси атрофида манзилгоҳ ҳамда қабристон бўлган. Кушонлар замонидан милоддан аввалги I асрларда Қизил сувнинг чап соҳилида ҳозирги қалъадан 100 метр жанубда йирик шаҳар бўлган. Бу шаҳар-кўрғон ерли аҳоли орасида Калламазор деб аталган бўлиб, унинг ўн метр қалинликдаги маданий қатлами ҳозиргача сақланиб қолган. Калламазор атрофида сочилиб ётган сопол синиқларига қараганда, шаҳарнинг умумий майдони унга тақалган кўчалар ва Хўжа Рушноий қабристони билан биргаликда ўн гектарни эгаллаган. Карвон йўллари чорраҳасида жойлашган Денов кўпгина машаққатлар, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Миср ва Юнонистон ўртасида совдо-сотик ишларида алоҳида ўрин тутган». Шунингдек, Сурхон воҳасида ўрта асрлар даврида ҳам доимий турар жойлар ўзига хос тарзда ривожланиб келди. Сурхон воҳасидаги Сайид Оталиқ

мадрасаси XVI асрда Денов марказида икки қават қилиб қурилган. Бу мадраса Бухорадаги Кўкалдош, Мирараб мадрасаларига ўхшаб кетади, мадраса машҳур уста Ахмад Мамад Бухорий томонидан 1578 йилда қурилган. Мадраса пойдеворининг чуқурлиги 5,5 метр бўлиб унга бир неча қатор қамиш тўшалиб, пишган ғишлар ганч билан алоҳида усулда териб чиқилган. Мадраса бош тарзи пештоқли. Пештоғининг икки ён томонида икки қаватли, уч равоқли пеш айвон бор. Кираверишдаги кичик саройнинг икки ёнида чортоқ тарҳли масжид ва дарсхона бор. Ховли атрофида олди чуқур равоқли икки қаватли хужралар жойлашган. Бу мадраса қадимий Денов ва воҳа учун кўплаб ўқимишли кишиларни етказиб бериб, тарихчи олимларнинг ижодий фаолити учун энг муҳим илмий марказ бўлган.

Сурхон воҳасининг Катта Вахшивор қишлоғида 1713 йилда авлиё, шоир Сўфи Оллоёр томонидан масжид қурдирилган. Масжид хонақоҳ, икки томони айвон ва қўшма хоналардан ташкил топган. Хонақоҳ ва айвон томи тўсин билан ёпилган бўлиб, синчли пахсадан қурилган. Шимолий шарқий томони хашаматли бўлиб, меҳробсимон равоқлар ишланган. Эшиклар тепасидан табадонлар ганчкори панжаралар билан безатилган. Хонақоҳдаги меҳроб равоқи анча чуқур бўлиб, унинг икки томонидаги тўрт равоққа бўртма чизиқлар тортилган. Бундай безаклар жанубий ғарбий айвон деворида ҳам мавжуд. Айвондаги еттинчи ва хонақоҳдаги олтинчи устун ўйма ва рангли нақшлар билан безатилган.

Сурхон воҳасида беклик марказларида ҳамда тоғли ҳудудларда ўтроқлашиш бошқа чўл ҳудудларига нисбатан эртароқ вужудга келиб, доимий турар жойлар асосан сой бўйларида, анҳор ёқаларида ташкил топган. Воҳада аҳолининг доимий турар-жой, уй томи дастлаб пахса, хом ғишт, гувала яъни «бўрикалла», шапати, тоғли ҳудудларда тош девордан иборат бўлган. Дастлаб бир хонали, икки хонали йигирманчи аср бошларига келиб «хўржин том» яъни уч хонали қолаверса болахонали уйлар вужудга кела бошлаган. Сурхон воҳасида дастлаб пахса девор уришни қоратегинлик уруғлар томонидан бошланган. Пахса уйларнинг бўйи беш кадам, эни уч кадам. Деворларнинг қалинлиги икки ёки уч қарич бўлиб сирти кесилмаган. Уйларнинг хона номлари унга ёпишга ишлатилган Уйларнинг хона номлари унга ёпишга ишлатилган ёғоч (асосан тол ёки терак)лар сонига қараб номланган. Албатта уйни ёпишда ёғочлар тоқ қўйилган. Масалан, ошхона, дахлизлар учун ёки бешта ёғоч (хори) ишлатилса меҳмонхона ва бошқалари учун етти, тўққиз, ўн биртагача қолаверса уйнинг хоналари катталашшига қараб ундан ҳам кўп ишлатилган. Томнинг ёғоч (хори)и устидан васса қўйилиб, васса устидан чий, бўйралар ёки қамиш тўшаб сомон лой билан сувалган. Ҳар йили ёмғир ва қор сувлари ўтиб кетмаслиги учун сомон лой билан суваб турганлар.

Сурхон воҳасининг тоғли ва тоғ олди ҳудуд аҳолиси билан чўл ҳудудида яшовчи аҳолиларнинг турар жойлари ички тузилиши ва жиҳозланиши ва айрим жиҳатлари билан фарқ қилган. Тоғли ҳудуд аҳолиларида ўтроқликка хос хусусият уй-жиҳозларида ўзига хос ўринга эга. Хусусан, уйлар дахлизли, дарчали ҳамда ён деворларида тоқчалар бўлиши билан ажралиб турган. Уйнинг ички томонини безашда аввал ерга чий (бўйра) ёки «бордон» тўшалиб униг

устига кигиз ёки гилам ёйилган. Ҳар хил кашталар қуръон халта ва ойна деворга илинган. Юк (жук) учун наптамоч (ўзига тўқ хонадонларда ёғоч сандиқ), бўғчалар мавжуд бўлган. Бой хонадонларда меҳмонхонаси алоҳида бўлган. Шунингдек, воҳада бой оилаларнинг ҳовлилари ичкили ва ташқили ҳовлилардан иборат бўлиб, ичкили ҳовлиларда аёллар ва оиланинг тан маҳрамлари учун бўлса, ташқили ҳовлида эса асосан бир неча хонали меҳмонхоналар бўлиб, ташриф буюрган меҳмонлар шу ташқили ҳовлида кутиб олиниб, шу ердан кузатилган. Хонадон соҳибалари эса юзлари номаҳрамга тушмасин деб, ташқили ҳовлига ўтмаган. Бу уйларда қиш фаслида сандаллардан фойдаланганлар. Айрим ҳудудларда эса доимий турар жой уйнинг тепа қисмидан мўри яъни туйнук қўйганлар. Ҳамда уйнинг ичида чой ва овқат қилганлар. Туйнукдан тутунлар чиқиб, ҳаво алмашиб турган. Шунингдек, ҳовлида уйлари ёнида войиш (кўтарма) тоқлар ҳамда мевасиз ва мевали дарахтлар экилган. Баъзи ҳовлилар девор билан ўраб олинган. Кўпгина ҳолларда ярим кўчманчи чўл ҳудудларда яшовчи аҳоли асосан бир хонали уйларда яшаган. Бу уйларда шамоллатиш учун олди ва орқа томонларидан ярим кулоч баландликда битта, иккитадан деворлар тешилган, дарчасиз ва тоқчасиз бўлган. Сандал ўчоқ ва сандал қиш фаслида бутун оиланинг асосий ўтириш жойи бўлиб, овқатланиш, исиниш, жун титиш, урчуқ йигириш, қолаверса, ётиш учун асосий жой ҳисобланган. Хулоса қилиб айтганда Сурхон воҳаси аҳолиси турар жойлари ўзига хос таризда ривожланган бўлиб, жаҳон халқлари моддий маданиятида ўз ўрнига эгадир.

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНING АНЪАНАВИЙ КИЙИМЛАРИ ВА ТАҚИНЧОҚЛАРИ.

Ўзбек халқининг анъанавий кийимлари моддий маданиятнинг бир қисмини ташкил этиб, ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, урф одатлари ҳамда эстетик дидини намоён этган. Ўзбек халқининг анъанавий кийимлари бошқа миллат кийимларидан ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Бошқа халқ кийимлари сингари ўзбек халқ анъанавий кийимлари узок тарихий жараёнлар давомида, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда урф-одат, маросим, анъаналар таъсирида даврлар ўтиши давомида ўзига хос хусусиятда шаклланиб, ривожланиб келган. Элшунос олим О.А.Сухарева таъбири билан айтганда: «Кийимнинг юзага келиши ва турларининг кўпайишида кишиларнинг яшаш тарзи, меҳнати ва иқлим шароитидан ташқари уларнинг маданий ривожланиши, эстетик дидларининг ўсиши ҳам асосий омиллардандир».

Кийимнинг асосий вазифаси баданни ҳар қандай ҳавф-хатар, иссиқ, совуқдан ҳимоя қилишдир. Шунингдек, инсонларни жисмоний ва жинсий айириш ҳамда эстетик безак бериш каби вазифаларни бажарган.

Кийимлар даврлар ўтиши билан, ижтимоий сиёсий ривожланиш жараёнида ўзига хос тарзда ривожланиб боради. Бу эса этнограф олимлардан кийимлар тарихини ўрганиш ва уни ёритишда маъсулият талаб этади. Чунки халқларнинг этник таркибини ўрганишда ҳамда илмий асосланишда кийимларнинг даврлар ўтишига қарамасдан ўз миллийлигини сақлаб қолганлиги ўзига хос ўринга эга. Хусусан, XVI аср миниатура санъатида тасвирланган Ўрта Осиё халқлари кийимларида ўтган аср охири (яъни XIX аср охири)гача тожик ва ўзбек кийимларига ўхшашалиги билан тавсифланади. Юқорида таъкидлаганимиздек узок ижтимоий-сиёсий, тарихий даврлар ўтиши билан кийимлар ўзгарган бўлсада бироқ кийимлардаги бичиш ва тикиш услублари ўзига хос даражада ўзгармаган. Яна шуни таъкидлаш жойизки, кийимлар табиий иқлим шароитига қараб турлича бўлган. Масалан, тоғли ҳудуд билан чўл минтақаларида айрим томонлари фарқ қилган. Анъанавий халқ кийимлари асрлар оша такомиллашиб, шаклланиб келган.

Мато тайёрлаш усуллари Ўзбекистон ҳудуди, қолаверса Сурхон воҳасида асосан уй шароитида тайёрланган. Ваҳо аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан кўпроқ машғул бўлганлиги учун матолар пахта ва жундан, маълум миқдорда эса пилладан тайёрланган. Денов маркази, Вахшивор, Сангардак, Хонжиза, Сина, Шўрчи, Қорлиқ каби ҳудудларда терига ишлов бериб, бош, устки ва оёқ кийимлар ҳамда шу каби бошқа кийимлар ишлаб чиқариш ўзига хос тарзда ривожланган.

*Анъанавий кийимдаги момо
(Хомкон қишлоғи)*

Марказий Осиё хусусан, Ўзбекистонда уй шароитида мато тўқиш ва унинг технологияси ҳақида А.Д.Гребенкин, С.М.Маҳкамова, Р.Г.Мукминова, О.А.Сухарева каби элшунос олимлар томонидан кўпгина илмий ишлар яратилган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг қорлуқ, қатоғон, турк, қипчоқ, моғёни, ургути ва бошқа уруғ аҳолиси пахтадан турли хилдаги матолар тўқиган. Денов, Қорлуқ, Миршоди, Батош, Жиндибулоқ, Карсаган, Сарносиё каби ҳудудларда ғўзак етиштирилган. Шунингдек, пахтани Шеробод бозорига Бухородан келган савдо карвонларидан сотиб олганлар. XX асрнинг бошларида Сарносиё тумани суғориладиган ерларнинг 8%га, Денов тумани эса 13,3%га пахта етиштирган. Чорвачилик билан шуғулланган дўрмон, юз, қўнғирот ва шу каби бошқа воҳа уруғ аҳолиси кўпроқ жундан мато тўқиганлар.

Бойсун тумани тўқувчилиқ устахонасида иш жараёни

Пахта ва жундан мато тўқишда воҳанинг тоғли ҳудудлари бўлган Пошхурд, Заробоғ, Боботепа, Хитой, Новбоғ, Дарбанд, Сайроб, Гилямбоб, Таллиморон, Музробот, Жоби, Қорлиқ, Вахшивор, Сангардак, Сина, Хонжиза каби қишлоқлари ҳамда Денов, Юрчи, Қорлуқ, Миршоди, Сарносиёда анча тараққий этган. Чунки бу жараён Сурхон воҳасининг ҳамма ҳудудида бир хил тартибда эмас эди. Сурхон воҳасининг Денов, Юрчи ҳамда Сарносиё бозорлари туманлар ўртасида катта аҳамиятга эга бўлиб, деҳқонлар ва чорвадорлар истеъмолдан ортиқча бўлган бир қатор маҳсулотлари каби пахта, жун ҳамда мол териларини бозорларда сотганлар. Юқорида таъкидлаб ўтилган тоғли ҳудуд аҳолиси пахтани асосан шу бозорларда харид қилганлар. Сарносиё ва Узун туманлари ҳудудида жойлашган Дебодом, Десурх, Хўжаасмин, Чош, Пастикалон, Пор, Пуштиварақ, Хуфар, Хур Ватан, Маланд, Киштут каби тоғ қишлоқ аҳолиси тоғ орқали йўл билан Шахрисабз ва Самарқанд бозорларидан кийим-кечак ҳамда бошқа маҳсулотларни харид қилганлар.

Сарносиё туманидаги миллий хунармандчилиқ анъаналари

Ҳудуд аҳолиси пахтани «халажи» ёрдамида чигитдан ажратганлар. Халажи уй шароитида фақат аёллар томонидан ишлатилиб, бир ҳафтада бир киши халажи ёрдамида икки пудга яқин пахтани чигитдан ажратган. Чигитдан ажратилган пахтадан 10 кг тоза пахта ва 21 кг чигит олинган. Қиш мавсумида воҳадаги айрим хонадонлар бўш вақтларида пахтани қўл билан чигитдан ажратишган. Тозаланган пахта гилам, хўржин, чакмон, қора уйлар учун арқон айил каби буюмлар учун урчуқдан, мато тўқилиш учун эса чархдан фойдаланишган. Чарх қадимдан ишлатилиб келинган бўлиб, Япония ҳамда Ҳиндистондаги чарх шакллари билан бир хил бўлган.

Воҳада жундан мато тайёрлашга ҳам катта эътибор берилиб, жундан фойдаланишда, аввал махсус жун тароқда жун таралган, сўнгра урчуқ ёрдамида йигирилиб ип холатига келтирилган. Воҳада жундан мато тўқишда «ўрмак»дан кенг фойдаланилган. Жундан кигиз, гилам шунингдек, хуржин, қоп, чакмон,

чолвир(шолвар) ҳамда турли хилдаги арқон иплар тайёрланган. Мол терисидан ишлов бериб, бош ва оёқ кийим-чорик тикишган. Бу нафақат Сурхон воҳаси ёки Марказий Осиё худудида, чунончи Закавказье ва бошқа худудларда ҳам мавжуд бўлган.

Анъанавий кийимлар ҳар бир халқ моддий маданиятининг ажралмас қисми сифатида мазкур халқнинг келиб чиқиши, турмуш тарзи, эстетик диди ҳамда миллий хусусиятларини тўлароқ англаб олишга ёрдам беради. Шунингдек, анъанавий кийимлар халқнинг моддий фаровонлигини акс эттирувчи воситалардан бири саналади. Кийимлар халқ тарихини чуқур ўрганишда қимматли маълумотлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Сурхон воҳаси аҳолиси ўз анъанавий кийимларида ўзларига хос минтақавий ва этник кўринишларни сақаб қолган. Бу ўзига хослик анъанавий кийимларнинг бичилишида, тикилишида, матоларнинг танланишида ўз аксини топган. Масалан, тадқиқотлар жараёнида олинган маълумотларга қараганда бичикчилар матоларни қайчи билан кесишмаган, балки қўл билан йиртиб айрим қийиқ жойларни пичоқ билан кесишган. Кесишлар асосан бўй, енг ва ён қийиқлардан иборат бўлиб, аксарият қўлда тикилган. Бичикчи ва тикувчилар у ёки бу кийимлик матодан иложи бориचा қийқим чиқармасликка ҳаракат қилишган. Чунки қадимги матоларнинг эни шуни тақозо этган.

Шу билан бирга қадимги урф-одатларга кўра кийим бичишда ёки унинг қийқимларига ёмон кўзли ёки «назари бор» кишиларнинг нигоҳи тушса ўша кийимни кийган киши касалланади, деган эътиқодлар бўлган. Кийим-кечаклар қишлоқ ва ёзлик қилиб тикилган. Ёзлик кийимлар асосан бир қават, астарсиз ва пахтаёсим, қишлоқ кийимлар эса аксинча астарли ва пахтали бўлади. Кийимлар уни киядиган кишиларнинг ёшига, оила ҳам жамиятда тутган ўрнига қараб турли матодан ҳар хил қилиб тикилган. Шунингдек, кийим учун танланган матонинг ранги ҳам катта аҳамиятга касб этган.

Масалан, сувли қишлоқлар аҳолиси (чиғатойлар, тоқчилар асли турклар) кўпроқ пахтадан, дашт худди қишлоқлари аҳолиси (асосан ярим ўтроқ ўзбек уруғлари) жундан, шаҳарлар аҳолиси эса (асосан бойроқ хонадонлар) шойи ва ипакдан тайёрланган матолардан кийим-бош тайёрлашган. Кекса чеварларнинг айтишларича, кийимлар ранги тўй-тантаналарга, қувноқлик (кўпроқ қизил) ва таъзия либослари хафачилик(оқ, қора, кўк), рамзлари сифатида намоён бўлган.

Илмий тадқиқотчи Дилшода Иброҳимова матолар ва кийимлар тайёрлаш бўйича олиб борган этнографик ишларида қуйидаги манбаларни таҳлили қайд этилди. **Табиий ранг олиш тартиби** — табиий ранглари асосан табиатда соф холда ўсадиган айрим ўт-ўланларнинг томир ва илдизларидан, мевасабзавотлар, дарахтлар баргларида, пўчоқ ҳамда пўстлоқларидан олинган. Чунки бу усулда олинган ранглари асрлар оша бўлса-да, ўз табиий хусусиятларини йўқотмайди. Ранг тайёрлаш ёки ипларни бўяш унчалик мураккаб бўлмаган, лекин кунт ва хийлагина кўп вақтни қамраб оладиган жараён ҳисобланади. Масалан, табиий рангли ип тайёрлаш учун калава иплари мис қозонга солиниб, бир кеча давомида сақланиб, ивителиди. Бир кундан сўнг иплари олиниб, сиқилади. Сўнггра

нимқоронғи

на салқин жойда қуритилади. Қуритилган ип бир карра совунда яхшилаб ювиб ташланади. Табиий ранг билан пахта каби, ипак иплар ҳам шу усулда бўялади.

Кизил ранг - ипни кизил рангга бўяш учун 500 грамм руян, 150 грамм "жавзу-мавзу" ўсимлиги керак бўлади. Мис қозонга керакли миқдорда сув, руян ҳамда "жавзу-мавзу" ип билан бирга солиниб, тагига олов ёқилади. Кутилган рангни олиш учун сув ҳарорати 70 даражадан ошмаслиги керак. Тагига олов ёқилган мис қозондаги сув ҳарорати шу даражага етгач, олов пасайтирилиб бир маромда ушлаб турилади ва бу жараён икки соат давом этади. Икки соатдан сўнг олов ўчирилади. Шундан сўнг қозон қопқоғи зичлаб ёпилиб, ип бир кеча давомида мис қозон ичида сақланади. Эртасига эрталаб, иплар бўёкли сувдан чиқариб олинади. Ип сиқилиб, силкитиб қоқилади. Кейин махсус чўпларга илиниб, қоронғи ва салқин жойда қуритиш учун осиб қўйилади. Бўялиб, қуритилган ип (қуритиш муддати — бир ҳафта) совун ёрдамида яхшилаб яна бир марта ювилади. Қуритилгач тўқиш ёки тикишга тайёр ҳолга келган ҳисобланади.

Оч сарик ранг - тут дарахти мевасининг гурина угирчага солиб, туйилади. Сўнгра мис қозонга солинади ва сув тут барги, олма барги, ток баргидан 200 граммдан қўшилади. Бир килограмм ип албатта аччиқтошли сувга солиниши керак. Қайнатилган барглар олиб ташланиб, ип солинади. Махсус чўплар орқали кавланиб, айлантриб, иплар паст оловда икки соат рангланади. Иплар қозонда бир кеча давомида туради Эртасига эса очиқ сарик ранга бўялган иплар қозондан чиқариб олинади, ип сиқилиб, икки киши томонидан махсус чўплар орқали қоқилади. Сўнгра қуритиш учун олиб қўйилади. Қуритиш жарёни бу ҳолатда ҳам бир ҳафта давомида амалга оширилади. Қуритишга қўйилган иплар албатта қоронғи ва соя жойда бўлиши керак.

Сарик ранг - барча иплар каби, сарик рангга бўяладиган иплар ҳам 300 грамм аччиқтош солинган сувда бўктирилиб, яъни "пишиб" олинади. Қайнатилаётганда сув ҳарорати 75-80 даражадан ошмаслиги керак. Сарик рангли ип тайёрлаш учун 300 грамм анор пўчоғи, бир килограмм миқдоридаги пиёз пўчоғи керак бўлади. Мис қозондаги сувга 300 грамм анор пўчоғи эса чайилиб, солинади. Қайнатиш даражаси бу ҳолатда ҳам 70-80 дан ошмайди. Сув ҳарорати шу даражага етгач, олов пасайтирилиб, рангланаётган ип икки соат давомида сувда ушлаб турилади. Рангланаётган ип махсус чўплар ёрдамида кавлаб турилади. Бу иплар ҳам қозонда бир кеча давомида сақланади. Эртасига эса икки киши махсус чўплар билан обдан силкиб қоқади. Қоронғи ва салқин жойда бир ҳафта қуритилгач, совунда яхшилаб ювиб ташланади. Қуритилгач, фойдаланишга тайёр сарик рангли ип тайёр бўлади.

Қора ранг - бошка бўяладиган иплар каби, бу рангдаги ипни олиш учун ҳам бир килограмм хом ип керак бўлади. Қора ранг олиш учун 300 грамм анор пўчоғи, 200 грамм занг, 150 грамм "жавзу-мавзу" керак бўлади. Сув ҳарорати 75 даражага етгунча кавлаб туриш йўли билан рангланади. Бунинг учун мис қозонга сув, керакли миқдорда занг ва анор пўчоғи, "жавзу-мавзу" ўлчаб солиниб, қозон тагига олов ёқилади. Қора рангга бўяладиган ипларни аввал аччиқтошли сувда ивитиб олиш лозим. Бу ҳолатда ҳам рангланган иплар бир кеча мобайнида қозонда сақланади. Бир ҳафтадан сўнг совунда ювиб, қуритилиб, тайёр ҳолда келтирилади.

Тўқ сариқ ранг - бу рангни ҳосил қилиш учун ўрик дарахти томири билан арча уруғи аралаштирилиб, қозонда қайнатилади. Арча уруғи угирчада туйилиб, майдаланган ҳолда ишлатилади. Аччиқтошли сувда пишган бир килограмм ипни тўқ сариқ рангга бўяш учун 500 грамм арча уруғи, ўрик дарахти томири-пўстлоғидан ҳам шунча миқдорда олинади. Тегишли рангни олган иплар икки соат давомида паст оловли қиздирилаётган сувда ушлаб турилади. Бу ҳолатда ҳам бўялган иплар бир кеча қозонда сақланади, сўнгра махсус чўплар билан қоқиб ташланиб, қоронғи жойда бир ҳафта қуритилади. Шундан сўнг одатдагидек кир совунда ювилиб, қуритилади ва фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилади.

Малла ранг - аччиқтошли сувга солинган бир килограмм ипни малла рангга бўяш учун бир килограмм ёнғок пўчоғи, 200 грамм "жавзу-мавзу" керак бўлади. Мис қозонга яхшилаб чайилган бир килограмм ёнғок пўчоғи, угирчада туйилган "жавзу-мавзу" солинади. Сув 100 даражага етгунча қайнатилади. Бу рангни олиш ва ипни бўяшда ҳам аввалгилари каби технологик жараёнларга қатъий амал қилинади.

Кўк ранг - ипларни бу рангга бўяшда аччиқтош ўрнига ишқордан фойдаланилади. Бир килограмм ип ишқорли сувда пишитилади. Ипни кўк рангга бўяш учун 20 грамм индиго, 10 грамм темир содаси, 15 грамм гидросульфат керак бўлади. Тайёрлаш жараёнлари қуйидагича бўлади: мис қозонга 300 грамм миқдорида ишқор солиниб, 40-45 даражага етгунча иситилади. Сув керакли даражада иситилгач, унга ўлчаб олинган индиго, темир содаси, гидросульфат қўшилади. Иплар қозонга ўрнатилган махсус чўпларга илиниб, бўялади. Иплар рангли сувда 20-25 дақиқагача ушлаб турилади. Ўттиз дақиқадан сўнг иплар қозондан чиқарилади ва ҳаво билан реакцияга киришиб, рангланади. Кўк рангли иплар ҳам бир ҳафта қуритилади. Сўнгра яхшилаб ювилиб, яна қуритилади. Қуритиш одатдагидек қоронғи ва салқин жойда амалга оширилади.

Яшил ранг - бу рангни ҳосил қилиш ва ип бўяш учун ток, тут ҳамда олма баргидан 200 граммдан олиндиб, қайнатилади. Кейин барглар чиқариб ташланиб, аччиқ тошли сувга пишилган бир килограмм ип тайёр сувга солинади. Иплар махсус чўплар ёрдамида айлантимирилиб, кавлаб турилади. Ранглаш икки соат давом этади. Олов паст ҳарорат, бир маромда бўлиши керак. Рангланган иплар бир кеча давомида мис қозонда сақланади. Эртасига қозондан чиқариб олинган ипнинг ранги сариқ бўлади. Ана шу сариқ иплар ҳаво рангли индигога солинса, бақа рангли тусга киради. Бақа рангли ип дархол тўқ, кўкли индигога солинса, яшил рангли иплар пайдо бўлади. Иплар 20 дақиқа давомида рангланади.

Сурхон воҳасида ип бўяш ҳам ўзига яраша муҳим технологик жараёнларни инобатга олган, аниқроғи, ана шу каби технологияларга қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилган. Шуниси ҳам борки, барча бўяш жараёнлари мис қозонда амалга оширилган. Яна бир диққатга сазовор жихати, бўялган ипларни қуритиш асосан қоронғи ва салқин жойларда ўтказилган. Ҳар бир ҳолатда ҳам бўялган иплар бир кеча давомида қозонда сақланиб, сўнгра махсус чўплар ёрдамида қоқилиб, қуритиш учун илинган. Гарчанд, айрим ҳоллардагина кимёвий унсурлардан фойдаланилган бўлса-да, ип бўяш, ранг ҳосил қилиш қадимда

қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай олиб борилаяпти. Бу - қадимий анъаналар ҳамон яшаётганлигидан далолатдир.

Кийимларнинг ранги асосан кишиларнинг жинсига ва ёшига қараб танланган. Ёшларни катта ва улуғ кекса кишилар кўпроқ оқ, кулранг, ёшлар қизил ва сариқ рангдаги кийимларни кийишган. Ўзбекистоннинг барча худудлари каби Бойсун воҳасида ҳам миллий ўзбек кийими деярли шаклланиб бўлган, худудидаги шаҳар ва қишлоқлар эркак аҳолиси деярли бир нусхадаги («бир кийимлик») тўн, кўйлак, чорик яктак, иштон, дўппи, салла, телпак, қовуш-махси, этик чорик ва турли хилдаги ёрдамчи кийимлар кийишадиган бўлишган. Шунингдек юқоридагилардан ташқари чорвадор аҳолии кўпроқ чакмон (чакмонларнинг бакоти, босма, қоқма ва бошқа турлари бўлган) кебанак, пўстин каби устки кийимлар кийишган. Ўрганилаётган худуд хотин-қизлари ҳам ўша давр ижтимоий-иқтисодий шароитига мослашган ҳолда кийинганлар. Лекин хотин-қизлар кийимлари ҳам ёшларига қараб бичилиши, тикилиши, ранги мато турига қараб фарқланган. Эркаклар кийимлари кўпроқ бўз, қалами, олча (бу матоларни маҳаллий косиблар тўқишган) йўл-йўл тик, танка бекасам (бу матоларни бозорларга бошқа худудлардан келган савдогарлардан сотиб олишган) каби матолардан тикилса, хотин-қизлар кийимлари кўпроқ шойи, зарбоф, адрас, чит сатин каби матолардан тайёрланган.

Хотин-қизлар кийимларидан энг асосийси кўйлак-иштон ҳисобланган. Хотин-қизлар кўйлаги уч типга бўлинган. Масалан, қизлик даврида кийган ёқаси очикроқ кўйлак «кифтак», келинлик пайти кийган кўйлакни «боғичи» кўйлак деб юритганлар. Анъанага кўра қизлар турмушга чиққанларида никоҳ кунлари ва тўйдан сўнг учинчи куни қизлик кўйлаklarини хотинлик кўйлаklarига алмаштирган. Мазкур кўйлак келиннинг эндиликда хотинлар қаторига ўтганлигини билдиради. Хотин-қизларнинг энг муҳим анъанавий кийимларидан яна бири уларнинг лозим (иштон) лари саналган. Хотин-қизлар лозими икки ёки уч хил матодан тикилган. Бунинг сабаби қуйидагича: ҳамма хотин-қизлар ҳам кийим кечак сотиб олиш учун қурби етавермаган. Шунинг учун лозимнинг кўзга ташланадиган қисми, яъни пойчалари, янги матодан кўзга кўринмайдиган қисми липпасига эски матодан ғиштдаги рангли матодан тикилган. Одатда ёш қиз-жувонларга тикиладиган лозимлар учун очик рангли матолардан катта ёшдаги аёлларга ҳамда қарияларга эса оддийроқ рангли матолардан фойдаланилган. Кундалик кийиладиган кўйлак ва лозимлар кўпроқ маҳаллий, оддий матолардан, тўй-тантаналарда кийиладиганлари эса иложи борича шойи атлас каби ипакли қимматбаҳо матолардан тикилган.

Лозимларнинг тепа қисми иштонбоғ билан боғланган бўлиб, пойчаларга жияклар қадалган, жияк ковуш устига тушиб турган. Худуд хотин-қизлари кийим кечакларидаги ўзига хослик айниқса уларнинг бош кийимларида яққол кўзга ташланган. Бош кийим деганда энг аввало дўппи, кўзда тутилади, албатта. Аммо хотин-қизларнинг ҳаммаси ҳам дўппи киявермайди. Дўппини асосан турмушга чиқмаган ёш қизлар, айрим ҳоллардагина ёш келин ва ёш хотинлар кийишган. Бу худудда асосан айлана, чека попути тўқ қизил бойсуний тўртбурчак ироқи дўппилар кийиш удум бўлган.

Ўрта ва катта ёшдаги аёллар «култа» деб аталадиган бош кийими кийишган. Култанинг бош қисми айлана, бошга кийиладиган жойи думалок, орқасига тушиб турадиган соч қолипи бўлган. Айрим жойларда уни «кийгич» ҳам деб аташган. Кийгични кўпроқ дашт чорвадор қишлоқлар аёллари кийишган бўлса, сувли ўтроқ қишлоқлар аёллари «касава» кийишган, у пахта ёки жун қотишмаси ҳамда бир неча хил матодан чамбарак шаклида тайёрланган ва ўрта қисми очик қолдирилган. Худуд хотин-қизларининг ўзига хос бош кийимларидан яна бири «бош» ёки «салла» деб аталади. Бу бош кийимни асосан фарзанд кўрган қўнғирот аёллари (ярим ўтроқ ўзбек уруғи) кийишган. Аёллар бошларига аввал ярим дўппи шаклидаги кийгични кийиб унинг устидан беш-етти метрлик салла ўрашган. Бу бош кийимнинг худди шу қисми бош деб аталиб, унинг устидан еттитадан, тўққизтага, тўққизтадан ўн биттагача (гоҳо ўн еттигача) турли рангдаги ва номдаги матолардан тайёрланган уч бурчакли ёки тўрт бурчакли қийиқлар ранги аниқ кўринадиган қилиб ўралган. Шунинг учун ҳам мазкур бош кийим салла деб юритилган. Бу бош кийим Чамбаршоҳ деб аталган. У кўпроқ бой хотинларга мансуб бўлган. Бош ёки салланинг ораси, устки қисми очик қолдирилган, унга нина, ип, калит, пул, рўмолча, гугурт, курут ва хо казолар солинган. Мазкур бош кийим устидан учбурчак қилиб катта рўмол олинган.

Бош салла баъзан «такія» деб аталмиш бу бош кийимларнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, улар оиларнинг иқтисодий аҳволини ҳам акс эттирган. Шу боисдан бош кийимлар «Бойбош» ва «Камбағалбош» деб ажратиб келинган. Бойбошга ниҳоятда катта ва хилма хил рўмоллар ўралган. Камбағалбошга ўралган рўмоллар эса жуда оддий ва камсонли бўлган.

Бош кийимлар устидан ёпиниб юриладиган ёпинчиқлар бўлган. Сурхон воҳаси худудида хотин-қизлар шариатга кўра доимо бошларига бирор нарса: желак, жегда ташлаб юришган. Шуниси қизиқки, бу худудда паранжи ёпиниш таомили учрамайди, лекин қўнғирот хотин-қизларида бошга ёпиниб юриладиган, аксарият қизил ёки тўқ-қизил духобадан тикилган паранжи нусха ёпинчиқ кўртакур ва кўртакуроқ деб номланган.

У қизларга келин бўлганларида ёпинтирилиб, умрининг охиригача сақлаган. Узоқ дашт қишлоқларида яшовчи чорвадорларнинг аёллари кўп ҳолларда ёпинчиқсиз, юзи очик юрган. Қизлар билан турмушга чиққан ёш келинларнинг соч ўришлари ва тутишларида катта фарқ бўлган. Қизлар сочларини бир, икки, тўрт, олти, саккиз, ўн икки, қирқ ва ундан ҳам кўп майда қилиб ўриб юришган.

Келинлар эса сочини иккита қилиб ўриб, фақатгина тўғри очиб бош кийим остига яшириб юрган. Хотин-қизлар сочларига турли тақинчоқлар (жамалак, тахтажамалак, соч попук, пўпак) тақишган. Бу тақинчоқлар хотин-қизлар ёшига турмушга чиққан-чиқмаганига фарзандлари бор-йўқлигига қараб танланган. Уста заргарлар шаҳар ва қишлоқлар аҳолисига уларнинг буюртмалари асосида турли-туман тақинчоқлар ва безакларни (узук, билакузук, сирға, балдоқ, латива, кўкракка ва бўйинга тақиладиган маржонлар) тайёрлаб берганлар. Аксарият заргарлар буюртмачиларни кутиб ўтирмасдан ўзлари тайёрлаган заргарлик буюмларини қишлоқма-қишлоқ юриб сотган ёки мол-

мулкка дон-дунга алмаштирганлар. Шу тариқа аҳоли ўртасида безак ва тақинчоқлар янада оммавийлашиб боради, бунга Шарқий Бухоронинг Россия томонидан истило қилиниши билан бошқа худудлардан келган заргар косибларнинг кўпайиши ҳам ўзига таъсирини кўрсатди.

Тақинчоқ ва безаклар хотин-қизларнинг ёшига, кийим рангига, мато йўлига ва тиқилиш услубига қараб танланган ва тақилган. Улар тақилиш ўрнига қараб турли гуруҳларга бўлинган. Шунга қараб бошга сочга, қулоқка, бурунга, кўкракка, бўйинга, қўлга тақиладиган тақинчоқ ва безаклар мавжуд бўлган. Бошқа тақиладиган тақинчоқлар турига тиллақош, силсила, мохитилла, хатабак кабилар кирган. Тиллақош кумушдан ишланиб, бош кийим устидан кийилган ва қош устига тушиб турган, шунинг учун ҳам тиллақош дейилади. Бу безакни кўпроқ сувли қишлоқлар хотин-қизлар (чиғатойлар, тоқчилар, турклар) тақишган. Силсила ҳам кенг тарқалган тақинчоқлардан ҳисобланиб, уни маҳаллий халқлардан ташқари қўшни худудлардан келган туркманлар, араблар ҳам тақишган. Силсила кўпроқ тўй-ҳашамларда байрам кийимлари билан тақилган. Қарияларнинг шохидлик беришларича қадимий силсилалар тўрт қисмдан иборат бўлган (хатабак, силсила, гўйша ва чеккадуо).

Хатабак -ости яшил, усти тўқ-қизил духобадан тиқилган унга бир неча қатор қилиб бодом нусха кумушдан ясалган шакллар осилган. Силсилада эса уч-тўрт қатор метал ва кумушдан ясалган шакллар бир-бирига занжир орқали уланган. Силсила одатда хатабакнинг устидан тақилиб, хатабакнинг бир қисми силсила остидан кўриниб турган. Силсила чамбаршоҳ (қўнғиротларда) устидан ҳам тақиб юрилган. Хотин-қизларнинг пешонага тақиладиган ярим ой шаклидаги тақинчоғи мохитилла деб аталган. У кумушдан ишланиб, турли рангдаги шиша кўзлар билан безатилган. Мохитилла бош кийимларга илгаклар билан беркитилган, бир қисми пешонадан тушиб турган, бошқа қисми эса қулоқлар ёнидан икки томонга осилиб турган. Энг кўп ва кенг тарқалган яна бири соч попук ва жамалаклар бўлган. Қора ип ёки ипакдан, баъзан эса қора жундан тайёрланган иплар учларига данақдек думалоқ қўнғироқлар осилган, булар сочга қўшиб ўрилган ёки махсус тахтачага боғлаб, орқадан сочга қўшиб боғланган. Одатга кўра худуддаги барча хотин-қизлар имконлари борица сирға тақишга ҳаракат қилишган. Аксарият қизларнинг ёшликларида қулоқларини тешиб (улаш туфайли, кекса кампир қизалоқ қулоғини тешиб) унга маълум вақтгача ип ўтказиб, сўнг сирға тақилган. Худудда кўп тарқалган тақинчоқлардан билакузук, узукларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, чунки ҳар бир хотин-қизда бу тақинчоқлардан бири албатта мавжуд бўлган.

Шунингдек, Сурхон воҳаси заргарлари эски-тангалардан ҳам турли тақинчоқлар ясаган. Улардан кўкракка осиладиган ва сочга тақиладиган тақинчоқлар тайёрланган. Худудга хос аёллар тақинчоқлардан бурунларига тақиладиган сирғаларни алоҳида таъкидлаш лозим. Сирға бурунларни асосан қўнғирот аёллари, тақишган. Бунда сирға буруннинг икки четига бурун паракларига ҳамда бурун ўрта деворига тақилган. Шунга кўра бу сирғалар латива, измак, аравак (арабак) каби номлар билан юритилган бўлса, ўрта деворга тақилганлари бўлови, бурун балдоқ деб ҳам юритилган.

Кўнғирот хотин-қизлари кўпроқ бўйинга ва кўкракка тақиладиган мунчоқ маржонларни ёқтиришган. Кўп ҳолларда мунчоқ ва маржонларни ўзлари тайёрлашган. Бу мунчоқ ва маржонлар жавак, гулбдан, хапамат деб аталган. Шунингдек, безак ўрнида туморлар ҳам ишлатилган. Улар кўпроқ тумор бўйин тумор деб юритилган. Қизиғи шундаки, бой савдогар оилаларининг эркаклари ҳам қўлларига қимматбаҳо узуклар тақиб юришган. Шунингдек, улар тақинчоқ сифатида саллаларига жива тақишган. Камарларини пичоқлари хинларини қимматбаҳо тошлар, безаклар билан безатишган.

Сурхон воҳаси хотин-қизлари ҳаётида безак ва тақинчоқлар билан бир қаторда каштачилик ҳам муҳим аҳамият касб этган. Каштачилик минтақавий ҳарактерга эга бўлиб, ҳар бир минтақанинг ўз услуби бўлган. Масалан, кўнғиротлар кўпроқ кўйлақларининг ёқаларига кашта ишлатган, чигатой, ўзбек, тожик чигатойлари хотин-қизлари каштани кўпроқ кўйлақларнинг энгларига, кўйлақ олдига ишлатишган. Умуман олганда каштачилик воҳада кенг тарқалган. Одатга кўра, келинлар оқ матодан кашталаниб тикилган сўзанлар остида куёвнинг ўйига кузатилган. Ёш келин-куёвларнинг хонаси турли-туман каштачилик буюмлари билан безатилган. Кўрпа-ёпқичларига, ёстик жилдлари, сочиқ ва хаттоки баъзи уй-рўзғор буюмларига ҳам кашта тикилган. Бойсун воҳаси заргар усталари, мохир каштачилари томонидан тайёрланган билаузуклар, сирғалар, ханамат, гулбандлар ўзининг чиройлилиги билан кишини лол қолдирадиган ойнахалта, буғжаома, жойпўш зардевор сўзаналар республикамизнинг қолаверса хорижнинг бир талай нуфузли музейларида бебаҳо тарихий ёдгорлик сифатида жой олган.

Сурхон воҳасида - мато тайёрлаш. Ўзбек халқининг анъанавий кийимлари узок тарихий жараёнлар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда урф-одат, маросим анъаналар таъсирида шаклланган. Бинобарин, кийимлар ҳақида гапирганда уларнинг асоси бўлган матолар ва мато тайёрлаш усулларига алоҳида тўхталмоқ жоиз бўлади. Воҳада мато уй шароитида тайёрланган. Матолар кўпроқ жундан, пахтадан маълум миқдори эса пилладан тайёрланган. Чорвачилик билан шуғулланган дурмон, юз, кўнғирот, турк каби уруғ аҳолиси жундан мато тўқиганлар. Пахтани Денов ва Шеробод бозорлардан савдо карвонлари олиб келиб сотганлар ва аҳоли бундан мато тўқиш учун фойдаланилган.

Тоғли худудларда жойлашган Тўда, Мачай, Қизилнавр, Кентала, Дуоба, Кўрғонча, Яккатол, Хавуз, Дехиболо, Пулҳоким, Сариқамиш, Пудина, Чаган, Кофрун, Даштиғоз, Инкабод, Узунқудук, Тиллокамар, Хўжабулғон, Дахнаижом, Шўроб, Паданг, Чорбоғ, Работ, Фотмабулоқ, Қиличбоғ, Чилонзор, Пудина, Бешэркак қишлоқларида яшовчи чорвадор оилалар асосан жундан мато тўқиганлар. Дарбанд, Сайроб, Панжоб, Бибиширин, Пасурхи, Кучкак, Авлод, Сариосиё, Боғиболо, Шайид, Газа, Шўрсой қишлоқларида яшовчи аҳоли асосан пахтадан шунингдек, айрим ҳолларда жундан мато тўқиганлар. XIX аср охири - XX аср бошларида пахта ва жундан мато тўқиш анча тараққий этган ва бозорда истеъмолдан ортиқча бўлган пахта, жун ҳамда мол териларини сотганлар. Арқон, Айил каби буюмлар учун урчукдан мато тўқиш учун эса чархдан фойдаланилган. Чарх қадимдан ишлатилиб келинган бўлиб Япония ҳамда Хиндистондаги чарх

шакллари билан бир хил бўлган. Жундан фойдаланишда, аввал у махсус жун тарокда таралган, сўнгра урчук ёрдамида йигирилиб, ип ҳолатига келтирилган. Жундан мато тўқишда «ўрмак» деб аталувчи тўқув дастгохидан фойдаланилган. Жундан кигиз, гилам, шунингдек хуржун, қоп, чакмон, чолвар (шолвар) ҳамда турли хил арқон иплар тайёрланаган. Ипларга ранг бериш яъни бўяшда аввал иплар ювилиб сўнгра ишқорли сувда қайнатилиб, оқар сувда чайилган. Одатда матоларни қора, қизил, сариқ рангларда уй шароитида, яшил рангли бозорларда махсус бўёқчиларга яъни нилчиларга бўятишган. Қора рангни анор, ёнғок пўстлоғидан, сариқ рангни чечак ўсимлигидан, қизил рангни руян ўсимлигининг қурутилган илдизидан тайёрлашган. Шунингдек ипларни табиий ранглари (оқ, қора) сақланган. Туя жунидан малла рангли кийимлар, асосан чакмонлар тикилган. Сурхон воҳасида авлоддан - авлодга ўтиб келаётган қадимий матолардан-олача, бўз, хонатлас, шойи, беқасам, жанда кабилардан тикилган. Сурхон худудида аввалдан кундалик турмушда кенг ишлатилиб келинган мато турларидан бири-бўздир.

Жанда - ўзига хос бўёқлар жилоси – навбатма-навбат тўқилган тўқ-сарик, тўқ-қизил ва оқ-қора йўллардан иборат. Улар худди Сурхон воҳасида табиатига хос бўёқларни, унинг ўрмонсиз тоғ ёнбағрини, кўёш орқали куйдирилган қояли ерни, чуқур дўваллар ва жарлик соясини ўзгача тасвирлайди. Бойсун туманидаги Сариосиё қишлоғида яшовчи уста Мусулмон Қаҳҳоров томонидан тўқилиб келаётган қадимий жанда матосининг ранги – тўқ сарик, тўқ қизил ва оқ-қора чизикларнинг навбатма-навбат тасвирланиши билан боғлиқ бўлиб, уста ўзи яшайдиган Сариосиё қишлоғи табиатининг ранглари, унинг ўрмонсиз тоғ ён бағирларини, офтобда куйган тошлоқ ерларини, довол ва жарликларнинг чуқур сояларини ўзида мужассамлаштирган жанда матосини тўқиган. Уста тайёрлаган чопон (тўн) да ингичка яшил – маҳаллий табиатни ифодаловчи яна бир белги – тоғлар ўсимликларга хасис-тасма ифодаси туширилиб, Сариосиёдан бир неча километр узоқликда хушманзара, гуллаган водийлар дунёси матоларда ўз аксини топган. Сариосиёда устанинг авлодлаари мато тўқиш билан шуғулланиб, уни бу хунарга ўргатган онаси, наслий тўқимачи Нарзи Қаҳҳорова бўлиб, устанинг онаси дастгохта атлас ва алачани тўқиган.

Бўз-қадимий мато бўлиб, кўпроқ эркаклар учун кийим-кечак тикилган. Илгари аёллар кийими учун ишлатиладиган мато-олачадир. Олачанинг қизил, хаворанг, яшил каби турлари мавжуд бўлиб ола яъни йўллари майда ва тор бўлган.

Беқасам - йўл-йўл мато бўлиб, тўқишда орқоғи уришидан йўғонлиги учун юзида кўндаланг чивиклар ҳамда ўзига хос товланма нақшлар мавжуд. Беқасамнинг ўриш иплари тўқишдан олдин, бўяганлиги боис унинг нақши икки томонлама, хилма-хил ва турли-тумандир. Беқасамдан туман аҳолиси чопон, камзул ҳамда кўрпачалар тикишда фойдаланганлар.

Паранжи - (арабча-фаражи-кенг кўйлак) кўпчилик мусулмон аёлларининг ёпинчиғи, чачвон билан ансамбль хосил қилган. Аёллар гавдасини бошидан оёқ яшириб туришга хизмат қилади. Бичими кенг тўн шаклида бўлиб, елкадан пастга томон торайиб борувчи узун бандаги (енги) этакка яқин жойда бир-бирига чатиб бирлаштирилади. Аёл юзини чачвон тўсиб

туради. Авра-астрали қилиб тикилади. Авраси бахмал кимхоб, банорас, олача ва бошқа матолардан тикилиб, четлари кашта тикиб, каштали жияклар тутиб безатилади. Астари чит, сатиндан тайёрланади, ҳамда четларига зангори, пушти ёки сидирға шойидан адип қилинади. Паранжини икки ёни (чўнтак урни)га тик тушган (25 см узунликда) 2 та жияк туташтириб чатилади, жияклар учидан попукчалар чиқарилган, баъзан қўнғироқчалар осилган. Қадимги Мисрда пайдо бўлган ва бошқа мамлакатларга тарқалган. XVI асрдан аёлни бегона кўзлардан яширувчи ёпинчиғига, узун енглари безак қисмига айланган. Паранжи ёпиниш ислом шариатига мос келган. XX асрдаги ижтимоий ўзгаришлар жараёнида (айниқса 1930 йиллардан бошланган «Хужум» ҳаракати ва бошқа туфайли) паранжи деярли урфдан қолган.

Табиий ранг олиш тартиби — табиий ранглар асосан табиатда соф ҳолда ўсадиган айрим ўт-ўланларнинг томир ва илдизларидан, мева-сабзавотлар, дарахтлар баргларида, пўчоқ ҳамда пўстлоқларидан олинган. Чунки бу усулда олинган ранглар асрлар оша бўлса-да, ўз табиий хусусиятларини йўқотмайди. Ранг тайёрлаш ёки ипларни бўяш унчалик мураккаб бўлмаган, лекин қунт ва хийлагина кўп вақтни қамраб оладиган жараён ҳисобланади. Масалан, табиий рангли ип тайёрлаш учун калава иплар мис қозонга солиниб, бир кеча давомида сақланиб, ивителиди. Бир кундан сўнг иплар олиниб, сиқилади. Сўнгра нимқоронғи на салқин жойда қурилади. Қурилган ип бир карра совунда яхшилаб ювиб ташланади. Табиий ранг билан пахта каби, ипак иплар ҳам шу усулда бўялади.

Кизил ранг - ипни кизил рангга бўяш учун 500 грамм руян, 150 грамм "жавзу-мавзу" ўсимлиги керак бўлади. Мис қозонга керакли миқдорда сув, руян ҳамда "жавзу-мавзу" ип билан бирга солиниб, тагига олов ёқилади. Кутилган рангни олиш учун сув ҳарорати 70 даражадан ошмаслиги керак. Тагига олов ёқилган мис қозондаги сув ҳарорати шу даражага етгач, олов пасайтирилиб бир маромда ушлаб турилади ва бу жараён икки соат давом этади. Икки соатдан сўнг олов ўчирилади. Шундан сўнг қозон қопқоғи зичлаб ёпилиб, ип бир кеча давомида мис қозон ичида сақланади. Эртасига эрталаб, иплар бўёқли сувдан чиқариб олинади. Ип сиқилиб, силкитиб қоқилади. Кейин махсус чўпларга илиниб, қоронғи ва салқин жойда қуритиш учун осиб қўйилади. Бўялиб, қурилган ип (қуритиш муддати — бир ҳафта) совун ёрдамида яхшилаб яна бир марта ювилади. Қурилганч тўқиш ёки тикишга тайёр ҳолга келган ҳисобланади.

Оч сарик ранг - тут дарахти мевасининг гурини угирчага солиб, туйилади. Сўнгра мис қозонга солинади ва сув тут барги, олма барги, ток баргидан 200 грамдан қўшилади. Бир килограмм ип албатта аччиқтошли сувга солиниши керак. Қайнатилган барглари олиб ташланиб, ип солинади. Махсус чўплар орқали кавланиб, айлантириб, иплар паст оловда икки соат рангланади. Иплар қозонда бир кеча давомида туради Эртасига эса очик сарик ранга бўялган иплар қозондан чиқариб олинади, ип сиқилиб, икки киши томонидан махсус чўплар орқали қоқилади. Сўнгра қуритиш учун олиб қўйилади. Қуритиш жарёни бу ҳолатда ҳам бир ҳафта давомида амалга оширилади. Қуритишга қўйилган иплар албатта қоронғи ва соя жойда бўлиши керак.

Сарик ранг - барча иплар каби, сарик рангга бўяладиган иплар ҳам 300 грамм аччиқтош солинган сувда бўктирилиб, яъни "пишиб" олинади.

Қайнатилаётганда сув ҳарорати 75-80 даражадан ошмаслиги керак. Сарик рангли ип тайёрлаш учун 300 грамм анор пўчоғи, бир килограмм миқдоридаги пиёз пўчоғи керак бўлади. Мис қозондаги сувга 300 грамм анор пўчоғи эса чайилиб, солинади. Қайнатиш даражаси бу ҳолатда ҳам 70-80 дан ошмайди. Сув ҳарорати шу даражага етгач, олов пасайтирилиб, рангланаётган ип икки соат давомида сувда ушлаб турилади. Рангланаётган ип махсус чўплар ёрдамида кавлаб турилади. Бу иплар ҳам қозонда бир кеча давомида сақланади. Эртасига эса икки киши махсус чўплар билан обдан силкиб қоқади. Қоронғи ва салқин жойда бир ҳафта қуритилгач, совун ёки шампунда яхшилаб ювиб ташланади. Қуритилгач, фойдаланишга тайёр сарик рангли ип тайёр бўлади.

Қора ранг - бошка бўяладиган иплар каби, бу рангдаги ипни олиш учун ҳам бир килограмм хом ип керак бўлади. Қора ранг олиш учун 300 грамм анор пўчоғи, 200 грамм занг, 150 грамм "жавзу-мавзу" керак бўлади. Сув ҳарорати 75 даражага етгунча кавлаб туриш йўли билан рангланади. Бунинг учун мис қозонга сув, керакли миқдорда занг ва анор пўчоғи, "жавзу-мавзу" ўлчаб солиниб, қозон тагига олов ёқилади. Қора рангга бўяладиган ипларни аввал аччиқтошли сувда ивитиб олиш лозим. Бу ҳолатда ҳам рангланган иплар бир кеча мобайнида қозонда сақланади. Бир ҳафтадан сўнг совун ёки шампунда ювиб, қуритилиб, тайёр ҳолда келтирилади.

Тўқ сарик ранг - бу рангни ҳосил қилиш учун ўрик дарахти томири билан арча уруғи аралаштирилиб, қозонда қайнатилади. Арча уруғи угирчада туйилиб, майдаланган ҳолда ишлатилади. Аччиқтошли сувда пишган бир килограмм ипни тўқ сарик рангга бўяш учун 500 грамм арча уруғи, ўрик дарахти томири-пўстлоғидан ҳам шунча миқдорда олинади. Тегишли рангни олган иплар икки соат давомида паст оловли қиздирилаётган сувда ушлаб турилади. Бу ҳолатда ҳам бўялган иплар бир кеча қозонда сақланади, сўнгра махсус чўплар билан қоқиб ташланиб, қоронғи жойда бир ҳафта қуритилади. Шундан сўнг одатдагидек кир совунда ювилиб, қуритилади ва фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилади.

Малла ранг - аччиқтошли сувга солинган бир килограмм ипни малла рангга бўяш учун бир килограмм ёнғок пўчоғи, 200 грамм "жавзу-мавзу" керак бўлади. Мис қозонга яхшилаб чайилган бир килограмм ёнғок пўчоғи, угирчада туйилган "жавзу-мавзу" солинади. Сув 100 даражага етгунча қайнатилади. Бу рангни олиш ва ипни бўяшда ҳам аввалгилари каби технологик жараёнларга қатъий амал қилинади.

Кўк ранг - ипларни бу рангга бўяшда аччиқтош ўрнига ишқордан фойдаланилади. Бир килограмм ип ишқорли сувда пишитилади. Ипни кўк рангга бўяш учун 20 грамм индиго, 10 грамм темир содаси, 15 грамм гидросульфат керак бўлади. Тайёрлаш жараёнлари қуйидагича бўлади: мис қозонга 300 грамм миқдорида ишқор солиниб, 40-45 даражага етгунча иситилади. Сув керакли даражада иситилгач, унга ўлчаб олинган индиго, темир содаси, гидросульфат қўшилади. Иплар қозонга ўрнатилган махсус чўпларга илиниб, бўялади. Иплар рангли сувда 20-25 дақиқача ушлаб турилади. Ўттиз дақиқадан сўнг иплар қозондан чиқарилади ва ҳаво билан реакцияга киришиб, рангланади. Кўк рангли иплар ҳам бир ҳафта қуритилади. Сўнгра яхшилаб

ювилиб, яна қуритилади. Қуритиш одатдагидек қоронғи ва салқин жойда амалга оширилади.

Яшил ранг - бу рангни ҳосил қилиш ва ип бўяш учун ток, тут ҳамда олма баргидан 200 граммдан олинб, қайнатилади. Кейин барглар чиқариб ташланиб, аччиқ тошли сувга пишилган бир килограмм ип тайёр сувга солинади. Иплар махсус чўплар ёрдамида айлантрилиб, кавлаб турилади. Ранглаш икки соат давом этади. Олов паст ҳарорат, бир маромда бўлиши керак. Рангланган иплар бир кеча давомида мис қозонда сақланади. Эртасига қозондан чиқариб олинган ипнинг ранги сариқ бўлади. Ана шу сариқ иплар ҳаво рангли индигога солинса, бақа рангли тусга киради. Бақа рангли ип дархол тўқ. кўкли индигога солинса, яшил рангли иплар пайдо бўлади. Иплар 20 дақиқа давомида рангланади.

Шу ўринда баланд кўк индиго тайёрлаш учун: 25 грамм гидросульфат, 30 грамм баланд кўк индиго, каучик содасидан 15 грамм, 15 грамм темир содаси керак бўлишини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Шунингдек, кўк-ҳаворанг индиго учун 25 грамм гидросульфат, 25 грамм ҳаво ранг индиго, 15 грамм темир, 15 грамм каучук содаси олинади. Бу аралашмалар 80 грамм миқдорида каучук содаси солинган сувда, 45-50 даража ҳароратда иситилади.

Кўриб турганимиздек, ип бўяш ҳам ўзига яраша муҳим технологик жараёнларни инобатга олган, аниқроғи, ана шу каби технологияларга қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилган. Шуниси ҳам борки, барча бўяш жараёнлари мис қозонда амалга оширилган. Яна бир диққатга сазовор жихати, бўялган ипларни қуритиш асосан қоронғи ва салқин жойларда ўтказилган. Ҳар бир ҳолатда ҳам бўялган иплар бир кеча давомида қозонда сақланиб, сўнгра махсус чўплар ёрдамида қокилиб, қуритиш учун илинган. Гарчанд, айрим ҳоллардагина кимёвий унсурлардан фойдаланилган бўлса-да, ип бўяш, ранг ҳосил қилиш қадимда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай олиб борилаяпти. Бу - қадимий анъаналар ҳамон яшаётганлигидан далолатдир.

Этиқдўз уста (Бойсун тумани Эгарчи қишлоғи)

ХІХ аср охири-ХХ аср бошларида ҳунарманд косибнинг устахонаси яъни тўқувчининг дастгоҳи дўкон деб аталган. Дўконнинг ичи тўртбурчак шаклда бўлиб, эни 3-4 метр, бўйи 4-5 метр, баландлиги 2-2,5 метр. Эшиги 1,30-1,50 метрни ташкил этган. Дўконнинг деразаси куёш нури тушадиган тарафда бўлган. Тўқув дўқонида тўкиладиган матоларнинг асоси учун тортилган иплар «ўриш» деб номланиб, уларга кўндаланг ўтказиладиган ип «арқоқ» деб аталган. Моки ўриш орасидан ўтказилиб, жипслаштириш учун дўкон дастаси билан уриб борилган. Дўкондан икки марта олинган мато бир кийимликни ташкил этган.

Воҳа аҳолиси кийимлари авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий матолардан-олача, бўз, хонатлас, қалами, банорас, шойи, беқасам, адрас, сўси ва бошқа матолардан тикилган. Сурхон воҳасининг деярли барча ҳудудларида

аввалдан мавжуд бўлиб, ижтимоий турмушида ишлатиб келган мато турларидан бири бўздор. Бўз қадимий мато бўлиб, М.Қошғарий, А.Навоий асарларида учрайди. Воҳада бўздан кўпроқ эркаклар учун, аёллар кийими учун кўпроқ ишлатилган мато олачадор. Олача матоси ҳақида ўлкамизга келган хорижий сайёҳлар ҳамда бошқа муаллифлар асарларида тухтаб ўтилган. Олача матоси Сурхон воҳасининг Денов, Вахшивор, Сангардак, Миршоди, Юрчи ҳудудларида кўплаб ишлаб чиқилган. Олача қизил, ҳаворанг, яшил каби турлари мавжуд бўлиб, ола, яъни йўл-йўл, йўллари майда ва тор бўлган. Беқасам йўл-йўл мато бўлиб, тўқишда арқоғи ўришидан йўғонлиги учун юзида кўндаланг чивиклар ҳамда ўзига хос товланма нақшлар мавжуд. Беқасамнинг ўриш иплари тўқишдан олдин бўялганлиги учун унинг нақши икки томонлама, хилма-хил ва турли тумандор. Беқасамдан воҳа аҳолиси чопон, камзул ҳамда кўрпачалар тикишда фойдаланганлар. Банорас матоси беқасам каби сариқ, яшил ва шу каби бошқа рангли бўлиб, чидамлилиги, пишиқлилиги жиҳатидан беқасамга ўхшашдор. Фақат беқасамдан зўрға кўринадиган қорамтир чизиқлари билан фарқ қилади. Воҳада эркакларга бу матодан чопон, аёлларга эса устки кийимлар ва бошқа кийимлар тикилган.

Анъанавий кийимдаги кексалар (Бойсун.)

Бахмал қадимий мато бўлиб айрим муаррихлар асарларида ушбу матога таъриф берилиб, бахмал воҳада XX асрнинг 30 йилларига қадар уй шароитида тўқилган. Бахмалдан аёллар ва болалар кийим, дўппи, дастурхон, кўрпа ҳамда кўрпачалар тикилган. Адрас матоси ҳам бахмал матоси каби қадимий бўлиб, Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий-маиший турмушида кенг тарқалган. Унинг гуллари кўк, қизил, сариқ ҳамда пушти рангларда бўлган. Адрас аёллар кўйлак, лозим, чопон тикиб, асосан байрамларда тўй-маракаларда кийган.

Шўрчи туманидаги Ялта қишлоғидаги аёллар камзули (XIX аср)

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Собиқ Шўролар давригача воҳанинг деярли ҳар бир қишлоғида тўқув дўконлари мавжуд бўлиб, аҳолининг матога бўлган эҳтиёжини қондириб келган. Собиқ Шўролар тузуми ўрнатилгандан кейин «коллективлаштириш», хусусий мулкка чек қўйиш оқибатида воҳа аҳолисининг бу каби мулклари тугатилди. Ваҳоланки, бу даврда воҳа аҳолисининг ҳамма қатламлари кооператив магазинлардан фабрикада тўқилган матоларни харид қилишга қурби етмас эди. Қолаверса, Шўро ҳукумати бутун аҳоли эҳтиёжини қондириш учун фабрика матоларини етказиб бера олмас эди. Лекин, Шўролар ҳукумати муаммонинг бу томонларини ҳисобга олмаган эди.

Сурхон воҳаси аҳолисининг кийимлари ҳақида тўхталганда айрим томонларини инобадга олиш керак-ки, воҳанинг Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё ҳамда Узун туманларида ўзбеклар билан бирга Денов, Сариосиё, Узун туманларидаги Сина, Хонжиза, Хўжаасмин, Чош, Хур Ватан, Киштут, Дебодом, Десурх, Пастикалон, Пуштиварак, Маланд, Хуфар каби

қишлоқларидаги тожикларнинг кийим тикишидаги маросим ва урф-одатлари ҳар хил бўлсада, лекин кийимларнинг тикилиш услуби деярли бир хилдир.

Воҳадв кийимларнинг тикилиш услуби содда бўлган. Кийимларни бичишда бичиқчи қаричидан фойдалиниб ўлчаган. Матоларни эса қўл билан йиртиб қийқим чиқармасликка ҳаракат қилинган. Лозим бўлганда эса пичоқ ишлатилган. Кийимлар асоан олдинги ва орқанги бўй, икки ён, энг ҳамда икки ённи энга қўлтиқ остига қўшиб тикадиган ғиштакдандан иборат. Шунингдек, олдинги ва орқанги бўй тўғри олинганлиги учун елкаси чоксиз бўлади. Ёқалар очик ёқа, елк ёқа бўлган, лекин олди очик кийимларда, хусусан, яктак, тўн кабиларда ёқа бўлмаган.

Воҳа аҳолисининг кийимларини ёзлик ҳамда қишлик кийимларга ажратиш мумкин. Қишлик кийимлари пахтали ҳамда астарли бўлса, ёзлик кийимлари эса астарсиз, яъни бир қават ҳолида тикилган. Шунингдек, кийимларни эркаклар, хотин-қизлар, болалар ҳамда маросим кийимлари каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Воҳадаги анъанавий кийимдаги аёллар

Сурхон воҳасида эркакларнинг энгил кийимларидан бири асосан кўйлак бўлиб, кўйлаклар ўйма ёқа, елка ёқа ҳамда кифтаки деб номланиб, ёқалари қўлда тикилган ҳошиялар ёки жияклар билан безатилган. Бўйи тиззадан пастга туширилган бўлиб, энглари кенг ҳамда узун бўлган. Бундай кўйлаклар Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлган.

Эркакларнинг кийим тагидан киядиган энгил ич кийимларидан бири яктак кўйлакдир. Археолог олимлар томонидан тадқиқ этилган «Болалик тепа» дан топилган суратлардаги эркаклар кийимларида яктак кўйлак борлиги ўрганилган. Яктак кўйлакнинг ёқаси ичидан тўртбурчак шаклда қўшимча мато қўйилиб, олди очик бўлган.

Бойсунлик эркаклар чопони (XIX аср)

Энгил кийимлардан бўлган тик ёқали кўйлак, узун ва кенг энглари, бўйи ҳамда узун олд ёқаси билан фарқ қилган. Тик ёқали кўйлак ўлкамизнинг турли ҳудудларида турлича номланган. Масалан, Зарафшон ҳавзаси қипчоқлари эса «қазақи кўйлак» деб аташган.

Эркакларнинг қадимий кийими бўлган гуппи астар, аврали бўлиб, пахта солиб қавилган. Қозоқларда эса «куппи» деб аталиб, туя ёки қўй жуни солиб қавилган. Гуппилар тиззадан баландроқ ёки пастроқ бўлган. Гуппи ҳақида Маҳмуд Қошғарий ҳам ўз асарида тўхталиб ўтган.

Воҳа эркаклари киядиган иштон чолбар, пойжома деб аталиб, узун ва кенг бўлиб, липа, оғ (ғиштак) ҳамда пойчадан иборат бўлган. Иштоннинг тикилиш услуби воҳада деярли бир хил бўлган. Хусусан, липасига иштонбоғ ўтказилиб, оғи катта бўлиб, пойча оралиғида осилиб турган. Пойчалари эса тиззадан паст, тўпиғдан баланд ҳолда тикилган. Эркакларнинг иштонлари асосан бўздан тикилган.

Эркаклар устки кийими чопон, желак, чакмон, кебанак, пўстин ташкил этган. Чопон туркий халқларнинг асосий устки кийимидир. Асосан эркаклар кийими ҳисобланиб, ёзма манбаларда XV асрдан учрай бошлайди. Тадқиқ этилаётган даврда Сурхон воҳасида чопонлар узун ва кенг бўлиб, авра-астарли ичига пахта солиб қавилган. Чопонлар тик ёқали олди очик ҳолатда бўлади. Тиқишда йўл-йўл матолардан, воҳанинг Денов тумани Сина, Ўшор, Куёвсу қишлоқларида, Сарносиё тумани Хуфар, Маланд, Киштут қишлоқларида, Узун тумани Хонжиза, Саринова, Пуштикапа қишлоқларида қора рангли матодан фойдаланилган. Чопон тўғри тик ҳолатда қавилади. Этаги, енг учлари ва ёқасига чиройли кўриниши ҳамда мустахам бўлиши учун чироз жияк тикилган. Чопонлар икки турда қалин пахтали қишки чопон ва юпка пахтали ёзги чопон бўлган. Воҳада йўл-йўл бўз чопон яъни олача чопон, ҳисори қўй жунидан мато тўқилиб, ҳисори чопон тикилган. Ўзига тўқ кишилар беқасам, кимхоб чопонлар кийган.

Воҳада чопон яъни тўн устидан кийиладиган енгил уст кийимлардан бири желакдир. Воҳанинг айрим ҳудудларида «якак» деб аталган. Желак «таш тўн» номи билан М.Қошғарий асарларида тўхтанилган.

Желак пахтасиз авра-астар ёки аврадан иборат енгил кийим бўлиб, ёши катта кишилар чопон устидан кийиб юрганлар. У кишига кўрк бахш этиш билан бирга чопонларни тезда кир бўлишдан сақлаган. Сурхон воҳасида тадқиқ этилаётган даврда ёз фаслларида чопон кийилмасдан, қўйлак устидан желак кийилган.

Сурхон воҳасида аҳолининг қадимий кийими бўлган «чакмон» қўй ёки туя жунидан хонаки усулда тўқилган матодан тикилган астарсиз, фақат аврадан иборат, чапонга ўхшаган кийимдир. Чакмон кенг ва узун тикилиб, этаклари, ёқаси ва енг учларига чироз жияк тикилган. У чопон устидан кийилиб, белбоғ боғланмаган. Воҳада чакмонинг тивитли, босма ва қоқма каби турлари бўлган. Чакмон Марказий Осиё халқларининг анъанавий кийимларидандир.

Воҳа чорвадор аҳолисининг асосий устки кийимларидан бири кебанак бўлиб, ичи кигиз (набат)дан, усти эса шолдан кенг ва узун қилиб тикилган. Кебанак Ўрта Осиё ҳамда Қозғистон халқларида ҳам мавжуд бўлган.

Пўстин воҳа чорвадор аҳолининг яна бир устки кийимларидан бўлиб, чопон тикилиш услубида жунини тўқмай ошланган қўй терисидан кенг ва узун қилиб тикилган, совуқда кийиладиган устки кийимдир. Чўпонлар совуқ вақтларда пўстинни чакмон ёки чопон устидан кийганлар. Пўстин ўрта асрларда ҳам шу ном билан аталган. У уй шароитида тайёрланган. Пўстин қозоқ ҳамда қирғиз халқларидан ҳам бўлган.

Белбоғ қадимдан ўзбек ва тожик халқлари томонидан эъзозланиб келинади. Белбоғ эркаклар уст кийими яъни чопон, желак устидан белга боғланадиган рўмол бўлиб, бўз, шойи каби матолардан каштали ҳамда каштасиз тикилган. Белбоғни воҳанинг Олтинсой тумани Жобу, Қорлуқ, Ипок, Қумпайкал қишлоқлари айрим аҳолиси «белқарс», Денов тумани Сина, Дахана, Куёвсу қишлоқлари, Сарносиё тумани Хур Ватан, Сўфиён, Хуфар қишлоқлари айрим аҳолиси «миёнбанд» деб атайди. Воҳа чорвадор аҳолисининг жундан тўқилган матолардан ҳам белбоғлар бўлиб, чопон кийганда албатта белбоғ

билан белини боғлаб юрганлар. Шунингдек, тўйларда сарпо сифатида, эркак кишилар белига белбоғ боғланган. Хусусан, тўйда куёвга тўн кийдириб, куёвга белбоғ боғлашган. Ёши катта кекса кишилар оқ матодан тикилган белбоғлар боғлашган. Ёш йигитлар эса катта рангдор каштали, безакли белбоғлар боғлашган. Давлатманд одамлар икки, учта белбоғ боғлаб юришганлар. Бу эса уларнинг қай даражада ҳурмат эътиборга ҳамда бойлигидан далолат берган.

Туркий халқларга бош кийимни тикиш, кийиш ҳамда у билан боғлиқ урф-одатлар қадимдан ривожланган. Мамлакатимизда, қолаверса Сурхон воҳасида эркакларнинг кенг тарқалган бош кийимлари салла, дўппи ва телпакдир. Воҳада тадқиқ этилаётган даврда асосий бош кийимлардан бири салла бўлган. Саллани ёши катта кишилар, ўзига тўқ ҳамда уламо кишилар ўраган. Воҳада мадрасада таълим олаётган ёш йигитлар ва янги уйланаётган куёвлар ўраганлар.

Саллалик мато

Саллани бошга ўраганда чап томондан бир учи икки, икки ярим қарич узунликда пеш қолдирилади ва юқорига қистирилиб қўйилган. Номоз ўқиётганда пеш ён тарафдан кўкракгача осилтирилиб қўйилган. Илимли кишилар эса пешни орқа томонга осилтириб қўйган. Воҳанинг Сариосиё тумани Маланд, Хуфар қишлоқлари. Узун тумани Хонжиза, Хўжаасмин каби қишлоқларида «пеш»ни «феш» деб аташади. Кекса кишиларнинг саллалари кулранг, оқ рангда, ёшларники эса тўқ қизил ҳамда қизил рангдаги матолардан бўлган. Воҳанинг чорвадор аҳолиси туя жунидан малла рангли, оқ эчки жунидан оқ рангли матолардан тўқиб, салла қилганлар.

Бойсуни дўппи.

Эркаклар бош кийимларидан яна бири дўппи бўлиб, тикилиш услуби, безатилишига кўра бир-биридан фарқ қилган. Дўппи авра, астар, жияк ҳамда пилтадан ташкил топган. Дастлаб ҳар бири алоҳида тикилиб, кейин қўшиб тикилган. Дўппиларнинг тикилишида салла, салла тагидан киядиган думалок, қиррали яъни «кулоҳ» ҳамда ўзи яқка ҳолда кийиладиган тўрт бурчак хиллари бўлган. Шунингдек воҳада чорвадор аҳоли қиш фасли учун туя жунидан тўқилган матодан ҳам дўппи тикканлар. Воҳанинг қўнғирот, юз уруғига мансуб аҳолиси дўппини қалпоқ деб аташган.

Эркакларнинг асосий қиш фасли бош кийими телпакдир. Воҳада чорвадор аҳоли томонидан қорақўл терисидан телпаклар қилинган. Тоғли ҳудудларда тулки терисидан, Сурхондарё ёқаларида яшовчи аҳоли кундуз терисидан телпак тикиб, телпак камдан-кам кийилган. Асосан қишда ҳам ёзда ҳам салла ва калапушт (қалпоқ) кийилган. Телпак асосан қўй терисидан тикилган.

Чекмон (чакмон) – қўй жунидан урчиққа ип йигирилиб, ўрмакка гилам тўқилгандай тўқилган ва ўлчови олиниб тикилган. Ўзига тўқ эркаклар бу иссиқ ва чидамли чакмонни кийишган. Ўрта ҳоллар эчки қилидан (жунидан) тайёрланган чакмон кийишган. Бой кишилар босма чакмон кийишган. Босма

чакмон туя жунидан жуда ингичка ип тайёрланиб, тўқилган ва тўқилган мато устига яна туя жуни кўйилиб бостирилган. Босма чакмон устига сув бир кун кўйиб кўйилса ҳам ўтмаган.

Сурхон воҳасининг деярли ҳамма қишлоқларида оёқ кийим тикадиган усталар бўлган. Аҳолининг анъанавий оёқ кийимлари маҳаллий усталар томонидан тикилган бўлиб, такаки, чорик, ҳаққари, мўкки, тоштовон каби оёқ кийимлар тайёрланган. Этик ҳамда махси-ковушларни воҳадаги ҳамма усталар ҳам тайёрлай олмаган. Бу хилдаги оёқ кийимлар учун хом ашё сифатида от, туя, қорамол, кўй ва эчкининг ошланган (ийланган), териларидан фойдаланилган. Тери жийда, зардоли, жинжак томирларидан қайнатиб тайёрланган сувга 2-3 кун солиб кўйилади. Қизғиш рангга кирган бу тери ийланади. Такаки асосан қора мол терисидан қилинган. Шунингдек, чорик ҳам попушлар ҳам қорамол терисидан қилинган. Чорик камбағаллар оёқ кийими эканлиги ҳақида ёзма манбаларда ҳам тўхталинган. Махси ҳам муккилар сарка терисидан тикилган. Асосан ёғингарчилик даврида кийиладиган ҳаққари ковушлар ёғочдан ясалган.

Чориг – от ёки хўккиз бўйин терисидан яхлит хом ҳолда ийитилмай (ишлов берилмай) тайёрланган. Қунжиз, ярим очик, терининг жун томони ташқарида бўлганлиги сабабли кўриниши кўполроқ бўлиб, юза қисми гир айлана қилиб чарм боғич ўтказилган. Боғич бақувват бўлиши учун от ёки туя терисидан тайёрланган.

Попиш – калишга ўхшаш ҳолда бўлиб, така чармидан (такакийдан) тикилган.

Мукки – қунжили, ярим этик шаклда тикилиб, учи юқорига қайрилган. Пошнаси бўлмаган, пастки қисми бир текис бўлиб, пайтава билан кийилган. Пайтава эса оқ кўй жунидан тўқилиб тайёрланган. Мукки кийилгандан кейин мукки боғи билан тиззагача ўралиб боғланган. Мукки боғи ҳам жундан тўқилган муккининг пастки қисмида иккита боғ ўтказгич (бойлағич) бўлган. Юқори қисмида эса ўтказгич бўлмаган. Мукки боғини боғлаш ҳам ўзига яраша маҳорат талаб қилган. Боғ яхши боғланмаса мукки боғи пастга ўралашиб тушиб кетган. Ўзига тўқ эркақлар мукки этик, ўртаҳоллари попиш, камбағаллари эса чориг кийишган.

Ҳаққари ковуш (товулдрик) – ёғочдан ясалга учи юқорига қайрилган оёқ кийими бўлиб, уни асосан чўпонлар тоғ, тоғолди жойларида кийишган, чунки пастки қисми юмшоқ теридан тикилган мукки – чорик тошлоқ ерларда тез ишдан чиқиб ярамай қолган. Бундай ташқари ҳаққари ковушни камбағал оилалар ёмғир, қорлардан кейин лой бўлган пайтларида ховли, даларда кийишган.

Сурхон воҳаси аёллари кўйлақлари ёшларига қараб турли бичимда бўлган. Кўйлақлар узун ҳамда кенг қилиб тикилган. Аёлларнинг ички кийими оқ матодан тикилган кўйлақ ҳамда «кўкракбанд»дан иборат бўлган. Кўкракбандни фақат эмизикли аёллар устки кўйлагига сути ўтиб кemasлиги учун таққанлар. Кампирлар ҳамда қизларнинг кўкракбанд тақишлари гуноҳ саналган. Туркий халқларда ички кўйлақ XI асрда ҳам мавжуд бўлган. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ички кўйлақлар устидан ҳамиша кундалик кўйлақлар кийиб юрилган. Воҳада қизлар кўйлагидан аёллар кўйлагига маълум томонлари билан

фарқ қилган. Бу фарқ аввало кўйлак ёқаларида мавжудир. Аёллар кўйлаги ўйма ёқа ҳамда кўндаланг ёқали бўлган. Ўйма ёқали кўйлак бўйиндан бир қарич узунликда кўкраккача кесилган, ингичка жияк тутилиб, боғич қилинган. Асосан бу ёқа аёл кишининг бола эмизигига мўлжалланган. Воҳанинг айрим қишлоқларида бу кўйлакни «пешчак», «пешкумо» деб аташган.

Воҳада қизлар ҳамда қариялар кўндаланг ёқали яъни елка ёқали кўйлак кийганлар. Воҳанинг айрим қишлоқларида бу кўйлакни «кифтаки» деб аташган. Бундай кўйлак ёқалари чап ёки ўнг томондан ярим қарич узунликда бош бемалол киришига мўлжаллаб кесилган. Бош кириши учун мўлжалланган тепа қисми ип билан боғлаб қўйилган. Ўзбек халқи урф-одатларига мувофиқ, воҳада қиз турмушга берилгандан кейин тўйдан уч кун ўтгач, келинга хотинлик кўйлаги кийгизилган. Тадқиқ этилаётган даврда воҳанинг айрим ҳудудларида келин-куёвга никоҳ ўқилгандан кейин ҳам икки-уч йиллаб келин отасининг уйида юрган. Шу даврда туғилган ўғил болага Бобоҳон, Бобомурод, қиз болага Момохол, Момогул каби исмлар қўйишган. Отасиникида юрган келинчак қиз кўйлагида юрган. Фарзандлик бўлганда эса қиз кўйлакнинг икки ён томони яъни қўлтиқ тагидан пастга қарата бир қарич кесилиб, бола ўша ердан эмизилган. Албатта келин-куёвнинг уйига келгандан сўнг хотинлик кўйлагини кийган.

Сурхон воҳасида аёллар асосан қиш фаслида ҳамда тўй ва байрамларда икки, уч ҳатто ундан ҳам кўп кўйлакларни устма-уст қилиб кийганлар. Албатта устунги кўйлак қимматбаҳо матодан тикилган. Шунингдек, бу кўйлак енглари ҳар хил узунликда бўлган. Енгларнинг учига кашта яъни «енг кашта» турли ипак ипларидан тикилган.

Воҳа аёлларининг анъанавий ички киймларидан бири лозимдир. Эркак ва аёл лозимлари яъни иштонлари бичимларида фарқ бўлмаган, фақат тикилишида фарқ қилган. Ўрганилаётган даврда аёл кишининг ҳатто бир ёшга етмаган чақалоқ қизларда ҳам гуноҳ саналади деб, лозим кийиши шарт бўлган. Аёллар лозими икки халдаги матодан тикилган. Лозимнинг пойча қисмига янги матодан, липасига яъни кўзга кўринмайдиган томонига арзонроқ матодан, ғиштагига эса пойча қисмига ишлатиладиган матодан тикилган. Ёши катта ва кекса аёллар лозими малла, кўкиш рангдаги матолардан, қизлар ва ёш аёллар лозими эса қизғиш очик рангдаги матолардан тикилиб, пойчаларига турли хилдаги жияклар қадалган. Воҳа аҳолиси аёлларининг устки кийимларидан бири чапон бўлиб, аёллари чапони беқасам, ипак ҳамда ярим ипакли матолардан тикилган. Аёллар чапони пахталик чапонлар қишда, пахтасиз енгил чапонлар ёзда кийилган. Аёллар чапони эркаклар чапонидан маълум даражада фарқ қилиб, аёллар чапонига олдиларини ёпиб юриши учун тугма ёки боғишчалар қилинган.

Сурхон воҳаси аёллари устки кийимларидан бўлган курта йўл-йўл матодан тикилиб, асосан астарсиз, аврадан иборатдир. Куртанинг енглари, ёқаси ҳамда этакларига чиройли жияк тикилган. Воҳа аёллари куртани тадқиқ этилаётган даврда асосан бошга ташлаб юрган. Курта Ўзбекистоннинг бошқа ҳудуд аҳолиларида ҳам бўлиб, қорақалпоқларда «оқ жада» ҳамда хоразм ўзбекларида эса «жаъда» деб аталади.

Воҳа аҳолиси аёлларнинг анъанавий уст кийимларидан мунисак яъни мурсак аёлларнинг тўй ва байрам кийимларидан бўлган. Мунисак қадимий кийимлардан саналади. Мунисакдан республикамизда фойдаланиш услуби жихатидан бир хил бўлсада, лекин, ҳар хил номланган. Хусусан, Бухорода «калтача» Хоразмда-«мисак», Тошкентда-«мурсак» Фарғонада-«мунсак» -деб аталган. Воҳада мунисакнинг тикилиш услуби куртага ўхшаб, фақат авра-астарли ҳамда енги тирсаккача кенг бўлиб, унинг тагидан кўйлак енгига тикилган каштали безаклар кўриниб турган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг кенг тарқалган устки кийими паранжидир. Паранжи воҳа аёлларининг кўчага кийиб юрадиган асосий кийими ҳисобланган. Паранжи арабча-фарожи (кўпликда фарожот) сўзидан олинган. Асосан XVI асрда аёлларнинг бошига ёпинадиган ёпинчиғига айланган. Паранжи тикилиш услуби чапонга ўхшаб, фақат сохта енгли бўлиб, бу иккала енг орқага ташлаб, бир-бирига бирлаштириб кўйилган. Бу сохта енглари «паранжининг думи»лари ҳисобланган. Паранжининг чачвони отнинг ёлидан тўрпарда шаклида тўқилган. Чачвон бетга тутулиб, устига паранжи ёпилган.

Сурхон воҳаси аёллари кийимларида бош кийимлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Хусусан, бош кийимлар анъанавий кийимларнинг ажралмас бир қисми бўлиб, аёлларнинг бош кийимсиз бўлиши гуноҳ саналган ҳаттоки эркаклар ҳам «имон»и учиб кетади деб бош яланг овқат емаган. Агар аёл таом устида бош кийимсиз ўтирса, уни кўриқловчи фаришталар учиб кетади. Воҳада қизларнинг қадимги бош кийимларидан бири «қасава» бўлиб, у қаттиқ бўлиши учун бир неча хил матодан чамбарак услубида тайёрланган ҳамда ўрта қисми очиқ қолдирилган. Қасава воҳа аҳолиси аёлларининг қадимий бош кийимларидан эканлиги ҳақида айрим муаллифлар тўхталганлар.

Миллий кийимдаги Деновлик аёллар

Аёлларнинг қадимий анъанавий бош кийимларидан бири бўлган рўмол, тўрт бучак шаклида бўлиб, турли-туман усулларда ўралган. Рўмоллар тайёрланган матосига қараб турлича номланган. Ўрганилаётган даврда воҳада қизлар «гуноҳ ёшига» етган даврдан бошлаб рўмол ўрай бошлаганлар.

Воҳада ўрта ва катта ёшдаги аёллар рўмолининг тагидан киядиган бош кийимларидан култа бўлиб, бошга кийладиган жойи айлана шаклида бўлган, орқа томонга икки қарич узунликда соч қоқи мавжуд. Култани воҳанинг айрим ҳудудларида «култа пўшак» деб аташган.

Сурхон воҳасида заргарлик санъати намуналари жуда қадимий, бебаҳо ва ранг-баранг бўлиб, хусусан, Холчаён, Далварзин каби археологик ёдгорликлардан топилган тақинчоқ ва зебу-зийнатлар бунга мисол бўлади. Минг йилликлар давомида кийимларни безашда кўпинча турли хилдаги ва рангдаги мунчоқ, юпка ва ясси қилиб олтидан, кумушдан ясалган, баргаклар билан ишланган зирак, кўкрак ва бўйин тақинчоқлари ҳам мавжуд бўлган. Тақинчоқлар мовий, зангори, мунчоқлар қимматбаҳо (нефрит, фируза, лал ва бошқа) тошлар билан безатилган. Тақинчоқлар кишилар ёшидаги фарқни,

табақавий қатламни ва оилавий аҳволини белгилашда хизмат қилиб, уларнинг насли-насабидан дарак бериб турувчи хусусиятга эга бўлган.

Воҳада аёлларнинг пешонага, сочга, қулоққа, бўйин, кўл-оёқ ва кўкракка тақиладиган ва тикиладиган мунчоқ, сирға, узук ва билакузук каби тақинчоқлари мавжуд бўлган. Сурхон воҳасида бундай тақинчоқларни аёллар тўй, байрам (нарўз, қурбон, рамазон ҳайитларида) кунлари, айниқса келинлар тўй куни яхлит тарзда таққанлар. Ёш келинларнинг анъанавий тақинчоқларидан бири «тилло қош» бўлиб, воҳанинг Хуфар, Маланд қишлоқларида «бало абрў» деб аташган. «Тиллақош» кумушдан ясалиб, ёқиткўз, фируза ҳамда турли хилдаги шишалар билан безатилган. У асосан пешонага тақилган бўлиб, қош устига тушириб турган. Тиллақош Тошкент, Бухоро, Фарғон ҳамда Самарқанд аёлларининг ҳам сеvimли тақинчоқларидан бўлиб, тиллақошсиз қизларни узатмаганлар.

Тиллақош.

Воҳада қизлар келин бўлганларидан кейин тақиладиган тақинчоқлардан яна бири «баргак» бўлиб, баргаклар тилло ёки кумушдан тўғри тўртбурчак шаклида тайёрланиб, бир неча осма тақинчоқлардан иборат бўлган. Воҳада келинчаклар «тилло қошни» баргакнинг устидан тақиб юрганлар. Айрим манбаларда бу ҳақда тўхталиб ўтилган.

Ўрта ёшли аёллар ва ёши ўтган аёллар бурунларига (буруннинг ўнг қисмига) натик-летуба (халқа), билақларига билакузук, қулоқларига исирға (зирақ), бўйинларига эшилган ипга тақилган хафабанд тақишган. Хафабанд, яъни хафачилик келтирмайди, инсонни маҳкам бандлаб хафачиликдан асрайди деган маънони англатган. Хафабанд тўртбурчак шаклдаги матодан тайёрланади ва унга ҳар хил мунчоқ ва садафлар тикилади ва одоғи (пастига) пўпаклар осилиб туради. Одатда унинг пастки қисмида оддий метал ёки кумушдан тайёрланган идишча ичида тумор (бозбанд) осилган бўлади.

Бошга тақиладиган тақинчоқлар – тиллақош, силсила, мохитилла, хатабак кабилар киради. Тиллақош бош кийим устидан кийилган ва қош устига тушиб турган, шунинг учун ҳам у тиллақош дейилган. Силсила ҳам кенг тарқалган тақинчоқлардан ҳисобланган, уни маҳаллий уруғ қабиларидан ташқари кўшни ҳудудлардан келган туркманлар, араблар ҳам тақишган. Силсила кўпроқ тўй тантаналарида байрам кийимлари билан тақилган. Ёши улуг моммларимизнинг айтишларича қадимий силсилалар тўрт қисмдан: хатабак, силсила, гўйша ва чеккадуодан иборат бўлган. Хатабак ости яшил, уусти тўққизил духобадан тикилган, унга бир неча қатор қилиб, бодом нусха кумушдан ясалга шакллар осилган.

Касава – аёлларнинг бош кийими ҳисобланиб, бир неча қаватдан иборат бўлган мато ёки картонга ўхшаш қаттиқ материалдан айланаа шаклда тайёрланган. Унинг айланасига рўмол ўралиб, рўммол учи боғлаб қўйилган. Касаванинг устки қисми очик қолдирилиб, унинг устидан рўмол ёпилган.

Рўмолнинг олди қисми пешонага, орқа қисми эса узун қилиб белгача тушиб турган.

Милисак (халат) - қизлар, ёш келинлар учун адрас, шойи, кимхобдан халатга ўхшатиб тикилган ёқаси ва милисакнинг теварак атрофи жияклари жундан тўқилиб, ҳар хил рангли ипақлардан жило берилган.

Калапўш (дўппи) – калапўш атрофи қисми жундан тўқилган чирос, жияк билан тикилган, жияк ҳар хил рангли ипақлардан жило берилган, жиякнинг бир – бири балан уланган жойига пўпак тикилган.

Кийгич – аёллар калапўшини орқа томонига чамаси икки қарич (40-50 см) белгача тушадиган ўлчамда узун тасма ўхшаб махсус тикилган мато тикиб кўйилади. Кийгични она аёллар кийишган.

Жамалак – кийгични пастида қизлар ҳам аёллар ҳам сочларига жамалак, яъни сочлари бир нечта (қирқтагача) бўлақларга бўлиниб, оқ ва қора ип қалинроқ қилиб ўзаро эшилиб соч билан тўқилгандай ўрилади. Одатда жамалак сочлар ўзаро тасма билан беркитиб кўйилади. Тасма устига майда-майда оқ тугмачалар тикилади. Ҳар бир ўрам соч тугмачаларга ип билан илинтириб кўйилади.

Бошбоғ (қийиқча) – кийгич устидан бошбоғлар боғланган ҳар хил рангдаги қийиқчалар ораси ажратилиб, кўринадиган паст-баланд қилиб боғланган. Амали, ёши ёки мартабасидан қатъий назар оддий оммавий либос бўлган.

Чироз – аёллар иштонининг пастки қисмига ҳар хил рангли ипақ ёки жундан тўқилган чироз тикилган. Кийиладиган иштон тўпиғдан оёқ панжаларини ҳам ёпиб турган.

Қозиғи исирға – пошшойи танга-рупиядан ясалга қулоққа тақилади.

Қорғи – оқ, қора, сариқ, қизил мунчоқлар ипга тизилиб, бир қатор қилиб бўйинга тақилади.

Сетора – қора қўйнинг жунидан айл шаклда тўйилган мато устига пошшойи тангалар терилади. Мато кўйлакнинг бор бўйига (олд тарафи) уланади, қуйи қисми пўпакли бўлади.

Сочга ўралган жемалакка туғдона тақилган (кўз, сух тегмасин деб).

Бойсуни қалпоқ – аёл ва эркаклар бош кийимлари фақат гулидан фарқ қилади.

Гардихаса – эшиклар ипга маржон мунчоқларга кўзмунчоқ араалаштириб терилган ва узун қилиб бўйинга тақилган.

Қорик – уч-беш қатор қилиб, майда маржон мунчоқлардан терилади ва асосан ёши ўтган аёллар бўйин териларининг осилиб турганлиги ёпиш учун бўйинга ёпиштириб тақилган.

Хақиқ – қизил мунчоқ тошлар кўзмунчоқлар билан терилиб бўйинга тақилади.

Боғлиққулоқ – ҳар хил рангдаги мунчоқ тошлар уч-беш қатор қилиб терилади ва ҳар жойда сиқиб боғланиб, бўйинга тақилган.

Ироқи жамалак. XX аср (Бойсун).

Сурхон воҳаси аёллари хусусан, ёш келинчаклар ҳамда бой хотинлар тўйларда, байрамларда бурунларига сирға яъни «латива» таққанлар. Лативани Хонжиза, Хўжаасмин қишлоқларида «натибини» деб аташганлар. Латива тақинчоғи ўзбек-лоқайларида ҳам мавжуд бўлган.

Воҳада ёш келинларнинг тақинчоқларидан бўлган «силсила» уч тўрт қатор ўйма нақшли бир-бирига занжир кўринишда ҳалқачалар билан уланган бўлиб, асосан, бошдаги кийгичга ёки рўмолга беркитилган. Силсилалар тўрт қисмдан: ҳабатак, силсила, гўйша ҳамда чеккадуодан иборат бўлган. Силсила тақинчоғи тожик ва туркман аёллари ижтимоий турмушида сеvimли тақинчоқлардан бўлган.

Сурхон воҳасида аёлларнинг барчаси гуноҳ ёшидан бошлабоқ кулоққа сирға таққанлар. Сирғаларнинг уй сирғаси, ой болдоқ, қозик сирға, муҳаммади сирға каби турли хил шакллари мавжуд бўлиб, улар турлича номланган. Хусусан, воҳада айлана ёки бодомсимон сирғалар бўлиб, «халқай Муҳаммади» ёки «муҳаммади» сирға деб номланган. «Муҳаммади» сирғанинг тоқ сонли осилчоқлари бўлиб, уларнинг сонига қараб «уч оёқли», «беш оёқли», «етти оёқли», «тўққиз оёқли», «ўн бир оёқли» каби турлари бўлган. Воҳада «тўққиз оёқли» ва «ўн бир оёқли» муҳаммади сирғани асосан бой хотинлар тақишган. Бу сирғани воҳа аёллари Биби Фотиманинг сирғаси деб муқаддас билганлар.

Воҳада аёлларнинг бўйин ва кўкрак тақинчоқларидан бири, маржон бўлиб, маржонлар бир нечта шодаларнинг алоҳида тўқималаридан иборатдир. Воҳада маржоннинг қизғиш-пушти рангли «қалампир маржон» ҳамда «нозик маржон» турлари жуда кенг тарқалган.

Воҳада кенг тарқалган бўйин тақинчоқларидан «хафабанд» бўлиб, хафабанднинг ёйсимон, учбурчаксимон ҳамда ромбсимон шакллари бўлиб, бўйиндан кўкраккача зич қилиб ёпиб туради. Хафабанд хафани боғлаб қувонч келтиради деган фикр мавжуд. Шундан мазкур тақинчоқ номи келиб чиққан.

Сурхон воҳаси қишлоғида қуви пишаётган кўнғирот аёли

Сурхон воҳаси хотин қизларининг қимматбаҳо тақинчоқларидан бири «зебигардон» бўлиб узун-қисқа, қават-қават занжирларидан иборат, ўртаси юмолоқ шакилда бўлган. Зебигардоннинг учбурчаксимон, ромбсимон осилчоқлари бир-бирига уланган занжирлари бўйинда ва кўкракда жуда гўзал турган. Зебигардонни воҳанинг ўзига тўқ, бой хонодан аёлари тақишган.

Воҳа аёлларининг тақинчоқлари ичида сочга тақиладиган тақинчоқлар ўзига хос ўринга эга бўлган. Соч тақинчоқлари «жамалак» «сочпопук» «пупак» каби турли хилларда номланиб, воҳа аёллари тўй-ҳашамларида безатилган соч попукларини, кундалик турмушда эса оддий соч попукларини таққанлар.

Воҳада қизлар, ўрта ёш аёллар ҳамда ёши кекса кампирларнинг соч ўришида жуда катта фарқ бўлган. Қизларнинг сочи турмушга чиққунга қадар тўрттадан қирқ ҳатто ундан ҳам кўп майдалаб ўрилиб, учига жамалак тақилган. Гуноҳ ёшигача бўлган қизларнинг сочига эса майдалаб ўрилаётганда пахтадан «пахта пилик» кўшиб ўрилган. Турмушга чиқаётган қизни сочини иккита қилиб

ўрган ҳамда турли ҳил тугма, мунчоқ ва пашшойи танга (кумуш танга)лар билан безатилган, жамалак (сочпопук) тақилган. Аёлларнинг кундалик турмушда одий қора рангга бўялган ипакли чилвирдан иборат жамалаклар тақишган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг кўлга тақиладиган анъанавий тақинчоқларидан узук ва билагозуклар бўлиб, узукларни эркак ва аёллар ҳам таққанлар. Узукни воҳанинг Мормин, Хидиршо, Обишир каби қишлоқларида «узук» деб атасалар, Чоч, Пуштикалон, Пуштиварак, Хўжаасмин каби қишлоқларида эса «ангуштарин» деб атаганлар. Ўзига тўқ бой хонадон соҳиб ва соҳибалари асосан тиллодан ясалган узук таққан бўлсалар, ўрта хол аҳоли эса асосан кумушдан ясалган узуклар таққанлар. Узуклар кўпроқ кўрсаткич бормоқларга тақилган. Тилло ва кумушдан ясалган узукларга садаф, зумрад, фируза каби қимматбаҳо тошлардан кўзлар қўйилган. Узук кўзлари ёмон кўзлардан асрайди дейилган. Сурхон воҳасида аниқса аёлларнинг узук тақиши муҳим бўлиб, уй-юмушларини бажаришда хусусан, идиш, қозон-тавоқларни ювишда «ош халол»ли бўлмаса, ювган идиш, қозон-тавоқлари тоза ҳисобланмаган. Шунингдек, воҳада фарзанд дунёга келганда илк маротаба чўмилтиришда болани давлатманд бўлсин деб, сувга узук солганлар.

Воҳада аёлларнинг сеvimли тақинчоқларидан билак узуклар бўлиб, бу тақинчоқни воҳанинг Шалдиروق, Ободон, Тўла каби қишлоқларида «билак узук», Сина, Куёвсу, Ойбарак, Даҳана каби қишлоқларида эса «дастпона» деб атаганлар. Билак узуклар ҳам узуклар каби тилло ва кумушдан ясалган. Айримларининг эни бир, бир ярим бармоқ бўғин бўлса, айримлари эса икки, уч ярим бармоқ бўғинни ташкил этган. Билагозукларга нақшлар берилиб, айримларига қимматбаҳо тошлардан кўзлар ҳам қўйилган. Уларнинг «панжа», «турна», «ислими» каби нақшлар солинган турлари мавжуд бўлган.

Сурхон аҳолисини анъанавий кийимлари ва тақинчоқлари ўзбек маиший моддий-маънавий маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, ўзидан миллий хусусиятларни жипслаштирган. Хулоса қилиб, шунини таъкидлаш мумкинки, Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудиди бўлган Сурхон воҳасида хунармандчилик, аниқса, анъанавий тикиш-бичиш, зардўзлик, пойавзал ва кунчилик анча яхши ривожланиб ўзининг бетакрор намуналарини авлодлардан-авлодларга сақлаб келган.

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ.

Инсоннинг жисмоний ривожидан куч-қуввати ҳамда саломатлиги, қолаверса ақлий камолоти ривожланишида асосий манба бўлган таомлар халқ турмуш маданиятининг инсоният пайдо бўлгандан буён ажралмас таркибий қисмларидандир. Хар бир халқ жамият тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланиш жараёнида турли-туман таомларни яратган. Шунингдек, уларни истеъмол қилиш маданиятини шакллантирган. Бу эса хар бир халқнинг маънавий маданиятида ўз аксини топган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жойизки, Ўзбекистон, қолаверса Сурхон воҳаси аҳолисини таом тайёрлаши, пазандачилиги ўзига хос хусусиятга эга. Воҳада деҳқончилик билан машғул бўлган аҳоли таомларида асосан дон-дунли ҳамда сабзавотли таомлар кенг ўрин олган бўлса, чорвачилик билан шуғулланган аҳоли эса қатиқ-сут, ёғ, гўшти кўпроқ истеъмол қилган.

Сурхон воҳасида дон ва донли маҳсулотлардан таом тайёрлаш муҳим аҳамият касб этган. Воҳада кўчманчи чорвадор аҳоли ун ва ёрмаларни ёрғучоқларда тортган бўлса, ўтроқ аҳоли эса сув ҳамда хайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган тегирмонларда тортганлар. Буғдойлар тоғли ҳудудларда лалми усулда етиштирилган бўлса, дарё сувига яқин ерларда суғорма усулда етиштирилган. Сурхондарё, Шерободдарё, Қоратоғдарё, Хўжаипок дарё, Обизаранг дарё, Тўпаланг дарёсининг сув чиқадиган жойларига донли экинлардан кўпроқ шоли етиштирилганлар.

Деҳқончилик маҳсулотларидан таомлар тайёрлаш кенг ривожланган бўлиб, ўсимлик таомлари хилма хилиги билан ўзига хос ўринга эга бўлган. Арпа ун, жухори ун, буғдой ун, маккажўхори унларидан турли хилдаги нонлар ҳамда таомлар тайёрлашган.

Қизириқ тумани Истара қишлоғидаги нон ва най мусиқа асбоблари

Марказий Осиёнинг бошқа халқлари қатори Ўзбекистон, жумладан Сурхон воҳаси аҳолиси ҳам қолаверса ҳозирги даврда ҳам нонни энг кўп истеъмол қилиб, унинг «оби нон» «жиззали нон» «сутли нон», «патир нон» «қозон патир», «ёғли нон», «лочира нон», каби турлари мавжуддир. Шунингдек, воҳада жухори унидан «зоғора нон», арпа унидан «арпа нон», тарик унидан «тарик нон», «тарик зоғора», ҳамда камбағал оилалар эса қурғоқчилик келган йилларда кепакдан «кепак нон» истеъмол қилган.

Сариосиё тумани Дашнобод қишлоғида тандирдан нон узаётган аёл

Воҳада тандирлар «ер тандир» ҳамда «девор тандир» деб ўрнатилишига қараб фарқланган. Кўчманчи чорвадор аҳоли эса асосан тобо тошлардан

фойдаланганлар. Нон пиширишда тандир яхши қиздирилиб, енглик кийиб, рапида ёрдамида нон ёпилади. Кўчманчи чорвадорлар тобо тошни қиздириб нон пиширишган.

Воҳада ҳозирда ҳам нон қилишда, шунингдек хамирли таомлар тайёрлашда супрада ун эланади, хамир қорилади, нон ясалади ҳамда барча хамирли таомлар тайёрланади.

Супра бир нечта эчки ёки қўй териси яхшилаб ошланиб, ишлов берилгандан кейин, доира шаклда укувли аёллар томонидан тикилади.

Нон пиширишда хамиртуришдан хамирни оширишда фойдаланиб воҳада юзлар, дўрмонлар, қўнғиротлар «кўпиртирма нон». қатағонлар, турклар, ўшорилар, татарлар «келдирма нон», Денов, Сариосиё ҳамда Узун туманларидаги тожиклар эса «нони расида» деб атаганлар. Хамиртуриш кўпинча супрада сақланиб, унинг ўзига хос иримлари мавжуддир. Масалан, қишлоқда бир киши вафот этган кун хамир қилган хонадан ирим қилиб супрасига хамиртуриш қолдирмаган. Шунингдек, шанба куни хамиртуриш сўраб келган кишига берилмаган. Икки «чиллали хонадон» бир-бирига чилласи тушади деб хамиртуриш сўрашни ирим қилганлар.

Сурхон воҳасида кенг тарқалиб, тайёрланиб келинган уй нони яъни оби нон воҳада ўзига хос тарзда тайёрланган. Хусусан, махсус хамир тавоққа илиқ сув, туз ҳамда хамиртуриш солиниб, хамиртуриш яхшилаб аралаштирилган. Сўнгра ун солиниб хамир қорилади. Хамир қорилиб, яхшилаб тобига келгунча муштланади. Ноннинг яхши тайёрланиши муштлашга ҳам боғлиқдир.

Хамир муштлиниб бўлгач, супрага олиниб зувала-зувала қилинган. Хамирдан зувалалар ясашда кишининг насибаси қирқилади деб, пичоқ ишлатилмасдан қўл билан ажратилган. Зувалалар махсус дастурхон ва кўрпачага ўралиб кўпчитилган. Кўпчиган зувала хамирни супра устида нон ясалган. Нонни ёпишда тандирни қизитишга ҳам алоҳида эътибор бериб, «ўтинингни аяма, нонингни кулга таяма» нақлига амал қилинган. Тандирга нон ёпишдан олдин рапидага қўйилган ноннинг орқаси хўлланиб, тандир деворига ёпиштирилади. Нон ёпиб бўлингач, ноннинг юзига сув сепилади. Ноннинг пишиш даражасига қараб, ўртага тўдаланган чўғлари ёзилади. Жиззали нон ҳам оби нон сингари воҳада кенг тарқалган бўлиб, оби нондан фарқи шундаки хамир қорилаётганда жазза аралаштирилиб қорилган. Оби нон сингари пиширилган. Сутли нон қилишда сув ўрнида сут ишлатилган. Сутли нонларни узок сафарга чиққан кишиларга атайин кўпроқ пишириб берилган. Чунки куёшда қотирилган сутли нон сувда тез юмшаган, ҳамда ўзига хос тарзда мазали бўлган. Патир нон қадим замонлардан мавжуд бўлиб, хамирга ишлов бериш, унга қўшиладиган массалиқлар ҳамда пишириш усулига қараб сариёғли патир, жаззали патир, қаймоқли патир, пиёзли патир, шўро патир, чалма патир, каби хилларга бўлинади. Патир нон юпқалиги ҳамда хамиртуришсиз (кўпчимаган)лиги билан ажралиб туради. Шунингдек, патир нонлар юзи тўлиқ нонпарланади. Патир нонлар тўй-хашамларга, мехмондорчилик учун махсус пиширилган.

Фарзанд кўрган «чиллали» аёлларга «чилласи» чиқуннига қадар асосан қайирма нон пишииб берилган. Қайирма нон ҳам оби нон каби пиширилиб,

фақат хаамири қорилиб кўпчитилгандан кейин зуваласи яхшилаб ийлаб ясалади. Ҳамда нонпар моромига етказилиб уралади. Сурхон воҳасида кўчманчи чорводор аҳолиси нон турларидан кўма нон ҳам истеъмол қилганлар. Кўмма нонни тожиклар «нони кўмоч» деб атаганлар. Айрим манбаларда кўмма нонни кўчманчи аҳоли орасида истеъмол қилганликлари хақида тўхталади.

Сурхон воҳасида нон, кулча ва патирлардан ташқари қатламалар ҳам тайёрланган. Қатлама воҳада тўй ва меҳмон дастурхони учун қадимдан тайёрланиб келинган бўлиб, уни тайёрлашда хамир сут ёки сувда қорилиб зувала қилинади ва тиндирилади. Тинган хамир ўқлов ёрдамида юпка қилиб ёйилади. Ёйманинг юзига ёғ (сариеғ, эритилган қўй ёғи ёки қаймоқ) суртиб бироз вақт ўраб қўйилади. Сўнгра қатлама хамирини нон катталигида ясаб, ёғда пиширилади. Воҳанинг Шўрчи, Қумқўрғон, Олтинсой, Узун туманларидаги қўнғирот, юз уруғларида қолаверса деярли бошқа худудларда фотиҳа тўйида куёв томони 30 тадан 60 тагача қатлама пишириб юборилган. Тадқиқ этилаётган воҳада қиз тўйи, қолаверса, бошқа тўйлар қатламасиз ўтказилмаган. Воҳада тўйдан 3 кун олдин тўй қатламасини пишириш учун «қатлама пишди» маросими ўтказилган. Қатлама пишириш учун тўй эгасининг қариндош-уруғ ҳамда қишлоқнинг маълум хотин-қизлари ташриф буюрганлар.

Юпка деб аталадиган таом ҳам буғдой унидан тайёрланган. Айрим элшунос олимларимизнинг таъкидлашича бу таом Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида ҳам танаввул қилинган. Хусусан юқори Зарафшон тожиклари юпқани «тунук» деб номлашган. Юпка учун тайёрланган хамир шафтоли катталигида бўлакчаларга бўлиниб, бўлакча хамирларга ун сепиб, хамир юпка қилиб ёйилади. Пиширишдан олдин юпкалардан ун қоқиб ташланади. Қозон деворлари озгина ёғланиб, қиздирилади. Аввал биринчи юпқанинг икки томони ёпилади, кейин унинг устига иккинчи юпка қўйилади ва қозоннинг қизиган юзасига ағдарилади. Сўнгра биринчи юпқанинг устига учунчисини кўяди. Иккинчи юпка пишгандан кейин учунчисини ҳам ағдариб қўйилади. Шу асосда даста шаклда тўртинчи, бешинчи, олтинчи. Ҳамда бошқа юпкалар пиширилади. Воҳада юпқани тайёрлашда ёғларнинг ишлатилиш хилига қараб қаймоқли юпка, сариеғли юпка, ширали юпка, пиёзли юпка каби турлари мавжуддир.

Воҳанинг Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Узун туманлари қишлоқларида «ғилминди» таоми пиширилган. Бу таом буғдой унидан тайёрланиб, юпка таоми сингари тайёрланган. Фақат, ёғланмаган қиздирилган қуруқ қозонда қотириб олинган. Иккинчи қозонда ун билан сув яхшилаб аралаштирилиб қайнатилган, сўнгра сут солиб атала тайёрланган. Атала тайёрланиш жараёнида қозон тагига олмаслиги учун қўзғаб турилган. Қотириб олинган юпкаларга маълум миқдорда атала суртиб, тўрт бурчак шаклида тугиб, қиздирилган ёғда пиширилган. Ғилминди таоми Зарафшон ҳавзаси қипчоқларида ҳам кенг тарқалган бўлиб «ғилбинди», юқори Зарафшон тожикларида эса «ғилмунди» деб аташган. Ҳозирда бу тансиқ таомлар сирасига киради.

Шерободнинг Боботена қишлоғида тайёрланган ғилминди

Воҳада буғдой унидан «умоч ош» ва «умоч палов» деб номланган таом пиширилган. Умоч ошнинг қатикли умоч, сутли умоч каби турлари мавжуддир. Умоч ош Ўзбекистон қолаверса Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг тарқалган. Таомни тайёрлашда эланган ун каттароқ идишга солиниб, унга оздан тузли сув бериб, буғдой донларидек бўлгунга қадар идишда қўл билан ишқаланади. Сўнгра улар элаб унидан ажратиб олиниб, қайнаб турган сувга солиб, яна қайнатилади. Қатик куйиб кетмаслиги учун, бироз дам берилгач, қатик билан аралаштирилиб истеъмол қилинади. Сутли умоч ош эса, сутга қайнатилади. Пишгач таъбга кўра туз солинади. Агар таом пишмасдан туз солинса, сут «йириб» кетади. Шунингдек, воҳада сутли умоч ошни «Бибисешанби» маросимида ҳам пиширганлар. Лекин маросимга атаб пиширилган таомдан эркакларнинг истеъмол қилиши мумкин бўлмаган. Умоч палов пиширишда аввал тайёрланган умоч хамир ёғда яхшилаб қовурилиб олинган. Шундан кейин, зирвак тайёрланади, яъни гўшт ёғда яхши қовурилгач, пиёз сап-сариқ раннга киргунча пиширилади. Сўнгра тўғралган сабзи солиниб, жигар ранг бўлгунча қовурилади. Ҳамда сув солиб, суст оловда қайнатилади. Туз ва зираворлар ҳам сув қайнагандан сўнг солинади. Умоч палов ширин бўлиши учун зирвак узоқроқ қайнатилади. Қовуриб олинган умоч зирвак юзига бир қатлам қилиб солиниб, кейин устига меъёрига қараб сув қуйилади. Умоч паловга икки марта туз солинади. Зирвагига ҳамда қовурма умоч суви қайнаган вақтида тузи ростланади. Қовурма умоч сувининг тортгач, уни қозоннинг ўртасига тўплаб, бир оз буғлангач, дамга қўйилади ва ўчоғдан чўқ тортиб олинади. Дамлаш жараёни умочнинг миқдорига қараб амалга оширилган.

Воҳада буғдой унидан «кесган ош» ва «кесган палов» таоми ҳам тайёрланган. Кесган ошни воҳа аҳолисининг тожиклари «оши угро», Шўрчи, Денов каби туманлардаги айрим ўзбек уруғлари «шулла» деб атаганлар. Таомни тайёрлашда юпқа қилиб ёйилган ҳамир маҳорат билан ингичка қилиб кесилган. Қозонга эса сув, пиёз, ловия (ёки мош, нўхот), солиб қайнатилган. Қайнаб турган қозонга кесилган хамирлар секинлик билан солиниб, маълум вақт яна тўхтамасдан қайнатилган. Таом пишгач бироз дам берилиб, кейин қатик билан истеъмол қилинган. Кесган ошни юғонроқ қилиб кесган юқори Зарафшон тожиклари бу таомни «оши тўппа» деб атаганлар. Кесган палов таоми эса, кесиб тайёрланган хамир қиздирилган куруқ қозонда қотириб олинади. Сўнгра умоч палов таоми сингари пиширилади. Лекин умоч ўрнинга қотириб олинган кесган ишлатилган.

Воҳанинг деярли ҳамма хонадонларида буғдой унидан атала пиширилган. Аталанинг ёғли атала, қаймоқли атала, сутли атала каби халлари мавжуд бўлган. Қаймоқли аталани тайёрлаш учун, қозонга қаймоқ билан ун кўшиб қизартириб яхшилаб қовурилади. Ҳамда меъёрига қараб сув солиб қайнатилади. Сутли аталада ун сувга яхшилаб аралаштирилиб кейин қайнатилади. Сўнгра сут солиб, қайнаши тўхтатмасдан давом эттирилади. Оловдан туширишдан олдин туз солинади. Агар сутли атала пишмаган вақтда туз солинса йириб кетади. Ёғли атала кўпинча сариёғ, қуйруқ ёғдан тайёрланган. Воҳада бу аталани қовурма атала ҳам деб аташган. Ёғли аталани

тайёрлашда ун ёғда қизартириб қовурилган. Ун куйиб кетмаслиги учун маҳорат билан тез-тез аралаштирилиб турилган. Ёғли атала пархез таомлар сирасига кириб, кўзи ёриган аёллар учун кўпроқ тайёрланган. Бунда ёғли атала тайёр бўлиш жараёнида унга навот ёки қанд солиб пиширилган. Аталани Марказий Осиёнинг ўзбек ва бошқа халқлари ҳам истеъмол қилганлар.

Сумалак бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, асосан Наврўз байрамларида пиширилган. Сумалакни тайёрлашда буғдой донини ўстириш алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Буғдой дони покиза, номозхон аёл томонидан, таҳоратсиз кишиларни кўзи тушмайдиган жойда ўстирилган.

Ўстириш жараёнида ҳар куни уч мартадан сув сепилган. Буғдой оппоқ ниш уриб кўкариши билан, уни ўғирча ёки келида янчилик шираси олинган. Воҳада шира беш ёки етти марта сиқиб олинган. Сумалакни пиширишдан олдин биринчи шарбатдан озгинасига хамир қорилиб. Туз солмасдан тўққизта ёки ўн бирта сўзма қилиниб, ис чиқаришган. Сумалак пиширишда бу маросимлар бошқа вилоятларда ҳам ўтказилган. Воҳанинг Шўрчи, Олтинсой туманларида сўзма пиширилган ёғда пахта пилик ёғланиб, сумалак пишириладиган қозоннинг бир қулоғига ёғланган пахта пилик, қолган уч қулоғига исирик қўйилган. Ёғланган пахта пилик ёқилиб, Биби Фотиманинг руҳи-покларига дуои-фотиҳа қилиб, сумалак пиширишни бошлаганлар. Шунингдек, ўзига тўқ хонадонлар қўй, ўрта хол хонадонлар хўроз сўйиб қон чиқарганлар. Албатта, сумалакни пишириш учун махсус ер ўчоқлар қазилган. Сумалак пишириладиган жойга таҳорат олмай бориш мумкин бўлмаган. Сумалак пиширишга ёрдамга келган аёллар «сумалак толли бўлсин» деганлар, сумалак пиширадиган хонадон соҳибаси «еганга маълум бўлсин»-деб жавоб қайтарган, ёрдамга келган аёллар сумалакни уч марта тавоф қилиб, қозондаги сумалакни кавлаганда «бисмиллоҳир раҳмонир роҳим» деб бошлаб, яхши ниятлар, тилаклар тилаган. Сумалак қозоннинг тагига олмаслиги учун ёнғоқ солинган, воҳанинг айрим туманларида тош солинган. Таом кун ботиш олдида тагига олов ёқиб, то қуёш чиққунча тўхтовсиз олови ўчирилмасдан ёқилиб, қовлаб чиқилган. Сумалакни сузишда кўпни кўрган, номозхон кайвони аёл сузган.

Атала – қозонга ун солиниб, яхшилаб қизаргунча ёғда қоврилади. Кейин сут ёки сув солиб қайнатилади. Керакли миқдорда сут, шакар ёки навот суви солинади.

Умоч ош – тузли сувда қаттиқроқ ҳолда хамир қорилади. Хамир тайёр бўлгандан сўнг каттароқ товоқда хамир майда қилиб унга белаб эзгиланади, натижада майда хамирчалар пайдо бўлади. Ёғда яхшилаб қизаргунча қоврилади. Сўнгра устидан сут солинади. Қайнатиб паст оловда пиширилади ва таъбга кўра туз солинади.

Оғиз (увуз) – биринчи соғилган сутга ҳеч нарса қўшилмай қайнатилса, қаттиқроқ ҳолга келади ва бу таом истеъмол қилинади.

Ширинуч – (ширгуруч) – гуруч алоҳида қайнатиб олинади ва кейин яна сут солиб қайнатилади. Керакли миқдорда туз ва шакар солинади. Тол товоқ ёки сопол лаганга сузилиб, устига озроқ гуппи мой (сариёғ) қўйилади.

Кесган (шевада кескан) ош – хаамири ингичка думалоқ шаклда ёйиб, кейин ўралади ва пичоқ билан кесилади. Ингичка узун-узун хаамирлар қайнатилиб пиширилади. Керакли миқдорда туйилган қаламбир, туз ваҳар хил кўкатлар, айникса, пудина (ялпиз) барглари майдалаб тўғраб солинади. Косаларга сузилиб, қатиқ билан бирга аралаштириб истеъмол қилинади.

Пиёва шўрва – қозонга қаймоқ (думба ёғи ёки чарви) солиниб, пиёз билан куйдирилади ва сув солиниб қайнатилади. Тол товоққа сузилиб, нон тўғраб истеъмол қилинади.

Ёвғон шўрва – ошқади, пиёз ёки буғдой, макка суви қайнатилади ва нон билан истеъмол қилинади. Ёғ ишлатилмайди.

Чолоп – тайёрланган қатиқ сув билан яхши аралаштирилади, керакли миқдорда туз солинади ва чанқоқбосди истеъмол сифатида ичилади.

Жухори ош – оқ жухори сўтасидан ажратиб олиниб, ёғли сувда (шўрва сингари) ёки сутда қайнатилади. Керакли миқдорда сут солинади.

Қатиқ – сут ивителиб тайёрланади ва бир неча кун матодан тикилган халталарга юқорироқ жойда илинган ҳолда туради. Сув халтадан сизиб чиқади ва қатиқ ҳосил бўлади. Хушбўй ҳидли бўлиши учун алқор ўсимлиги новдалари барглари билан солиб қўйилади.

Қовурмоч (шевада қўғирмоч) – буғдой, тарик, кўноқ, жухори ёки зиғир доналари сўтадан ажратилиб, қозонда қоврилади ва ситеъмол қилинади. Кўп болали оилалар қиш кунлари қовурмочни пўсттакка тўкиб ташлашган, болалар уни териб ейиш билан оввора бўлиб қолишган. Катталарни оз бўлса ҳам қулоқлари тинган.

Талқон – оқ жухори сўтасидан ажратилиб, аввал қозонда қоврилади кейин ўғирга солиниб, майда ундай қилиб туйилади. Жийда ивителиб қўйилиб,

донакларидан ажратилади. Жухори уни ва жийда қовуғи сув билан аралаштирилади. Ҳосил бўлган хамир думалоқ шаклга келтирилади. Тайёр бўлган тухумдай масса қўлга олиниб истеъмол қилинади.

Келагай (ёш) – ёки гилагайни тайёрлаш учун қўй, сигир ёки эчкининг боласи эммай туриб биринчи соғилган сутга озгина тоза (бошқа) сут солиб қайнатилади ва истеъмол қилинади.

Ширкади – сутга ошкади солиниб қайнатилади. Тайёр бўлган таом истеъмол қилинади.

Кўмма – буғдой, арпа ва жухори уни аралаштирилиб, хамир қилинади ва патирда ясалади. Ёниб бўлган оловнинг чўғларига тайёрланган патир кўмилади ва маълум муддат ўтгандан кейин ноннинг хушббўй ҳиди тарла бошлайди. Кўмма нон чўғдан ажратиб олинади ва кулдан тозаланиб истеъмол қилинади.

Юпқа – бухдой, жухори ёки тарикдан тайёрланган ундан хамир тайёрланиб, ингичка, думалоқ шаклда ёйилади. Катталиги ним коса айланаси ўлчамида ва қизитилган ёғсиз қозонга ташлаб пишириб олинади.

Чалпак – худди юпқадай тайёрланади, лекин қозонда ёққа қоврилади.

Тўппаош – тайёрланган шўрвага хамир кулоқдай ёки бешбармоқ хамирдай қилиб кесилиб қайнатилади ва косага сусилиб истеъмол қилинади.

Кадиош – пишириладиган шўрвага кади солиниб қайнатилади. Кади айниқса қайнатилган думба билан кўшиб истеъмол қилинса жуда маззали бўлади.

Чўзма (сўзма) – хамир тайёрланиб, нон ўлчовидан сал кичикроқ қилиб думалоқ шаклда ясалади. Ўртасидан уч-тўрт жой тешилади ва қозонда яхши қизилтилган ёғга солиб пиширилади. Чўзма кўпчилик ҳолларда ўтганлар руҳига бағишланиб ўтказиладиган маросим арафа (ис) кунларида дастурхонга тортилади.

Зоғора нон – маккажухори ёки оқжухори ундан тандирга ёпиб пиширилади. Бу нон камбағаллар нони деб аталади. Бундан ташқари

курғоқчилик, очарчилик йилларида шўра ўти териб олиниб, қайнатилган. Кейин уни сахал унга булаб, товоқдошда нон пиширилган.

Лочира – хамирни котириб, юпка шаклида келтириб қозонда пиширилади. Нон узилгандан кейин тандирда пиширилиши ҳам мумкин. Худди қатпатирга ўхшаб шўрвага тўғраб истеъмол қилинади.

Буломиқ (тўнтарма) – қаймоқ куйдирилади, ун билан қоврилади ва керакли миқдорда сув, шакар солинади. Қуюқ ҳолга келгунча қайнатилади. Ҳолвайтарга ўхшаган бўлади.

Қовунқоқ – қовуннинг қуритиб олингани.

Ҳалим – ўрик мағзи ипга тикиб қуритилади.

Ҳолва – ун, қаймоқ, шакар аралаштириб пиширилади.

Шинни – сабзи, тарвуз, узум, ўрикка шакар солиб қайнатилади.

Қимиз – ачитилган бия сути.

Бўтқа – тариқ ёки қўноқ ёрип, йирик-йирик қилиб тегирмонда тортилади. Гўшт солиб қайнатилаётган қозонга солинади ва истеъмол қилинади (қуюқ ҳолатда).

Гунгала – офтобадаги сувга буғдой солиниб қайнатилади ва пишган буғдойни ўзи ёки уни қатикқа аралаштириб истеъмол қилинади.

Кесган палов – кесган ошни хаамири қуритилиб олиниб, худди палов тайёрлангандай масаллиқ солиниб дамланади. Гуруч ўрнида кесган ош хаммири ишлатилади.

Ёрма – буғдой тегирмонда йирик-йирик тўртга бўлиб тортилади. Тортилган буғдой мол гўшти билан қайнатилиб, бутқа ҳолига келтирилиб истеъмол қилинади. Асосан дарвешона яъни бирон бир маросимга масалан, Наврўзга, Ҳосил мўл бўлишига ёки ёғингарчилик яхши бўлишига бағишлаб эҳсон (садақа) ўтказилганда аҳолидан пул йиғилиб, ёрма пиширилиб тарқатилган.

Куви мойи ёки гуппи мойи – баҳорда қўй, эчкилардан тўл олинганда жуда кўп миқдорда сут соғилиб, қатик тайёрланади. Тол таёқнинг учи (қўшиш белгиси) шаклда қилиб тайёрланади ва толнинг қалин кундасидан ясалган идишга

(ўғирга) суёқ қатик (ўн литрлар чамаси ҳажмида) солинади. Гуппиланади яъни ясалга таёқ билан кунданинг ичидаги суёқ қатик айлантирилади, урилади. Шунда гуп-гуп деган овоз чиқиб қатикдан мой ажралади. Ҳосил бўлган мой гуппи мойи дейилган.

Гумма бўрак – бу чўпонларнинг даштда тайёрлайдиган нони. Нон тайёрлаш уучун бизга маълум бўлган усулда хамир тайёрланади. Гўшт, думба ёғи, пиёз ва турли хил гиёҳ ўтлар майдалаб тўрғалиб масаллиғи тайёрланади. Шундан кейин патирдан юпкапроқ қилиб, думалоқ нон шаклда хамир ёйилади. Тайёрланган маллик патирни ярмига қўйилиб, патир икки букланиб ёйилади. Ер товоксимон ковланиб, ичига ҳар хил ўтинлар солиниб ёқилади. Олов яхши ёниб чўғ тайёр бўлгандан кейин. Чўғ ёйиб қўйилиб, тафти – иссиқлиги пасайтирилади. Ярим ойсимон патир чўққа кўмилади. Маълум вақт ўтгандан кейин гиёҳларнинг ёқимли ҳиди таралиб турган гумма бўрак тайёр бўлади. Нон чўғ ва кулдан тозалаб истеъмол қилинади.

Қорашўрва – думба ёки чарви мойи қозонга солиниб, эритилади ва устига қайнатилган сув солинади. Қозон яна бир оз қайнатилгандан кейин тайёр бўлган шўрва катта тол товоққа сузилиб, дастурхонга сузилади. Товоққа нон тўрғалиб беш-олти киши битта тол қошиқ билан навбатаки қора шўрвани ичишган.

Шўхлат – гўшт, жигар, ўпка ва қўйнинг бошқа ички органлари майдалаб, пичоқ билан тўрғалиб, қўйнинг ёғли, чарвили ичагига солинади ва қозонга солиниб қайнатилган.

Нон дўғрама – нон қарма таоми катта-катта тадбир мааросимларда катта қозонларда, гўшт қайнатилиб (асосан қўй гўшти), шўрвадан гўшт чиқариб олинади. Чиқарилган гўшт қўл ёки пичоқ билан пилта-пилта қилиб титилади. Суяклари гўшtdан ажралиб ташланади. Тандирда пиширилган иссиқ патир нон 15-20 дақиқа совутилиб, қўл билан эзиб тўрғалади. Майдалаб пиёз тўрғалади. Сабзи эса кўндаланг тўрғалади. Тайёр маҳсулотлар яхши аралштирилади. Тайёрланган маҳсулотдан тахминан икки қопи 100-150 литрли қозондаги шўрвага солиниб алаштирилади ва шу пайтда қозонга етти-саккиз килограмм

сариеғ ёки думба эритиб қуйилади. Қозон яна 20 дақиқагача қайнатилгандан кейин таом тайёр бўлади. Таом қуюқроқ бўлганлиги сабабли лаганга сузилиб, дастурхонга тортилади ва қўл билан истеъмол қилинади.

Тулум – яхши ошланган эчки терисининг атрофлари халтага ўхшаш тикилиб тайёрланган. Ивитилган қатиқ тулумга солиниб, сақланади ва гуппи ўғирига солиниб пиширилган. Мойи ажратилиб тузланади ва қўй, эчки қоринларидан тикилиб тайёрланган махсус идиш қоринга гуппи йоғи солиб сақланган. Бир ойлар чамаси сақлангандан кейин ёғ тайёр бўлиб, яхши таъмга келади. Баъзи ҳолларда тулум ёки қоринга сут солиниб, эшакка ортиб қўйилган сут чайқалиб пишади ва йоғи аалоҳида ажралиб қолган.

Сурхон воҳасининг дарё бўйи ҳудудларида деҳқончилик билан машғул бўлган аҳоли кўпроқ шоли, мош, нўхот, ловия етиштирилиб, воҳада аҳоли гуручдан палов, ширгурунч, шовла, гуруч пиёва каби турли хилдаги таомларни пишириб истеъмол қилган бўлсалар, мошдан мош палов, мошова, мош атала, пиёзли мошкичири, нўхатдан эса нўхат палов, нўхат шўрва, шунингдек ловиядан ловия палов, ловияли шўрва турли хилдаги қадимий таомлар тайёрланган.

Воҳада гуручдан тайёрланадиган таомлар орасида палов кўп тарқалган. Палов тўй-томоша, маросимларда, меҳмондорчиликда қолаверса, ҳар куни тайёрланган. Воҳа хонадонларида истеъмол қилинган палов массалиғи деҳқон хўжаликларида етиштирилган махсулотлардан тайёрланишга ҳаракат қилинган. Палов тайёрлашда гуруч, ёғ (зиғир, кунжут), пиёз ҳамда сабзи ишлатилган. Шунингдек, кўпинча қўй гўшти, қуйруқ ёғи, пўст думба, воҳанинг айрим ҳудудларида гўшт ўрнига қаз, тухум, сабзавотлардан шолғомдан фойдаланганлар.

Паловни тайёрлаш жараёни зирвак тайёрлашдан бошланади, яъни, гўшт ёғда яхши қовурилгач пиёз сап-сарик рангга киргунча пиширилади. Сунгра тўғралган сабзи солиниб жигарранг бўлгунча қовурилади. Ҳамда сув солиб суст оловда қайнатилади. Туз ва зираворлар ҳам сув солингандан сўнг солинади. Палов ширин бўлиши учун узоқроқ суст оловда қайнатилади. Ювилиб, сув яхшилаб сирқитилган гуручни зирвак юзига бир қатлам қилиб солиниб, кийин устига меъёрига қараб сув солинади. Паловга икки марта туз солинади. Зирвагига ҳамда гуруч суви қайнаган вақтда тузи ростланади. Гуруч сувини тортгач, гуручни қозоннинг уртасига гумбаз қилиб тўплаб, бир неча ерига таёкча сукилиб, бироз буғлангач, ош дамга қўйилади ва ўчоқда чўғ тортиб олинади. Дамлаш жараёни гуручнинг миқдорига қараб сифатига қараб амалга оширилган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг деярли ҳаммаси гуручдан ширгурунч пиширганлар. Воҳанинг тожик аҳолиси «ширбиринч» деб аташган. Ширгуруч воҳада «Биби Фотима онамизнинг оши» деб, маросим таомлар сирасига киритганлар. Шунингдек, воҳада 63 ёшга кириб пайғамбар ёшига етган

кишилар «пайғамбар ёши тўйида» табаррук таом деб ширгурунч билан меҳмонларни сийлаганлар. Ширгурунч тайёрлашда тозаланган гуруч ювилиб, кўп миқдордаги тузли сувда ярим тайёр холатга келгунча қайнатиб, суви тўкилади. Ярим тайёр холатга келган гуручни сув аралаштирилган қайнаб турган сутга солинади. Тўла пишгунча ковлаб турилади. Ширгурунч тайёр бўлганда, тавоқларга сузилиб, устига сариёғ солиниб, қўл билан истеъмол қилинган.

Шулла ўзбекларнинг, қолаверса Сурхон воҳаси аҳолисининг энг қадимий ва севимли таомларидан бири ҳисобланади. XIX аср охири- XX аср бошларида воҳада шулла тайёрлашда шолғом ва қовоқлардан фойдаланганлар. Шулла палов тайёрлашда ишлатиладиган маҳсулотлар асосида тайёрланиб, фақат у паловга қараганда суюқ холда тайёрланган. Имонни мустаҳкам қилади деб, воҳада шуллага қовоқни кўпроқ ишлатганлар.

Демак, Сурхон воҳаси аҳолиси ижтимоий ҳаётида XIX аср охири- XX аср бошларида донли экинлардан тайёрланадиган таомларнинг хилма-хиллиги, бу борада воҳа аҳолисининг катта тажрибага эга эканлигини билиш мумкин. Албатта воҳада тадқиқ этилаётган даврда тайёрланган таомлар маҳсулотларини аҳоли ўз хўжаликларида етиштирганликлари ҳам ўзига хос хусуситларидан бири ҳисобланади.

Сурхон воҳаси аҳолисининг таом тайёрлашида гўшт ва гўштли маҳсулотлар ҳам ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлган. Сурхон воҳасининг Бойсун, Шеробод, Жарқурғон, Қумқурғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудида чорвадор ярим кўчманчи аҳоли яшаб, уларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, гўштли таомларни кўпроқ истеъмол қилганлар. Гўштли таомлар асосан қўй гўшtidан тайёрланган ҳозир ҳам воҳанинг айрим ўзбек уруғлари сигир гўштини «совуқлик» деб деярли истеъмол қилмайдилар. Чунки, халқда сигир гўшти «совуқлик», агар сигир гўшти истеъмол қилинса инсонлар ўртасидаги меҳр муҳаббат «совийди» деган тасаввур мавжуд. Мол сўйиш, гўшт чопиш билан махсус кишилар-қассоблар шуғулланган. Чунки, қассоб бўлиш учун, у кишининг ота- бобоси қассоб бўлиши ёки бирор қассобдан қўл олиши шарт бўлган. Акс холда у кишининг соғлигига зарар етиши мумкин бўлган. Воҳаланки, Бухорода қассоблик касби кўпинча авлоддан авлодга ўтган.

Бойсун туманидаги Чилонзор қишлоғида тайёрланган қўй калла- пойча таоми

Воҳада гўштни сақлашда қовурдоқ усули кенг тарқалган бўлиб, қўй гўшtlари асосан қуйруқ ёғида қовирилган. Албатта, қовиришдан олдин гўшт тузланган ҳамда керакли миқдорда зираворлар сепилган. Қовурма, қўй қорнидан тайёрланган махсус идиш, теридан махсус тикилган саноч ёки сопол хумларда сақланган.

Воҳада аҳолиси сўйилган қўй ёки эчки гўштини тўрт бўлакка бўлиб тузланган сурпга ёки бўзга ўраганлар. Гўшт бузилмаслиги учун, гўшт ўралган

мато кунига бир марта тузли сув билан хўлланган. Бу усулда сақланган гўшт бир хафтагача ўз ҳолатини сақлаган. Шунингдек, гўштни ерга кўмилган кўза ёки хумларда сақлаш усуллари ҳам мавжуд бўлиб, бунда асосан гўш туйри-туйри қилиб тўғралиб тузланади. Бу усулдан баҳор ва куз фаслларида фойдаланилган бўлиб, гўшт 5-7 кунгача бузилмаган.

Воҳада гўштли таом тайёрлашда сўйиладиган ҳайвонлар ёши, жинсига қараб ажратилган. Хусусан катта қора мол гўшти, уч ойлик бузоқ гўшти, кўчқор гўшти, совлуқ гўшти, барра гўшти, эчик гўшти ҳамда паррандалардан бедана, товуқ гўштига ажратилган. Сурхон воҳасида қўй гўшти кўпроқ истеъмол қилиниб, ундан турли хилдаги таомлар тайёрланган. Воҳада гўштли таомлардан шўрва суюқ овқат сифатида пиширилиб, уни тайёрлаш усулига қараб, қовурма шўрва ҳамда қайнатма шўрвага ажратилган. Қайнатма шўрва гўшти катта-катта бўлаклигича совуқ сувга солиниб, суст оловда пиширилган. Тадқиқ этилаётган даврда қайнатма шўрвага асосан пиёз, сабзи, шолғом ишлатилган. Қайнатма шўрвани тайёрлашда массалиқлар хомлигича сувга солиниб қайнатилгани учун Сурхон воҳаси тожик аҳолиси «хом шўрбо» деб атаганлар.

Қовурма шўрвани тайёрлашда, таомга ишлатиладиган ҳамма массалиқлар қовурилган ва сув қуйиб, милдиратиб қайнатилган. Таомни тайёрлашда ишлатилган массалиқлар дастлаб ҳаммаси қовурилгани учун қовурма шўрва деб аталган. Воҳада қўй ёки эчки сўйилганда калла шўрва тайёрланган. Калла шўрва тайёрлашда, сўйилган қўй ёки эчкининг калласи ва тўртала оёқларининг жунини оловда куйдирилиб сўнг ишқалаб, тозалаб ювилади. Калладан тишларни қоқиб тушириб, оёқларнинг айри туёқлари ўртасидаги қисми кесиб ташланиб, пичоқда қирилади ҳамда тозалаб ювилиб пиширилади. Албатта, таомни тайёрлашда қўйнинг қорин ва ўпкаси ҳам ишлатилган. Гўштли шўрва тайёрлашда воҳада шолғом, коди (қовоқ), ловия ва бошқа хилдаги массалиқлар ишлатилган. Бу эса таомни ловия шўрва, коди шўрва каби номлар билан аталишига сабаб бўлган.

Воҳада қўй ва эчки гўшtidан тандир кабоб (тандир гўшт) тайёрланган. Воҳанинг тоғли ҳудудларида кийик гўшtidан ҳам тайёрланган. Тандир кабоб Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ҳамда Қашқадарё вилоятларида ҳам пиширилган. Тандир кабоб энг қадимий таомлардандир.

Сурхон воҳасининг Қоратоғдарё, Тўпалангдарё, Хўжаипокдарё, Сурхондарё каби дарёлардан балиқ овланган. Балиқни лўқмани ҳалол қилади деб яъни «лукмаи ҳалол», уни ҳеч бўлмаганда бир йилда бир маротаба истеъмол қилиш савоб дейилган. Шунингдек, балиқни оллоҳ томонидан бўғизланганлиги, ҳалол қилинганлиги эътиборга олинган. Чиллали аёлларнинг балиқ гўшти истеъмол қилиши ирим бўлган. Воҳада гўшти парhez таомга товуқ гўшtidан кенг фойдаланилган. Чунки ундан тайёрланган шўрва «дармон шўрва» деб аталган.

Воҳанинг тоғли ҳудудларида каклик, тус товуқ, бедана гўшtidан ҳам турли хилдаги таомлар тайёрланган. Айниқса бу паррандаларни гўшtidан палов тайёрлашда ишлатилиб, гўшти жуда маззали бўлган. Воҳада паррандаларда одам мижозини кучайтиришда фойдали бўлган чумчуқ гўштини

ҳам истеъмол қилган. Албатта бу тансиқ таомни имконияти бор кишиларгина тайёрлаган. Сурхон воҳаси аҳолиси таомларида гўштли таомлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мазали ва хушхўр қилиб тайёрлаш усуллари билганлар.

Сурхон воҳаси аҳолиси донли, гўштли таомлар билан бирга сутли таомларни билиб, кенг истеъмол қилганлар. Воҳа аҳолиси кўй, эчки, сигир қолаверса от ва туя сутларидан турли хилдаги таом ва ичимликлар тайёрлалаганлар. Сигир асосан сути учун парвариш қилиниб, сутидан турли хилдаги таом ва ичимликлар қилинган. Воҳада сигирларни асраш ва уларни соғиш билан боғлиқ кўплаб ирим-сиримлар борки, бу ота-боболаримиздан то бугунги кунларгача сақланиб қолган. Этнографик дала тадқиқотлари давомида Қумкўрғон тумани Хўжамулки қишлоғи, Шўрчи тумани Шалдиروق қишлоғи, Олтинсой тумани Дегрез қишлоқларида кўздан асраш учун соғиладиган сигирларнинг шохларига дуо битилган туморлар осиб қўйилганлиги гувоҳи бўлинди. Агар сигир соғдириш жараёнида тепиниш одатларини чиқарса, сигир кўзиккан деб ҳисобланиб, яқин атрофдаги кишилар кийимларидан ип олиниб исириқ билан қўшиб, сигирнинг атрофига тутатилган. Шунингдек, сигирнинг сути кўзикканда ҳамда сигирнинг елини касалланиб оғриганда «кес-кес» ирими амалга оширилган. Бу иримни амалга оширишда сигирнинг соғилган сути оловда қиздирилган, ош пичоқ билан «сўқдан бўлса кесдим, кўздан бўлса кесдим» деб уч марта идишдаги сутга ботирилиб кесилган. Сигир соғилаётганда идишдаги сутга бегона кишининг кўзи тушмаслиги керак бўлган. Албатта, воҳа аҳолиси сигир кўзикади деб ирим қилинган..

Сурхон воҳасининг кўпгина қишлоқларида қуёш ботгандан кейин сут сўраб келганларга «сигир елини учунади» деб бермаганлар. Бу иримга Марказий Осиёнинг бошқа кўпгина халқлари ҳам этиқод қилганлар. Воҳада сигир сутидан турли хилдаги таомлар тайёрланган. Хусусан, сутдан қаймоқ олинган, қатиқ ивитилган, сариёғ олинган, ширчай, курут қилинган, ширгурунч ва бошқа кўпгина таомлар тайёрланган. Сигир, кўй, эчки болалаганидан кейин уч тўрт кун мобайнида сариғи аримаган сут соғиб олинади. Воҳада сариғи аримаган бу сутдан биринчи кун соғиб олинганда, сутдан қағанок деб номланган таом тайёрланган. Қағанокни Олтинсой, Денов, Сариосиё туманларидаги айрим қишлоқ аҳолилари «оғиз», ва воҳа тожик аҳолиси эса «қақанок» деб атаганлар. Таом тайёрлашда аввал қозон ёлланган, сариғи аримаган сутга озроқ сут қўшиб паст оловда ёки тандир, ўчоқ чўғига қўйиб, секин қайнатилган. Қайнаш жараёнида қуюқлашиб қотган. Таом тайёр бўлгач, пичоқ кесилиб бўлинади. Албатта бу таомдан яқин кишиларгагина янгилик сифатида улашилган. Бу таомни Сурхон воҳасида ҳамда туркманларда тайёрланиши ҳақида айрим манбаларда ҳам тўхталган.

Иккинчи, учунчи кунлари соғиб олинган оғиз сутидан воҳада «келагай» таоми пиширилган. Келагайни пиширганда қозон сутни тагига олмаслиги учун ёлланган. Оғиз сути билан бошқа сигирнинг сути кам миқдорда солиниб бироз қайнатилган. Қайнаш жараёнида қуюқлашган. Пишириш жараёнида ва ўчоқдан қозон туширилгандан кейин ҳам шопирилган. Акс холда шопирилмаса келагай холати ўзгариб, бузилади. Келагайни Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида «далама» деб аташади. Воҳада сутдан хом ва пишган қаймоқ олинган. Албатта,

сигир соғандан кейин махсус сузғуда сузилган. Сўнгра идишга солиниб бир кеча давомида турган. Эрталаб сузиб олинган. Эрталабки нонуштада истеъмол қилинган ёки тўплаб қозонда куйдуриб, ёғ қилиб олинган. Пишган қаймоқни олишда, сут оловда пиширилган ва маълум вақт сақланган. Сут бетидан олинган пишган қаймоқ танавул қилинган ёки йиғиб қозонда куйдириб ёғ олинган. Воҳада хом ва пишган қаймоқдан буламук таоми пиширилган. Бу таомни воҳанинг Денов, Сариосиё, Узун туманларидаги айрим қишлоқларида холваитар деб аташган. Шунингдек, хом ва пишган қаймоқлар қозонда куйдириб «дурда» қилиб олинган. Қовурма шўрва ҳамда атала каби таомларга қўшиб ишлатилган.

Воҳа аҳолиси қадимдан истеъмол қилиб келган таомларидан бири қатик бўлиб, қатикни тайёрлашда ўзига хос хусусиятлари бор. Сут пиширилгандан кейин албатта, бироз совутилиб илиқроқ холатга келтирилади. Шундан кейин «уютқи» яъни «қўр» солиниб, усти ўраб қўйилади. Уютқи солинган сут икки, икки ярим соат давомида ивиб қатикқа айланган. Сутга уютқи солингандан кейин қатик ачиб кетмаслиги учун усти кўп вақт ёпиб қўйилмаган.

Воҳа аҳолиси қатикдан чакки тайёрлаганлар. Чаккилар «тулим»ларда сақланган. Воҳа аҳолиси асосан ёз ойларида чаккидан «чалоб» ичимлигини тайёрлаб истеъмол қилганлар. Чалоб Фарғона водийси ва Тошкент вилоятларида «айрон» деб аталган. Воҳа аҳолиси қатикдан сариёғ олганлар. Сариёғ асосан куви асбоби асосида қатикдан ажратиб олинган. Воҳанинг Олтинсой, Узун туманлари айрим қишлоқларида куви-гуппи деб аталади. Сариёғ кўл ёрдамида ҳам ажратиб олинган. Сариёғни ажратиб олишда қатик кувига солинган ҳамда пишкак ёрдамида пишилган. Куви ёғи асосан салқин ҳавода яхши ажралган. Сариёғлар эчки терисидан тайёрланган халтага ёки қорин халтага солиниб салқин жойларда сақланиб, чорвадор аҳоли қишлоқ учун бир-неча халта сариёғларни ғамлаганлар. Ёғи ажратиб олинган суюқлик айрон деб аталган. Айрим кишилар айронни оёқ ости эмас жойга тўксалар, айрим кишилар тулумларга солиб чакки қиладилар. Бу чаккилар истеъмол қилинган ёки ундан қурут тайёрлаган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг деҳқончилик билан шуғулланган ҳудудларида узум, олма, жийда, зардоли (ўрик), анор, гилос, ёнғоқ, бодом, pista, тут, беҳи, қароли (олхўри), шафтоли каби турли хилдаги мевалар ҳамда тарвуз, қовун, сабзи, қанд лавлаги каби полиз маҳсулотлари лалми ҳамда суғорма деҳқончилик усулида етиштирилган. Сурхон воҳасининг зардоли (ўрик) ва қовунлари ширинлиги билан Бухоро Амирлигида ажралиб турган. Даштнобод анорлари бутун Бухоро амирлигига ёйилган. Н.А.Маев Даштнобод анорлари хақида шундай дейди: «Биз Даштнободга келганимизда (18 май) анорлари янада ширин, хозир узулгандек эди.»

Воҳанинг Шеробод туманидаги Шержон, Қорабоғ, Зарабоғ, Пошхурт Олтинсой туманидаги Хўжасоат, Обшир, Чуқур Обшир, Тўхтамиш, Зардақўл, Вахшивор, Чинор, Денов туманидаги Сина, Ўшор, Куёвсу, Бойсун туманидаги Авлод, Пасурхи, Сариосиё, Пулҳоким, Паданг ва Узун ва Сариосиё туманларининг Хубон, Чанглоқ, Чекана, Дунанги, Маланд, Хонжиза, Хўжаасмин каби қишлоқларида узум етиштирилиб, узумдан шинни ва майиз

кўплаб тайёрланган. Шунингдек, воҳанинг тоғли ҳудудларида лалми усулда, пастки ҳудудларида эса суғорма усулда полиз маҳсулотлари етиштирилиб, қовун, тарвуз ва сабзидан шинни тайёрланган ҳамда олма қоқи, қовун қоқи, шафтоли қоқи, ғўлун каби турли хилдаги, қуруқ мевалар уй шароитида тайёрланган.

Сурхон воҳасида қандолатчилик ўзига хос тарзда ривожланган. Денов ва Юрчи бекликлари марказларида новвот, парварда, холва, нишолда, пашмак каби қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ривожланган.

Ҳар бир қандолат маҳсулотларини тайёрлашда ўзига хос усуллари мавжуд бўлган. Хусусан, парварданинг олма парварда, қадимий парварда каби турлари бўлиб, воҳа аҳолисининг кундалик ҳаётида кенг истеъмол қилиниб келинган. Парвардалар калла қанд ёки сарқандларни эритиб, ярим ой шаклида пиширилган. Холва тайёрлашда қандлардан калла қанд, шинни узум, тут шиннисидан, шакарнинг лавлаги, шакарқамиш ҳамда таранжабин каби хилларидан фойдаланилган. Холвани тайёрлашда унинг тайёрланиш хилига қараб данак, ёнғоқ, бодом, кунжут ишлатилган. Шунингдек, етмак илдизи сувидан фойдаланилган. Холвалардан кунжутли холва тўй ширинликларидан бўлиб, воҳада хозирга қадар ҳам қизга тўй жўнатилаётганда куёв томон хамиша кунжутли холва юборган. Унинг ўзига хос удумлари мавжуддир.

Сурхон воҳасида яшаган аҳолининг таомлари ўзига хос хусусиятлари ҳамда турли туманлиги билан ажралиб турган. Таом тайёрлашдаги урф-одат, удум, анъаналарнинг асрлар оша авлоддан-авлодларга мерос бўлиб ўтиши «миллий ўзликни англашни, таъбири жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди.»

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ ТУРМУШ АНЪАНАЛАРИ.

Ўзбек оиласининг вужудга келиши ва шаклланиши ўз тарихига эга. Октябрь тўнтаришига қадар Ўзбекистондаги маҳаллий халқнинг оилавий-никоҳ, муносабатлари ислом дини ақидаларига суянган ва тартибга солинган.

Маълумки, жамият тараққиёти давомида оилалар ижтимоий, иқтисодий сиёсий омилларга кўра шакл ва мазмун жиҳатдан турлича кўринишда бўлган. Шу боисдан уларни кичик оила, бўлинмаган оила ва катта оила каби асосий гуруҳларга ажратиш мумкин. «Кичик оила» - эр-хотин ва болалардан ташкил топади. «Бўлинмаган оила» - эр-хотин, болалар ва эр-хотиннинг оналаридан иборат бўлиб, бир рўзғорда 10-12 киши яшаган. Ёзувчи Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида бундай типдаги оила намунаси кўрсатилган: оила бошлиғи Мирзакаримбой, фарзандлари Ҳакимбойвачча, Салимбойвачча, Нури ва рўзғорнинг бошқа аъзолари бир қозондан овқат ейишган. Ўз бойлигининг бўлиниб кетмаслиги учун Мирзакаримбой оилани қаттиқ ушлаган.

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда кичик ва бўлинмаган оилалар билан бирга катта патриархал оила қолдиқлари ҳам сақланиб қолган эди. Тарихий манбаларга кўра, катта оилалар эрамиздан аввалги I минг йилликда вужудга келиб, эрамиздан аввалги VII-VIII асрларда кенг тарқалган ва эрамизнинг бошларида жуда мустаҳкамланган. Оиланинг бу шакли «Оила жамоаси», «уй жамоаси» деб аталади.

Катта оила бир отанинг уч-тўрт авлодидан иборат энг яқин қариндошлари, уларнинг хотин ва болалари, баъзан куёвлари ва оилага қабул қилинган бошқа қариндошлар ҳисобига юз ва ундан ортиқ кишилардан ташкил топган хўжалик гуруҳидир. Катта оила кўпгина халқларда, жумладан, қозоқларда «улкан уй» (катта уй), қирғизларда «чон қозон» (катта қозон), туркман-ларда «ирисиги бир» (умумий қозон), қорақалпоқларда «шанграк» (уй) деб номланган. Ўзбекларда катта оила Хоразмда «катта оила», Қашқадарё ва Сурхондарёда «бир қозон», «катта рўзғор», «катта қозон», «тўда»; «тўп» деб аталади.

Оилавий маросимлар ижтимоий ҳаёт зарурияти натижасида пайдо бўлиб, инсон ақл заковати, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий эҳтитоҳлари асосида вужудга келган. Шу жиҳатдан оилавий маросимлар узоқ давр давом этган тарихий тараққиёт маҳсулидир. Чунки, «Шарқда қадим-қадимдан оила мукқадас ватан саналаган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва осойишталикка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳуқум суради. Шунингдек, оилавий маросимлар халқимизнинг маънавий жиҳатдан баркамоллик сари етаклаб, ўзликни англашда, ёшларимизни Она-Ватанга садоқат ва меҳр-

мухаббат ҳамда аждодлар меросига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сурхон воҳаси аҳолиси қадимдан оилани муқаддас санаган, жамият тараққиёти давомида оилалар ижтимоий, иқтисодий-сиёсий омилларга кўра шакл ва мазмун жиҳатидан турли кўринишда бўлган.

Сурхон воҳасида оилаларнинг икки асосий хили фарқланади:

1. Оддий оила (кичик, алоҳида, нуклеар);
2. Мураккаб оила (бўлинмаган, кенгайган ва катта оила).

Кичик оила эр-хотин ва болалардан ташкил топади. Мураккаб оила эса эр-хотин, болалар ва эр-хотиннинг ота-оналаридан иборат бўлиб, бу рўзғорда ўн ва ўндан ортиқ киши яшаган. Катта оила эса бир отанинг уч-тўрт авлодидан иборат энг яқин қариндошлари, уларнинг хотин ва болалардан ташкил топган. Баъзан эса куёвлар ҳам катта оилага қабул қилинган. Ушбу оилалар юз ва ундан ҳам ортиқ кишини ўз ичига олиб, бундай оилалар «бир қозон», «катта рўзғор», «катта қозон», «тўда» ёки «тўп» деб аталган. Катта оилалар фанда патриархал оила ҳам деб юритилади, патриархал оилалар кўпроқ қишлоқларда ташкил топган ва оила аъзолари барча юмушларни биргаликда бажаришган. Катта оиладаги меҳнат тақсимотида оила аъзоларнинг меҳнатга лаёқати инобатга олинган, эркаклар қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик билан банд бўлса, аёллар ва болалар эса уй юмушларини бажаришган. Оиланинг барча аъзолари биргаликда меҳнат қилган, вужудга келган турли муаммолар катта ёшдаги эркакларнинг йиғини ёки маслаҳати орқали ҳал қилинган.

Оилада бола тарбиясига бобо, момо ва ота-оаналар маъсул бўлган, ота-она учун ҳамма фарзандлар ўғил ёки қиз бўлишдан қатъий назар бир хилда қадрли ҳисобланган. Аммо ўғил ва қиз бола тарбиясида маълум фарқларнинг мавжудлиги сезилади. Ўғил болаларни ҳақиқий эркак, ва оила бошлиғига хос хусусиятлар доирасида тарбиялашга, қиз болаларни эса бўлғуси уй бекалигига тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бола тарбиясида оналар асосий масъулиятни ўз зиммасига олган. Чунки оилада бола доимо она назоратида бўлган. Ўғил болалар тарбиясида уларга ҳаоллик, тўғрисўзлик, қатъийлик, собитқадамлик ва мардлик фазилатларини сингдиришга ҳаракат қилинган. Ўғил болаларни тарбиялашда кўпроқ қатъийликка, чидам ва сабрга эга бўлиш каби хислатлар тарбиясига алоҳида ўрин берилган. Қиз бола тарбияси ҳам алоҳида диққат-эътиборни талаб қилган. Шу боисдан ҳам ота қиз тарбиясига она орқали таъсир ўтказган. Қиз бола тарбиясига оналарнинг таъсири ниҳоятда катта бўлган берган. Шунинг учун ҳам халқнинг орасида «онасини кўрда қизини ол, бўзчисини кўрда бўзини ол» деган мақол шаклланган. Болаларга тарбия бериш жараёнида панд-насихат, намуна кўрсатиш, рағбатлантириш, тушунтириш ва зарур бўлганда жазолаш шаклларида фойдаланилган. Ҳар бир оила ўзининг оилавий анъаналарига таянган ҳолда ўзининг ижтимоий маиший турмушини йўлга солган.

Катта оилаларнинг машварат ва маслаҳатлари жиддий бўлиб, унда келишилган қарорга оила аъзоларининг барчаси сўзсиз бўйсунган. Катта оилалар болаларга маънавий, ахлоқий, жисмоний ва меҳнат таълимини

берадиган асосий макон саналган. Катта оилада уч, тўрт, беш баъзан ундан кўпроқ яқин қариндошлар авлоди жипслашган. Улар биргаликда хўжалик юритиб, ерга ишлов бериб, ишлаб чиқариш қурулларига ва уй ҳайвонларига умумий эгалик қилишган. Бу хил патриархал оилалар эрамиздан минг йиллар олдин шаклланган бўлиб, унинг гуллаб-яшнаган даври эрамизнинг бошларига тўғри келади. Натурал хўжаликнинг парчаланиши, товар-пул муносабатларининг кириб келиши эса аста-секинлик билан катта оилаларнинг парчаланиши ва кичик оилаларнинг шаклланишига олиб келган.

Катта оилада бир отадан тарқалган ва умумий қозондан овқат ейдиган бир неча уйланган жуфтлар жипслашган, бўлсада оиланинг мол-мулки ва даромадлари бир киши, яъни оила бошлиғининг ихтиёрида тўпланган. Одатда катта бобо ёки катта она оила бошлиғи саналган, оила бошлиғи бутун оила турмушини бошқарган, ишни тақсимлаган ва унинг бажарилишини назарот қилган, Оила аъзоларининг бирортасида алоҳида даромад манбаи бўлмаган, оила катта ҳовли, яъни қўрғонда яшаган.

Сурхон воҳаси ўзбек-қўнғиротларининг оилавий муносабатларини ўрганган Л.П.Потапов ўзбекларнинг бу гуруҳида уруғчилик тузумининг бир она ҳукмронлиги сарқитлари ва гуруҳий никоҳ қолдиқлари мавжудлигини таъкид қилади. Унинг таъкидлашича, қўнғиротлар эндагом никоҳга асосланиб оила қурган, бу эса катта оилани янада кенгайтишига сабаб бўлган. Оилаларнинг хўжалик ва иқтисодий жиҳатдан яхлитлиги ота ва ўғилларнинг умумий меҳнатида намоён бўлган, яъни моддий жиҳатдан ўғиллар отага қарам бўлган. Ер ва бошқа мол-мулклар оила бошлиғи вафотидан кейин ўғиллар орасида тақсимланган. Кўпчилик оилаларда эса ота ўлгандан кейин уйланган ака-укалардан бири унинг ўрнига оила бошлиғи қилиб сайлаб қўйилган. Оилада ота ҳукмрон бўлган, унинг иродаси, обрўси ҳал қилувчи кучга эга бўлган, бундай катта оилаларда патриархал жамоа тартиблари мустаҳкам сақланиб қолган. Оилада катта ўғиллар уйланиб болалар сони кўпайгач, ўғиллар бола-чақаси билан бошқа хўжалик тузиб ажралиб чиқа бошлаган, бу одат «қозонини бошқа қилиш» деган ном билан аталган. Ўтроқ деҳқон оилаларда бўлиниб чиқиш, ер ва сув хўжалиги умумий анъаналарига доир бир қатор муаммоларини келтириб чиқарган. Шу сабабли ҳам катта оиладан алоҳида оилаларни ажралиб чиқиши унчалик ҳам маъқулланмаган, чунки ўтроқ аҳоли орасида қавм-қариндошлар доирасида никоҳ кенг тус олган. Бундай никоҳ эса умумий мулкчилик анъаналарини бузилишига йўл қўймаган.

Катта оила тушунчаси халқ оғзаки ижодида ҳам ўз аксини топган, масалан, «бир қозондан ош ичган», «бир қошиққа талашган», «кийими бир жони бир, ҳайдаб юрган моли бир» халқ иборалари ҳам шундан далолат беради. Ўғиллар уйлангандан сўнг ўз рўзғорларига эга бўлса-да, ота-оналари билан бирга бир хонадон соҳиблари ҳисобланган. Ота томондан яқин қариндош бўлган тўрт, беш баъзан эса ундан ҳам кўп авлод катта бобо, бобо, ота, ўғиллар, неваралар, чеваралар, эваралар, дуваралар ва бундан кейингиси эса бегоналар деб аталган. Булар умумий бош бобосининг оти билан «тўда» ёки «Тўп» деб аталган, жумладан, Шеробод туманининг Хитой қишлоғи Карим тўда, Тўра тўда, Мерган тўда, Худайберган тўда, Жўра тўда ва Холиёр тўда каби

тўдалардан ташкил топган. Шу туманнинг Оққўрғон қишлоғи эса 23 та катта оиланинг бирикуви асосида шаклланган Оққўрғон қишлоғида яшовчи кўнғирот уруғининг тортувли шахобчасига мансуб Дарвиш бобонинг оиласи, яъни катта рўзғорида эллик, эллик беш киши, яъни беш авлодга мансуб ўн етти никоҳ жамланган.

Ўтмишда катта оилалар уруғ-қабила тузилмаси асосида ҳаёт кечирган, яъни қабила, уруғ, уруғ бўлинмалари «тўда» деб аталган, майда бўлинмалар эса авлод ҳисобланган. Уруғ дейилганда бир аجدоддан тарқалган умумий қариндошлик туфайли бирлашган кишилар гуруҳи тушунилган. Бир уруғга мансуб етти авлод-етти пушт деб аталган. Ҳар бир киши ўзининг етти пуштини билишга ҳаракат қилган ҳатто етти пуштини билмаган кишилар танқид остига олинган. Ҳар бир уруғ шу уруғ асосчисининг номи билан номланган. Бош бобонинг номи барча оила аъзолари учун бирлаштирувчи ном бўлиб ҳисобланган. Бир оилаларда яшаб бир ота-онадан туғилган болалар «туғишган ака-ука ёки опа-сингил» ҳисобланган, бир ота, аммо бошқа оналардан туғилганлар «отадош», бир она ва бошқа-бошқа оталардан туғилган болалар эса «энадош» ёки «эмчакдош» деб аталган. Шунингдек, турли ота-оналардан туғилиб бир онани эмган болалар эса «эмишган» деб, номланган. Болаларнинг наслини белгилашда ота томон ҳисобга олинган, ота томондан оғайинилар уруғ, она томон оғайинлар эса қариндош деб аталган. Уруғ аъзолари барча ишларни бажаришда, тўй-маъракаларни ўтказишда бир-бирларига яқиндан ёрдам берганлар, ҳар бир уруғнинг ўз оқсоқоли бўлиб, оқсоқоллар жамоат ишларига ҳамда тўй ва маъракаларга бош-қош бўлганлар.

Уруғнинг учинчи авлодигача бўлган оғайинлар яқин туғишган, ундан кейингилари эса узоқ қариндош ҳисобланган. Ҳар бир оила ва уруғнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, бу белгилар барча уруғ аъзоларига ўтган, жумладан, «уруғида бўлса, аймоғида татийди», деган ибора шу асосида келиб чиққан. Катта оилалар доирасида шаклланган қариндошлар бир-бирларини ниҳоятда қадрлашган. Масалан, битта оила, уруғ ва қабилага мансуб кишилар бир-бирларига яқинликларини жуда яхши англаган. Ҳатто бир неча авлод олдин бошқа жойларга кўчиб кетган уруғ аъзолари билан ҳам алоқа сақланиб қолган, улар бир-бирларига ёрдам беришни ўзларига бурч деб билган. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, айрим сабаблар билан ажралиб кетган бир уруғнинг қариндошлик алоқалар ўн авлоддан кейин ҳам тан олинган. Жумладан, «қариндошнинг товуши-қаронғида танимол (таниқли)» деган мақол шу асосида вужудга келган. Катта оила бўлиниб кетса ҳам, улар орасида хўжалик алоқалари (бирга уй қуриш, деҳқончилик қилиш, ўтов тикиш, гилам тўқиш, жун қирқиш) давом этган. Уруғ аъзолари тўй ва тантаналарда бир-бирларига яқиндан ёрдам беришган, уруғдошлик муносабатлари дафн маросимида ҳам яққол кўзга ташланган. Ҳар бир уруғ ўз мазорига эга бўлиб, марҳумларни қариндош-уруғлари дафн қилинган ягона мазорга дафн қилишган. «Суягини суягига қўшиш», «суягини суягидан ажратма» деб аталувчи ақидаларга амал қилинган ҳолда уруғдошлик қабристонига бегона дафн этилмаган.

Воҳада оила ва оилавий муносабатларни йўлга қўйишда никоҳ ниҳоятда муҳим роль ўйнаган. Сурхон воҳасида никоҳнинг «белқуда», «этак йиртиш»

каби шакллари бўлиб, «белкуда» удумида қалин ошна-оғайинлар хотинларининг ҳомиладорлик даврида дунёга келадиган ўғил ва қизларини бир-бирига атаб қўйганлар. Дунёга келган бу фарзандлар ўсиб-улғайгач, бир-бирлари билан турмуш қуришганлар. Этак йиртиш удумида эса янги туғилган ўғил ва қизни ота-оналарининг келишуви ва розилиги асосида чақалоқлик давридаёқ унаштирилган. Ўғил ва қизнинг чақалоқлик даврида бундай унаштиришлар «қулоқ тишлар», «этак йиртиш» «бешиқдаги унаштириш», «бешкети» деб номланган. Этак йиртиш қилинган ёшлар бир-бирларини кўриб учрашиб туришлари мумкин бўлган, йигитнинг оиласи томонидан, қиз оиласига байрам (рўза хайит, қурбон хайит)ларда ҳар хил совға-саломлар юбориб турилган.

Сурхон воҳасида никоҳнинг левират, сарорат, «қарши куда», «кич куёв», «вой-вой никоҳ» каби турлари ҳам мавжуд бўлган. Левират ва сарорат никоҳ турлари оила қуришнинг қадимий удумларидандир. Воҳада левират удумига кўра, вафот этган кишининг бева қолган хотини (воҳанинг кўпгина ҳудудларида бева аёллар есир ёки жесир деб аталган)га мархумнинг ака ёки укаларидан бири уйланган. Бундай кишилар «Жесир» эгаси деб номланган, жесир эгалари бева аёлни бегонага бермаганлар. Агарда ака-укалардан бирортаси «жесир»ига уйланмаса, қариндош уруғлар тўпланиб, жесир «жер (ер)да қолса жиянники» деб вафот этган кишининг жиянини унга мажбурлаб бўлса-да уйлантирганлар.

Воҳа аҳолиси орасида никоҳнинг сарорат одати ҳам мавжуд бўлиб, бунга кўра хотини вафот этган эр ўлган хотиннинг опаси ёки синглисига уйланган. Левират ва сарорат никоҳлари иқтисодий ва оилавий ҳаёт тақозоси туфайли ҳаётга татбиқ этилиб чуқур илдиз отган. Чунки бу никоҳ турлари меросий мол-мулкларни бўлиниб кетишига йўл қўймаган. Воҳа аҳолиси орасида «қарши куда» удуми ҳам кенг тарқалган, бу удумда икки хонадон ўзаро бир-бирлари билан қиз олиб, қиз беришган. «Қарши қудачилик» удумида воҳанинг камбағал оилалари ўзаро келишиб, иқтисодий аҳволи ва имкониятларини ҳисобга олиб, келиннинг сеп-сарпосини қилганлар, лекин бир-бирларига қалин тўлашдан воз кечишган. «Қарши куда»чилик удуми бошқа вилоятларда ҳам мавжуд бўлган, хусусан, бу удум Фарғонада водийсида «қайчи куда» деб номланган.

«Куч куёв» удумга кўра эса қалин бериб қизни олишга қурби етмаган уй-жойи йўқ, камбағал, етим йигитлар қайнатасининг уйида яшаб, қалин ҳаққига ишлаб берганлар. «Ичкуёв» тартиби бўйича эса куёв қайнотасиникида яшайди, лекин бу удум «куч куёв» удумидан фарқ қилган, яъни ўғил фарзанди йўқ хонадон эгалари қизини турмушга бераётганда куёвни қайнотасиникида яшашга кўндиришган. Йигит рози бўлганидан сўнг у қайнотасининг уйида «ич куёв» бўлиб яшаган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг оилавий турмушида «вой-вой никоҳ» удуми ҳам мавжуд бўлган, чунки қадимда қизларни мажбурлаб турмушга бериш ҳоллари ҳам учраб турган. Бундай ҳолатларнинг айримларида қизлар мулла ижоб қилаётган пайтда бўлажак қайлиғига «тан маҳрамликка» тезда розилик бермаган. Шундай вазиятда қиздан розилик сўраётганда орқа томондан бирор киши келиб билдирмасдан қизнинг бикинига қаттиқроқ бир туртади шу вақтда

қиз «вой» деб юборганда қиз рози деб, ижоб қилинган. «никоҳ»сиз ҳомила бўлиб қолган, пайтларда келин ва куёв ижоб қилинаётган пайтда куёвнинг орқасига эшакнинг тўқими боғланиб никоҳ ўқилган. Куёв бунга рози бўлмаса никоҳ ўқилмаган. Никоҳсиз туғилган болалар чирқилловуқ деб аталган никоҳсиз фарзанд кўриш қаттиқ иснод саналган. Бундай ҳолатлар ёшларни исломий ва ахлоқий қоидаларга қаттиқ бўй синишни талаб қилган. Айрим ҳолларда қиз билан йигит унаштирилгач қизни куёвнинг уйига олиб кетмасдан никоҳ ўқиб қўйишган қиз билан йигит тўйгача учрашиб туришган бундай учрашув «Қалиқ ўйини» ёки «қалиққа бориш» деб аталган баъзи пайтлар тўй бўладиган давр узоқроққа чўзилиб кетса унаштирилган қизлар тўй бўлмасдан хомиладор бўлиб қолган кўпинча улар отасиникида фарзанд кўришган бундай шароитда туғилган болларга ўғил бўлса Бобоҳон Бобомурод қиз бўлса Момоҳол каби исмлар қўйилган. Воҳада оила кишига маънавий ва маърифат берувчи илк маскан саналган.

Табиат илоҳий мўъжизаларга ниҳоятда бой, унинг сир-саноатларини билишга қанчалик инсон интиломасин, у шунчалик янада чексиз сирларни намоён этади. Табиат яратган улўғ мўъжизалар ичида энг буюғи, чексиз меҳр-саховатга эга, доимо эзгулик, яхшилик, яратиш, улғайиш, мукамаллик тимсоли рамзи-Онадир. Чунки унга тенг келадиган, ундай камтарин, саховатли, бағрикенглик, кечиримлилик, гўзаллик, қатъийлик, сахийлик, илтижо қилувчи бошқа куч йўқдир. Она-борлик тимсоли, ҳатто унинг ғзаби ҳам ёқимли, аччиқ сўзлари ҳам гўёки асалдек фарзанд қалбига сингиб кетади. Ҳаттоки, ғзаби келганда фарзандини койиса, ёки урса боламнинг қалби оғринмадими, танаси лат емадими, деб юрак-юракдан хўрсинади. Инсоният Оллоҳ томонидан яратилгандан буён Онага, унинг қалбида жойлашган Ватанга талпинади. Она тупроқ Ватанми?-деб сўрашса, жон бераётган мусофир кўксига неча йиллар давомида яшириниб юрган дил тўтиёси-бир ҳовуч тупроқни боши остига қўйишни васият қилади. Зеро, ўша тупроқда Она уни дунёга келтирган, тарбиялаган, Она руҳи, сути, алласи, оч қолганда қорнини тўйдирган, танасини иситиб, кийим кийдирган, меҳр, инсонлик қадр-қиммати, соғиниши шаклланган.

Ватан дегани-бу она тили:

Ватан дегани-бу миллат:

Ватан дегани-она тупроқ:

Ватан дегани-дилбанд ва қариндош инсон

Онани севган, ҳурмат қилган, унинг қалбини тушунган, доимо унга хизмат қилган инсонлар у дунё, бу дунё ҳузур-халоватда яшайдилар. Чунки Оллоҳ Таоло Она ҳақида: «Онаси инсонни заиф холида, заиф қорнида кўтаради», дейди. Она фарзандини не машаққатлар ва қийноқлар билан дунёга келтиради. Фарзанд она қорнида ривожланиш жараёнида она заифлашади. Бу кучсизлик ва оғриқлар бола туғилгунга қадар ортиб боради. Фарзанд дунёга келгандан кейин ҳам она меҳрини бериб, фарзандини тарбиялайди, фарзандни эмизади. Турли касалликлардан ҳимоя қилади. Шунинг учун ҳам инсон зоти Онага қанчалик яхшилик қилмасин, одоб-

ахлоқ намунасини кўрсатмасини, қалбидаги жами ижобий хислатларни ҳада этмасин, уни бир дақиқалик хизматига тенг келмайди.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларига бир ўспирин келиб:

- Эй Расулуллоҳ (с.а.в.) мен кекса онамни елкамда олиб юраман, ҳаққини адо эта олдимми:-дея сўради

Расуллуллоҳ (с.а.в.):

- Йўқ, у сени елкасида улғайсин, деб олиб юрди, сен эса уни қачон ўларкан, дея ўйлаб олиб юрибсан,-дебдилар.

Ушбу фикр ҳар бир инсонни чуқур мулоҳазага тортади, у қалби ила Онага бўлган Ҳурматини, пок тутишини, Она хизматида бўлишга чорлайди. Ота-онаси рози бўлган фарзанддан Оллоҳ ҳам рози бўлади. Ота-Она кечирмаган фарзандни Оллоҳ ғазабига олади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида шундай дедилар:

«Жаннат оналар оёғи остидадир». Бу ҳадиснинг маъжозий маъноси. Пайғамбаримиз маънони умматга рамзли, қисқа, бадий ва гўзал бир тарзда етказмоқдаларки, ақли бор одам буни англайди.

Оёқдан мурод-Онанинг розилиги, жаннатдан мурод-Оллоҳ розилигидир.

Бошқачароқ айтганда, «Онанинг розилигини олсанг, Оллоҳнинг ризолиги (жаннат)га етган бўласан!». Она шахсини чуқур ўрганган аллома-уламолар шундай хулоса бердилар. Фарзандларингиз шўхлик, қайсарлик қилса, гапга кирмаса, уларни зинҳор қарғаманг, чунки у ёмон дуолар, ниятлар, қарғишлар бирдан ижобатга ўтиб қолиши мумкин. ҳадеб қарғайверганингиздан кейин фаришталар «Омийн» деб юборишлари мумкин. Шу туфайли Она ҳеч қачон ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Бу ҳақда Куръонда махсус икки оят бор:

«Оллоҳ ёмонликни сўз билан ошқора айтишликни суймайди. Зулм қилинган киши бундан мустасно. Оллоҳ эшитувчи ва билгувчидир». Оллоҳ ушбу ваҳийни Она қалбига жойлаган, ундан фарзандларига ўтиб, ушбу буюк донишмандлик даврлар ўтиб яшаб келмоқда. Она билан дилдан суҳбат қуриш, ундан хабар олиш, бахтли-саодатли онларни баҳам кўриш, қайғу-ташвишларни сирлашиш, байрам, эътиборли ҳамда туғилган кунларида унинг ёнида бўлиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Онанинг фарзандга нисбатан улуғ ва муқаддас эканлиги пайғамбаримизнинг бир қанча ҳадисларида ўз ифодасини топган:

Онанинг бир қўли бешикни, иккинчи қўли дунёни тебратади.

Онанинг дили оғриси, ер ҳам титрайди.

Меҳр қалб нуридан тараладиган бебаҳо бир зиёки, уни ўлчаш мумкин эмас. Бу инсон юрагидаги илоҳий нур бўлиб, танга қувват, руҳга роҳат, одам ҳаётига бир умр фароғат бағишлайди. Ушбу калом «Ватан» сўзи бўлиб, унга «Она» сўзи ёнма-ён туриб, энг суюкли зот номи билан «Она-Ватан» деб ардоқланади. Шу туфайли табиат инсон учун зарур шарт-шароитларни яратиб, уни яшаши, авлод қолдириши, келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, ақл-идрок тасаввурини кенгайтиришга имконият яратувчилик куч-қудратига қоил қолиб, уни бебаҳо зот Онага тенглаштиради. Унинг бебаҳо бойликларини сақлаш, ҳимоя қилиш, асраш, бепоён даштликларни, саҳроларни ўзлаштириб, боғу-бўстонга айланттиришга интилади. Бу инсонга ақл-заковат Она сути, меҳри,

унинг иссиқ тафти, юмшоқ қалби, бебаҳо, беқиёс оиласи, бутун фидоий жонни фидо этиши оркали ўтади. Чунки Она яратувчи, асрагувчи, тарбиялаб покиза этувчи, ёш мурғак қалбига энг чиройли ақлни, фаросатни илк бор сингдирувчи илохий кучдир. Она қалби-дили, тили билан бирдир. Фарзандга эҳтиёт бўлишни, меҳрли, одобли насиҳатларга амал қилишга, соғлом, жисмоний бақувват бўлишни, Она дил меҳри билан сингдиради. Дунёга келган гўдак дастлаб Она билан сирлашади, нозик қўллари, бармоқлари ила уни ҳис этиб, тил билан эмас, дил билан ўз фикрини Онага тушунтиришга ҳаракат қила бошлайди. Бундан кучлироқ эҳтирос, хаяжон, ишонч, шараф, поклик, ҳурмат бўлмаса керак. Она бўлишдек шарафдан кучлироқ дунёда ҳурмат бўлмаса керак. Шу туфайли Онага ҳурмат беқиёс ва бетакрордир. Унинг поки қадамлари олдида ҳар қандай инсон зоти қарздор ва эътиборига муҳтождир. Табиатни асровчи, эҳтиёт қилувчи, уни ҳар қандай офатлардан сақловчи, бунинг учун курашувчи инсон бу садоқатни Она тимсоли ва ибратидан олгандир. Шунинг учун бўлса керакки бу муқаддас калом Она номини илоҳи қудрат ҳақ, пайғамбарлар, анбиё-алломалар, шоиру-ёзувилар буюк мутафаккирлар ўз асарларида беқиёс таърифлайди. Буюк китоб ҳақ таолонинг қудрати билан яратилган Қуръони Каримнинг 17-сура, 23-24 оятларида оналарини умр бўйи иззат-ҳурмат қилиш барча мусулмонлар зиммасига юклатилган. Ота-онанинг меҳр муҳаббатига сазовор бўлиш, уларнинг Ҳурматини жойига қўйиш, фарзандлик бурчини адо этиш, иззат-икром кўрсатиш ҳар имонли инсонга хос олий садоқатдир. Машхур аллома Мавлоно Румий бу хусусда тўхталиб «ҳар бир зот онасига мурувват кўрсатиб, эҳтиромли бўлиши зарур, зеро она Худонинг марҳаматидан баҳрадордир» деб ёзган эдилар. Улкан олиму-уламолар оналар ҳаётига, бола туғилгач, камида етти йил давомида ичкарида бўлиб, оналар ва амма-холалар қарамоғида тарбияланганлиги, одоб-ахлоқ, ҳунар-қасбни ўрганиб, тикиш-бичиш ишларига эътибор бера бошлаганлигини қайд этганлар. Табиат Онага беқиёс куч-қудрат, ақл-заковат, бетакрор ҳусн-жамол, ҳаё, иффат-ибрат, намуна ато этганлигини сезган ҳиммати улуғ инсонлар одамларга ибрат учун Она ҳурматини улуғловчи ривоятли тарбия мактабларни яратишган.

Комил ва художўй инсонлар дардманд оналарини кўтариб, ҳаж ибодатига, Маккага олиб борганлар. Ақл-заковат туфайли амалга оширилган эҳсон туфайли кўр бўлиб қолган оналарнинг кўзлари очилиб кетиб, бемор бедаво касалликлардан фориғ бўлган. Ҳаж ибодатини амалга оширган покиза Ҳожи оналарнинг дуолари туфайли бедарак кетган фарзандлари соғ-саломат уйларига қайтишган, иқтисодий қийинчиликлар бартараф этилиб, фарзандсиз ота-оналарга фарзанд ато этилиб, ўзаро низо-жанжалларга чек қўйилган. Подшо, вазир, олим, алломалар, қасбни мукамал билган инсонларни оналари файзли, тарбияли, саводли, тадбиркор аёллар бўлганлар. Машхур сўфий Мажиддин Бағдодийнинг (1209 йилда вафот этган) онаси жуда кучли табиб бўлиб, кўзга суриладиган малҳамлар ва шунга ўхшаш бошқа дори-дармонлар тайёрлаган.

Қодирия тариқати асосчиси Абдул Қодир ал-Жилонийнинг (1166 йилда Боғдод шаҳрида вафот этган) холаси назаркарда аёл бўлиб, ёмғир сўраб дуони

ўқиб, ерни супурар ва кўкка қараб: «Худойим, мана мен ерни супуриб қўйдим. Энди ўзинг унга оби раҳматингдан ёғдир»-деса ёмғир куйиб юбораркан.

Она меҳри муҳаббати, инсоний дарахти яратувчи куч, фарзандга мардлик, эпчиллик, сихат-саломатлик баҳшида этувчи дилбанд нурафшон кучига эҳтиром наср ёзган форс шоири Ирож Мирзо онасига бағишлаб қўйидаги мисраларни ёзиб худого беқиёс раҳматлар айтган эди:

Дерларки: туғилган чоғимда онам,
Меҳрини кўксидан сут қилиб берган.
Узун тун ухламай, бешик тебратиб,
Сал кўзи илинса тушида кўрган.
Жилмайиб, оғзини оғзимга қўйиб,
Таълим берган экан оғиз очишдан.
Оёкка турғизиб, эркалаб суйиб,
Юриш санъатини ўргатган обдон.

Мавлоно Румий табиатдаги борлиқни, меҳр-мурувватни онага қиёслаб

«Айтинг, кимнинг эмгиси келмас
Мурувватнинг кўкрагидан сут».

Меҳр ва мурувват туфайли камолга етган болаларни тарбиялашга бутун умрни сарф этишга бағишлаган оналар ҳақида ҳазрат Румийнинг девонида куйидаги фикр «Пайғамбарларнинг ғазаби онанинг аччиқланишига ўхшайди. Бу аччиқланиш болажон кишилардаги норасида гўдакларга нисбатан бўладиган алоҳида бир туйғуси билан қоришиқдир». Оналар баъзан фарзандларини урсалар ҳам шундоқ ургиси келгани учун ёки уриб ҳузур қилиш учун эмас, балки уни ёмон йўлдан қайтариш, тўғри йўлни топиб олишида кўмаклашиш учун уради.

Мавлоно Румий айтганларидек, «Бу дунёда ҳамма нарса онадир, аммо улар бир-бирларининг дардларидан беҳабардир». Бу билан табиатдаги оддий заррачалардан тортиб, энг ақл заковатли инсонгача барча яратилмишларни онага менгзаш мумкин. Ризоуддин Ибн Фахруддиннинг «Тарбияли хотун» рисоласида «тарбияли хотунлар хулқсизлик этиб, эрларининг сочусоқолларини эрта оқартиришдан, эркалаган вақтларида қарши сўзлар сўзламоқдан ва муродиға хилофлик этмакдан бор тоқатлари ила сақланурлар. Бир эр нақадар ахлоқсизу, жаҳлдор бўлса ҳам хотуни тарбияли бўлса, ўз вазифасига риоя этиб, эрининг хотирини хушлантира олур. Тиришуви ва эътиқоди сабабли эри ила гўзал кун ўтказмоққа муваффақ бўлур», деб алоҳида мукаммал баҳо берган эди.

Жаҳон мумтоз адабиёти ҳамда форс-турк адабиётида бутун борлиқни ишқий шеърлар орқали гўзаллик рамзини аёлнинг кўрку жамолига, хушбўй атирлар анқиб турган қадди камолига бағишлаб тасвирлаши туфайли мукаммал асарлар яратилганлигини биламиз. Айниқса форс-турк адабий шеърятда гўзалликни ўн турт кунлик ойга ўхшатиб, маҳбубани бутун ички-ташқи борлигини кофия йўналишда нафс, дид ва туйғу билан ифодалайди. Шоху-гадолар, паҳловону-қўрқоқлар ҳам ишқий муҳаббат олдида тиз чўкиб ёлворганлигини ҳаёт чексиз мисоллар билан исботлайди. Аёл қудрати, унинг ҳусни-жамоли бутун борлиқни яшнатиб, таракқиётни жадал ривожлантириб,

сиёсий ҳукмронликни мустаҳкамлаб улкан шаҳарлар ривожига асос солиш билан бирга унинг аксини ҳам амалга оширган. Турон заминда аждодлар ва авлодлар афсонасига айланган, босқинчи Куруш ўлимига мардоновор сабабчи бўлган Томир хотун (Тумарис) истеъдоди, давлатни бошқариш санъати ҳар қандай уддаброн эркакни кўлидан келмаган Томир хотун мардоновор жўшқинлиги туфайли Ватанни аср тушган ўғлига алмаштирмайди. Қонхўр, ҳийлакор Курушга аёллик-оналик ғурури билан жавоб қайтариб, «Эй қонга ташна Куруш, бўлиб ўтган воқеадан кеккайиб ўтирма... Сени қон билан тўйдираман». Тарихчи Ҳеротнинг ёзишича, Томир Хотун ва Куруш ўртасида юз берган бу тўқнашув «халқлар ўртасида бунданда шавқатсизроқ жанг содир бўлмаган бўлса керак». Мағрур ғолиб бўлган Томур Хотун мурдалар орасидан Курушнинг жасадини топиб, калласини қон тўла мешга солиб, «Ўғлимни ҳийла-найранг билан қўлга олиб, қалбимга найза санчдинг. Мен эса сени жангда енгдим ва мен тирикман. Энди эса онт ичганимдек, сени қонга тўйдирмоқчиман». Ушбу тарихий воқеа ўзбек оналари ва аёлларининг энг қадимги замонларда ҳам Ватан мустақиллиги, миллат озодлиги йўлида кўрсатган фидокорлигидан бир намунадир. Ватан озодлиги, юрт ободлиги, фарзандларни тинч-осойишта ўсиши учун Оналар буюк салтанатларни бошқариб, юрт шаҳзодаларни ўқтам, қўрқмас қилиб турбиялаганлар. Она-аёл ибрати беакму-кўст ибрат мактабига айланиб, юртни босқинчилардан асрашдек улуғ курашга раҳномолик қилганлар.

Тарихчи-Аҳмад Абу Яъқуб (X аср) «Тарихчи Яъқубий» асаридаги маълумотларида Бухорони «Хотун» исми малика бошқариб турганлиги қайд этилади. Бу малика Бухоронинг ҳокими Қабаж хотун бўлиб, ўзининг донолиги билан халқ ичига танилган. Қабаж хотун ҳар куни отга миниб Бухоро аркидан ташқаридаги Регистон дарвозаси яқинида махсус тайёрланган жойдаги тахтга чиқиб ўтирган. Шу ерда Қабаж хотун давлат ишларини бошқариб, халқнинг арз-додини тингалаган. Натижада оддий фуқоролар ундан мамнун бўлишган.

Қабаж хотун юрт мустақиллигини сақлаш учун бутун вужуди билан киришиб, Убайдулла бин Зиёд раҳбарлигидаги араб босқинчиларига қарши мардоновор кураш олиб борди. Тадбиркорлик билан ном чиқарган малика юртни сақлаб қолиш учун горювга сўралганлар сирасига Бухоро тахтини ундан тортиб олиш ниятида юрган маҳаллий ҳарбийларнинг бир гуруҳини ҳам киритиб юборган экан. Бу билан у ўзаро низо-жанжалларни келтириб чиқараётган, юртни халқни хонавайрон қилётган ватанфурушларга жазо берган эди. Дунё салтанати тарихида буюк из қолдирган Темурийлар ҳукмронлиги Амир Темур сиёсатининг мукамал мустаҳкамлаш ва ривожланишида Темурий маликаларининг ўрни ҳамда мартабаси чексиз таҳсинга сазовордир.

Темурий маликалар орасидан шавқатли ҳукмдорлар оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, сухандон шоирлар ва зукко санъатшунослар етишиб чиқдилар. Ана шундай лутфий саховотга эга бўлган Сароймулхоним буюк салтанат эгаси Амир Темурнинг жуфти-ҳалоли, давлат ва жамият ишларида арбоблик даражасига юксалган, ҳар қандай эркак сиёсатчи ҳавас қилса арзигудай доно ва тадбиркор гўзал аёл бўлган. Аслзода оиласида туғилган Қозоқ султони қизи Сароймулхоним ўз замонасининг гўзал, ҳусни-

жамоли бекиёс, зукко, доно аёли бўлиб, сиёсий курашлар, тахт учун олиб борилган тўкнашувлар гирдобида ўсиб, юрт тинчлиги, ободлиги, халқнинг осойишта, фаровон яшашига бутун куч-ғайратини бағишлаган аёл эди. Сароймулкхоним энг аввало, давлат, мамлакат, сулола ишларида, ташқи сиёсатда катта ўрин эгаллаш билан бирга, соҳибқирон шаҳзодаларнинг тарбиясига алоҳида эътибор берган. Шу туфайли Амир Темур Сароймулкхонимни ниҳоятда ҳурмат қилиб, самимий ишонч, суяниш ва меҳр устиворлиги унга нисбатан кучли эҳтирос уйғотган. Ана шу ишонч натижасида Соҳибқирон Сароймулкхонимни бош малика ҳуқуқини бериб, хориж давлатлари вакиллари билан ҳам бемалол мулоқот бўла олиш қобилиятини ва ҳуқуқини ихтиёр қилган. Испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихо Сароймулкхонимга қўйидагича таъриф берган эди: «Сароймулкхоним зарбоп, узун, этаклари кенгайиб бориб ерни ўпадиган енгсиз қизил ипак кўйлақда эди. Унинг этагини ўн беш нафар аёл кўтариб келарди. Ёғупа билан пардозланган юзи қоғоздек оппоқ эди». Аёллик дид ва ҳис-туйғуси мужассам этилган бу довурак, жасур, мағрур зот юртимиз мустақиллиги, ободлиги, маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аёл сиймосини, ибрат мактабини яратди. Турон юрти қалбида мард, жуссаси тўлиқ, меҳри очик, танти бекиёс ҳурмат, чексиз оналик муруватига эга бўлган аёллар ҳар гўшада, ҳар бир одоб-ахлоқ хонадон эгаси бўлган соҳибалар ниҳоятда кўпдир. Шунинг учун бўлса керак аёл сиёмосида зоҳир бўлган илоҳий сифатлар мавжуд. Ҳақиқат шуки Аёл киши эркакнинг қалбини бутунлай жиловлаб олиши, эркакни ўзига бахшида эттира олиши ва тиз чўкишга мажбур этиши мумкин. Бу ҳақда мавлоно Жалолиддин Румий куйидаги фикрни айтган эди:

Аёл Аллоҳ нури, оддий жанонмас,

Яратур, яралган ошуфта жонмас.

Сурхон воҳаси аҳолисининг оилавий маросимлари мамлакатимизнинг бошқа худудларида истиқомат қилувчи аҳолиларнинг оилавий маросимлари билан умумийлик томонлари бўлсада, урф-одат ва удумларга бойлиги ҳамда расм-русумларнинг анъанавийлиги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Анъана ва урф-одатга кўра, аҳолининг оилавий маросими яъни, тўй-тантаналари қолаверса, қайғули воқеалари аҳолининг барча аъзолари фаол иштирокида ташкил этилиб, улар билан биргаликда ўтказилиб келинган.

Сурхон воҳасида анъанавий тўйларни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор урф-одатлар ва маросимлар бўлиб, улар фарзанд туғилиш тўйи, бешик тўйи, суннат тўйи, пайғамбар ёши (мавлуд) тўйи кабилардир. Шунингдек, аҳоли ҳаётида бўладиган дафн этиш ва ундан кейин ўтказиладиган маросим ва расм-русумлар ҳам мавжуддир.

Сурхон воҳаси аҳолисининг оилавий маросимларидан бири фарзанд туғилиш тўйидир. Ўзбек халқи қадимдан болажон халқдир. Шу боисдан «Қирқта бўлса қилиғи, ўнта бўлса ўрни бошқа», «Болали уй бозор, боласиз уй мозор», «Ит бўл, қуш бўл, кўп бўл» деган мақоллар тўкилиб, халқ орасида айтиб келинган. Чунки, «Туркий халқлар хоҳ турғун, хоҳ кўчманчи, ярим кўчманчи, ярим ўтроқ бўлсин фарзандларининг кўпайишидан манфаатдор

бўлганлар. Болажон ўзбек халқи серфарзанд бўлишни оила барқарорлигини гарови деб билган.

Шеробод тумани Хитой қишлоғида алла айтаётган аёл

Оилада фарзанд қанчалик кўп бўлса оила шунча мустаҳкам бўлишига, оила манфаатини ҳимоя қилишига қодир эканлигига қаттиқ ишонч ҳосил қилинган. Оиланинг катта-кичик бўлиши хўжалик фаолиятига ҳам керак эди. Чорваси кўп кўчманчи, ярим кўчманчи оилаларда киши сони қанча кўп бўлса, чорва маҳсулоти унумли бўлиши мумкин эди. Ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келаганлар. Демак, буларнинг хўжаликда ҳам оилани серфарзанд бўлиши ўта зарур эди. Оилада фарзанд дунёга келиши катта шодёна бўлган. Қадимдан ҳар бир оила катта фарзанди ўғил бўлишни орзу қилиб яшаган. Бу ҳақда XIX асрда Марказий Осиёга саёҳат қилган элшунос А.П.Хорошхин тўхталиб шундай дейди; «Бола туғилганини эшитган кўни-кўшнилар табриклар келмоқ учун ўша оилага ошиқадилар. Агар ўғил туғилган бўлса, бамисоли тўй бўлиб кетади. Ўғил кўрган ота «туғулук» сўраб келганларни қўй, ҳатто мол сўйиб, палов дамлаб, дастурхонга ширинликларни тўкиб солиб меҳмон қилади.»

Сурхон воҳасида фарзанд туғилганда «ақиқа» қилинар экан. Ақиқа бу мусулмон киши фарзанд кўрганда ўтказиладиган маросимлардан биридир. Ақиқа тўйга агар ўғил фарзанд кўрган бўлса иккита қўй, қиз фарзанд кўрган бўлса битта қўй сўйиб зиёфат берилган.

Рақамларнинг магия қудратига ишониш анъанаси инсониятнинг узок ўтмиши билан боғланиб, чилла ёки 40 рақами билан боғлиқ удумий дунёқарашнинг этнологик аҳамияти беқиёсдир. Ўзбек халқининг қадриятлари таркибида чилла билан боғлиқ удум қолдиқлари ижтимоий, оила ва никоҳ шунингдек хўжалик ҳаёти билан боғлиқ анъаналарда намоён бўлади.

Зиё Кўкалп фикрига кўра “Инсонлар қуйида уч холда қирқли бўладилар;

1. Бир чақалоқ дунёга келган замон, бола билан бирга отаси ва онаси қирқли бўладилар.

2. Биров уйланса, келин ҳам, куёв ҳам қирқли бўладилар.

3. Биров ўлган замон у билан бир уйда яшаган бутун яқинлари қирқли бўладилар”³.

Чилла анъаналарини ижтимоий турмушдаги ўрнини таҳлил қилар экан, М.Жўраев: “ Бу магия удумга асос бўлган “қирқ” сони апокретик, яъни ёвуз рухларни қувлаш, ҳимоя қилиш вазифасини бажаради”⁴, - дейди.

Оилада фарзанднинг дунёга келиши билан боғлиқ анъанавий чилла удумлари А.Л.Троицкая, Х.Исмоилов ва Маҳмуд Саттор каби тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилинган⁵. Никоҳ тўйлари муносабати билан келин ва куёвнинг

³ Зиё Кўкали. Туркчилик асослари. Қаранг: Ўзбегим. “Ватан” серияси. Т., “Шарқ”, 1992. 36 бет.

⁴ Жўраев М. “Сехрли рақамлар сирин”. Т., “Ўзбекистон”, 1991, 28 бет.

⁵ Троицкая А.Л. Первые сорок дней ребёнка (чилля) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда. Сб. “В.В.Бартольд”.-Т., 1927, с.349-361

қирқлик бўлиши билан боғлиқ маросимлар Х.Исмоилов, О.Бўриев, И.Шоймардонов, Қ.Насриддинов каби этнологлар томонидан ўрганилган⁶. Оилада бирон кишининг вафоти билан оила аъзоларининг чиллалик бўлиши Қ.Насриддинов, М.Орифжонов тадқиқотларида ўз аксини топган⁷. Лекин ўзбек халқининг хўжалик ҳаёти билан боғлиқ қирқлик анъаналарининг келиб чиқиши моҳияти ва аҳамияти этнологик нуқтаи назардан очиқ берилмаган.

“Маданият инсоннинг табиий муҳитга мосланиши ва мулоқотининг асосий механизми...”⁸ кўринишида намоён бўлади. Ўз тараққиётида руҳият ва табиат таасуротларидан қутилиш борасида инсоният ҳаётини бир қанча анъана-маросимлар билан боғлади. Теримчилик билан кун кечирган илк ибтидоий кишиларнинг палеолит давридаёқ ой фаолияти асосида вақт ҳисобини юритганликлари⁹, ой билан бирга энг ёруғ юлдуз туркумлари Катта айиқ ва Хулкарни кузатишганлари¹⁰ коинот сирларини ва табиатни оддий қонуниятларини ўрганиб борганликлари исботдир.

Инсоният тинимсиз хўжалик фаолияти давомида жонли ва жонсиз табиатни: ой, куёш, юлдузларни, атмосфера ҳодисаларини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини кузатиб боришлари натижасида вақт – йил, ой, ҳафта ва кун ҳисобини юритишга одатланганлар. Илк деҳқончилик асосчиларининг табиат ҳодисаларини ардоқлашлари, бевосита Куёш фаолиятини ўрганишлари туфайли, хўжалик йили, йил фасллари билан боғлиқ, табиат билан муносабатда вужудга келган қадриятлар тизими қарор топди. Баҳорги, кузги тенгкунликлар тантанаси Наврўз ва Меҳржон сайиллари деб очаси учун асос бўлса, ёзнинг узун куни (22 июн) ва қишнинг энг қисқа куни (22 декабр) йилда икки бор удумий чилла ҳисоби анъаналарига асос бўлади. Куёш, иссиқлик инсоният ҳаётида муҳим рол ўйнаб, деҳқончиликда ҳосилдорликнинг асосий омили эканлигини қадимий аجدодларимиз англай олишган. Илк деҳқончилик маданияти кашшофлари фақат куёшнинг хўжалик фаолиятида тутган ўрнига доир билимлари билан тўхталиб қолмасдан, куёш системасидаги кечанинги ёритқичлари бўлмиш юлдузлар тўғрисидаги билимларини ҳам кенгайтириб боришган. Ижтимоий, иқтисодий, хўжалик фаолиятларида юлдузларнинг тутган ўрни ҳам аҳамият касб эта бошлади.

Коинот саҳнасидаги юлдузлар тўғрисидаги билимлар қадимги шарқ халқларининг маънавияти, анъанавий удумлари мажмуи муштараклигидан

Тошбоева Т., Сабуров М. Ўзбек оиласи турмушидаги анъанавийлик ва замонавийлик. Т., “Ўзбекистон” 1989.

⁶ Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. Т., “Ўзбекистон”, 1992. 28-30 б.; Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т.: “Фан”, 1993. 6-б.; Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Т., “Фан”, 1995

⁷ Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. Т., “Фан”, 1996; Орифжонов М. Урф-одатларим қанотларимми ёки қишларимми? Т., “Фан”, 1991. 6-9, 13-16 бетлар.

⁸ Ашуров А.С., Исаев А.Ш. Этнос ва экологик омиллар. Қаранг: Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (Халқаро илмий амалий анжуман материаллар) 1-қисм. Т., 2005. 19-бет.

⁹ Джураев А.А., Қосимов Р.В. Феномен вақти у древних народов. Қаранг: Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (Халқаро илмий – амалий анжуманлар материаллари) 1-қисм. Т., 2005. 40-б.

¹⁰ Ўша жойда. 41-б.

далолат беради. Юлдуз туркумларининг ҳар қирқ кунда алмашилиб туриши, қуёш фаолияти асосидаги чилла аналарини янада мустаҳкамлайди.

Қирқлик удумлари, фикримизча, қуёш фаолияти ва юлдуз туркумларини кузатиш асосида агрометеорологик календар тизимида қарор топган. Шунингдек, нужум илми ибтидоий эътиқодий қарашлар мифологияси асосини ташкил этади. Астрономик кузатувларга кўра Зардуштийларда “ибодатлар қайси вақтда, қайси фаслда қандай бажариш кераклиги ҳақида жуда қаттиқ тартиб қоидалар бўлган”¹¹. Уларда Наврўз, муқаддас ичимлик ҳаомага ҳурмат, тозаланиш одати, намоз, рўза ва бошқалар зороастризмнинг муҳим диний одатлари саналган¹². Зардуштийлик анъаналари мажмуида чилла удумлари муҳим аҳамият касб этиб, марҳум чиққан уйда қирқ кунгача олов ёниб турган¹³ ёки фарзанди дунёга келган аёллар 40 кун давомида покланишган, уларга осмонни, ерни кўриш ман этилган, уй юмушларини бажаришмаган¹⁴.

Ўзбек халқининг анъанавий моддий маданиятини ўрганганда, меъморчилик, тўқимачилик тасвирларида коинот жисмларининг улуғланганлигини кўришимиз мумкин... Бухоронинг сўнгги ҳукмдори амир Саййид Олимхон даврида қурилган ёзги саройига “Ситора-и-Моҳи хосса” номи берилган. Туркий аждодларимизнинг давлат байроқларида само жинслари акс этиб, ўзига хос маъно кашф этилган.

Чақалоқ туғилган даврдан бошлабоқ чилла хисобланган. Чилла-қирқ кунлик муддат бўлиб, бунда чақалоқ ва онасини ёвуз руҳлардан асраш мақсадида қирқ кун ичида маълум урф-одат ҳамда ирим-сиримларга қатъий риоя қилинган. Хусусан, чиллали аёл ва бола қирқ кун ёлғиз қолдирилмаган. Чиллали хонадонга, асосан бола ва онаси турган хонага «чилла тушади» деб, хом гўшт олиб кирилмаган. Шунингдек, агар жанозадан келган оила аъзолари бўлса ёки бегона кишилар ҳам тўғридан-тўғри киритилмаган. Чиллали уйдан кечқурун ҳеч ким ташқарига чиқарилмаган, агарда оила аъзоларидан бирор киши кўчадан бемаҳал қайтса, ўзининг бирор устки кийимини ташқарига қолдириб, кейин кириши мумкин бўлган. Чиллали уйга боласи бўйидан тушиб қоладиган ёки боласи турмайдиган аёллар ирим қилиниб киритилмаган. Болага кўз тегмасин деб, «кўзмунчоқ» тақиб кўйилган. Сурхон воҳасининг Шалдиروق, Ободон қишлоқларида чақалоқ ёшига етмасдан, кетма-кет вафот этаверса, чақалоқ туғилгандан илк бор чақалоқни эмизишдан олдин умри узоқ бўлсин, итдек кўпайиб юрсин, келадиган ёмонликлар итга борсин, ҳар қандай бало қазодан узоқ бўлсин деб ит сүтидан чақалоқ оғзига бир-икки томчи томизганлар.

Бола туғилгандан кейин агар ўғил бўлса тўққиз ўн ёки ўн бир кун ўтгандан сўнг бешикка белаганлар ҳамда орадан йигирма бир кун, асосан қирқ кун яъни чилладан кейин бешик тўй қилиб берганлар. Тўнғич фарзанд қиз бола

¹¹ Эсонов М. Ўзбек халқи турмуш тарзида зардуштийлик дини билан боғлиқ урф-одатларнинг археологик материаллар ва ҳозирги маънавий ҳаётда акс этиши. Қаранг: Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар. Т., “Фан” 2007, 72 бет.

¹² Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. Т., “Фан” 2001.

¹³ Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране. (Историко этнографический очерк). М., «Наука» 1982. с 26.

¹⁴ Ўша манба. С.28.

бўлса, бу оиланинг етти пушти маъмур бўлади, деб етти кундан кейин бешик тўй ўтказганлар. Бу бола туғилгандан кейин ўтказиладиган муҳим тадбирлардан биридир. Бешик тўйи ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, оиланинг иқтисодий бақувватлигига боғлиқ бўлган. Ҳар бир оила ўзининг иқтисодий қувватидан келиб чиқиб кўй, эчки сўйиб кўни-кўшни, қариндош-уруғ, қолаверса дўст биродарларни чақириб тўй қилиб берган. Бешик тўйига келиннинг онаси бешик анжомларини яъни «қўлбоғ», «тахпўш», «қавус» бешик устига «гаврапўш», «ёпуғ» тайёрлаб келган. Болани бешикка белашдан аввал бешик «халос»ланади ва исирик тутатилади. Болани бешикка бола-чақаси кўп бўлган, ёши улуғ бир никоҳли момоси солган. Болани бешикка солишда «Бисмиллоху раҳмону раҳим» деб бошлаб, шу вақтда «кучук жонлари кетинлар, эга жониси келди» деб зинёнкашлардан тозалаб, сўнг болани бешикка беради. Бешикнинг бош томонига ёстиқ тагига нон, тош, ойна, пичоқ кўядилар. Чунки, нон болани ҳар қандай бало қазодан омон сақлайди ҳамда инсонинг ризқ-рўзи манбаи; тош эса боланинг боши тошдан бўлсин, ёвуз руҳлардан сақлансин; ойна эса инс-жинслар бешик атрофига келиб болага зиён етказмоқчи бўлганларида бешик бошига қўйилган ойнада ўзларининг аксини кўриб кўрқиб кетишади ва чақалоққа зиён етказмасдан жўнаб қолар эмиш; пичоқ эса инс жинслар, ёвуз кучларни яқинлашмасин деган ниятда қўйилган. Ёши улуғ намозхон киши, айрим холларда қишлоқ муллеси боланинг қулоғига азон ва исмини айтади. Бешик устига дастурхондек улуғ бўлсин деб дастурхон ёпилган. Давлатманд, ризқ-рўзли, кўнгли оқ бўлсин деб танга ва турли хил мева чевалар сочишган. Бу маросимни кўпни кўрган аёллар ёш онага болага қараш, чўмилтириш, қолаверса алла айтишни ўргатганлар. Бола асосан уч кунлик бўлганда чўмилтирган. Чўмилтиришда ўғил бола бўлса, шўр сувга давлатманд бўлсин деб, гўшт, танга солинган. Қиз болага эса бахтли бўлсин деб узук солинганлар.

Чақалоқнинг чилласи чиққанда яъни боланинг туғилган кунига қирқ кун тўлганда «чилла қувди» удуми бажарилган. Чақалоқнинг онаси буғдой қовурмоч қилиб олади ва энг яқин кишиларнинг уйига чақалоқни кўтариб боради. Меҳмон бўлиб борган уй соҳиби ва соҳибалари қовурмочни танаввул қиладилар. Чақалоқнинг юзи ёруғ бўлиб юрсин деб оқ сарпо беради ва чақалоқни уй соҳиби ўпади. Агар дастлаб чақалоқнинг пешонасидан ўпса арбоб, кўкрагидан ўпса донгдор палвон, кўлидан ўпса ҳайри саҳоватли бой бўлармиш.

Оёқ тўйи бола атак-чечак қилиб юра бошлаган вақтда ўтказилган. Бу удумни Сурхон воҳасининг айрим худудларида «тушов кесди» ҳам деб аташган. Тушов кесди ҳақида ривоятлар ҳам мавжуд: Илгарги замонларда болалар туғилгандан юра бошлаган. Қайси бир пайғамбар замонида, пайғамбар намоз ўқиб ўтирганда янги туғилган чақалоқ жойнамоз олдидан ўта бошлаганда оёғига «тушов сол» деб айтганлар. Шундан буён бола туғилгандан кейин ёшига етиб юра бошлаган. Бола юришга ҳаракат қилиб той-той қила бошлаганда «тушов кесди» удумини ўтказганлар.

Болани биринчи марта мустақил юра бошлашини оилада катта шоду - хуррамлик билан кутиб олинган. Ота-она, қариндош-уруғ, дўст-биродарлар

ушбу қувончни турли тарзда тўй қилганлар. Тўй қилиш учун махсус тайёргарлик кўрилиб, сўнгра тўй куни белгиланган. Тўй куни таклиф қилинга кишилар ташриф буюрганлар. Меҳмонлар олдига дастурхон ёйилиб турли хил ширинликлар, ноз неъматлар, тўй учун махсус боқилган қўй сўйилиб, гўштидан тайёрланган таомлар дастурхонга қўйилиб, зиёфат берилган. Тўй бўлаётган вақтда той-той болага янги кийимлар кийдирилади ва пахтадан ингичка ип қилиниб, болани оёқларини юришга халақит қилмайдиган ҳолатда боғланади. Бола аста-секин той-той қилаётганда икки оёғи орасидаги ипни «тушов кесилди», «тушов кесилди» деб қайчи билан номозхон, ёши улуғ киши томонидан кесилади ва меҳмонлар олдида юрдирилган. Боланинг устидан пул, танга, ҳар хил турдаги мевалардан «сачала» яъни, «сочқи» сочилган. Сочқини болалар қолаверса, бизнинг ҳам шундай фарзандларимиз бўлсин деб, ният қилиб янги турмуш кўрган келин-куёвлар ҳам териб олишган. Оёқ тўйи деб аталган бу маросим республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам у ёки бу тарзда ўтказиб келинган.

Бойсуннинг Дугоба қишлоғида миллий кийимдаги болалар

Суннат тўй Ўзбекистонда кенг тарқалган тўйлардан бири бўлиб, Сурхон воҳасининг Оқ тумшук, Ялти қишлоқларида суннат тўй, Бодихаво, Чинор қишлоқларида ҳатна тўй, Хўжаасмин, Пастикалон қишлоқларида чукбуррон деб аталган. Денов ва Шўурчи туманларида була деб ҳам аталган. Бунда мусулмон киши фарзандини тоқ ёшга яъни 1,3,5,7 ёшга тўлганда айрим ҳолларда эса 9,11 ёшга тўлганда суннат тўйини ўтказганлар. Шунини эътироф этиш керакки воҳада суннат қилинаётган болани кўлидан «кўли ҳалол»ланмаган деб ҳаттоки сув ҳам ичмаганлар.

Совет тузуми даврида эса бу каби қадимий маросимимизга эскилик сарқити деб қаралиб, уни «туғилган кун», «боғчадан чиқиш тўйи», «мактабга бориш тўйи» деб атаб келинган эди. Суннат қилиш одати Туронда милоддан аввалги VI-IV асрларда ҳам бўлиб, ислом динини Марказий Осиё халқлари қабул қилганларидан кейин янада бу одат мустаҳкамланади. Суннат қилиш ҳақида Қуръонда тўхтанилмаган, фақатгина ҳадисларда айтиб ўтилганлиги учун суннат дейилади.

Сурхон воҳасида суннат тўйлар асосан дарахтлар ўйғонмасдан бурун ўтказилиб келинган. Суннат тўйининг бошланишидан охиригача бир қатор маросимлар мавжуд бўлиб. Хусусан, уларга «маслахат оши», «тандир қураш», «нон пишириш», «мол сўйиш», «нон еди», «хатми қуръон тушириш», «катта тўй», «суннат қилдириш» кабилар киради. Воҳада суннат тўй қиладиган хонадон аввал йиллар давомида яхши ният қилиб, керакли озиқ-овқат, совға-саломлар, кийим-кечак қолаверса, узоқдан келган меҳмонларнинг улови учун бир тоннадан ортиқ арпа ҳамда хашакларни тайёрлайди. Суннат тўй бир хонадоннинг топган-тутганига қилинсада, уни ўтказиш кўпчилликни иши ҳисобланган. Шунинг учун суннат тўй маслахат оши билан бошланиб, асосий маслахатчилар яқин қариндошлар, оқсоқоллар бўлиб, маслахатдан суннат

тўйни ўтиши давомида қилиниши лозим бўлган ишлар олдиндан режалаштириб олинган. Тўй маслахатида тўйга келадиган меҳмонлар хусусан, чавандоз ва полвонлар учун «қўшхона» яъни «қўноқ» тайинланади. Қўшхона асосан тўйчининг хамсояси яъни қўшниси ва яқин қариндошларининг уйлари бўлиб, меҳмонлар учун озиқ овқат, уловларининг ем-хашаклари тўйичи томонидан таъминланган.

Сурхон воҳасининг Ўшор, Катта Вахшивор, Бодиҳово каби бир қатор қишлоқларида тўйдан олдин «ўтин йиғар» маросими ўтказилиб, йигитлар гуруҳларга бўлиниб, тоғдан ўтин йиғиб келишган. Кўп ўтин олиб келган гуруҳга махсус соврин берилган. Шунингдек, давра баковули ҳар хил хизматлар учун тўйчининг яқин дўсти ва қариндошларини тайинлаган. Элнинг олдиндан ўтишининг ўзи бўлмайди. Тўй яхши ўтсин, ўтиб кетган ота-боболарнинг руҳи мадаккор бўлсин, қўлласин деган ниятда тўйдан олдин ота-боболари руҳи шод бўлсин деб «хатми қуръон» туширилган. Шунингдек, ҳар қандай мушкуллари осон бўлсин деган мақсадда «Биби мушкул» ўтказилган. «Биби мушкул» ёши улуғ намозхон етти аёл иштирокида ўтказилиб, «Биби мушкул» ўтказилаётган хонага эркаклар ҳамда хомиладор аёлнинг ўғил бўлса «Мома»лар қочиб кетади деб киритилмаган. «Биби мушкул»да супра ёйилиб, етти дона кулча ҳамда етти хилдаги мева-чева етти бўлиниб, супра атрофида ўтирган етти аёл олдига қўйилган. Ёлланган пахта пилик қилиниб, «Биби мушкул» учун атаб олинган тош устига қўйиб ёқилади. Аёллар ёнаётган пахтани тавоф қилиб, тўйнинг яхши ўтишини, тўй боланинг келажақда яхши фарзан бўлишини талак қиладилар. Супрада турган ширин сувдан уч мартадан хўплаб ойнага қарайдилар ва яхши ният қиладилар.

Суннат тўйда атрофдаги қишлоқ ва овулларга махсус жарчи юборишган. Воҳанинг тоғли Сина, Ўшор каби қишлоқларида қўрғондан кекса киши чиқиб, фалончининг тўйига боринглар деб айтган. Тўй куни катта дастурхон ёзилиб ош тортилган. Сурхон воҳасида суннат тўйларининг ажралиб турадиган томони шундан иборатки, тўй белгиланган куни эрталаб бомдод намози вақтидан бошлаб палов дамланиб, хуфтон намози вақтигача давом этирилиб, беш-олти ҳатто ўнга қазонларнинг ҳар бирига юз килограммдан палов дамланиб тарқатилган. Ундан ташқари палов билан биргаликда доимо бир ёки икки қазонда қўй гўштидан қайнатма шўрва пиширилган. Мезбон ўз имкониятига қараб бир ёки икки, учта махсус тандир кабоб (тандир гўшт)лар тайёрлаб дастурхонга узатган. Суннат тўйлари ҳақиқий байрамга айланиб, унга таклиф этилмаган қўшни қишлоқлардан суннат тўйини эшитган кишилар ҳам келиб тўйда иштирок этишиб, ўз ризқи-насибасини еб кетишганлар.

Халқимизда «тўйга тўёна билан» деган нақл бор. Бу удум асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган удумларимиздан ҳисобланади. Тўйёна беришнинг сабаби, тўй қилган киши элга ош бериб, катта харажат қилади. Тўйёна эса тўйчининг ёри биродарлари томонидан қўллаб-қувватлашидир. Тўйёнани меҳмонлар имкониятига қараб пул, қўй, эчки, хўкиз, от, туя ва бошқа нарсалар қўшган. Сурхон воҳасида тўйёнани «совун» деб номланган. Қашқадарёда эса «кушан» деб атаганлар. Тўйёна бериш Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлган.

Сурхон воҳасида суннат тўйларида тўйчи имконият даражасидан келиб чиқиб олиш ва кўпқари берган ҳамда пул, тўн, оёқ кийимлар, эчки, қўй, хўкиз, от, туя каби зотлар қўйилган. Воҳанинг Хуфар, Хур Ватан каби қишлоқларида олиш ва кўпқарини «гуштин» ва «бузкаш» деб атаганлар. Воҳа тўйлари олишсиз ўтмаган. Олишни бошқариш полвонларни таништириш, совринни бериш каби вазифаларни бековул бажарган. Ҳар бир полвон ўз қишлоқ, олвулининг ори учун олишган. Йиқилган полвон ори учун қишлоқдош полвон курашга даврага тушган. Қайси полвон рақиб полвонни йиқитиб, елкасини ерга теккизгандагина «ҳалол» ҳисобланган.

Воҳа тўйларида кўпқари ҳам берилиб, кўпқари ойнадек ёруғ ўтсин деб, ойна кўрсатилган. Кўпқарига кетаётган «чобағон» яъни «чавандоз»лар ойнага қарашлари шарт бўлган. Шунингдек, уловлар ва улоқни яъни, «зот»ни кўпқари жойга олиб бораётган отларнинг икки томонига олов ёқилади. Сўнгра ҳамма чобағонлар кўпқари жойига борадилар. Бековул дастлаб кичик бир сарка(улоқ)ни ўртага ташлайди. Бироз отларни енгил чоптириб улоқни айирадилар. Кейин ҳамма чабағонларни чақириб ўртага тана (бир яшар бузоқ) сўйиб ташланади. Бековул кўпқарини эсон омон ўтказайлик деб дуо беради. Қайси чабағон улоқни сурдов (отлар галаси)дан айириб, бековул олдига олиб келиб ташласа, унга айтилган соврин яъни «зот» берилган.

Тўй бола безатилган отга миндирилади. Тўйчининг яқин қариндошлари эса уйлариинг устига чиқиб сочқиларни тўй боланинг устидан сочадилар. Ўйин кулги қилинади ва кекса чоллар «ҳайёр» қўшиқ айтадилар.

Қошингнинг қорасига-е ҳай ёр-е ҳай, дўст,
хай дўст, дўст,
Кул бўлай орасига-е ҳай ёр-е ҳай дўст,
хай дўст, дўст.
Асло раҳмин келмайди ҳай ёр-е ҳай дўст,
хай дўст, дўст,
Бировнинг боласига ҳай ёр-е ҳай, дўст.
хай дўст, дўст,
Тол экдим хода бўлди ҳай ёр-е ҳай, дўст,
хай дўст, дўст,
Маржонлари шода бўлди ҳай ёр-е ҳай дўст,
хай дўст, дўст,
Бу шаҳарга юра-юра ҳай ёр-е ҳай дўст,
хай дўст, дўст,
Камзулларим адо бўлди ҳай ёр-е ҳай дўст,
хай дўст, дўст,
Тоғдан тердим дўлан ҳай ёр-е ҳай дўст,
хай дўст, дўст
Кўш хўкизим жувона ҳай ёр-е ҳай дўст,
хай дўст, дўст
Шу болани ишқи ҳай ёр-е ҳай дўст,
хай дўст, дўст

Шу жараёнда уста болани олатининг ортиқ қисмига ёғ суртиб уни ғаровга қистиради ва шундан сўнг поки билан «хуйдо-хуйдо» деб ғаровдан юқоридаги этни кесиб олади ва махсус тайёрланган, куйдирилган пахта яъни сўхтани ёпиштиради. Сўхта оғриқни ва кесилган ердан қон кетишини тўхтатади. Боланинг хатна қилинган аъзосини ҳар хил чанглардан асраш учун ва чойшаб ёпиб қўйилганда тегмаслиги ҳамда сўхтани тушиб кетмаслиги учун дўппи кийдирилиб қўйилган. Шунингдек, суннат қилинаётган вақтда тўй боланинг онаси жимжилоғининг бирини унга, иккинчисини ёғга солиб турган. Бу иримни бола келажакда ризқли насибали бўлсин деган маънода бажарилган. Воҳанинг Қовунлисой, Тасмасой каби қишлоқларида кесиб олинган эт устанинг ихтиёрига ўтган. Тўй боланинг ота-онаси устани рози қилиб, ўша этни ундан «сотиб олиш»ган. Арслонбойли, Кетмон қишлоқларида хатна қилиб олинган эт олиб қўйилиб бола тузалгунга қадар деворга илиб қўйилган. Чунки ўша эт куриши билан бола тузалиб кетади деб тушунилган. Воҳада уйларнинг тепасида туйнуғи бўлганлиги сабабли воҳанинг Мўминкул, Мормин каби қишлоқларида суннат қилинаётган вақтда томга чиқиш ирим қилинган. Томга чиқса туйнукдан инс-жинслар кириб, болага таъсир қилади деб тушунилган. Суннат қилинган болага зиёнқашлар зиён-заҳмат етказмасин деб қирқ кун чилла сақланган ҳамда ёстиқнинг тагига пичоқ, нон, исирик, пиёз қўйилган. Чилла сақлашда бола ёлғиз қўйилмаган ва ҳар қандай бегона одам унинг олдига киритилмаган. Суннат қилинган бола тузалиб, юриб кетгандан кейин, уни келажакда серфарзанд бўлсин деган ниятда суннат қилиб олиб ташлаган этни мевали дарахт тагига қўмилган.

Қадимги ёзма манбаларда кўрсатилишича мучални дастлаб, Юнон-Бақтрия подшолиги даврида (милл. авв. 250 - 130 йиллар) кўчманчи чорвадор халқлар яратган, сўнгра Мўғулистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Ўрта Осиё мамлакатларига тарқалган. Бу ҳисобнинг ватани Хитой ва Миср деган маълумотлар ҳам бор¹⁵. Мучал тўйи Бухоро воҳасида Наврўз кунлари нишонланадиган маросимдир. Ушбу тўйни баъзи тадқиқотчиларимиз 12 ёшни тўлдириб 13 ёшга қадам қўйган йигит ва қизларимизни алқовчи маросим дейишса¹⁶, бошқалари эса мучал ёши на фақат 13 ёшда, балки 25, 37, 49, 61, 73, 85 ёшларда ҳам махсус нишонланилган оилавий тадбир деб таъкидлашади¹⁷. Хусусан, фольклоршунос Б.Шермухаммадов мучални нишонлаш Бухоро вилоятида одатга айланганини қатъий таъкидлайди¹⁸. Мучал ёшига кирган (хусусан, биринчи мучални нишонлаш жараёнида)

ўғил ва қизларга бошдан оёқ (тож.сарупо) янги кийимлар кийдириш анъанага айланган. Маросим сабабчисининг саруполари ранги оқ бўлишига ҳаракат қилишган. Бу рангнинг танланиши ўғил ва қизнинг келажаги порлоқ, бахтли, йўли ойдин бўлишига ишорадир. Хусусан, қиз боланинг ясан-тусанига алоҳида

¹⁵ Раҳмонқулова З. Хранология. Ўқув қўлланма. Т., 2006.-Б. 91.

¹⁶ Сафаров О., Махмудов М. Оила манавияти. Т., 1998. -Б. 72.

¹⁷ Корабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Т., 1991. -Б.142.

¹⁸ Шермухаммадов Б. Назми халқии бачағонаи тоҷик (тасвир ва таҳқиқи мухтасар). Душанбе.1973. саҳ.26.

аҳамият берилган. Бу билан уларнинг бўй етганлиги махсус кўз-кўз қилинган ва жамоага билдирилган. Воҳа турли аҳоли манзилларида қизларнинг раста бўлиб балоғатга етиши арафасида 10-12 ёшида узун халат-калтача кийгизиб ёшини нишонлаш маросими тўйдек ўтказилган, деб таҳлил этади, этнограф олим А.Ш.Жумаев¹⁹, О.А.Сухарева ҳам Бухорода калтачани XIX аср охири XX аср бошларида биринчи марта 12 ёшни тўлдирган қизларга кийдиришган, кейинчалик эса бўлажак келиннинг ҳар бир янги кўйлаги учун алоҳида калтача тикиб, сарупо сифатида сепига олиб қўйилган, деб ёзади²⁰. Калтача Сурхон воҳасида ўзининг классик шаклинигина эмас, балки узоқ вақт кундалик ва тўй маросимларида кийилган халат сифатидаги вазифасини ҳам сақлаб қолган эди²¹. Калтачапўшон маросимида ҳам худди мучал тўйидек давра ўртасида фақат қизларнинг саруполари кийдирилган. Яқин қариндош-уруғлар эса уларга аталган совғаларни ҳадя этишган. Бугунги кунда маълумки, хотин-қизларимиз қадимий калтача кийиш одатини унутишган.

Воҳада сарупо кийдириш жараёни фақат биринчи мучал ёшидагина, эмас ҳатто кейинги, яъни 25,37,49,61,73,85 ёшларда ҳам давом этиши одатга айланган. Этнология фанида инсоннинг бир ёш босқичидан иккинчисига ёки бир ижтимоий ҳолатдан бошқасига ўтиши кўп ҳолларда унинг кийимлари ўзгаришига ҳам сабаб бўлганлиги аниқланган²². Халқ орасида қадимдан мучал ёшига кирган ҳар бир инсон (13 ёшга кирган фарзандлар учун ота-онаси) йил давомида хайр-садақа бериб юришлари, уларни турли хавф-хатарлардан соғомон асрайди, сингари тасаввурларга ишонилган ва унга амал қилишган. Хайр-садақа турли хил шаклда бўлган. Оддий шакли қариндош-уруғлар ва кўни-кўшниларга улуш тарқатишдир. Бухорода улуш тарқатиш қадимий одат бўлиб, ҳар бир маросимда унинг ўзига хос тартиби бўлган²³.

Хусусан, оилада икки ёки ундан ортиқ аъзоларнинг мучал ёши (масалан, ота ёки онаси 37 ёшда, ўғил ёки қизи 13 ёшда)ни нишонлашга тўғри келиб қолса, албатта, худойи таомлари пиширилиб, маросим қатнашчиларига зиёфат берилган. Бундан ташқари ўзи яшаб турган маҳалла аҳли учун мис қозон ҳадя этиш сингари урф ҳам бўлган. Бугунги кунда Сурхон воҳасида мучал тўйининг ўзига хос замонавий кўринишлари шаклланиб бормоқда. Булардан бири шаҳар ва қишлоқларда қурилган тўйхоналарда зиёфат уюштириб, мучал тўйини ўтказиш. Яна бири эса катта қозонларда сумалак пишириб, қариндош-уруғ, маҳалла аҳлига тарқатиш, ҳатто жонлиқ сўйиб, “хом талош” (хом-пиширилмаган гўшт, талош-талашиб олиш деганидир) тартибида тарқатилган.

¹⁹ Жумаев А.Ш. “Калтачапўшон” маросими. / Навқирон Бухоро илмий ва адабий-бадиий жариди. 1992. 5-сон, -Б.35-38.

²⁰ Сухарева О.А. История Средне Азиатского костюма. Самарқанд (2^{-я} половина XIX-начало XX в.) . М; 1982. -С.39-40.

²¹ Люшкевич Ф.Д. Этнографические особенносности таджикского населения Бухарского оазиса (конец XIX-начало XX века.). Автореф. на соиск. учён.степ.канд... ист. наук. Ленинград. 1975. -С.14.

²² Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. (XIX аср охири XX аср) Т., 2006. –Б. 143.

²³ Бу ҳақда қаранг. Шермухаммедов Б.Назми халки бачагонаи тожик (тасвир ва тақиқи мухтасар). Душанбе. 1973. саҳ.155; Махмудов М. Бердиев Б. Луғати мухтасари лачаҳои Бухоро. Душанбе. 1989. саҳ.219; Сафаров О., Махмудов М. Оила манавияти .Т., 1998. -Б .73.

Анъанавий жамиятимизнинг замонавий ҳаётини тадқиқ қилишда умрбоқий маросимларимиз муҳим рол ўйнайди. Чунки маросимларимизда халқимизнинг кундалик ҳаёти, турмуши, урф-одатлари, эътиқодлари, расм-русумлар маданияти мужассамлашган. Ўзбек халқининг ҳозирги ҳаётидаги анъанавийлик ва замонавийликларни ўрганишнинг муҳимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жамиятнинг энг муҳим хужайраси ҳисобланган оила никоҳдан бошланади. Шунинг учун никоҳ ибтидоий жамият давридан бошлаб махсус урф-одат орқали оиланинг бирдам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган. Бу жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал одат кейинчалик ёзма тарзда қонунийлаштрилган маросимдир.

Мовароуннаҳр ва Ёттисувда яшовчи туркий халқларнинг кўпчилиги ўз жамоаларидан ташқарига қиз бермаганлар, қиз ҳам олмаганлар. Бошқача қилиб айтганда буларда эндогарлик никоҳ ҳукм сурган. Никоҳнинг бу тури уруғ ва қабилаларнинг ҳамда турғун аҳолини бир-бирлари билан яқинлашиши учун муҳим омил ҳисобланади. Кези келганда нафақат бошқа (қавм-қариндош бўлмаган) туркий эллатлар билан ҳатто бошқа тилдаги ва диндаги кишилар билан ҳам қудабанд бўлганлар. Туркий забон аҳолининг айримлари (масалан, Хўжа, Сайид) ўз гуруҳларидан бошқага қиз бермас эдилар, қиз ҳам олмас эдилар. Лекин, буларда ҳам баъзан таъқиқ бузилиб турган. Шундай қилиб, никоҳ қудабандлик йўли билан халқлар, эллатлар бир-бирлари билан яқинлашиб, қоришиб келганлар. Никоҳ жараёни унча сезиларли туйлмаса-да, аммо таъсирчан кучга эга бўлган; бу жараён орқали кишилар, уруғ қабилалар, ҳатто давлатлар ўртасидаги зиддиятларни юмшатиш, олдини олиш борасида ҳам аҳамияти катта бўлган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг никоҳ тўй маросимлари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги аҳоли никоҳ тўй маросимлари билан ўхшашлик томонлари бўлсада, лекин ўзининг урф-одат ва расм-русумларининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган. Воҳа аҳолиси никоҳ тўй маросимларида тўй бошланишидан тўй тарқагунича бўлган давр оралиғида тўй билан боғлиқ қатор маросимлар бажарилган бўлиб, бу маросимларни уч гуруҳга: никоҳ тўйигача ўтказилган маросимлар, никоҳ тўйи даврида ўтказиладиган маросимлар ва никоҳ тўйидан кейин ўтказилган маросимларга бўлиб тадқиқ қилинади.

Чанқовуз чалаётган аёл.

Сурхон воҳасида ўғил болаларни 15-17 ёшдан уйлантирганлар. Қизларни эса 9-11-13 ёшдан турмушга берганлар. Воҳада қизларни турмушга бериш ҳақида қўшиқлар ҳам мавжуд.

Бирга кириб бирағайди қизгина
Иккига кириб элағайди қизгина
Учга кириб уча қўйди қизгина
Тўртга кириб тўлғанди қизгина

Бешга кириб бойланди қизгина
Олтига кириб айланди қизгина
Еттига кириб етилди қизгина
Саккизга кириб сайланди қизгина
Тўққизга кириб тўлғанди қизгина
Ўнга кириб уйланди қизгина
Ўн бирга кириб бола кўрди қизгина

Сурхон воҳасида совчилар «кичик» ва «катта» совчиларга бўлинади. Кичик совчилар асосан аёллар бўлиб, йигитнинг онаси ҳамда яқинларидан сўзамол хотинлардан бири билан борган. Удумга мувофиқ совчиликка уч марта борилган. Албатта, совчилар борганда «эшигингизни супуришга келидик», «эшигингизга қулчиликка келдик» каби сўзларни айтишиб мақсадга ўтган. Қиз томон розилик билдирса совчилар олдига ёғли, тансиқ таомлар қўйишган, «қариндошлар билан маслаҳатлашайлик», «яна бир келасизлар» деб айтилган. Агарда «ҳали қизимиз ёш», «бошқа томонларни ҳам кўрингизлар» дейиши, бу рад этиш аломатидир.

Кичик совчилар қиз томондан розилик олганларидан кейин «катта совчи»лар яъни йигитнинг тоғаси қишлоқнинг сўзамол, ҳурматли кишиси борган. Қиз томоннинг розилигини олиб, нон синдириш кунини белгилашган.

Нон синдириш маросимини воҳанинг Шалдироқ, Ободон қишлоқларида «ялоқ қизартар» маросими деб, бунда 4 та қатлама-патир, 4 кийимлик мато, 2 та қўй, қўйнинг бўйнига оқ рўмол боғланган, мева-чева бўлиб, мева-чеваларнинг ичида албатта кунжут ҳолва бўлиши шарт бўлган. Қўшолоқ нонни бўлажак келиннинг тоғаси ёки тоғаси икки никоҳли бўлса бир никоҳли, турмуш ўртоғи ҳаёт бўлган, бола чақаси кўп, оиласи тинч, ёши улуғ киши томонидан синдирилган. Синдирилган нон бўлаклари, иштирокчиларга бўлиб берилган. Нон синдириш икки ёшнинг ўша кундан эътиборан унаштирилганлигини эл олдида билдирилганлигидир. Нон синдириш маросимида қудалар ўртасида қалин бичилган. Қалин пул, мол, буюмлар асосида тўланган. Қалинда 20 та қўй, 1 бош болали сигирнинг бозор нарҳидаги пули ёки ўзи, йигирмата қудага тўн ва бошқа нарсалар келишиб олинган. Марказий Осиё халқларида ҳам нон синдириш маросими мавжуд бўлган.

Нон синдириш жуда муқаддас маросим ҳисобланиб, уни бузиш гуноҳ саналган. Агарда қизнинг айби билан бу таомил бузилса, бу қиз ва унинг ота-онаси қишлоқ аҳли назаридан қолиб, унга бўйдоқ йигит уйланмаган. Бу удум йигит томонидан бузиладиган бўлса, қишлоқ аҳли ҳам унга шундай муносабатда бўлган. Шунингдек бу маросимдан кейин «келин қочув», «куёв қочув» каби удумлари бўлиб, бунда қиз йигитнинг, йигит эса қизнинг қариндошларига кўринмасдан қочиб юрган. Бу икки ёшнинг ота-оналари бир-бирларини қуда деб юришган.

Қиз бериб, қиз олишда айрим чеклашлар ҳам бўлган. Хусусан, воҳанинг тожиклар билан ўзбеклар, юзлар билан қатағонлар, ва бошқа майда уруғлар ўртасида айрим ҳоларда бўлмасада бир-бирларига қиз бериб, қиз олмаганлар. Шунингдек, эшон (хўжалар, сайидлар)лар ўзларини (оқ суяк) деб қораларга қиз бермаганлар. Лекин айрим ҳолларда қоралардан уйланганлар. Бу одат

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам борлиги ҳақида айрим манбаларда тўхталиб ўтилган. Ҳозирги даврда уруғлар орасида қиз бериб, қиз олишдаги бу удумлар деярли ўз аҳамиятини йўқота бормоқда.

Анъанага кўра тадқиқ этилаётган ҳудудда фотиҳа тўйига қариндош-уруғлар ҳамда кўни-қўшнилар таклиф қилинган. Фотиҳа тўйи куни куёв томонидан «тўққиз» юбориш удуми бўлган. Удумга кўра «тўққиз» ичида келинга берилаётган нарсаларнинг ҳар биридан тўққиз хил бўлиши лозим бўлган. Фотиҳа тўйида қалинда бичилган бир халта гуруч, бир халта оқ қанд, жовқади, 20 та қўйнинг 10 тасини, 20 та қуда тўн билан бирга бўлажак келинга бўғча, ҳамда шарондоз, 8 та қуда ва 2 та қўй хайдар бирга боради. Тўй келиннинг уйида ўтказилади. Олиб борилган тўндан 8 та қуда ҳамда битта қўй хайдарга берилади, 2 чи қўй хайдарга эса куёв томонидан тўн берилган.

Фотиҳа тўйидан кейин қиз томон куёв томонга «идиш қайтарар» удумини бажаради. Бунда 1 та қўйни сўйиб, 20 та қатлама, 20 та қатлама патир пишириб, куёвга тўн ҳамда бош-адоқ сарпо, куёвнинг уруғ аймақларига бир сидрамадан сарпо қилиб идиш қайтаради. Идишни қизнинг яқин уруғлари олиб борган. Шундан кейин «қонжиға табоқ» удуми бўлиб, бунда йигит томон келинга 8-10 сидрама мато, топган бир қўй сўйиб, қўйнинг уча-тўшидан ҳамда мева-чавалар олиб, куёвнинг ўзи ҳамда уруғларидан бирор киши билан борган. Шундан кейин йигит билан қизнинг «хуфёна» учрашувлари бўлган. Бу «қалиққа бориш» ҳам деб аталиб, бу учрашувлар келиннинг онаси ёки янгаси томонидан уюштирилиб, кечқурун қизнинг уйида ёки қўшнисиникида яширинча бўлиб ўтган. Воҳанинг Хуфар, Киштут қишлоқларида «қангал бози» ҳам деб аталган. Бу удумни К.Шониёзов ўзбек қипчоқларида, Н.Калмаков қирғиз халқларида ҳам борлиги қайд этилган.

Фотиҳа тўйидан ижоб тўйигача бўлган даврда «деги дузи» (ўғри қозон) маросимлари ҳам ўтказилган. Бу маросимда дастлаб куёв томон ўз уйида катта қозон осиб ош қилади. Келин томон ошни кутиб туришган. Ош хонадон аҳли қариндош ва қўшниларга тарқатилган. Шунингдек, куёв хонадонига келган меҳмонлар қозонни келин томонга совға қилиб олиб кетадилар. Ордан бир оз вақт ўтгандан кейин, келин томон ҳам, «деги дузи» маросими ўтказилган. Совға қилинган қозон тўлдирилиб куёв хонадонига олиб борилган.

Шунингдек, бу тўйларнинг орасида ҳайитлик тўғри келса, бир ҳайитликка бир қўй сўйиб гўштини олти қатлама, мева-чева билан юборган. Қурбон ҳайити бўлганда эса ҳамма қурбонлик қилади деб фақат 15-20 та қатлама юборган. Никоҳ тўйидан олдин «кўрпа солиш» (кўрпа андазот) «кўрпа тикар» «кўрпа бичар», «кийим бичар» маросими ҳам бўлиб, бу ҳам ўзига хос удумлардандир. Бу маросимга энг чевар қариндош уруғлар, кўни-қўшнилар жалб қилинган. Бунда ҳам мол сўйилиб, ош дамланган, ўйин кулгу қилиниб, кўрпа, ёстиқ ва бошқа кийимлар тикилган.

Никоҳ тўйи маросими Сурхон воҳасида «ижоб тўйи», «катта ялоқ қизартирар тўйи» каби номлар билан аталиб, бу маросим келин-куёв оналарининг ўзаро жиддий тайёргарлиги асосида ўтказилган. Никоҳ тўй бўлишидан бир кун олдин кечқурун куёвникида «илиқ табоқ» маросими ўтказилган. Маросимда қишлоқ аҳолиси куёвникига чақирилиб ош берилади.

Шундан кейин дастурхон ўртасига рўмол ташланади ва келган одамлар иложи етганларича пул ташлашади. Аёллар эса рўмол ва кийимликлар ташлаган. Ана шу ташланган кийимликлар эртаси куни келиннинг уйига юборилган.

Никоҳ тўйида фотиҳа тўйдан қолган 6 та қўй, 15-20 сидра мато, бир халта гуруч, бир халта оқ қанд, жовқади, мева-чева олиб борилган. Куёв томонидан иккита совчи билан бирга иккита «қудағай» борган. Шу куни кечқурун куёв ҳамда куёв жўралар келиннинг уйига ташриф буюрганлар. Келиннинг уйига келишда куёв «қирқ табоқ» олиб келган. Куёв келиннинг уйига кираётганида юзига белбоғини чиммат қилиб тутиб кирган. Остонага пойандоз солиниб, пойандозни куёв босиб ўтгандан кейин куёв жўралар поёндозни олиш учун ўзаро тортишади. Улар ҳам худди шундай куёв бўлишни ният қилиб, поёндозни бўлақларга бўлиб олишган. Куёв ва куёв жўралар махсус тайёрланган уйга киритиладилар ва «таниш табоқ» удуми бажарилган. Куёв келтирилган «қирқ табоқ» берилиб келин ҳамда куёв томон келишган холда дуо берилади. Шундан кейин ижоб қилишга рухсат берилади. Келин томондан битта вакил, куёв томондан битта вакил келин турган қўшни уйга боради. Шу ерда «келин топар», «келин танлаш» удуми бўлган. Сурхон воҳасининг Лўкка, Харондара каби қишлоқларида бу «келин танлаш» удуми дейилиб, ундан келин тарафдан танланган беш олти қиз бир хил кийимда юзларини ёпиб энгашиб ўтиради. Албатта шу қизларнинг ичида келин ҳам бўлган. Куёв ана шу қизлар орасидан келинни топиб олиш керак. Агар келин деб бошқани танласа ўша қиз рози бўлдим дегунча пул берилади. Токи куёв келинни топгунча бу одат давом этган. Воҳанинг Тўла, Ялти, Ободон қишлоқларида эса «келин топар» удуми дейилиб, бунда куёв эмас балки келиннинг розилигини сўрашга куёв томондан келган вакилга аввал келинни топинг кейин вакил (розилик) сўрайсиз деб, катта рўмол ёпиниб, келин бўлиб ўтирган беш-олти қизни кўрсатган. Келинни топиш учун аввал келиннинг дугоналарига рмол, мамтолар берилиб рози қилинади, сўнгра қизлар келинни кўрсатадилар. Шундан кейин, борган вакиллар келиннинг жуда яқинига бориб «никоҳи жануб вакилини фалонча тоғамга бердим» деб айтишни буюради. Шу номи айтилган тоға «қиз ота» ҳисобланади. Тонга яқин келиндан розилик жавоби олинган. Келиндан розилик жавобини олган вакиллар қизнинг уйига қайтиб келиб, куёв ва «қиз ота»ни никоҳ қиладиган мулло олдига киритиб, «қиз ота»дан розилик сўралади. «Қиз ота»га тўн, пул берилиб розилик олинади. Шундан кейин икки гувоҳлар иштирокида никоҳ ўқитилган. Мулло куёвга келинни «оч, яланғоч қўймаслик, олти ойгача аччиқ қамчи билан урмаслик» каби шартларни айтади. Шу вақтда «бежирим коса»га ширин сув қўйилади. Ширин сувни аввал куёв сўнгра келин қолганини шу ерда ўтирганлар ичади. Мулла никоҳ ўқиётган вақтда шу ерда ўтирган кишилар клини қовуштирмаслик, кишанламаслик, бирон бир нарсани тугмаслик керак. Келинга қилинган кўрпа тўшаклар турган уйга келин уруғидан бўлган бир никоҳли, униб-ўсган икки киши чимилдиқ тутаяди. Келининг уруғидан бўлган бир никоҳли аёл киши келин-куёв учун жой ташлайди. Шундан кейин куёв битта жўраси билан чимилдиқ ичига киритилади.

Куёв албатта юзи кўринмаслиги учун белбоғ ёпиниб киритилади. Шу вақтда «итирилар» удуми баражарилади. Тўйда сўилган кўйнинг териси келинга киритилаётган уй бўсағасига тўшалиб, келин шу терига бир ёш бола билан ўтирғизилиб, келиннинг дугоналари чимилдиқ олдиғача кўтариб олиб келади ва куёв келинни кўлидан чимилдиққа тортади. Дугоналар эса ҳазил мутоиба билан бермасликка ҳаракат қилиб орқага тортади. Ҳазил мутоиба билан келинни дугонаси чимилдиққа олиб киради. Шунда «оёқ босар» удуми бажарилади. Ким биринчи бўлиб оёқни босса оилада устун бўлади деб аталади. Лекин ким биринчи оёқ босишидан қатий назар хаамиша оилада экак оила бошлиғи бўлган. «Елка кўхлар» удумида келин куёвни бир жойда турғузилиб, келиннинг яқин уруғи иккаласи кўша қирисин деб ипак билан икаласининг ийни «елка»сига ипак илади. «Кўл ушлатар», «Соч сийпатар», «Ойна кўрсатар» удумларини келиннинг биттадан уруғи келиб бажаради. Бу удумларни бажарган ҳар бир киши рози қилинади. шундан кейин келин-куёв ўтқазилиб, «куёв ош емади» маросими ўтқазилади. Бунда куёв олдиға дастурхон тортилиб, унга ноз-неъматлар тортилади. Куёга «қари-жилик» келтирилади. Куёв чиқиб кетиши олдидан тўшак тагига пул ташлаб ҳамда чимилдиқнинг ўнг тарафини ечиб, келиннинг бўйнидаги мунчоқни узиб олиб кетади.

Шеробод тумани Хатак қишлоғидаги келин тўйида ўтказиладиган қизлар базми

XIX аср охири XX аср бошларида Сурхон воҳасида ижоб тўй маросими ўтгандан кейин келин бир ҳатто икки уч йиллар отасининг уйига юрган. Куёв «қаллиқ»га келиб турган.

Ижоб тўйининг эртаси куни оқшомда куёв куёвлик либослари билан куёв жўраси билан биргаликда келиннинг уйига совға саломлар билан келади. Куёвни иззат-икром билан кутиб олиниб, никоҳ қилинган чимилдиқ тутилб, келин-куёв чимилдиқ ичига киритилади. Орадан йиллар ўтиб, фарзандли бўлса бобо-момосининг уйида туғилди деб, ўғил бўлса, Бобоҳон, Бобомурод, қиз бўлса Момоҳол, Момагул деб исм қўйган. Сурхон воҳасида бу удум XX асрнинг 60 йилларигача ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, 1943 йилда туғилган Умабаров Холмурод, 1947 йилда туғилган Хакимова Кумушга 1965 йилда ижоб қилинади. 1966 йилда ўғил фарзандли бўлиб исмини Бобоҳон қўйган. 1968 йилда Кумуш билан Холмуроднинг катта тўйлари яъни «келин туширар» удуми бўлган.

«Келин тушириш» «ирга кўтарра» удумида куёв томондан келин томонга иккита қўй, мева-чева, паранжи, чиммат, оёқ кийим, бош буюм ва оқ рўмол ҳамда безатилган от олиб борилган. От безалганда отнинг ўнг жиловига оқлик боғланади. Бу удумни қиз томон бажаради.

«Келинни кийинтириш» удумида келиннинг қизлик даврида сочи олди томонга ўрилган. Келин бўлаётганида қулоқнинг орқа томонига иккита қилиб ўрилиб, йўли оқ бўлсин деб учига оқ пахта боғланган. Келинни асосан бир никоҳли фарзандли аёллар сочини ўрган ва кийинтирган. Юзига чиммат тутилиб, паранжи ёпилган. Келин жўнатаётганда отаси оёғини тавоф қилади,

отаси берган тузимга розиман деб дуо беради. Отга минишда отасининг ўнг елкасига ўнг оёғини қўйиб минади, оқ фотиҳа бериб жўнатишган. Келин отга минганда олдида саккиз, тўққиз ёшдаги ўғил бола миндирилиб, икки томонда бир никоҳли киши олов ёққан ва шу олов ўртасидан отни ўтказганлар. Шунингдек келинни куёв хонадонига олиб кетишда «бақон тутиш», «респонак» удуми ҳам бўлиб, бунда келин келаётган йўлни арқон ёки бирор нарса билан тўсиб турилган. Тўйчилар томонидан боқончиларга пул ёки бирор совға беришган.

Шунингдек келинни олиб кетаётганда аёллар «ёр-ёр» айтиб боришган:

Шилдир-шилдир қамишга,

Сирғам тушди ёр-ёр.

Синалмаган йигитга,

Синглим тушди ёр-ёр.

Қат-қатгина қатлама,

Қатланибди ёр-ёр.

Қизни олиб дугонаси.

Отланибди ёр-ёр.

Қизни олиб дугонаси,

Тура-турсин ёр-ёр.

Оқ сут берган онажони.

Рози бўлсин ёр-ёр.

Осмондаги юлдузни,

Саккиз денглар ёр-ёр.

Келаётган келинни,

Сардор денглар ёр-ёр.

Игнам учи синди деб ,

Урди онам ёр-ёр.

Энди сен ҳам кетасан,

Тинсин онанг ёр-ёр.

Дарёга тош отманглар,

Ботар кетар ёр-ёр.

Узоққа қиз берманглар,

Олар кетар ёр-ёр.

Куёв томон ҳам келинни тушириб олишда от келаётган йўлни икки томонида олов ёқилган. Келинни олдида чиққан отаси отдан тушуриб олгандан кейин олдида чиққан онаси етаклаб келинни чимилдикқа тутилган уйга олиб киради. келинни қўйдаи ювош бўлсин деб уйнинг бўсағасига қўй терисидан қилинга пўстак тўшаб қўйилган. Келин отдан тушиши билан қайнонаси (куёвнинг онаси) уй ичкарсига кириб устига оғирроқ нарса яъни, пўстак ташлайди. Бу удум билан қайнонанинг оғир-босиқ бўлиши ният қилинади.

Келин тушган куннинг эртасига «бет очар» удуми бошланади. Келиннинг олдида чиққан онаси уни келинлик либоси билан олиб чиқиб ўчоқ бошига бошлайди, аввал ўчоқ бошига бориб, ўнг қўли билан ўчоққа икки қошиқ мой тўкади, сўнгра итнинг жалоғи (ялоғи)га ва отнинг қозиғига жуфт таъзим қилади. «Бет очар» удумига яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар ташриф

буюрганлар. Келин уларнинг қаршисида таъзим беради ва улардан хазил мутоиба билан кайвони кампир томонидан куёв оғаёниларидан сўралари. Хусусан, куёвнинг тоғасидан сиз нима берасиз деб сўралади. Шунда тоғаси бир кўзили кўй бердим деб айтади. Удум шу тарзда давом этиб охирида қайнота ва қайнонога навбат келади.

Бойсун тумани Авлод қишлоғида келин салом маросимини ўтказиш

Қайнота туриб келинга соғинлаги сигирни, қўрамдаги кўйни бердим, қайнона эса жўжа эргаштирган товукни, бутун рўзғорнинг ризқи жамланган супрани, ризқ-улашган қозон-товокни бердим дейди. Сўнгра куёв томондан тўрт-беш ёшдаги ўғил болани олиб келиб, кўлига пахта сабов берилади. Пахта сабовнинг бир учига пахта ўралиб кўйилади. Пахта сабовнинг бир учидан ушлаб секин келиннинг юзига тutilган чимматига текизиб, аста секин келиннинг юзидаги чимматни тортиб олади. Келиннинг юзини очган болага белбоғ, дўппи каби нарсалар совға қилинади. Келин юзидаги чимматни чимилдиқ устига ташлаб кўйилади. Келиннинг бошидаги паранжи олиниб, келин оғир бўлсин деган маънода қайнотасининг бошига ёпиб кўйилади.

Жарқўрғон тумани Оққўрғон қишлоғида келинсалом удумини ўтказиш

«Бет очар» удумидан сўнг келинин қайнона эшигига рўпара қилади ва эшикнинг устига келин томондан махсус тайёрланган «эшик илув» удуми бажарилади. Эшикнинг устига кигизми, гиламми, ёки кўрпа ташлаб кўйилади. Келинни эса эшик олдида олиб келадилар ва кайвонинг буйруғи билан келин эшикнинг ўнг, чап ва эшик бўсағасидан тавоф қилади. Келиндан оғзини юмиб, кўзини очиб, бўсағадан ўнг оёқ билан кириш айтилади. Келин ичкарига кириб ўтиради ва олдида супрани очиб кўядилар: келин супрада ун элайди. Тавоқда пичоқ билан қуйруқ олиб келиниб, қуйруқ тўғратилади. Бу удумлар бажарилиб бўлгандан сўнг келинни уйдан куруқ чиқармайдилар, сарпо кўядилар. Шу билан келинга ташқарига чиқиб уй рўзғор ишларига қарашига рухсат берилади. Шу кундан келин уй бекаси ҳисобланади.

ВОҲАДА МАРОСИМЛАР ВА РАСМ-РУСУМЛАР.

Сурхон воҳасида кенг тарқалган маросим ва байрамлардан бири Наврўз ҳисобланиб, у янги йил, орзу-умидлар ушалиши сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Наврўз-форс-тожикча «нав»-янги, «рўз»-кун сўзларидан тузилган бўлиб, ўзбек тилида янги кун ёки янги йилнинг биринчи куни деган маънони билдиради. Наврўзнинг пайдо бўлиши тарихи моҳияти ва фазилатлари тўғрисида Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида, Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб-ат-тавҳим» (Тушунтириш китоби) ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида муҳим маълумотлар берилган. Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмийнинг эралар ҳақидаги рисоласини ўқир эканмиз қизиқ мисолга дуч келдик. Байтул муқаддасдаги диний маросимлар унинг вақти билан боғлиқ бўлар экан.

Абу Райҳон Беруний «Ёдгорликлар»ида ҳам Наврўз ҳақида эътиборли гаплар қайд этилган. Она тилимизга таъмал тоши қўйган мутафаккир шоир МахмудҚошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида ҳам Наврўз ҳақида дилбар сатрлар учрайди.

Шарқнинг яна бир латиф алломаси Юсуф Хос Хожибнинг «Қутағду билиг» (Саодатга бошловчи билим) китобида «Шарқдан эсанг насм оламни безаш учун жаннат йўлини очади, ерга ифор тўкилади», деб лутф этган. Фалсафий мушоҳадага бой ўткир сатрлар соҳиби Умар Хайём ўз «Наврўзнома»сида тириклик ҳақида ўтли мисралар битган. Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида Наврўз ҳақида қайд этган бебаҳо фикрлар асрлар оша халқ қалбида яшаб келмоқда. Бундай илғор фикрларни Носир Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», Саъди Шерозийнинг «Гулистон», Лутфий, Жомий, Навоий, Фурқат, Завқий ва бошқа улуғ қалам аҳллари ижодида ҳам кузатиш мумкин.

Мавлоно Муқимийнинг:

Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоқлар.
Хуш бу маҳфилда тириклик улфати аҳбоб ила,
Ўйнашиб гоҳи табиатни қилайлик чоғлар-
каби ўйноқли, жўшқин мисралари кимга ёқмайди. Ёки бўлмаса, Хуршиднинг:
Чун келди баҳор ойи юз очди бу дам наврўз,
Кўк майсалар устига еткурди қадам наврўз,
Қадам ила тўлиб диллар, уйғонди бутун гуллар,
Хуш исли ҳавоси-ла хўп келди шинам наврўз-
деган қаноатли сатрлари қанчалар завққа тўлган.

Қадимги замонда қуёшнинг Хамал буржига кириши кеча билан кундузнинг баробар келиши йил боши ҳисобланган. Бу ҳодиса эски қуёш йили ҳисобида 22-мартга тўғри келади.

Шодиёна 2 қисмга бўлинган: 1) кичик, 2) катта ёки махсус Наврўз байрами деб аталган. Анъаналарга биноан кичигидан бошлаб табиатдаги Ҳамма нарса амалга киради.Қадимдан Наврўз муносабати билан халққа тортиқлар

улашилган, маҳбусларга озодлик эълон қилинган. Наврўз одатда 22-мартда бошланиб, 1 ҳафта-10 кун давом этган. Унга тайёргарлик эса анча илгари бошланган. Янги кийим тикилади, ҳовли ва кўча майдонлар тозаланади, сумалак учун буғдрой кўкартирилади. ҳунармандлар қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган асбоб-ускуна, рўзғор асбоблари, кийим-кечаклар тайёрлашда астойдил меҳнат қилиб, байрамни яхши кутиб олишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Деҳқонлар билан боғбонлар экишни бошлаб, ерни ва дарахтларни парвариш қиладилар. Одамлар ғам-надоматларни, ташвишларни унутишга ҳаракат қилишади, урушганлар ярашади. Қадр-қиммат, олижаноблик, мурувват кучаяди. Касалларни, кекса кишиларни бориб кўриш, кўнглини кўтариш, етим-есирларга ёрдам бериш, «Келин чорлади», «Чақалоқ кўрди» каби одатлар бунга мисол бўла олади. Улоқ, кураш, хўроз, кўчқор уруштириш каби ўйинлар расмга кирган. Ҳаётимиз турфа ранг бўлсин, деган маънода байрам куни тухумни етти рангга бўяганлар. Йил давомида қушдай енгил бўлайлик, соғлом яшайлик деган мақсадда алвонч учганлар, мушоира уюштирганлар. Ёшлар баҳор, ҳаёт, муҳаббат, дўстлик, ёшлик ҳақида қўшиқ куйлаганлар. «Наврўзи ажам», «Наврўзи араб», «Наврўзи баётий», «Наврўзи сабо», «Наврўзи хоро» куйлари расм бўлган. Шу кунда туғилган чақалоққа Наврўз деб исм қўйган. Жумладан атоқли шоир ва тарихчи Огаҳий ўз ғазалларидан бир нечтасини Наврўзга бағишлаб ёзган:

Қилиб ойин меҳр оғоз наврўз,
Келиб қиш фаслин этти ёз наврўз.
Жаҳон сар то кадам файзусафода,
Бўлиб жаннатга таги андоз наврўз.

Байрам мазмуни ва йўналиши халқнинг энг яхши одатлари ва фазилатларини, меҳнатга бўлган муносабатларини, эстетик дидини, ватанпарварлик, ҳамжихатлик каби ажойиб хислатларни фозилона жамлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Буларнинг бари Наврўз халқ қалбидан чуқур жой олганлигидан, у халқимизнинг байрами эканлигидан яққол далолат беради.

СУРХОН ВОҲАСИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Инсоннинг ҳунари унинг бойлиги.

“Оталар сўзи”

Яда-тошининг қудрати - «Яда» атамаси кўпчилик олимларнинг эътирофича, Авестода келтирилган «Яду» (ёки «Яту») яъни «Сехр-жоду» сўзи билан боғлиқ. «Яда» атамаси билан боғлиқ тушунчаларни қадимий Шарқ ёзма манбаларида ҳам учратиш мумкин. Хитой сайёҳи Си Юй Вин-дзянь Лу- «яда» тоши ҳақидаги маълумотида, уни оқ, қора, кулранг, кўк, яшил ва сарик рангларда бўлишини таъкидлайди. «Яда» тоши ҳақидаги маълумотлар X асрда яшаган араб географи Ибн ал-Фқихнинг «Китоб ахбор ал-булдон» («Мамлакатлар ҳақида ахборотлар китоби») ҳамда Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарларида ҳам қайд этилган.

Абу Райхон Берунийнинг «Минералогия» асарида «яда» тоши ҳақида маълумот бериб, мазкур тош туркий халқлар орасида нафақат ёмғир чақирувчи,

балки ғалаба ва омад рамзи сифатида ҳам кадрланганлигини ёзади. Илохий кудратга эга бўлган мазкур «Яда» тоши ҳақидаги маълумотлар қирғиз халқининг «Манас» эпосида ҳам учрайди ва уни «джай» тош деб аташган. Яда тоши ҳақида В.В.Бартольд ҳам ўз асарида тўхталиб, уни «Нефрит» тоши деб тахмин қилади.

С.Е.Моловнинг ёзишича XIX асрнинг охирларида Шарқий Туркистонда «яда» чилик билан шуғулланган Мулла Айни хосил-йиғини терими даврида ёмғир чақирганликда айбланиб, қаттиқ жазоланган. Хитой сайёҳи Си Юиннинг ёзишича, ёмғир чақириш учун тош тол пўстлоғи билан боғланиб, тоза сувга солинган, ёғингарчилик кўп бўлганда, уни бартараф этиш учун эса тош халтачага солиниб, от думига боғлаб қўйилган ва сеҳрли дуолар ўқилган. Бундан ташқари, агар совуқ чиқариш керак бўлса, дуо ўқиётган одам тошни белига боғлаб олган. Шарқий Туркистонликларда (Бойсун ҳам шунга киради) «Яда» тошидан хатто чанқокни қондирувчи восита сифатида фойдаланиш одати бўлган. Элшунос олим К.Шониёзов яда тошини қадимданок туркий халқларнинг турмуш тарзида муҳим ўрин тутганини ва у ҳақида илк ўрта аср ёзма манбаларда маълумотлар учрашини таъкидлайди. Бироқ «Яда» тоши ҳозиргача алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Миллий Ҳаммомлар - X асрда Чағаниёнда яшаб ижод этган Абу Мансур ал-Қумрининг «Китоб ат-тансиф фи-л-истилохат ат-тиббия» («Тиббий атамалар ва унсурлар луғати») асарида қуруқ ҳаммом ҳақида қуйидаги тафсилот берилган: «Кир ювиш жомига ўхшаш кенг (цилиндрик) идиш ясаиб, унинг ичига ёғоч курси қўйилади. Жом усти иккита тенг бўлакдан иборат ёғоч қопқоқ билан ёпилиб, ундаги курсига ўтирган одамнинг боши ташқарига чиқиб туради. Шундан сўнг ердан ушбу жом сиғадиган баландликда чуқур ковланиб, жом шу чуқурга ўрнатилади. Кейин унинг четидан айланасига эни бир тирсак (50-60 см) жой қолдириб, атрофидан ҳам эни яна шунча ва баландлиги жом бўйидан бир товон (20-22 см) ча зиёд айлана чуқур ковланади. Чуқурда ҳарорати ердан ўтиб, жомни иситадиган, унда қуруқ иссиқ ҳаво хосил қиладиган, бироқ одам танасини қуйдирмайдиган даражада олов ёқилади. Шундан сўнг, одам жом ичига тушурилиб, курсига ўтказилгач, икки бўлакли ёғоч қопқоқ ёпилганида унинг боши қопқоқ ташқарисида қолиши шарт. Шу зайлда ҳамом ичида одам терга ботгунча ўтирарди ва кейин ташқарига чиқарилади».

Абзак (ванна) - шаклан ҳозирги замонавий ваннага монанд бу сиғимнинг узунлиги 135-170 см, баландлиги 47-50 см, эни эса одам елкасидан кенгроқ. Абзак ҳарорат ва сув босимига чидамли силлиқ ишловга мос жисмлардан ясалган. Шифобахш ўтлар солинган иссиқ сув тўлдирилган обзанга бемор ўтказилиб, бош қисмигача ёғоч қопқоқ ёпилган.

Хуллас, тарихий манбалар ва ашёвий далиллар асосида яратилган абзаннинг чизма шакли Ўрта Осиё халқлари ваннани яқин даврларда европаликлардан олмаганлиги, балки, аксинча бу қадимдан Шарқда кенг ривож топган тиббий мослама ва муолажалар шакл ва услубияти анъаналари Ғарб мамлакатларига тарқалганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, ҳозирги ҳаётимизда кенг амал қилинаётган **сауна** аслида ўтмишда иссиқ ҳаволи «қуруқ ҳаммом» номи билан Ўрта Осиёда машҳур бўлган ва X аср табиблари беморларни даволашда ундан кенг фойдаланишган. Халқимизнинг қадимги турмуш

маданияти, даволаш услублари, воситаларининг унутиб келинган муҳим икки тури обзак ва куруқ ҳаммомни бўлиш Ватанимиз бой маданий тарихидан далолат беради.

Сурхон воҳаси аҳолисининг ижтимоий, маиший ва оилавий турмушида диний тасаввурлар муҳим ўрин тутди. Дин ибтидоий жамоа тизимидан ҳозиргача халқ маънавий маданиятининг таркибий қисми бўлиб келган диннинг илдизи қадимги тош даврига бориб тақалади ва кейинги тараққиёти жараёнида турли шаклда намоён бўлиб келган дастлабки диний эътиқод куртаклари ўрта плеолит даврида неандерталл одам турларида пайдо бўлган. Чунки неандерталлар одам турларида пайдо бўлган. Чунки неандерталлар ўликларни муайян тартилар асосида дафн этган. Бойсуннинг Бешиктош ғорини қазиб жараёнида топилган 8-9 ёшли неандертал боланинг суяк қолдиқларининг атрофи архар шохлари билан ўраб дафн этилган. Неандерталлар архар шохлари нариги дунёда марҳумларни ҳар қандай ёвуз кучлар ҳамласидан ҳимоя қилади деб тушунганлар. Мезолит даврига оид Шерободдаги Зараутсой қоятош суръатларида ҳам ибтидоий одамлар диний тасаввурининг изларини кўриш мумкин. Ёввойи буқаларни овлаётган қадимги овчилар суръати Зараутсой суръатларида устикорига ёпинчиқ ташлаган, юзларини беркитган рўдополар тарзида акс эттирилган. Ибтидоий одамлар ғор деворларига ов манзиллари тасвирлани битилган суръатлар бўлажак овнинг бароридан келишига ёрдам беради деб ишонишган. Воҳанинг бронза даврига оид Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларида олиб борилган археологик изланишлар жараёнида очиб ўрганилган қабрларда марҳумлар ҳар хил буюмлар билан қўшиб, дафн этилганлиги ҳам жез даври одамларининг нариги дунё тўғрисидаги тасавури анча мукамаллашганлигидан далолат беради. Қолаверса, Жарқўтонда оташкада яъни олов ибодатхонасининг топилиши жез даври одамлари орасида маълум ибодат тартиблари шаклланишдан далолат беради. Ибтидоий дин шаклларида бири бўлган тотемистик тасаввурларнинг таъсири ҳозиргача муайян кўринишларда воҳа аҳолисининг турмуш тарзида учрайди. Тотемизм бирор шахс ёки маълум бир уруғнинг ёки қабиланинг қандайдир ҳайвон ёки ўсимлик билан баъзан эса жонсиз буюм билан ғайритабиий яқинлиги ҳатто қариндошлик алоқаси мавжуд деган тушунчага асосланади.

Сурхон воҳасида истиқомат қилаётган кўнғирот, қоракурсоқ, кийғочли, калтатой, қарға, бойбўри каби этнонимларининг номланиши ҳам айнан тотемистик эътиқодлар билан оғлиқ. Воҳа аҳолиси орасида ҳозиргача бўри, от, илон, мусича, қалдирғоч каби жониворларга муқаддас жонзот сифатида қараш уларни инсонга етказадиган таъсир кучига ишониш каби ҳолатларни учратиш мумкин. Жумладан бўрининг тиши, тирноғи, отнинг ёли, бош суяги, тафаси, кўчқор шохи қабиларни уйларга илиб қўйиш каби одатлар айнан тотемистик тасаввурларнинг қолдиқларидир.

Воҳа аҳолиси орасида фитешистик тасаввурлар ҳам учраб туради. Фитешизм ҳам ибтидоий дин шаклларида бири бўлиб, туморларга ва сеҳрланган буюмларга сиғиниш билан характерланади. Масалан, ҳозиргача воҳа аҳолиси ҳаётида пичоқ, исирик, қалампир, пиёз каби предметларнинг таъсир кучига ишониш муқаддас дарахтлар (чинор, туғдона, анжир) ва

булоқлар (анжир ота, хўжаипок, омонхона ва ҳ.к.) ларни муқаддаслаштириш ҳолатларини кўриш мумкин. Ибтидоий дин шаклларида яна бири анимизм бўлиб, бу дин жон ва руҳнинг мавжудлигига, руҳ ва тананинг алоҳида-алоҳида унсур эканлигига инсон вафот этгач, руҳ (жон) танадан ажралишига ва руҳнинг абадийлиги, таннинг эса ўткинчилигига асосланган ақидаларни илгари суради. Анимистик тасаввур қолдиқлари ҳозир ҳам воҳа аҳолиси орасида мавжуд. Жумладан марҳумларнинг нариги дунёда яшашлигини. Арвоҳнинг яъни руҳнинг маълум муддат ўз яқинлари ҳузурига келиши, руҳларни рози қилиш мақсадида ис чиқариш, руҳлардан ёрдам сўраш каби жиҳатлар айнан анимистик тасаввурларнинг маълум кўринлари саналади.

Шомонлик анимистик эътиқодларнинг маълум босқичида пайдо бўлган эътиқод шакли бўлиб, туркий халқлар тарихида муҳим ўрин тутган туркийларнинг аجدодлари, ёрдамчи руҳлар ва ёвуз руҳлар борлигига ишонланган. Одамлар билан руҳлар ўртасида воситачилик қиладиган, руҳларни ўзига бўйсундирган, ёвуз руҳларни ҳайдайдиган одамларни шомонлар деб аташган. Шама атамаси нисбатан кейин шаклланган бўлиб, шомонларни дастлаб қадимги туркийлар қам ёки тўйинг деб аташган. Шомон сўзи тунгуз-манжур хилидаги “саман” сўзидан олиниб, одатда (телбасифат, далли-девона) деган маънони билдиради. Турк асотирларида эса шомон сўзи хитойча “истакларни енга олувчи кимса” деб аталади.

Сурхон воҳасида шомонларни қушночлар деб аталади. Қушночлар хомий руҳлар билан алоқа қилади ва ёвуз руҳларни ҳайдаш қобилиятига эга деган тушунча воҳа аҳолиси ўртасида ҳам мавжуд. Воҳа аҳолиси орасида ҳам касалликлар кўпинча ёвуз руҳлар макр ҳийласи туфайли келиб чиқади, деган тушунча мавжуд. Шу боисдан ҳам беморларни аласлаш, кинна силаш, жаҳр, кўчирик қилиш ва боқтириш каби шомонлик усуллари билан даволашга ҳали ҳам ишонувчилар мавжуд. Воҳада жаҳр, кўчирик, алас каби маросимларни қушночлар бажаришса касалалр бахшилар томонидан боқтирилиб(яъни ёвуз руҳлардан тозаланиб) даволатилган. Кинна, кўз ва суқ тегиши каби зиён захматлар кинначилар томонидан силаб (яъни ёвуз зиёнлар саналган кинна, кўз, суқ ва ёмон назари) ҳайдалган. Жаҳр-хасталанган беморлар танасидан ёвуз руҳларни ҳайдаш маросимидир. Жаҳр тартибига кўра бемор ўртага ўтқазилади. Сўфилар кўлида қамчи билан кириб келади. Беморнинг ёнига ўтириб олдин Оллоҳга илтижо қилиб, фотиҳа ўқийди, жонлиқ сўйилади. Шунингдек, париларга илтижо қилиб, беморнинг дардига шифо сўрайди. Ўртага супра ёйилади, чироқ ёкилади, ният қилинади. Ҳар бири 33 мартадан такрорловчи тасбеҳларни 7 хил такрорлаб ҳар бир асбеҳ оралиғида бемор елкасига қамчи билан уриб туради. Кейин А.Яссавий ҳикматлари изидан Сўфи Оллоёр ўқилади, сўнгра чўғда қиздирилган пичоқ ва капгирни сўфи ялаб ҳамда беморнинг тилига, оёғининг остига теккизади, шундан сўнг сув пуркаб, бемор танасига кириб олган ёвуз руҳларни ҳайдашга киришиб, жазавага тушади. Бемор тансининг айрим жойларини тишлайди. Ханжар билан кўчки қилади ва маросим тугатилади. Воҳанинг кўпгина қушночлари чилдирма, қамчи, пичоқ, оқрўмол, тасбеҳ каби буюмларидан ўз фаолиятлари жараёнида фойдаланишади. Қушночларнинг айримлари фолбинлик билан ҳам шуғулланишади.

Минтақамизда шаклланган илк яккахудолик дини зардуштийлик дини саналади. Зардуштийлик дини милоддан аввалги VII аср охири ва VI аср биринчи ярмида шаклланган. Зардуштийлик дини ягона Ахурамаздага сиғинишни таъкидлаш билан бирга оламнинг ибтидоси саналган тўрт унсур: олов, тупроқ, сув ва ҳавони муқаддас деб билади. Зардуштийлик ёвузликка қарши курашда яхшиликнинг охир-оқибат ғалабаси бўлишлигини таъкидлайди. Зардуштийлик эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални дунёда собит туришига ҳаракат қилади. Жаннат ва дўзах атамалари ҳам айнан илк бор зардуштийлик анъаналарида тилга олинади. Зардуштийликда олов покловчи унсур сифатида тақвадорлик белгиси сифатида улуғлашган. Жарқўтонда олов ибодатхонасининг мавжудлиги илк зардуштийлик илдизларининг айнан Сурхон воҳаси билан боғлиқ тарзда шаклланганлигидан шаҳодат беради. Зардуштийлик динининг ибодатхона ва муқаддас оташкодалари Шерободдаги Жондавлаттепа ёдгорлиги яқинидаги Пачмақдан ҳам қазиб ўрганилганлиги ҳам воҳада зардуштийлик дини анча ёйланганлигидан далолат беради. Зардуштийлик таълимотида ўлим ёвузлик мисоли. Қазо қилган одамнинг танаси харом, шу сабабли майитни пок нарсалардан узоқ сақлаш керак деган ақида мавжуд бўлган зардуштийлик дини ўғитларига кўра одамларнинг жасади тоғ-тошлардаги тепаликларга олиб бориб ташланган. Майитнинг суяклари қушлар ва йиртқич ҳайвонлар томонидан этидан тозалангач, суяклар махсус ўлим хизматчилари насасалар томонидан йиғиштирилиб, остодонлар яъни сопол хумларга солиниб, махсус макбараларга жойлаштирилган. Зардуштийлик динининг айрим қолдиқлари ҳозирги кунда воҳа аҳолиси турмушида учраб туради. Жумладан зардуштийлар оловни покловчи восита сифатида тушунишган ва олов билан ёвуз кучларга қарши курашишган. Воҳа аҳолиси орасида расм бўлган марҳум чиққан жойда уч кунгача ўчоқ ёқмаслик, марҳум ётқизилган кўрпа-ёстикларни юлдуз кўрсин деб поклаш мақсадида ташқарида қолдириш касалларни олов билан аласлаш ёки келин-куёвни олов олдидан айлантириш каби иримлар айнан зардуштийлик динининг маълум қолдиқлари саналади. Қушонлар салтанати замонида воҳада буддавийлик дини кенг ёйилди. Айнан ана шу даврдан воҳада буддавийлик ибодатхоналари қад рослай бошлади. Хусусан эски Термиздаги Фаёзтепа, Қоратепа ибодатхоналари ана шулар жумласидан саналади. Буддавийлик динини янада юксакликка кўтариш ва бойитишда термизлик роҳиблар Дихармамитра ва Дихармаракшаларнинг ўзига хос хизматлари мавжуд. Қолаверса, Термиз буддавийлик динининг муҳим марказларидан бири бўлиб, бу таълимотни жанубий-шарқий Осиё мамлакатларига буюк ипак йўли савдоси орқали кириб боришида асосий марказ вазифасини ўтаган. Буддавийлик дини минтақага араблар кириб келгунга қадар яъни VIII асрга қадар воҳада ҳукмрон динлардан бири бўлиб келган. Араблар истилосидан сўнг бутун минтақада бўлгани сингари воҳа аҳолисининг турмуш тарзи ва эътиқодидан ҳам ислом дини кенг ўрин эгаллади. Минтақада ислом дини ҳукмронлиги ўрнатилгач, барча маҳаллий эътиқолар сохта дин эканлиги эълон қилинди. Шундан сўнг ислом арконлари аҳоли орасида турли йўллар билан сингдирила бошлади.

Ислом дини минтақа аҳолиси маънавиятидан чуқур жой олибгина қолмасдан, балки минтақадан етишиб чиққан олим ва уламолар ислом дининг равнақиға катта хизмат қилди. Айнан пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларини тўплаш ва тартибга солишда Имом Термизийнинг хизматлари беқиёс. Шунингдек, ислом дини асосларини сингдиришда муҳим ўрин тутган тасаввур таълимотининг юксалишига воҳанинг забардаст алломаларидан Ал Ҳаким Термизий ва Варроқ Термизийлар муносиб улуш қўшдилар. Ислом дини ўзининг ўтган узоқ даврлик тарихи мобайнида кишиларни имонга, эътиқодга, яхшиликка, ҳамжиҳатликка, ҳалолликка, покликка чорлайдиган юксак таълимот эканлигини исботлади ва воҳа аҳолиси маънавиятидан чуқур жой олди. Ислом дини кўрсатмалари маҳаллий халқ томонидан эъзозлаб келинган ижобий қадриятлар билан ҳам қоришиб, кишиларнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Воҳа аҳолиси орасида кенг тарфалган маросим ва удумларда, анъаналарда муқаддас ислом динининг ўзига хос ўрни мавжуд.

Қадимий дафн маросими билан боғлиқ дастлабки урф-одатлар Сурхон воҳасида “Тотемизм”, яъни Американинг шимолий ҳудудида яшовчи “ожибве” ҳинду қабиласи тилида “унинг уруғи” маънони билдириб диний эътиқот сифатида ҳайвон ва ўсимликлар билан қон-қариндошлиги ҳақидаги ақидага асосланган тушунча сифатида сақланиб келмоқда. Тотемизм диний эътиқодларни ўрганиш борасида таниқли этнолог

олимлар Э.Б.Тайлор, Мак

Леннан, С.П.Толстов, Ж.Фрезер, А.Аширов, А.Донёров, О.Бўриев, С.Турсунов, Т.Пардаев, А.Қурбонов, М.Қурбонова каби муқаммал лимий тадқиқотлар олиб бордилар. Сурхон воҳасида тотемизм тушунчаси ибтидоий жамоа дарвига хос хусусият бўлиб, илк аждодларимиз хўкиз, дарахт, мусича, укки, бўри, айиқ, қўй, эчки, илон, қарға, бургут, ит, от, қалдирғоч, сигир каби жониворларга сиғиниб, ушбу жонзотларни номини ўзларига исм қўйиб ҳамда уларга атаб турли ривоятлар тўқиб, маросимлар ўтказганлар. Ҳатто кўплаб уруғлар ўзларни номини ушбу жонзотлар билан боғлаб атаган ҳамда бойбўри, қарға, тойлоқ, олчин, жилон тамғали, қорақурсоқ қабалар билан атаганлар. Чунки аждодларимиз ўз атрофидаги табиат сир-асрорларни сабабларни билмаганлар.

Айниқса Сурхон аҳолиси ҳозиргача бўри тотемига сиғинади, чунки бўри халқимизни илк аждодиди ҳисобланади. Таниқли этнолог олим Н.Я.Бичурин “Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена” асарида ўзаро қабилавий урушлар натижасида туркий қабилардан бири батамом қириб ташланади. Қирғин урушдан 10- ёшли бола омон қолиб, асир тушади, қолиб қабилла болани қул оёғини чопиб ташлаб, тириклайн ўтлоққа ташлаб кетади. Мажруҳ болани она бўри топиб олиб, уни олиб кетиб, боқа бошлайди. Тирик қолган болани хабарни эшитган ҳуқумдор зудлик билан болани топиб ўлдиришга фармон беради. Бўри ҳуқумдор фармонни эшитиб болани шарқ тоғларига олиб қочиб кетиб, уни вояга етказиб, тарбиялаб ундан ўнта ўғил туғади. Бўри ва боладан туғилган фарзандлар ўтмиш авлодларни қасдини олиб, ҳар бири алоҳида уруғга асос солади. Шу тариқа бўри авлодлар тотемни пайдо бўлади. Сурхон воҳасида бўри тотемни билан боғлиқ тасаввурлар фарзандли бўлиш арафасида турган онага муносатада алоҳида сезилиб, болани туғилишни энгил бўлиши учун онага бўрини қуритилган юрагидан озирок исътимол қилдирган. Шунингдек, бола туғилиш жараёнида она ёнига бўри териси жунидан

кўйилган. Сурхондарёга хос ҳолатлардан бири ҳар қандай боло -қозалардан сақланиб юриши учун эркаклар ҳамда аёллар бўрини турли хил аъзоларини чўнтақларига солиб юришган. Айниқса кунқиротлар бўрини тишни, тирноғини, жинсий органларнига кўпроқ эътиқот қилиб ўзлари билан бирга олиб юришганлар. Сурхон воҳасида киёв-келинларни ётоқ жойларига бўри терисини тушаш, бўри тиши теккан гўштларни исътимол қилиш асосида бефарзандликдан қутилиш, туғилган фарзандларни ёмон инс-жинслардан сақлаш ҳозиргача мавжуд. Энг муҳими эътиқод рамзи сифатида Бўри, Бўриой, Бўритош каби исмлар мунтазам кўйилиб келинмоқда. Тотемизмга хос эътиқодлардан кенг тарқалган удумлардан бири отга муносабат тушунчаси бўлиб, Сурхон воҳасида ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасорат, мардлик, содиқлик, вафодорлик, хушёрлик, ёр висолига етиш, ор-номус ғоялар мужассам бўлган. Машҳур XV асрда ёзилган “Додо кўркут “ китобининг афсонавий қаҳромони Бамсий Берек ўзининг вафодор отига “Сени от деб атаманман. Сени оғам деб атайман... сени дўстим деб атайман” деб мурожаат қилади”. Воҳада кенг тарқалган “от –йигитнинг қаноти” ривояти кўплаб от билан боғлиқ ҳаёти мисолларни тақдим этган. Алпомиш жасоратини улуғлаган, Барчиной ор-номусини ҳимоя қилган от тимсол арсларга хос мардлик, хушёрлик, ватанга, халққа эътиқоддир. Ҳазрат Али Дулдули билан боғлиқ муқаддас жойлар, Қалламозор қишлоғидаги тошга битилган от излари, Тошбосар достонидаги ёрга эътиқод рамзи Сурхон аҳолисининг дostonларида ўз ифодасини топган. Сурхон халқ оғзаки ижодида тўй ва аза билан боғлиқ отга хос эътиқодлар, уй эгаси эркакни вафоти муносабати билан отни безаб бирга кўмиш ёки отни мурда ётган хона яқинга олиб келиб кишнатиши-хайрлашуви билан боғлиқ ҳодисалар шулар жумласидан. Қизлар севган йигитидан тезроқ совчи келиши учун отга рўмоли билан арпа бериши, ёки тушига от кирса совчи келиши каби ривоятлар, шунингдек, йигит тушига от кирса мансабли- мартабали бўлиш отга муносабатини ўзга хос ҳурмати ҳисобланган. Отни қамчи билан уруш гуноҳ ҳисобланиб, янги туғулган чақолоқларни кўйлаги от қозиғига кийдирилиб уни инс-жинслардан сақлаганлар. Оилавий маросимлардан бири бўлган дафн маросими Сурхон воҳасида асосан овул, қишлоқ аҳли билан исломий қонун-қоидалар асосида амалга оширилган. Бу маросимни ўрганар эканмиз уни шартли равишда 2 қисмга бўлиб ўрганишни жоиз топдик: 1) кишининг вафот этишидан олдинги ва вафоти чоғидаги тартиб-қоидалар.

2) кишининг дафн этишидан сўнг ўтказиладиган маросим тартиблари.

Киши агар оғир хасталик туфайли ўлим тўшагида ётган одамнинг уйида ортиқча шовқин қилинмайди ва бемор ёнида яқин кишиларидан бир-иккитаси туриб унинг ҳолидан огоҳ бўлиб турадилар, оғзига сув томизиб турадилар. Хоналарда исириқ тутатилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур тадбирлар зардуштийлик динига бориб тақалади. Рус этнографи Г.П.Снесарев бу фикрни айтиб: "...зардуштийликда жон бераётган зардуштий доимий равишда ёвуз кучларни ҳайдаш учун иккита қоҳин туриши лозим дейилган. Улардан бири олов олдида дуо ўқиб турган бўлса, иккинчиси оғир ётган одам оғзига тетиклик бағишлаш мақсадида оби ҳаёт (муқаддас хасма) шарбатидан ёки анор сувидан томизиб турган."² Мазкур тадбир бугунги кунгача сақланиб қолганки, мазкур кишилар бемор вафот этиши чоғида унга, шунингдек, калимаи шаҳодатни қайтаришга даъват этишган ёки ўзлари ўқиб турганлар. Бу

тадбир эса бевосита ислом дини билан боғлиқдир. Ҳатто, VII-VIII қадимги тибетликлар кишини ўлимга тайёрлайдиган "Ўлим китоби"ни ёзиб қолдирганлар. Бу китобда ўлим ҳодисаси бамисоли бир санъатдек тасвирланган. Тибетлик руҳонийлар ўлим тўшагида ётган кишига ана шу китобни ўқиб, уни ўлимга тайёрлаганлар.³ Хуллас, киши вафот этгач, олдидаги кишилар унинг жағини энгагидан боғлашгач, икки қўлини узатиб, оёқларини бош бармоқларини бирлаштириб боғлаб қўйишадики, бу мурданинг қотиб қолишига эҳтиёт чораси ҳисобланади. Баъзи уруғларда эса вафот этган кишининг оғзига мунчоқ ташлаб кўрилса, баъзилар унинг бурун ва оғизларига пахта толасини унинг ҳақиқатан ўлик-тириклигини билиш учун тутиб кўрадилар. Бу тадбирлар албатта, яхши. Бироқ А. Абдурахмоновнинг "Саодатга элтувчи билим" китобида кўпгина ўликларнинг турли сабабларга кўра қайта тирилгани айтилиб, мурдани шоша-пиша, 4-5 соатнинг ичида дафн этиш масаласини ўйлаб кўришга чақириши менимча эътиборга молик. Мурдада тириклик аломатлари йўқолсада, бироқ қотмай тураверса, кишиларни ғаров (қамиш) ёпиб кўмадилар. Мархумнинг ёлғиз қолдирилиши мумкин эмас. Мархум аёл киши бўлса сочлари тарқатилиб, икки қўлиин ён томонга қўйиб ётқизилган. Қули ва бўйнидаги тақинчоқлар олиб қўйилган. Мархум дастлаб «махрам сув»га олинган унга кийим кийдирилмаган, имконият даражасида янги кўрпа ёки мато устига ётқизилиб, боши уйнинг тўр томонига оёғи эса шикка рўпаро қилиб ётқизилган. Мархумнинг бола чақалари, қариндош уруғлари кўриши учун юзини очиб қўйганлар. Эркак кишилар «номаҳрам» ҳисобланиб аёл кишининг юзини кўриш мумкин бўлмаган. Мотамга келган яқин қариндошлари мархум устига ҳар хил турдаги қимматбаҳо матолар ёпган. Сурхон воҳасида чорвадор аҳолиси мархумга атаб махсус қора уй «ўтов» тикканлар. Мотам маросимида келган кишилар тазия билдиришда «бандачиликда», «оллохнинг иши» айримлари «худонинг иши бандасининг қўлидан нима ҳам келарди» каби сўзлар айтган.

Мархумнинг эркак яқин қариндошлари қўлларига таёқ ушлаб товуш чиқариб «вой отам», «вой онам», «вой жигарим» деб йиғлашган. Агар мархум чақалоқ бўлса вафот этган куни дафн этилган. Катта ёшдаги мархумниг узокдаги қариндошлари етиб келиши учун бир кеча-кундуз уйда сақлаганлар. Мархумнинг ҳам узокдан келган қариндошлари қолаверса қишлоқ аҳли аёллари мархумни хотирлаб унинг яхши хислатларини эслаб йиғи қилганлар. Айрим аёллар ўзининг вафотётган яқинларини эслаб, атиб йиғлаганлар. Эркаклар эса эшик оғзига келиб овоз чиқаришади. Эркакларни мархумнинг ўғил, невараси, ёш бўлса ота ва ака-укалари бошлаб келиб биргаликда йиғлашадики, бу келган эркакларнинг ҳамдардлигини қабул қилганлиги белгисидир. Бунда яқинлари тўн кийиб, белбоғ боғлашади. Бошда дўппи, қўлда эса толдан ҳасса ушлаб туришади. Шунинг учун уларни "ҳассакашлар" дейишади. Деярли барча уруғларида мазкур тол-ҳассалар мархумга тобут ясашда ва қабрга қўйилгач, қабр атрофида сукиб белги қилиб қўйишда қўлланилади. Панжоб, Сайроб, Дарбанд, Инкабод, каби қишлоқ аҳолиси аёллари йиғи қилганда "Садр тешишади" яъни ўзларини уриб йиғлаб айтувчига жўр бўлиб йиғлашади.⁵ Мархум атрофида йиғи қилганда унинг юзи ёпилиб, устига мато қўйилади ва

узилсин деган маънода қайчи қўйилади. Марҳумнинг сўнгги йўлга кузатишда олдин уни сувга олишади. Ювғучи жинсга қараб она томондан 2 киши, ота томондан 2 киши миқдориди олинади. Баъзи вилоятларда махсус ювғучилар (ғассаллар) бўлсада, Сурхон воҳасида бундай ҳолат кузатилмайди, яъни "суякни бегонага ушлатмаслик" ақидасига асосланилади. Бу ҳолат зардуштийлик билан боғлиқ урф ҳисобланади: Зардуштийликнинг илк даврларида ўликлар тоғ-тошларга қўйилгач, қолган суякларни йиғиб келиш фақат суяк эгалари, яъни қариндошларигагина тегишли бўлган. Марҳумнинг кафани тайёр бўлгандан кейин ювишга олганда йиғи тўхтатилган. Марҳумни ювишда алоҳида қозонга қуруқ хашак ёқиб, сув исистилган. Ювишга агар васият қилган одамлари бўлса кирган, акс ҳолда марҳумнинг яқин қариндошлари, марҳум эркак бўлса асосан тоғаси кирган.

Ювғучилар марҳумни сувга олишгач, уни тахтага ётқизиб юзини қиблага буриб қўйишади. Хонага исирик тутатилади. Бу зардуштийликда ёвуз руҳларни ҳайдовчи восита сифатида қўлланилган муқаддас хаома (исирик) билан боғлиқ десак ҳато бўлмайдики, уни юқоридаги ҳолатда кўрсак бўлади.⁷ Сўнгра марҳумнинг жинсий аъзолари мато билан бекитилади. Ювғучи қўлини 3 марта ювиб, қўлқопни кияди. Мазкур қўлқоп аёллар томонидан (агар марҳум кекса киши бўлса) фарзандсизликка қарши магик восита сифатида ҳам қўлланилган. Ювғучи дастлаб ишни марҳумнинг кўкрагидан босиб қорнигача суриб боради (нажосат чиқиб кетиши учун) ва жинсий аъзолар ювилади. Бироқ уларни кўриш мумкин эмас. Ювғучи қўлқопини алмаштириб, қўлларини ювиб, марҳумнинг оғзини, бурнини тозалаб, юзини ювади. Сўнг икки қўлини чиначоғигача ювади (3 марта). Шуни таъкидлаш жоизки, аёл ва эркаларни сувга олишда фарқ кузатилмайди. Қўллар ювилгач, бош, кулоқ, бўйин ювилади. Оёқлар эса ошиғигача (тўпиғигача) ювилади. Кедр порошокли сув ёки совун билан илиқ сув ёрдамида бош ва соқоллар ювилади. Марҳумни сўнгра чап томонга ёнбошлаб ўнг тарафи ювила бошланади: тана ишқалаб ювилиб сув қўйиб, 3 марта шу тахлит ювилади. Жинсий аъзолар устидаги матога сув қуйилиб ювилади. Сўнгра мурда ўнг томонга ёнбош қилиниб, юқоридаги тартибда марҳумнинг чап ёнбоши ювилади. Марҳумнинг гежгасини ювиш уни юзтубан, яъни думбасини юқорига қаратиш билан амалга оширилмайди. Балки, елкалари бир оз кўтарилиб, гежгаси тозаланади. Шундан сўнг, мурда қайта ётқизилиб, кўкрагидан пастга қараб сурилади. Қолган нажосат шу йўл билан тўлиқ тозаланади. Шу тарзда тананинг барча аъзолари яна бир бор умумий тарзда ювилади. Агар яна захро чиқса, фақат ўша жой ювилади. Исломда марҳумни бир марта ювиш фарз ҳисобланиб, 3 мартадан ортиқ ювилмайди. Марҳум чиқаришдан олдин сочиқ билан артилиб, хушбўй мушклар сепилади. Шуни таъкидлаб ўтиш мумкин бўлсада, эркак хотинининг ювишида иштирок эта олмайди. Шунингдек, марҳум танасидаги камчиликлар айтилмайди. Ювғучилик учун ҳақ олиш-олмаслик борасида қатъий тартиб бўлмасда, ювғучиларга марҳумнинг кийим-бошларидан беришган. Кийим-бошлар ҳозирда бошдан оёқ янги берилмоқдаки, бу ортиқча сарф-харажатни талаб этмоқда. Кийим-бош аслида анимистик тасаввурларга асосланилган ҳолда, агар бу дунёда унинг кийимлари кийилса нариги дунёда унинг ўзи кийгандек

бўлишига ишонч асосидаги ақидага амал қилиниб берилади. Денов, Шеробод, Бойсун туманларида мазкур сарполар "ўлим тоқ бўлсин" деб тоқ кийим-бошлар тарқатилади.⁸ Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб кийим бошнинг янгисини беришга мутлақо эҳтиёж йўқлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Марҳум ювиб бўлингач, уни кафанлашга ўтилади. Ювиш жараёни эркак ва аёл кишилар учун фарқ қилмаслигини юқорида айтиб ўтган эдик, бироқ кафанлаш аёл ва эркакларда фарқ қилади. Кафанлашда оқ сурп ёки читдан фойдаланилади. Кафанлик бир неча қисмдан иборат бўлади.⁹: а) лифафа б) изар в) қамийса (қўйлак). Дастлаб эркакларни кафанлаш тартиблари ҳақида: марҳум кафанлашдан олдин лифафа тахтага ёзилиб, унга хушбўй мушклар сепилади. Лифафа-майитнинг бошидан оёғигача тўрт тарафи 40 см ортиқча мато қолдирилган катталиқдаги сурп. Ортиқча мато қисмлари кафанликни боғлаш ва ушлаш учун қолдирилади. Марҳум лифафага ётқизилгач, унинг устидан қамис кейин изар ёпилади. Қамис авратни ёпишга мўлжалланган кафанлик мато. Изар-киндикдан тиззанинг пастигача узунлиқдаги кафанлик мато (аврат ёпиш учун). Қамийса (қўйлак) ўртаси бош сиғиши учун мўлжалланган тешик бор кафанлик мато. Марҳум ётқизилиб боши қамийсадан ўтказилиб кийдирилади. Изар эса марҳумнинг (фақат белидан тиззасигача бўлган узунлиқда) аввал чап томони кейин ўнг томони қистирилиб ўралади. Шундан сўнг марҳумнинг қўллари икки ёнига узатилиб тўғирланади. Хушбўй ҳидли суюқликлар сепилади. Қуръони каримдан ояти карималар ўқилиб марҳум билан видолашилади. Сўнгра лифафанинг аввал чап, кейин ўнг томонидан бошлаб ўралади ва бош-оёқ томонларидан ушлаш учун тутқич шаклида тугун тугилади. Мазкур тугунлар қабрда ечиб ташланади:

Аёл кишиларнинг кафанланиши эркакларникидан фарқланади. Аёлларни қамийсага олишдан аввал ҳирфа қўйилади. Ҳирфа узунлиги 1,5 метр эни 60 см. катталиқдаги сийнабанддир. Қамийса кийгизилиб, сочи ундан чиқарилади, сўнгра юзи боши остидан ҳимар билан бекитилади. Ҳимар (рўмол)-узунлиги 1,5 метр, эни 60 см катталиқдаги кафанлик мато. Аёлларда кафанлик баъзан тоза ипак матодан ҳам бўлиши мумкин. Гўдаклар фақат лифафага ўралади. Марҳум кафанлаб бўлингач, асосан кигиз ёки тутилмаган кўрпачага ўраб, бошининг оситига ёстиқни тескари қўйилган ҳолатда тобут устига қўйилган. Айрим уруғларда марҳум эшикдан эмас, деразадан олиб чиқилиб, унинг ховлисида жаноза ўқилган. Сурхон воҳасида «гуноҳ» ёшига тўлган йўқ деб, қиз болалар қиз болалар тўққиз ёшга, ўғил болалар ўн икки ёшга кирмаганларига жаноза буюрмаган. 7, 40, йили каби удумлар ўтказилмаган. Шунингдек, ўзининг жонига қасд қилган кишиларга ҳам жаноза буюрилмаган. Марҳумнинг узоқ қариндошлари ҳамда қишлоқ аҳли ҳам келган. Чунки, жанозага келиш ҳар бир мусулмон фарзанди учун фарз саналган.

Тобутга солиниб қабристонга жўналади. Марҳумни чиқаришда унинг устига янги, тоза кийимликлар ташланади. Термиз, Шеробод, Ангор, Музработ туманларида сочи ҳам сочишади.¹⁰ Тобутни 4 томондан қирқ қадамдан кўтариш савоб ҳисобланади. Тобут олдига тушиб юрилмайди. Айтиш зарурки, воҳадаги ҳеч бир уруғда қўмиш маросимида аёлларнинг иштироки кузатилмади. Махсус гўрковлар бўлмаган. Қабр қошишга ўқуви бор, ёши улуг

киши билан уч тўрт киши юборилган. Қабрлар лаҳад «лаҳм» ҳамда ёрма шаклда бўлган. Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудларда ер тошли бўлса ёрма шаклда қозилган. Чўл ҳудудларида қабр ёрма қазилса ит ва бошқа йиртқич ҳайвонлар қабрни қозиб «майтга» зиён етказди деб, лаҳм шаклида қозганлар. Қабрларнинг бу 2 хилли яъни: 1) Лаҳад 2) Ёрма Лаҳад усулида айвон ва лаҳад бўлади. Айвон 1,5 x 2,5 м катталиқда қазилади. Айвоннинг юмалоқ лаҳади 80 см кенгликда қазилиб, ундан кейин майит сиғадиган ўлчамда "уй (ҳужра)" қазилади. Ёрма усулида айвон ва унинг ичида очиладиган тоқча мавжуд бўлади. Айвон умумий ҳисобда майитдан ҳар икки томонидан 0,5 метрдан узун бўлиши керак. Тоқчанинг эни ва узунлиги 70 см бўлади.

Қабрлар қозилганда айвони болалар учун тиззадан баландроқ, эркаклар учун белгача, аёлларнинг гуноҳи кўп бўлади деб кукраккача қазилган. Шу тарзда «айвон» тайёрланиб, кейин қибла томондан туйнук орқали лаҳад «лаҳм» очилган. Бир киши энқайиб бемалол марҳумни қўядиган, ҳамда марҳумни ётқизганда бош оёғи тегмайдиган қилиб қазилган. Марҳумни қабрга асосан тоғаси, тоғаси бўлмаса яқин қариндош қўйган. Лаҳаднинг «оғзи» гувала билан беркитилган. Қабрни дастлаб қазга киши кўмишни бошлаб берган. Сўнгра дафн маросимига борган кишилар навбат билан қабрни кўмишган. Шунда марҳумнинг ёши улуғ яқинларидан бири «фалончи қандай одам эди?» деб сўрайди. Шу ердаги ҳамма одамлар «яхши одам эди» деб айтишади. Дафн маросимидан кейин ҳамма марҳумнинг уйига бориб, дуои фотиҳа қилиб тарқалишади. Вафот этган киши ёш бўлса кўк, оқ кийиб аза тутилади.

Марҳумларни қабрларга жойлаштиришда тоғалар жойлаштиради. Марҳум (айниқса аёл кишини) жойлаштиришда бошқаларнинг кўзи тушмаслиги лозим ҳисобланади. Қўювчиларнинг бошланг бўлиши талаб қилинади. Марҳумнинг юзи қиблага қаратилиб, боши остига гувала қўйилади. Лаҳад оғзи ҳид чиқиши ва ҳайвонларнинг тажовузидан сақлаш учун ғишт ва гувалалар билан ёпилади. Ёрма қабрнинг тоқчасини эса тахталар билан ҳам ёпишади. Шундан сўнг кўмиш жараёни бошланади. Бунда бир одат ҳам бор: кўмиш тугагунча ҳеч ким ўтирмайди ва бир киши қабрдан чиққан тупроқдан этагига солиб, ҳаммага тарқатади ва қабр ёпилишидан олдин бу тупроқ қабрга ташланади. Бу ҳамма учун савоб иш-марҳумни кўмиш ишига ёши, саломатлигига кўра қатнашолмаганларнинг ҳам ҳисса қўшиши учун қилинади. Шунингдек, қабристонда йиртиш тарқатиш одати ҳам бор. Марҳум табаррук ёшга кирган, ёшини яшаб, ошини ошаган кекса киши бўлса, у одам ният қилиб сақлаб қўйган матосини савоб учун йиртишга тарқатилади. Мато сурп, сатин, шойи бўлиши мумкин. Ҳозир бунинг ўрнига рўмолча тарқатилади. Олдинлари ўзига тўқ чол-кампирлар савоб бўлиши учун худо ўз даргоҳига чин дунёга қабул қилганида, тобуткашлик қилиб борган невараларига атаб, ўша йиртишига қўшиб бир сўлкавойдан олтин, кумуш пул ҳам сақлаб қўйганлар. Бу ҳақда лайлагонлик Бекпўлатов Тошпўлат қуйидагиларни айтади: "Олдинлари қари, пиру-бадавлат вафот этган мўйсафидларнинг маъракаларида йиртиш матоликка қўшиб амирликнинг пошшойи тангаси ҳам тарқатиб турилган. Ҳозирда баъзи бойваччаларнинг ота-онам учун деб катта-катта маблағларни созуришлари эса савобдан кўра кибру-ҳаво мақсадида бўлмоқдаки, бу - яхши

одат эмас."¹² Марҳум қабрга қўйиб қайтилгач, овоз чиқариб йиғланади. Марҳумнинг яқинлари 3 кунгача қабрдан хабар олиб турадилар. Бундан мақсад марҳумнинг ҳолидан хабар олиш, унинг ҳақиқатан ўлганига ишонч ҳосил қилишдир. Бунда биринчи кун 3 та, иккинчи кун 2 та, учинчи кун 1 та чироқ ёқиб эсланади. Мазкур уч кун давомида марҳум чиққан уйда олов ёқилмайди (тутун чиқарилмайди), емаклар қариндош-уруғлар томонидан келтирилади. Бу зардуштийликка бориб тақалса керак. Чунки, ўлик-Ахримон мулки ҳисобланади ва ҳаром нарса чиққан жойда муқаддас олов ёқиш тўғри келмайди. Шунингдек, Сурхон воҳасида ҳам республикамизнинг кўпгина вилоятларидаги сингари марҳум ётқизилган кўрпа, ёстиқ, гиламлар "юлдуз кўрсин" деган мақсадда ёйиб қўйилган. М. Қамариддинованинг фикрича ҳам бу ҳолат Тошкент вилоятида ҳам мавжуд. Бу ҳолатни-ой, куёш ва юлдузларнинг покловчилик хусусиятига бўлган ишончга асосланилган, деган тахминлар ҳам мавжуд.¹³ Етгисигача овқат қилинмай қатикли ош қилинади. Халқ тилида "қора ош" деб номланади.¹⁴

Кишининг дафн этилишидан ўтказиладиган маросимлар сирасига еттилик, қирқ, йиллик ошлари, ис ва пайшанбалик каби маросимлар киради. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, исломда юқоридаги маросимлар ўтказилиши фарз қилинмаган. Аксинча, марҳум ортидан йиғлаш, кўплаб нола чекиш тақдир азалдан таниш. Худонинг хоҳишига қарши бориш сифатида қораланган. Қуръони Каримда: "Ҳеч бир инсон Аллоҳнинг изнисиз, ажали етмай туриб ўлмайди". ("Оли Имрон" сураси, 145-оят) "Қаерда бўлсангиз ҳам сизларга ўлим етиб боради" ("Нисо сураси, 78-оят")¹⁵ деб Аллоҳ таборака ва таоло марҳамат қиладилар. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бошқармаси, республика диний идоралар муфтийлари қарор-фатволари билан ортиқча даб-дабаларсиз дафн ва тўй маросимларини ўтказишга чиқарилмоқда. Воҳанинг Кўҳитанг тоғ олди ҳудудларида учлик маросим ўтказиш деярли учрамайди. Бошқа вилоятлардаги қатори еттилик (уч, беш кунда) маросими кенг ўтказилади. Бу куни элга ош берилиб марҳум хотирасига дуолар ўқилади. Аёллар марҳумни эслаб йиғи қилишади. Еттиликдан сўнг одам аримаган хонадонда оила аъзоларидан бошқа ҳамма уйни тарк этиши лозим бўлган. Воҳада еттиликдан сўнг ўтказиладиган катта маросим қирқи бўлиб, 35, 37 ёки 39 кунда ўтказилган. Бироқ Зорабоғ, Қорабоғ, Пошхурт, Инкабод, Вандоб каби қишлоқ аҳолиси йигирмалик маросимларини ҳам элга қора ош бериб ўтказишади.¹⁶ Дастурхонга шўрва, ош билан бирга, талқон ва ҳолвайтар каби анъанавий таомлар ҳам қўйилади. Воҳанинг Ҳисор тоғ олди ҳудудлари аҳолиси дафн маросимидан кейинги ўтказиладиган маросимлар ҳам бир биридан фарқ қилган. Сина, Куёвсу, Вахшивор каби қишлоқларида марҳумнинг вафотидан кейин уч кун ўтгач «саршуён» маросими ўтказилган. Бу маросимдан марҳумни ҳамма кийимлари ювилиб, марҳумни яқинларига бўлиб берилган. Воҳанинг бу қишлоқларида марҳумга «етти» маросими ўтказилмаган. Лекин ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «жума оши», якшанба куни «душанба оши» деб токи «қирқ»игача ис чиқарган. Шунингдек марҳумнинг вафотига йигирма кун бўлганда «йигирмалик» маросимини ўтказганлар.

Сурхон воҳасининг Шалдиروق, Тўла, Чукур Обшир, Мормин каби қашлоқларида марҳум вафотига беш етти кун бўлганда «етти» маросими ўтказилган ҳамда «қирқ»игача ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «жума оши» деб ис чиқарган. Лекин «йигирма» маросимини ўтказмаган.

Марҳумнинг «қирқ» маросими асосан вафотига 35-37-39 кун тўлганда айрим ҳолларда 33 кун тўлганда ўтказилган. Вафот этган киши қари бўлса. «қирқ» маросимида кўк кийиб аза тутган яқинлари кўк кийимларини ташлаб азадан чиққан. Марҳумга «йили» маросими воҳада марҳумнинг воҳада 7,9,11 ой тўлганда ўтказилган. Лекин айрим ҳолларда беш ой тўлганда ҳам ўтказилган. «Йили» маросимида бутун азадорлар азадан чиққан. Бироқ марҳум ёш бўлиб, хотини бева қолган бўлса, хотини 1,5- 2 йил давомида ҳам кўк кийиб азада юрган. Сурхон воҳасининг Хур Ватан қишлоғида марҳумга сон тегсин у умри давомида еган таомларини халқ есин, савоби унга тегсин, бундан буён оилада бундай ўлим бўлмасин деган мақсадда марҳумга «йили»ни беришда «йили»дан бир кун лдин икки ёки учта хўкиз сўйилиб, гўшти пиширилади ҳамда бир нечта халта ундан нон қилинади. «йили» ўтказилаётган куни келга ҳар бир киши «йили»га қилинган таомларни танавул қилгандан кейин кетаётганида оиласида нечта ўғил фарзанди бўлса, ҳар бир ўғил фарзанди учун иккита нон ҳамда 200 гр атрофида пишган гўшт берилган. Агарда оилада ўнта ўғил фарзанди бўлса йигирмата нон 2 кг пишган гўшт берилган. Шунингдек хотини хомиладор, шу хомиласи ҳам ўғил деса, хомиладаги фарзанди учун ҳам иккита нон ва 200 гр атрофида пишган гўшт берилган.

Шунингдек, дафн маросимлари билан боғлиқ бир қанча атамалар мавжуд: худойи-марҳумнинг эслаш учун қирқлик ва йиллик маъракаларидан сўнг бериладиган ош, жилов-марҳумни эслаб йиғлаш одати, жума оши-марҳумни эслаб пайшанба куни оқшомда бериладиган ош. Ис чиқариш-ҳайит кунлари таом пишириб, мазор бошига бориб марҳумни эслаш маросими. Кўк киймоқ-йилигача азадор аёлларнинг азалик кийимида (оқ ёки кўк рангдаги кийимда, тақинчоқларсиз) юриш тартиби. Қари киши вафот этса "тўпроқ бости" дейилиб, қон чиқарилади.¹⁷

Ўлим ҳақ. Бироқ Арасту айтгандек, ўлимнинг муқарралигини ҳамма билади, аммо у яқин эмас деган фикр мавжудлиги туфайли, ҳеч ким у ҳақда ўйламайди. Ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилади, вақтини зое кеткизади. Қадимги ҳинд ҳикматларининг бирида жуда ибратли фикр келтирилган: "Нодон одам болалигида фақат ота-онасини ўйлайди, ёшлигида-фақат муҳаббатни, севгилисини, кексайганда эса фақат болалари ва невараларини. Шу кўйи у ўзи ҳақида ўйлашга улгуролмай оламдан ўтиб кетади."¹⁸ Ўзбек халқининг қадимий урф-одатларидан бири марҳумларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдир. Қазодан сўнг ўтказиладиган барча маросимлар, маҳалла-кўй ва қариндош-уруғнинг вафот этган кишининг яқинларига кўрсатадиган ҳамдардлиги масалаларига теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, унда миллатимизнинг кўп асрлик тарихи, эътиқоди, ор-номуси, ўзбекона бағрикенглиги асосларини англаб борамиз. Жумладан, марҳумни ерга қўйишгач, кайвони оқсоқол ёки мулла томонидан "Фалончи қандай одам эди?"-деган сўроғига ҳеч ким салбий жавоб қайтармайди. Халқ "ўлган одам ҳақида ёмон гапирилмайди" деган эътиқод

асосида марҳумнинг яхши сифатларини эслайди. Шундай бўлсада, ўлим ёмонлик тимсоли сифатида тушунилади ва иложи борича маълум урф-одатларнинг амалга оширилиши билан тўсқинлик қилишга ҳаракат қилинади. Масалан, ўлган киши устига қайчи ёки пичоқ қўйилиши, ювғучларга тоқ сарупо берилиши, дастурхонга тоқ нон қўйилиши каби маросимларнинг ўтказилиши кабиларда юқоридаги фикримизга исботни кўришимиз мумкин.

Мотам маросимлари: Воҳанинг кўпгина худудларида аҳлининг дафн маросимлари пайти марҳум кекса ёшли бўлса ўша куни дастурхон ёзилиб, қўй сўйилган. Агар ёш бўлса етти кун мобайнида ҳеч қандай дастурхон тузатилмаган. Биринчи кун исқот (ҳайрот) – келганларга пул тариқасида тарқатилган. Олдинлари танга пулларни тобутнинг устидан сочиш расм бўлган. Марҳумни унинг яқин қариндошлари – суюк эгалари ювади. Қабрга ҳам унинг яқин қариндошлари, кўпроқ тоғаси қўяди.

Сурхон воҳасининг тоғли қишлоқларда марҳумни хотирлаш билан боғлиқ “етти”, “қирқ”, “йил оши” маросимларигина ўтказилади. Марҳумнинг яқин қариндошлари мотам рамзи сифатида кийган ўзларининг мотам кийимларини марҳум вафотидан сўнг бир йил ўтгандан сўнг қозон остига олиб куйдирилган.

Жон бериш арафасида турган одамнинг олдида Ёсин сураси ўқилади ва мазкур уйдаги барча нарсалар макруҳ бўлади деб олиб чиқилади. Жон чиққандан сўнг майитни маҳрам сувига олинади. Бу ерда бошқа қишлоқлардаги сингари ўликни “меҳмон қилиш” одати йўқ. Марҳумнинг энг яқин кишиларидан, агар улар бўлмаса, уруғ ичидаги ихтиёрий шахслардан тўрт киши ювади. Аёл кишини ювишда ҳаттоки уни ювиш учун ишлатиладиган сувни ҳам номаҳрам одам кўрмасин деб ичкарида иситилар экан. Эркак майитни ювиш учун сув ташқарида 3 та тош қўйиб иситилган. Марҳумни ювиш учун атиги иккита чойнак ва иккита коса олиб келинади. Кафан учун 25 метрлар чамаси оқ сурп ишлатилган.

Мотам маросимларида йиғи, айниқса марсия айтиб йиғлаш алоҳида ўринни эгаллайди. Дафн кунидаги йиғида эркаклар ва аёллар (айниқса аёллар) баланд овозда дод солиб, юзларини юлиб, марсия айтиб йиғлайдилар. Сариосиё маҳалласида махсус йиғлаб садр тушувчи махсус гўяндалар ҳозирда ҳам мавжуд.

Марҳум дафн этилган куни “сиёҳбордори” қора ош қилиш расми бўлган. Фақат мазкур таом марҳум дафн этилгандан сўнг кўшни хонадонда ёки яқин қариндошларнинг уйда тайёрланади. Олдинлари етти кун мобайнида ҳозирда уч кун мобайнида марҳум чиққан хонадонда олов ёқиб овқат тайёрланмайди. Майит ювилган жойга дафндан сўнг ҳар кеча иккитадан чироқ қўйилади. Шунингдек марҳум ювилган жой тупроғининг етти жойидан олиниб қабрнинг устига тўкилади. Марҳумнинг яқин кишилари мотам рамзи сифатида кўк рангли кийимни унинг йилигача кийишган. Ўтиборли томони шундаки, олдинлари марҳумнинг яқин эркак қариндошлари ҳам қирқ кун мобайнида кўк желак кийишган. Марҳумни хотирлаш билан боғлиқ етти, йигирма, қирқ, Сол оши (йил оши) ва Йида Рамазон ҳамда Йида Қурбон билан боғлиқ ҳайитликлар каби маросимлар ўтказилади. Дафн маросими ва ундан кейинги марҳум

хотираси билан боғлиқ маросимлардан дастурхонларда нарсалар тоқ қўйилган. Неъматларни тоқ қўйиш ёки тоқ тарқатиш одати заминда шу хонадонга келган ўлим жуфт бўлмасин, деган маъно ётади. Нима бўлганда ҳам дафн маросимлари халқимиз маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳатто маърака ўтказишнинг ўзига хос одоби ҳам шаклланган.

Сурхон воҳасига хос диний маросимларда қулланадиган турли хил хасталикни даволовчи айтишувлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни баъзи бирларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳар – ҳасталанган беморлар танасидан ёвуз рухларни ҳайдаш маросимидир. Тартиби шундай: Бемор ўртага ўтқизилади. Сўфилар қўлида қамчиси билан кириб келади. Ёнига ўтириб олдин оллоҳга илтижо қилиб фотиҳа ўқийди. Жонлиқ сўйилади. Етти пуштига, Симён пари, Муллакуш пари, Зангиотага илтижо қилиб беморнинг дардига шифо сўрайди. Ўртага супра ёйилади, чироқ ёқилади, ният қилинади. 7 хил (ҳар бири 33 мартадан такрорловчи тасбеҳларни такрорлайди), ҳар бир тасбеҳ оралиғида қамчи билан беморнинг елкасига уриб турилади. Кейин сўфининг қиёфаси жиддий тусга кириб, А. Яссавий ҳикматлари ижро этилади, изидан Сўфи Оллоёрга ўтилади.

“Алас” – ёш болалар танасидан турли балоларни даф этишга қаратилган қадимий маросимлардан биридир. Маросим болалар кечаси қўрқса, ифлос жойларни босганда руҳиятига ўрнашиб олган бало-қазоларни ҳайдаб чиқариш мақсадида қўлланилади. Бодом Муртазоева ижросидаги алас тожик тилида олиб борилади.

Юқоридагилардан ташқари Дуоба, Гуматак, Назари, Қўрғонча, Олачопон, Яккатол, Деҳибало қишлоқларида фақатгина тоғ қишлоқларига хос бўлган “қавзоқ” ўйини бор. Бу ўйин ўтмишда “ғаззол” деб аталган. Ғавзоқ одатда тўй бошланишидан икки кун олдин ўтказиладиган ўтин оши маросимида ўтказилади. Шу кунни ўтин олиб келиш учун ўтинчилар гуруҳи аниқланади. Сўнг эрталабдан тоққа чиқиб ўтинларнинг қуриганлари тўланади.

Сурхон воҳасида кенг тарқалган жаҳон динларидан бири Буддизм дини бўлиб, ушбу динни кенг тарғиб қилган ва мустаҳкам инсоният онгига сигдирган ҳамда кўплаб азиз авлиёларни ватаниига айланган Сурхондарё ўлкасидир. Шу муносабат билан Буддизм динининг тарқалишини ўрганиш ва илмий таҳлил этиш этнология фанида муҳим аҳамиятга эгадир. Ўрта Осиё ва Ҳиндистон қадимги алоқаларини ўрганиш мақсадида кўплаб олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар,²⁴ Профессор С.П.Тольстов Ўрта осие ва Ҳиндистон алоқаларининг муҳим жихатларидан бири-Ўрта Осиёда буддизмнинг тарқалишини ўрганди. Ўрта Осиёда буддизмнинг тарқалишини ўрганишга қаратилган кўплаб илмий мақолалар ёзилган бўлсада,²⁵ аммо Ўрта Осиё минтақасида буддизмнинг тарқалиш тарихи ҳозиргача аниқ очиб берилмаган. бу соҳадаги манбалар ва далиллар етарлича ўрганилмаган. Ўрта Осиёда, қисман Марказий Осиёда буддизмнинг

²⁴ А.М.Белинцко, В.М.Массона, Б.Я.Ставиского и автора этих строк в сб. индия в древности (М., 1963);

²⁵ Т.В.Грек, Е.Г.Пчелина, Б.Я.Стивиский. Кара-тепе-буддийский пещерный маанстурь в старом Термеза М., 1964;

тарқалиши ёзма манбалар ва лингвистик тадқиқотлар (маълумотлар) асосида ёритилишига ҳаракат қилинди.²⁶

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, буддизмнинг Ўрта Осиёга тарқалиши Грек-Бактрия подшолиги даврига тўғри келади, бироқ шундай бўлсада, будда таълимоти ҳақидаги хабарлар, буддани тарқатувчиларнинг баъзи вакиллари бу минтақага анча илгарироқ, аҳомонийлар даврида ташриф буюрганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.²⁷ Масалан, Жанубий Афғонистонда, Қандаҳор ҳудудида эрамиздан авв. III асрнинг ўрталарида тарқалганлиги ҳақида маълумотлар бор. Тарихчи олим Я. Хармата Ўрта Осиёга буддизм Қандаҳор йўналишидан кириб келган деган фикрни олға суради. Жанубий Бактрияда маҳаллий буддачилар орасида илк ўрта асрларгача будданинг анча қадимийлиги ҳақида ғоялар мавжуд эди, уларнинг қарашларича бу ўлкаларга буддизмни Будданинг ўзидан кўл олган икки маҳаллий роҳиб тарғиб қилган.²⁸ (Бу ерда тармиталик Дхармамитара ва тоҳаристонлик Беашакалар ҳақида гап келтмоқда).

Манбаларга таяниб шунни айтиш мумкинки, Грек-Бактрия подшолигининг 2-ярмида ва сўнгги йилларида Ўрта осие ҳудудларида будданинг тарқалиши учун муҳим муҳит юзага келди, яъни шимолий ҳинд вилоятлари Афғонистон ҳудуди ва Ўрта Осиёнинг қатор минтақалари бирлаштирилди, бу эса буддизмни авва Афғонистонга ва кейинроқ Ўрта осиенинг жанубига будда миссионерлари (тарқатувчилари) томонидан будда таълимотининг кенг ёйилишига олиб келди. Будданинг Ўрға осиега кенг тарқалиши кушон даврида яъни II-III аср бошларида кузатилади. Кушон ҳукмдорлари буддага меҳр билан қарашган. Айниқса ҳукмдор Канишка ашаддий буддачи бўлган. У кўплаб будда ибодатхоналарини қурдирган. Кушон тангаларида будда тасвири зарб қилинган (будда тангалари оз бўлсада топилган). Сурхондарё вилояти ҳудудида яъни Қадимги Шимолий Бактрияда археологик қазилмалар гнатижасида Кушон даврига тааллуқли йирик будда ибодатхоналари топилди. Улардан бири Қоратепа (Термиз яқинида бунга мисол бўла олади).

Қадимги буддизмнинг изларини ўрганишда, Ўрта осиеда маълум бўлган «Авесто» маълумотларига таяниш ўринлидир. Видевдатда уч маротаба Vuiti сўзи учрайди. Т.Бэйлининг фикрича, бу сўз Будданинг чет элдан кириб келганлигининг белгисидир. Аниқроғи, шарқий Эрондан келиб чиққанлигидан далолат беради. Э.Херцфельд ҳам Видевдатнинг эрамизнинг иккинчи асригача яратилганлигини исботлар экан. Буддизм билан балх шаҳрига берилган ўхшатишни боғлашга ҳаракат қилади, яъни кўплаб байроқлар осилган шаҳар эканлигини таъкидлайди.²⁹

Тарихчиларнинг фикрича, Бактрияда эрамизгача I асрда буддизм кенг тарқалган эди.³⁰ Эр. авв. II-I асрлардаёқ Бактрияда ва Парфиянинг шарқида, Марғиёнада будда жамоалари пайдо бўлди. Тожикистон ҳудудидаги энг қадимги ҳайкаллардан бири 1956 йилда Ғарбий Помирда А.Н.Бернштам томонидан очилган Дариюй деган жойидаги ҳайкалдир.

²⁶ А.М.Белиницкий. из истории культурнўх связей Средней Азии и Индии в раннем средневековье. КСИА, вўп. 98, 1964, стр. 33.

²⁷ E.Herzfeld. Zoroaster and His World Vol.

II. Hormatta. Sino-Indica. Acta antiqua Academiae Scientiarum Hungaricae, t. XII, № 1-2 Budapest, 1964, p. 4.

²⁸ J. Harmatta. Sino-Indica. Acta antiqua Academiae Scientiarum Hungaricae, t. XII, № 1-2 Budapest, 1964, p. 4.

²⁹ E.Herzfeld. Указ. Cor., Т., II, стр. 754-755.

³⁰ J.P. Asmussen. Xuastvanift. Studies in manichaeism. Acta Theologica Danica, Vol. VII. Copenhagen, 1956, p. 135, 157.

Полеографик таҳлилларга кўра, бу Ҳайкал эр. авв. II асрнинг бошларида яратилган Буддизмнинг Ўрта Осиёга кириб келиши Кушон давлатчилиги даврида янада кучайган кушон ҳукмдорлари буддизмга жуда ҳайрихоҳ муносабатда бўлардилар. Айниқса Канишка кўплаб будда биноларини курдирди. Пурушапурда катта диний йиғин чақиртирди.

Тохаристондаги ёзма манбалар Кушон даврида Будда таълимотини тарғиб қилиш ҳақида маълумотлар беради. Тохаристонлик Гхошака машҳур пурушапур йиғиннинг аъзосидир. У буддага тегишли Висхаша асарларининг муааллифи ҳисобланади. Беошаканинг ғоялари Тохаристонда бутун бир мактабга айланди. Унинг асарларининг биринчи таржимонлари эса. Термизлик Дхармамитрадир. Шундай қилиб, Ўрта осиеда Вибхашика мактаби тараққий этди. Қоратепанда топилган маълумотлар шундан далолат берадики, Ўрта Осиёда Мохасинхика ва Сарвисадева будда мактаблари тараққий топди ва ривожланди.³¹

Эрамизнинг I асрида буддизм Марғиёнада ҳам қарор топди. Ўрта осие орқали буддизм шаклий туркистонга, кейинроқ Хитойга қараб ривожланиб борди. Ўрта осиелик художўйлар ва миссионерлар муҳим катта ўрин тутишди. Буддизмнинг Хитойга тарқалиши юзасидан бошқа фикрлар ҳам мавжуддир. Будда ғоялари ётирилган маълумотлар лингвистик таҳлиллари ҳам Ўрта Осиёда буддизмнинг тарқалганлигини билдиради. Масалан, Ўрта осиедаги манихий оқими (Мар Амо асосчиси) парфий тилини расмий тил сифатида қўллаган.³²

В. Хеннинг фикрича, будда оқими бўлган манихийликнинг муҳим манбалари айнан Ўрта осиеда буддизмнинг кенг тарқалганлигидан далолат беради. Айнан сўғдийлар Ўрта осиеда ва Марказий Осиёда буддавийлик ғояларини кенг тарқатганликлари ҳақида «Боддисотва» сўзини сўғд тилидан пахловий, уйғур, хитой тилларига ўтиши далолат беради. Лингвистик изланишлар будданинг қадимийлигини, унинг анъаналарини ва ушбу халқларнинг ҳам қадимийлигини исботлайди.³³

Хитойлик олимларнинг фикрича, будданинг ўзи бактрияликлар тилини уларнинг ўзидан ҳам яхши билганлар. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўрта осиеда буддизм жуда кенг тарқалиши Ўрта Осиё ва Ҳинд алоқаларини мустаҳкамлашда ҳам, иконалар чизилишида ҳам, ҳар хил фанлар соҳасида ҳам (масалан, тиббиёт, астрономия) ўз ўрнига эга бўлди. Ўрта осие маданияти ҳам ўз ўрнида Ҳиндистонга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Тарихий-этнография соҳасида Марказий Осиёдаги бошқа халқларининг бу каби маросимлари ҳам тадқиқ этилгандир. Воҳа аҳолисининг маросимлари ўзининг қадимийлиги ҳамда серқирралиги билан алоҳида муҳум ахамият касб этади. Чунки бу маросимлар воҳа аҳолисининг тумуш тарзига сингиб кундалик ҳаётининг мазмунига айланиб борган. Сурхон воҳаси аҳолиси қадимдан Ўзбекистон худудида истиқомат қилувчи ўзбеклар билан муштарак этномаданий алоқада, турмуш қийинчиликларини бартараф этишда, тўйлар қолаверса дафн маросимларини ўтказишда ҳамжихат бўлишган.

³¹ Я.Харматта. к интерпретации надписей из Кара-тепе. Сб. кара-тепе, Вўп. II

³² W.B.Hening. Two manichaean magical texts. BSOAS, Vol. XII, pt. 1, 1947, P 49: WB, Henning. Warucan-Sah. The. Journal of the Greater Inda Society, Vol XI, № 2. Calcitta, 1944, p. 87-90.

³³ W.B. Henning. Two manichaean magical texts, p. 48.

АНЪАНАВИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

Ўзбекистон энг қадимги замонлардан буён инсоният яшаб келаётган макон бўлиб, қадимий маданият марказларидан биридир. Ўзбекистон ҳудидидан топиб ўрганилган Селунғур, Обираҳмат, Мачай, Зараутсой каби маданият манзилгоҳлари, шунингдек Сурхон воҳасидаги илк ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари ҳамда илк шаҳар давлат бўлган Сополлитепа, Жаркўтон кабиларнинг вужудга келганлиги қадимдан маданиятнинг шаклланганлигидан далолат беради. Шу жиҳатдан, ўзбек халқи анъанавий ўйинлари узок тарихга эга бўлиб, ибтидоий жамият давриданок шаклланган. Анъанавий ўйинлар ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб, қадимдан халқимиз орасидан кўплаб баҳодирлар, паҳлавонлар ҳамда ботирлар етишиб чиқишида ўзига хос ўрни бор. Отабоболаримиз фарзандларини умумбашарий туйғулар, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда анъанавий халқ ўйинларидан самарали фойдаланиб келишган. Анъанавий халқ ўйинлари халқ оммасининг ижодий меҳнати натижасида вужудга келиб, минг йилар давомида турли хил кўринишларда оммалашиб, халқнинг ижтимоий ҳаёти, миллий хусусиятлари, қолаверса маиший ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Шунинг учун ҳам анъанавий ўйинларнинг келиб чиқиши, тарихи, келажак авлод тарбиясидаги аҳамиятини тадқиқ этиш бугунги этнография фани учун долзарб масала ҳисобланади.

Анъанавий халқ ўйинларини тўплаш ҳамда илмий таҳлил қилиш отабоболаримизнинг келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялаш борасидаги қадимий ва илғор анъаналарни тиклаш, ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади Шу нуқтаи назардан унутилган халқ ўйинларини тўплаш ва қайта тиклаш ҳамда ҳаётга тадбиқ этиш баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон халқлари ўйинларини ўрганиш, уларни қай тарзда бажарилиши ҳамда илмий таҳлил этиш масаласи XIX-асрдаёқ бошланган эди. Бу борада Ғарб олимлари томонидан ишлаб чиқилган илмий хулосалар ўзига хос амалий аҳамиятга эга. Кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борган Карл Гросс халқ ўйинларини тўрт асосий гуруҳга ажратади: жангавор, ишқий, тақлидий ва ижтимоий ўйинлар. Алис Гомм эса халқ ўйинларини иккита асосий гуруҳга ажратади: драмматик, чакқонлик ва мувафакқият асосида вужудга келган ўйинлар. Шунингдек, у ўйинларни вертикал яъни, тик ва горизонтал яъни, тўғри чизик йўналиши бўйича кичик гуруҳларга ажратади. Собик Иттифоқ халқларининг ўйинларини тўплам холида чоп этирган В.Н.Всеволодский-Гернграсс ҳам халқ ўйинларини учта катта гуруҳга ажратади: драмматик, спорт ва орноментал. Шунингдек, Я.Р.Вилькин белорус халқ ўйинларини, С.Л.Паролов туркман халқ ўйинларини илмий тадқиқ қилганлар.

Ўзбек халқининг анъанавий ўйинлари, унинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятига М.Қошғарий, Байхақий, А.Навоий, З.М.Бобур, З.Восифий,

С.Айний, Ғ.Ғулом, А.Қаххор, Ойбек, Ў.Хошимов, Н.Сафаров, Ш.Холмирзаев, Тоғай Мурод каби адибларнинг асарларида катта эътибор берилган.

Шунигиндек, А.Васильев, Е.М.Пехчерева, М.С.Андреев, А.К.Боровков, К.Шониёзов, И.Жабборов, Г.Жаҳонгиров, Ҳ.Исмоилов, О.Сафаров, У.Қорабоев, Р.Йўлдошев каби этнограф ва фольклоршунос олимлар ўзларининг илмий мақола ва монографияларида ёритиб берганлар. Аммо Сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий ўйинлари махсус тадқиқот объекти бўлмаган ва бу мавзуга бағишлаб мукамал илмий иш ҳам яратилмаган. Юқорида зикр этилган адабиёт ва манбаларнинг айримларидагина биз ўрганаётган муаммога турли жиҳатдан у ёки бу даражада тўхталиб ўтилган, холос. Шунини таъкидлаш жоизки, Сурхон воҳаси аҳолисининг анъанавий ўйинлари тарихий этнографик ишларда тўлиқ ўз аксини топган эмас.

Сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий ўйинларни учта катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1)Бирор предмет асосида ўйналадиган ўйинлар: «дўл», «чиллик», «арғимчоқ», «тиқмоқ», «ошиқ», «ганош», «кўрпа ёпти», «кўчмоқ», «оқ суяк», «ғирбайди» ва ҳакозо.

2)Предметсиз ўйналадиган ўйинлар: «боболтака», «чиркаш», «бекинмачоқ», «оқ теракми-кўк терак», «қувлашмачоқ», «зим-зиё» ва ҳакозо.

3)Ўртада бирор шарт қўйиб ўйналадиган ўйинлар: бу ўйинларга асосан қимор ўйинлари киради.

Бу анъанавий халқ ўйинлар шуниси билан характерилик, айрим ўйинлар мавсумий ўйинлар бўлиб, қиш фасли ўтиб, баҳор фасли келиши билан ўйналса, айримлари йил давомида ҳам ўйналинилади.

Сурхон воҳаси аҳолисининг анъанавий халқ ўйинлари ҳам қадимий бўлиб, бу ўйинлар, томошалар ҳақида ўрта аср ёзма манбаларида ҳам тўхталиб ўтилган. Воҳа аҳолисининг анъанавий ўйинлари нафақат болалар қолаверса, катталар ўйинлари ҳам бўлиб, санаб саноғига, айтиб адоғига етиб бўлмайди. Бу анъанавий халқ ўйинлари ёшларни жисмоний бақувват, сергак, кўркмас бўлишига, уларни ақлини ўстиришига, тез фикрлашга ўргатишига, топқир, зукко бўлишига ўзига хос ўрни бор.

Ёшларни эпчил, чаққон бўлишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўйинларидан бири «чиркаш» ўйини бўлиб, бу ўйинни болалар ўртача олти-саккиздан икки гуруҳга бўлиниб, келишган холда бир гуруҳ қочади, иккинчи гуруҳ қувлайди. Бунда ҳар бир бола биттадан рақиб гуруҳдаги болани қувиб етиши бирон жойига оёғини тегизишлари керак. Камида беш-олтита болага етиб оёғини тегизганда қувлаётган гуруҳ рақиб гуруҳ устидан ғалаба қозонган ҳисобланади. Сўнгра иккинчи гуруҳ қувлайди, биринчи гуруҳ қочади. Ўйин шу тартибда давом этади. Агар қочаётган гуруҳдаги болаларнинг бири чаққонлик қилиб қувлаб келаётган болаларнинг ўртасидан кесиб ўтса, орқа томонидан қувлаб келаётган болалар асир тушган ҳисобланиб, ўйиндан чиқади. Қолганлари ўйинни давом эттиради.

Болаларни қоронғу тунда кўркмас, тез илғаб олиш ҳамда чаққон бўлишида ката роль ўйнаган ўйинлардан бири «оқ суяк» ўйинидир. Ўйин асосан ой чиққан тунда ўйналади. Ўйинда болалар икки гуруҳга бўлиниб, ҳар

бир гуруҳда ўн-ўн иккитадан бўлишади. Ўйинда махсус жилик суяк олиниб, қоронгуликка қараб отилади. Ахтараётган вақтда рақиб гуруҳдаги болалар ҳам кузатади. Суякни топган бола «топдим» деб бақириси шарт. Суякни топган бола пойга жойга қараб чопади. Агар рақиб гуруҳдаги болалар етиб келса, қочишнинг иложини қилолмаган тақдирда узок жойга қарата улоқтиради. Қайси гуруҳдагилар суякни пойга жойига олиб келса ғалаба қилган ҳисобланади. Ўйин шу тарзда давом этади.

Бойсун туманидаги халқ ўйини

Болаларда сезгирлик, хушёрлик, топқирлик ҳамда фаҳм-фаросатни ўстиришда ўзига хос ўрнига эга бўлган ўйинларда яна бири «тиқмоқ» ўйинидир. Ўйинда болалар ҳар гуруҳдан бештадан ўнтагача бўлиб, икки гуруҳга бўлинган. Ҳар гуруҳ қатор бўлиб, ўртада бир йўлакча жой қолдириб тикилиб ўтиришади. Шунда биринчи гуруҳдан бир киши икки кафтининг орасига калапўшини яшириб, ўзининг гуруҳида ўтирган болаларнинг оёғининг орасига икки кафтини тикиб кетаверади. Кафтида яширган калапўшни хоҳлаган кишисининг оёғининг орасига қолдириб жойига бориб ўтиради. Шунда рақиб гуруҳдан бири ўрндан туриб, ўзининг рақиб гуруҳидаги бир кишига «сенда» деб оёғининг орасига қулини солиб кўради. Калапўшни топса ғалаба қилган ҳисобланади, тополмаса енгилган ҳисобланади. Агарда калапўшни тополмаса, тополмаган болани тўрт киши оёқ-қўлидан кўтариб ғалаба қозонган гуруҳнинг устидан кўтариб ўтказаётган вақтда ўтирган болалар ўтирган жойидан ютқазган боланинг орқасига оёғини кўтариб, оёғи билан туртиб қолишади. Ўйин шу асосда давом эттирилади.

Чидамлик, чакқонлик ҳамда эпчиллик каби хусусиятларини шакллантиришда «боболтака» ўйинининг ҳам ўрни бор. Боболтака ўйинида икки гуруҳга ўн-ўн икки кишидан бўлиб, ҳаммаси қур яъни, давра бўлиб туришади. Шунда даврага икки гуруҳдан бир кишидан чиқишади. Биринчи чиққан бола «боболтака», иккинчи гуруҳдан чиққан бола «чибич» деб аталиб, боболтака даврада бир оёғини кўтариб. Иккинчи оёғи билан сакраб чибични давра айлантриб, бир оёқлаб қувиб етиши, ҳамда кўтариб юрган оёғини ёчибичга тегизиши керак. Боболтака кўратиб юрган оёғини ерга тегизса мағлуб бўлган ҳисобланади. Ерга тегизмай чибичга оёғини тегизса ғалаба қилган ҳисобланади. Ўйин шу тарзда давом эттирилади.

Денов тумани Чуқурқишлоқда чиркаш ўйини

Ўта чакқон ҳамда сергак, эпчил ва чидамлик бўлишда катта аҳамиятга эга бўлган «чиллик» ўйинида болалар икки гуруҳга бўлиниб, ҳар гуруҳда олти-саккизтани ташкил этади. Текис майдонда ўртага айлана чизилиб, айлананинг ўртаси чуқурча қилинади. Чилликнинг узун таёғи «энасоб» беш қарич узунликда, кичик таёғи «болачик» деб аталиб бир қарич узунликда бўлади. Биринчи гуруҳдан бир киши айлананинг ичига кириб, чуқурчага болачикни кўндаланг қўйиб, энасоб билан чакқонлик билан кўтариб хоҳлаган томонига қаратиб уради. Шунда иккинчи гуруҳ болачикни ерга тушурмай ушлаб олишга ҳаракат қилади. Агар болчикни ерга тушурмасдан эпчиллик билан ушлаб олса,

ўйинни янгитдан ўзлари бошлайди. Ушлай олмаса болачиқни тушган жойидан айлана ичига тушуриш учун отади. Айлана ичида турган биринчи гуруҳдаги бола болачиқни айлана ичига тушурмаслик учун ҳаракат қилади. Агар айлана ичига болачиқни тушурса ўйинни иккинчи гуруҳ янгитдан бошлайди. Агар болачиқни тушира олмаса болачиқ тушган жой билан айлана чизиғи ўртасига энасобни қўйиб ўлчайди. Ўлчанганда энасоб айлана билан болачиқ устига тушса, болачиқни отган иккинчи гуруҳдаги болалардан бири айланага болачиқни тушириш учун отади. Айлана ичидаги биринчи гуруҳдаги бола яна тушурмасликка ҳаракат қилади. Айланага иккинчи гуруҳ болачиқни тушурса, ўйинни шу иккинчи гуруҳ янгитдан бошлайди. Тушира олмаса, биринчи гуруҳдан айлана ичида турган бола болачиқни уриб юборса, болачиқ тушган жойга боради ва болачиқни қўлга олиб ерга кўндаланг ҳолатида ташлайди ҳамда болачиқ ерга тушгунча энасоб билан уради. Болачиқни неча марта урган бўлса, кейин шунча мартаба энасоб билан болачиқни узоқликка қаратиб уради. Шу ураётганда ҳам иккинчи гуруҳ болалари урилган болачиқни ерга тушурмай эпчиллик билан ушлашга ҳаракат қилади. Болачиқни ерга тушурмай ушласа ўйинда ютган ҳисобланиб, иккинчи гуруҳ ўйинни янгитдан бошлаши мумкин бўлади. Болачиқ урилгандан кейин ҳар бир тушган жойга иккинчи гуруҳдан бир кишидан туради. Ўйинни давом эттираётган биринчи гуруҳ болачиқни ушлатмасдан ҳисобни охирига етказса, иккинчи гуруҳ болачиқни охирги тушган жойидан ҳар бир тушган жойига ҳар бир аъзоси бир нафасда «зуввв» дея овоз чиқариб айланагача етиб келиши керак. Бундай ўйиннинг ҳалол боришига алоҳида эътибор берилган, яъни ғолиб гуруҳ енгилган гуруҳ аъзоларининг ортидан югуриб боришган ва уларнинг нафас олиш-олмасликларини назорат қилишиган. Бунда ҳар бир гуруҳ аъзоси бошқалардан кўра тезроқ ва узоқроққа чопиб боришга ҳаракат қилган. Шу таризда чидамлилик, эпчиллик ҳамда тезлик каби жисмоний сифатлар қарор топтирилган. Бир нафасда етиб келмаса мағлуб ҳисобланган. Ғолиб бўлган гуруҳ бир нафасда «зуввв» деб етиб келаолмаган гуруҳнинг тўхтаган жойидан яна ўйинни давом эттириб, болачиқни кўндаланг ҳолатда ерга ташлаб, шу жараёнда энасоб билан неча марта урса, шунча марта болачиқни узоқликка қаратиб уриб, ўйинни давом эттирган.

Бойсунда елкадош куч синови ўйини

«Ғирбайди» ўйини болада жисмоний эпчилликни шакллантиради. Бу ўйинда болалар бештадан ўн бештагача бўлиб, ўртага болаларнинг биттаси калапўшни тикади ва болаларга калапўшни тептирмаслик учун кўриқлайди. Ўйин жараёнида калапўшни тепишга келган болага калапўшни кўриқлаётган бола оёғини тегизса шу бола унинг ўрнига калапўшини тикишга мажбур. Болалар кўриқчи боланинг оёғини ўзларига тегиздирмай калапўшни ўртадан тепиб олиб кетсалар, то калапўшнинг эгаси етиб бориб, калапўшини ўртадан олгунча тепиб кетаверганлар. У бола калапўшни тепки остидан олиб, яна ўртага калапўшини тикиб кўриқлайди. Ўйин шу тарзда давом этган.

Қарсақ ўйинлари билан ижро этиладиган жуда кўп яллалар бор. Лекин шу нарсани уқтириб ўтиш керакки, бу яллалар матн жиҳатидан кенг тарқалган халқ лирик кўшиқларининг ўзгинасидир. Уларда умуман халқ кўшиқларига мос бўлган барча мавзулар учрайди. Қарсақ яллаларини халқ кўшиқларидан биргина фарқи шундаки, уларда шўх, характерли чертиб танланган нақоратли бўлади. Кўпчилик томонидан бир овозда айтиладиган бу нақоратлар томошага жўшқинлик, харорат бахш этади, ўйинчини илҳомлантириб туради. Қуйида келтирилган турли характердаги нақоратлар фикримизни тасдиқлайди:

Ака, тўнинг беқасам,

Ёқасига гул солсам.

Қошни қароси келди,

Элни сароси келди.

Оққина қоғоз пириллар,

Бадангинанг дириллар.

Кичкина қайчи оғажон,

Қўлимни кесма-кесма.

Тўрт қарсақдан бошлаб ҳам ритм, ҳам ўйин мураккаблашган. Чунончи, Қарши даштида бир замонлар хув ола, хув ола, хув ола, ҳова деб гулхан атрофида қатор давра бўлиб терилган қарсақчиларнинг тўрт қарсаги ритмида ўйналадиган антиқа рақс бўлган.

Аммо “Беш қарсақ” шу туркумдаги бошқа ўйинлардан кескин фарқ қилади. У қуйидаги тартибда олиб борилади: ўйинчилар шўх ва шодиёна бир кайфиятда бир-бирини тортиб давра ҳосил қилгач, байтчи яқка қарсақ усулида регитативсимон куйга солинган куйидагича бир ёки икки банд байт айтади

Эшик олди қайрағоч,

Ёки:

Ариқ лаби музлама,

Болта урсам, таги тош.

Қўй гўштини тузлама.

Бир ёстикқа икки бош,

Ўз ёринг уйда туриб,

Икковиям қалам қош.

Бегонани кўзлама.

Байт тугаган заҳотиёқ беш қарсақ урилади, қарсақ бир кўтарилиб, кейин туширилади сўнгра яна байт айтилади, яна қарсаққа ўтилади ва ҳоказо. “Беш қарсақ”да байтнинг ишлатилиши ижрочиларга енгиллик туғдиради ва ўйинга чирой, яхлитлик бахш этади. Аммо қарсақ “Беш қарсақда” алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам у хийла мураккаб, унинг ритми шундай бўлади: ҳа-ҳа-ҳа, ҳаҳ эй,ҳаҳ (3-1-1).

Уста қарсақчилар қарсақ сонини 15 тагача олиб боришган. Аммо қарсақлар сони қанча бўлмасин, бари бир беш қарсақ техникаси асосида қурилади. Масалан, тўққиз қарсақ шундай урилган. Ҳа-ҳа-ҳа, ҳа-ҳа-ҳа, ҳаҳ эҳ, ҳаҳ.

Шундай қилиб, “Беш қарсақ” ёнма-ён туриб давра ҳосил қилган ҳолда маълум мавзу ва усулда уриладиган қарсақлар, айрим қийқириқлар воситаси билан ўйналадиган оммавий рақсдир. Унинг катта давраларида йигирма ва ундан зиёд киши иштирок этади. Улар бир темпда қарсақ уриб туриш билан бирга у ён-бу ёнга чайқалиб, ўтириб туриб ва айна вақтда ўнг томонга ён билан айланиб ўйнайдилар.

Шундай қилиб, қарсақ билан ижро этиладиган халқ ўйинлари турли-туман бўлиб, улар турлича ижро этилади ва катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Халқ ўйинлари маънавий маданиятимизнинг ўзига хос анъаналарини мужассам этиб, халқимизнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, жисмонан бақувват ва хушёрлик ғояларини ўзида бирлаштириб, унинг қуйидаги турлари мавжуд бўлган. Таниқли тилшунос ва адабиётшунос олим халқ ўйинлари бўйича куплаб тадқиқотлар олиб бораётган Р. Мустафоқуловнинг қуйидаги манбаларни тақдим этамиз.

Камон - бу ўйинни кўпроқ ўғил болалар ўйнайдилар. Ўйин учун болалар тол ёки бирор дарахтнинг хўл новдасидан олиб, уни эгиб, ип билан боғлаб, камон ясаб оладилар. Унга отиш учун қамишдан ўқ тайёрлайдилар. Камонга ҳар хил шакллар бериб, уни зеҳн ва ўткир дид билан безайдилар. Бунда болалар ким узоққа отар ва ким кўп марта нишонга урар ўйнайдилар. Кимнинг отган ўқи узоққа кетса ёки ким кўп марта нишонга тегизса, ўша бола ўйинда ғолиб ҳисобланади.

Дор - "Дор" ўйини дарбозлар ўйинига тақлид бўлиб, ўғил ва қиз болалар ўйнаши мумкин. Бу ўйин ердан баландда-дорда эмас, аксинча, ерда йигирма-ўн беш метрлар чамаси узунликда чизилган икки чизик оралиғида ўтказилади. Болалар чизик бўйлаб икки қўлларини икки томонга ёйиб дарвозага ўхшаб юрадилар. Ким чизикни босмасдан охиригача етиб борса, ўша бола ютган ҳисобланади. Бу ўйинни кўзни юмган ҳолда ҳам ўтказиш мумкин. "дор" ўйини шахсий биринчилик мусобақаси таркибига киради.

Тўрт терак - ўйинда истаганча ўғил ва қиз болалар қатнашиши мумкин. Бир боланинг кўзи боғланади. Қаршида болалар сафи ҳар қайсининг ораси бир метрча масофада. Кўзи боғлиқ бола ўртоқлари орасидан уларга тегмасдан ўтиши керак. Қайси болага тегиб ўтса, ўша бола билан жой алмашади.

Чиллик ўйини - Ота-боболаримиз азал-азалдан ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам қизиқарли серҳаракат ўйинлар ўйнашиб, бўш вақтларини хурсандчилик билан ўтказганлар. Уларнинг энг сеvimли ўйинларидан бири чилликдир. Ҳатто улар чиллик ўйини ҳақида ажойиб шеърлар тўқиб, чиройли қўшиқлар айтишган. Бу ўйин бошланишидан олдин шундай шеър ўқишган:

Чиллик уйнадим, чилдай бўлиб,
Янги очилган гулдай булиб.
Уйнаймиз биз, ёшлар жам бўлиб,
Сайраган булбулдай бўлиб.

"Чиллик" энг қадимий ўйин турларидан бўлиб, унинг кўп турлари уни болалар ҳам, катталар ҳам, ҳатто қизлар ҳам севиб ўйнашган. Лекин кейинги йилларда аста-секин истеъмолдан чиқа бошлади. Шундай бўлса-да, бу ўйин ўз ихлосмандларини йўқотгани йўқ. "Чиллик"да ғалаба қилган гуруҳ хузурлашиб, ютқазганлар эса навбатдаги ўйинларга пухта тайёргарлик кўришга киришади. Умуман олганда, бу ўйиндан ўйинчилар ҳам, томошабинлар ҳам катта завқ олади. Ўйин тафсилоти: ўйин учун 1 метрлар чамасидаги таёкча олинади. Унинг номи "Энасоп" галдастадир. Энасоп 2-2,5 см қалинликда 1-1,5 м

узунликда. Боши ўрта қисмига нисбатан ингичкароқ бўлади. Шунга асосан, унинг “Энасоп” томонини боши, ингичка қисмини учи деб аташади.

Энасопнинг чиллиги (боласопи) бўлади. Унинг хажми-узунлиги 20-25 см. чамасида, 2-1,5 см. қалинликда бўлади. Чилликнинг икки четидан 2-3 смлик йўнилади, худди қалам учи чиқарилганидек ўткир қилинади. Ёки икки учидан ясси ҳолда йўнилади. Йўнилган жойлар бир-бирига тескари ҳолда бўлиши керак. Унинг кесилишидан мақсад: чиллик ерда ётган пайтда кесилган томон ланг бўлиб -ердан узилиб туради. Энасоп билан урилганда чиллик, ҳавога сакрайди. Ҳаводаги чилликни энасоп билан беҳато уриб, узоққа йўналтирилади.

Энасоп ва чилликларни ота-боболаримиз заранг ёки жингил ўсимлигидан тайёрлашган. Чунки жингил оғир, қаттиқ ва пишиқлиги билан бошқа ўсимликлардан фарқ қилади. Жингил бўлмаган пайтда чидамли ва қаттиқ ёғочдан тайёрлашган. Энасоп кўп ўйинларни ўтказишга чидайдди. Аммо чиллик бир ўйинни ўтказмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун бир ўйин учун бир неча чиллик захирада тайёр туради.

Галдаги вазифалар:

1. Энди икки гуруҳ аъзолари энасоп ва чилликни танлайди.

2. Марра дейилади, унга келишилади. (500, 1000 ундан ҳам кўп ё кам бўлиши мумкин.)

3. Ўйин кўрғони ва жойи белгиланади.

4. Қайси гуруҳ биринчи бўлиб бошлаши аниқланади.

5. "Ўчоқ" ва "ялоқ" тайёрланади. "Ўчоқ"нинг хажми тахминан 1 метрми ё ундан камроқми - кўпроқми тўрт бурчак чизилади. Унинг қоқ ўртасидан "ялоқ" (20 см узунликда эни эса энасоп сигадиған чуқурлиги 5-8 см) хажмда тайёрланади. (ўчоқ шаклида ҳам бўлиши мумкин).

6. "Ҳапи" борми, йўқми? Бу дегани энасоп билан чилликни урганда, унга тегиш-тегмаслиги ҳисобга олинади. Агар "ҳапи" бўлмаса, энасоп билан чиллик урганда, унга тегмай кетса, ўйинни бошқа ўйинчи давом эттиради. Гар "ҳапи" бўлса у бир, икки, уч бўлиши мумкин. Энасоп билан чилликни урганда, унга тегмай кетса, иккинчи бор уради, у ҳам тегмаса учинчи бор уради. Тегса, теккани, тегмаса ўйин навбати ўтиб кетади.

Ўйинда чиллик отиш икки турга бўлинади:

1. Ўчоқ ўртасидаги ялоққа чиллик кўндаланг қўйилади. Энасоп унинг тагидан чуқурчага текилиб, чилликни ҳавога кўтариб, ташлайди. У вертикал келганда, унинг ўртасига (мувозанатни чамалаб) уради.

2. Иккинчи хилида ўчоқ ўртасидан ялоқ қазилмайди. Ўйинчи бир қўли билан чилликни ҳавога кўтариб ташлайди ва шу дақиқада уни энасоп билан уради. Бу хилнинг яна бир тури: бунда ўйин бошланмасдан олдин энасопнинг бошида икки-уч см қолдириб чиллик кўндаланг жойлашадиган қилиб кемтик қилиб қўйилади. Энасопдаги чилликни ҳавога кўтариб ташлаб, уни зарб билан уриб узоқда ирғитади рақиб гуруҳ аъзоларидан бири чиллик ураётган ўйинчининг қаршисида туриб, унга чиллик ҳавога отиб ташлаб беради, у эса қулайлаб уради.

"Чурей-чурей" – бу ўйинда болалар келиб саломлашиб, кейин ўзларига яширин ном кўйишади. Шу тариқа келган жуфтлар навбат билан салом бериб, яширин номларини айтишади. Онабошилар уларни танлайдилар, натижада икки гуруҳ ҳосил бўлади.

Агар бирор бола ўйинда жуфтсиз қолса, уни ҳам ўйинга қатнаштириш йўли бор. Бунинг учун "чурей-чурей" деган қоида мавжуд.

"Чурей-чурей" бир марта биринчи гуруҳга чиллик отади. Иккинчи гуруҳ навбатида иккинчи гуруҳ учун ўйнайди. "Чурей-чурей" маъноси яхши улоқ икки эчкини эмади демакдир.

Кўпқари ўйинлари - қадимги ўйинларнинг кўпчилик қисмида голиблар моддий ва маънавий рағбарлантирилиб келинади. Шунинг учун ҳам болалар ўйинлари катталар ўйинларининг давомчиси ва даракчиси сифатида яшаб келади.

"Кураш", "от пойгаси", "пиёда пойга", "қулоқ, чўзма", "эшак минди" "кўпқари", "пиёда улоқ.", "гаштак кўпқари", "катта кўпқари" сингари ўйин турлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги вақтда куп таркалган миллий совринли ўйинлар орасида кўпқари алоҳида ўрин тутди. Айримлар купқарини фақат тўйларда бўлади деб юришади. Аслида чавандозлар боқувдаги отни "чиниқтириш" ёки катта кўпқарига мослаштириш "совутиш" учун ҳам энгилроқ, ўзаро келишиб "гаштак" кўпқари чопишади.

Хар бир ўйиннинг ўзига хос хусусиятлари ва нозик томонлари, ечими бўлиб, улар қатнашчилардан ақл-фаросатни, ўйин маданиятини, жисмоний бақувватликни, қурқмаслик, жасурлик ва ҳодисалари ривожини тез фаҳмлайдиган, ўз вақтида ҳаракат қила олиш қобилиятларини талаб қилади. Кимда бу каби сифатлар етишмаса, уни бу ўйинлар тарбиялаб боради.

Катта кўпқари - юқорида тақидлаганимиздек кўпқари ўзбек халқининг сеvimли ўйинларидан бири кўпқари асосан тўйларда, байрам ва сайилларда катта кенгликда ўтказилади. Катта кўпқари тўй кунига белгиланади. Шу туфайли ўтказилиш кунини бир неча кун илгари узоқ, қишлоқ ва юртларга хабар юборилади. Ёки радио ва телеведения орқали эълон қилинади. Чавандозлар тўй бошланишидан бир неча кун олдин ҳам келиши мумкин. Улар келиб отларига дам бериб ётишади. Тўйга келган чавандоз ва меҳмонларни жой билан таъминлаш тўйхат тарқатган чақирувчи зиммасида бўлади. Унга "кушхона ташлаш" ҳам деб айтилади. Меҳмон ва отларнинг ози,-овқати тўй эгаси ҳисобидан бўлади.

Тўй эгасининг имкониятига қараб кўпқари учун буюмлар, қуй-эчкилар, от-туялар, олтин тангалар ҳам ажратилади. Бу ажратилган совринларни бақавуллар ҳаммага эълон қилади.

Тўй эгаси кўпқари бўладиган кунини аввал чавандозлар ўртасига суйилган така (буқа) ёки сарка-улоқ ташлайди. Шундан сунг чавандозлар бир жойга тўпланишади. Бақавул улоқни майдон ўртасига ташлайди. Катта машхур чавандозлар кўпқари бошида ўзларини четга олиб туришади. Чунки олиш ва

кўпқари бошланишида ёшларга навбат берилади. Бу қадимий анъанага содиқлик. Ўртага қўйиладиган борлиқ туёна ҳам кичкина бўлади.

Шундай қилиб, бакавул "у, у эшитмадим деманглар! Ол ўртага бир жуфт этик, 10,000 сум пул, бир тилло соати бор" деб ҳаммага эшитарли қилиб эълон қилади. Шундан сўнг ўлоқ учун устида уюшмалашиб ётган чавандозлар орасидан, отлар туёғи тагидан босилиб ётган улоқни олиб чавандозларни ортда қолдириб, айириб, кетса шу пайт бакавул "халол", деб кичқиради. Улоқни айирган чавандоз иккинчи бакавул ёнига бориб, эълон қилинган совринни олади. Агар чавандозларни ортда қолдириб узиб кетолмаса, "ўлоқ жойида қолди" деб эълон қилади.

Бакавул 5-6 марта, ҳатто ундан ҳам кўпроқ марта борғи ташлайди. Бир марта ташлаган борғини чавандозлар айира олмаса, бакавул борлиқ, устига: "Чавандозлар! Эшитмадим деманглар, устига яна бир саркаси бор деб эълон қилади. "Улоқ айириш" шарти бир неча бор такрорланади. Шундан сўнг ҳам улоқ айирилмаса, яна бакавул борлиғни каттартира боради. Кўпқарига кирмай ёшларга навбат бериб, отини совутиб юрган катта чавандозлар ҳам келиб қушилади.

Туйга ажратилган барча борғилар ташлаб бўлингач, навбат энди узоқ ва яқин жойлардан келган туй эгасининг оға-инилари, қавму- қариндошлари, ёру биродарлари томонидан олиб келинган совға "меҳмон келди"га ўтилади. "Меҳмон келди" туй эгасининг кими эканлиги ва ким томонидан ташланмоқдалиги айтилади. "Меҳмон келди" бир румолга тугилган холда бўлади. У қимматбаҳо нарсалар бўлиши мумкин. Бу сир тугилади. Айрим яқин қариндошлар 10000-40000 сумлик совға олиб келган бўлиши мумкин.

Кўпқари 3-5 соат, ҳатто икки-уч кун ҳам давом этиши мумкин. Шу орада чавандозлар бир неча бор отларини совутиб, дам беришади. Донғи кетган катта чавандозлар купинча "меҳмон келди" ва катта борғиларга аралашади.

Агар борғи тез-тез айриладиган, ташланган улоқ эзилиб, енгил бўлиб қолган бўлса, уни янгилайди. Энди хўкиз (2-3 яшар тана калласи, турт оёғи тиззасидан кесилган. Уни 1-2 кун сувга ивитиб қўаяди) ташланади. Бу улоқда шовқин-сурон бошланиб кетади. Бу галги улоқни ҳар қайси чавандоз ҳам тўда ичидан олиб чиқиб айиравермайди. Чунки унинг оғирлиги 80-100, ҳатто 120 килогача бўлиши мумкин. Тўдадан (улоқни олиш учун уюшмалашиб ётган жой) олиб чиқиб кетганда, иккинчи бир чавандоз ҳам улоқнинг бир бутидан ё бошқа жойидан ушлаб, тортишиб кетади. Эҳтимол кейинги қўшилган чавандоз кучлилиқ қилиб улоқни олиб кетиши мумкин. Бу чавандоз ҳам бирга отлиқлардан қочиб, қутилиб кетиши керак. Тезда уни тушириб қўйса, бакавул "улоқ жойида қолди" деб эълон қилади. Балким иккала чавандоз келишиб бири "қуйиб юбор бўламиз" дейди. Рози бўлса айтганидек борлиқ иккига бўлинади. Бўлмаса улоқ айирилмай қолади. "Қароли" (хўккиз, сигир) деб айтилувчи шарти купқарининг энг оғир синови ҳисобланади.

Охирги шарт. Купинча катта кўпқариларда бўлиб "меҳмон келди" тугагач, айрим кўпқариларда туй эгасининг ота-онаси борлиқ сифатида ўзларини ташлаб юборади. Жўгилар орасида маълум ва машҳур бўлган урф-удум бу. Бунда от миниб кўпқарига келган ҳар бир чавандоз жон-жаҳди билан улоққа

ташланади. Улоқни айирган чавандоз номи айтилган ота ё онанинг олдига боради. Масалан, бобоми ё момоми ким бўлишидан қатъий назар , чавандоз ўртага "борлиқ" сифатида ташланган кишини хохлаسا сотади, хохласа уйига олиб кетиб, уни хизматкор қилиб олади.

Борлиқни айирган чавандоз номи айтилган ота ё онасининг олдига боради. Масалан, отаси ўзини туёна сифатида ташлади. Шунда фарзандлари отасининг ўрнига қимматбаҳо буюм, мол-ҳол, ёки тилло-танга бериб чавандознинг розилигини олади. Агар чавандоз рози бўлмаса нархини янада кўтариб бораверади.

"Қирин қув" - энг қадимги уйинлардан биридир. Биз илгари куп қизлар йиғлиб, далаларда мол боқар эдик. Ўшанда купинча "Қирин-қув" уйини уйнар эдик ҳикоя қилади ангорлик Муқимой момо Қодирова .

-Бу уйинда каттарок, қизлардан биттаси "онаси" (онабоши) бўлади. Яна дадилроғидан биттаси момоси бўлади. Қолган қизларнинг ҳаммаси онанинг "болалари" бўлишади. Онасининг куйлаги этагидан ушлаб туришади. Онаси қаёқа юрса, болалари ҳам ўша ёққа юришади. Она -болалар "қирин -қув", "қирин-қув", "қирин-қув" деб айтишади. Шунда бўрига дуч келиб қолишади. Бўри момо:

"Қизларим, қаёққа борасизлар?" дейди.

Она-болалар: "Туйга бораяпмиз", деб жавоб беришади.

"Туйга борсаларинг менга ҳам гушт олиб келинглар", дейди. Она -болалар тиркашиб анча юриб айланиб келишади. Она- болалар момосининг олдига келишади. Улар қатор бўлишиб бир-бириларининг белидан икки қуллаб ушлашиб туришади.

Момоси- сурайди: "Қани, менга гушт?", Онасидан биринчи сўрайди. Онаси ўзидан кейинги боласини кўрсатади. "бунга бергандим" дейди, буниси унисини, униси бошқасини кўрсатади.

Савол-жавоб шундай кетаверади. Охиргисидан сўраса: "Сув ичаётгандим, қудуққа тушиб кетди", дейди. Шунда бўри момонинг жаҳли чиқиб, болаларини ўғирлайман деб қувлай бошлайди. Онаси эса болаларини ушлашга қуймайди. Момонинг йўлини тусаверади. Момоси болаларининг ҳаммасини ушлаб бўлади. Онасининг битта ўзи қолади. Кейин момоси: "Оналарингни ушлаб келинглар", дейди. Онаси кочади., Болалари қувлайди. Онасини ушлашади. Момоси билан болалари бир тараф бўлади. Сунгра онаси болаларини, момосини бирин -бирин ушлаб, уларни йиғади.

Бунда болалар ўз ҳаракатларига мослаштира билиш, зийраклик ва хушёрлик каби хислатларини такомиллаштирадilar.

Оқ суяк уйини - "Оқ суяк" кўпгина халқларга тегишли ўйинлардан ҳисобланади.

Шундай қилиб, "Оқ, суяк." халқ, севган қадимий ўйинлардан. Ўтмишда қишлоқларда, маҳаллаларда туй-томошалар, йиғинлар "оқ суяк" ўйинисиз ўтмаган.

Бу ўйин ҳақидаги маълумотларни Сурхон воҳасининг турли туманларидан тўпладик. Уни уйнамаган ё у ҳақда билмайдиган кексани учратмадик. Уйинни етмиш беш ёшли Холиқул бобо Тураевдан, саксон ёшли Мухаммадқуб қизи

Ашурой момодан, саксон олти ёшли Қувандиқ бобо Худойқуловдан, саксон беш ёшли Хилой момо Хужамқуловадан, етмиш олти ёшли Солиҳ Мадаминов, Менгли Алмарданов, Исмоил Йулчиевлардан ёзиб олдик. "Оқ суяк" ўйини хақида ҳам ажойиб қушиқлар туқишган. Қўйидаги қушиқни биз бандихонлик Ҳақимбой Доллиевдан ёзиб олдик:

Кечалаб отдим оқ суяк, қоронғуда
кесилди туёқ., Кўзлар бўлди кора буёқ-

Қидирдим уёқ-буёқ, Бу уйинларим
усалди, қоронғуда куринг касалди.

Ўзбек халқ, уйинлари орасида хайвонлар суяги билан уйналадиган уйинлар анчагина. Уйинларга суякларнинг восита сифатида танланиши ўтмишда ота-боболаримиз чорвачилик билан купроқ. шуғулланганлиги сабаб бўлса ҳам ажаб эмас. Юқорида таъкидлаганимиз "Оқ суяк" ўйини ҳам шулар жумласидан. "оқ суяк" ўйинининг бир қанча турлари мавжуд. Шулардан бири кундуз куни ўйналадиган "оқ суяк" ўйинидир.

Ўйин учун кичик ва катта майда (қуй ва эчки) молларнинг илик (катта ва кичик полвон) суякларидан фойдалаиилади. Улар тарашланиб, чиройли холга келтирилади. Масалан: ошиқди илик, полвон суяк, қарри илик каби хар бир суякнинг ўз номи бор.

Уйин қўйидагича тартибда бошланади: Юқорида номлари келтирилган суяклардан олинади. Ҳар бир ўйинчидан битта, бўлса, иккитадан суяк олинади. хар бир ўйинчи биттадан ошиқли ҳамда полвон иликни аралашига ерга ярмигача кумади. Тизимда турган иликлардан (суяклардан) чамаси саккиз, ун қадамча узокликдан ўйин бошлаш чизиги бир метр узунликда чизилади. Энди болалар қулидаги полвон илик билан ўйин бошлаш чизигидан туриб, иложи бўлса, полвон суякни кузлаб уради. Агар уйинчи полвон иликни йиқитса, бир қуй ютган бўлади. Чунки уйин бошланишдан олдин хар бир суякнинг катта-кичиклигига қараб қуйлар миқдори белгилангаи эди. Шунингдек, уйин марраси ҳам келишиб олишган. Шунга асосан, хар бир суякнинг қиммати бор.

“Қулоқ чўзма” маҳаллий ёшларнинг навқиронлик, мардлик ва жасорат кўрсатиш мактаби бўлиб келган. Улар даврга чиқар экан жони оғришига қарамасдан, ўз мақсади сари интиладилар. Айни пайтда у халқимизнинг томоша шаклидаги энг қизиқарли, оммавий ўйини ҳамдир. Чунки унда ўндан ортиқ йигитлар овулдошлари олдида ўзларининг нимага қодирликларини намоиш этадилар.

Шўрб кишлоғидан ҳам бу борада бой материал қўлга киритилди. Мисол учун “эшак минди” ўйин-томошасини олиб кўрамиз. Ўйин очиқ майдонда уюштирилади. Иштирокчилар беш кишидан тенг икки гуруҳга бўлинадилар. Ерга узунлиги икки қадам бўлган тўғри чизиқ чизилади. Гуруҳ бошлиқлари шу чизиқ устидан бошларидаги дўппиларини бор кучлари билан

олдинга отадилар. Шунда қайси бирининг отган дўпписи чизикдан узоқроқ жойга бориб тушса, ўша томон ғалабага эришган ҳисобланади.

Худди шунга ўхшаш томошавий ўйинлардан яна бирини “шоғулоқ” номи билан Пойгабоши маҳалласи (ўтган аср бошларида турли мусобақалар, сайил ва байрамларни ўтказишга мослаштирилган кенг майдон) ва Дуоба қишлоқларида ўз ҳолатини сақлаб қолган. Сариосиё қишлоғида эса фақатгина “эшак кўпкари” ўйини расмга айланиб, ўйинда асосий восита – сўйилган улоқдан фойдаланилгани учун “шоғ улоқ” деб ном олган. Томоша кўпинча тўй ва байрамлар муносабати билан дарё қирғоғида ўтказилган.

“Дўғиш” – баҳор фасли кўкламда байрам ва тўйлар муносабати билан очиқ майдонда уюштирилади. Иштирокчилар ёши чегараланмаган. Ўйинчилар тенг икки гуруҳга бўлинадилар. Ўзларига сардор сайлаб олишади, қуръа ташланади. Омади келган томон ўйинни биринчи бўлиб бошлайди. Яъни улар рақиблари кетига тепадилар. Иккинчи томон эса бунга йўл қўймасликка интиладилар. Зарба аниқ бўлгандагина ҳисобга олинади ва у ерга ўтиришга мажбур. Шу тариқа ҳужумчилар рақиблари сонини камайтириб бораверади. Мусобақа бир томоннинг тўлиқ устунлигига қадар давом этади. Охирида ғолиблар рақибларига турли шарт қўйиш ҳуқуқини кўлга киритадилар. Анъанага кўра эшак бўлиб ҳанграши, ит қиёфасига кириб хуруши, хўроз каби қичқириши, эчки қиёфасида мараши, ҳеч бўлмаганда бирорта шеър ёки латифа айтиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, анъанавий ўйинлар ўзбек халқининг бир неча минг йиллик ижодий маҳсули бўлиб, улар миллий маданиятнинг ажралмас бир қисми сифатида ижтимоий турмушда асосий ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Президентимиз И.А.Каримов ибораси билан айтганда: «Миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустахкамлаш, халқимиз маънавий меросини ривожлантириб, уни ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари билан бойитиш» ҳамда ҳаётга тадбиқ этиш керак. Бу эса ёш авлоднинг ақл-идроқи, дид-фаросат, тафаккурини ўстириб, қолаверса, жисмоний камолот сари етаклайди.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИ.

Сурхон воҳаси аҳолисининг оғзаки ижоди ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси ижодининг айтилиш маросими, ўрни, маъно ва мазмун хусусиятларига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Меҳнат қўшиқлари (деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан боғлиқ қўшиқлар).
2. Тўй маросимлари билан боғлиқ қўшиқлар
3. Халқ байрам ва сайллари билан боғлиқ қўшиқлар
4. Мақоллар, маталлар, латифалар
5. Топишмоқ ва тезайтишлар
6. Достонлар ва бахшичилик
7. Марсия ва йиғи-йўқловлар
8. Маросим қўшиқлари

Меҳнат қўшиқлари воҳа аҳолисининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, кундалик юмушларни бажариш жараёнида ижро этилган ўзининг соддалиги, равонлиги ва бир хил ритми билан ажралиб турган. Жумладан воҳа деҳқонлари ўз фаолияти давомида “Қўш қўшиқлари” (ер ҳайдаш жараёнида), “Ўрим қўшиқлари” (ғалла йиғим-терими пайтида), “Янчик қўшиқлари” ёки “Хўп ҳайда қўшиқлари” (ўрилган донни янчиш жараёнида), “Ёрғучоқ” қўшиқлари. (буғдойни қўл тегирмонида ун қилиш жараёнида)ни ижро этишган. Воҳанинг чорвадор аҳолиси чорва молларини яйловга ҳайдашда, яйловда боқиш жараёнида чўпон қўшиқларини куйлаган. Воҳа аёллари сигирларни соғиш жараёнида “хўш-хўш”, қўйларни соғишда “турей-турей”, эчкиларни соғишда эса “чурия” ларни айтиб ўз юмушларини бажаришган. Ҳунарманд усталар ўз касбининг турига қараб “Кулол қўшиқлари”, “Темирчи қўшиқлари”, “Чарх қўшиқлари”, “Кашта қўшиқлари”, “Бўзчи қўшиқлари”, “Ўрмак қўшиқлари”, “Кашта қўшиқлари” каби қўшиқларни хиргойи қилишган. Воҳа аҳолиси тўй маросимларида бу қатор лирик қўшиқларни ижро этишган. Бу қўшиқлар яккахон ва жўровоз шаклида ижро этилган. Бундай қўшиқ турларига лапар, ўлан, ёр-ёр, терма, яллама - ёрим, “Чорқарсак”, “Бешқарсак” каби қўшиқларни санаб қтиш мумкин.

Воҳа аҳолиси байрамлар ва оммавий сайлларда ҳам қўшиқ куйлашган. Оммавий сайлларда жарчи қўшиқлари ҳам муҳим ўрин тутган бўлиб, мақоллар, маталлар, топшмоқлар, халқ донолиги ва ҳаётий тажрибасининг маҳсули бўлиб, кундалик турмуш тарзида кенг қўлланилган ва муҳим тарбиявий аҳамият касб этган. Воҳа аҳолиси табиат ва коинот билан боғлиқ бир қанча магик маросимларни ҳам амалга оширган. Ушбу маросимлар албатта, қўшиқлар ва чолғу асбоблари орқали ижро этилган.

Мустақиллик йилларида халқ оғзаки ижодини янада қайта жонлантириш ва ривожлантириш учун анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1999 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО ҳамкорлигида “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги қизғин нишонланди. Республикамизда 2000 йил халқ бахшиси унвони ташкил

этилди. Қолаверса, 2001 йилда Бойсун ЮНЕСКО томонидан “Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси сифатида эътироф этилди.

Бугунги кунда воҳада халқ оғзаки ижодиёти дурдоналарини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш борасида фольклор этнографик дасталарнинг ҳам ўз ўрни бор. Жумладан Бойсундаги “Бойсун” фольклор этнографик ансамбли, Шўрчидаги “Булбулгўё” фольклор этнографик ансамбли, Қизириқдаги “Қўнғирот” фольклор этнографик ансамбллари айнан воҳа аҳолисининг турмуш тарзига хос бўлган жараёнларни ўзида ифодаловчи қатор кўшиқлари билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, “Қуралай” болалар фольклор этнографик ансамбли республикадаги фольклор этнографик ансамбллар орасида ягона саналади. Умуман, воҳа аҳолисининг халқ оғзаки ижодиёти ниҳоятда мавзуларга бой, серқирра ва ўзига хос локал хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади.

Умумхалқ маданиятининг таркибий қисми бўлган халқ оғзаки ижоди халқнинг маънавий тараққиётида ўзига хос ўрни бўлиб, унда ҳар бир халқнинг миллий маданияти, қолаверса ижтимоий турмуши ўз аксини топган. Шунингдек, халқ оғзаки ижодиётида халқнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари ўзига хос бадиий ифодаланган бўлиб, халқ миллий руҳиятини мужассамлаштирган. Буёса шу халқда халқпарварлик, ватанпарварлик каби хислатларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан халқ оғзаки ижодиёти дурдоналаридан бўлган «Алпомиш» достони ҳақидаги Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги сўзлари фикримиз исботидир: ««Алпомиш» достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини кўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади».

Сурхон воҳаси аҳолиси Ўзбекистоннинг бошқа ҳудуд аҳолиси каби тарихий тараққиётнинг турли босқичларини босиб ўтган. Воҳа аҳолиси оғзаки ижодиёти ҳам шу сингари қадимий бўлиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Воҳа аҳолиси оғзаки ижодиётида ривоятлар, маталлар, эртаклар, кўшиқлар, достонлар ҳамда мақол ва топишмоқлар ўзига хос тарзда шаклланиб ривожланиб келган.

Сариосиё тумани Сангардак қишлоғида ташкил этилган халқ фольклор этнографик гуруҳи

Халқ оғзаки ижодиётида достончиликнинг ўзига хос ўрни бўлиб, минг йиллик тарихга эгадир. «Қарлуқлар ҳудудида яшовчи кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ чорвадор қабилаларида оғзаки ижод катта ўрин тутган. Булар анъаналарни, урф-одатларни, умуман турмуш тарзларидаги барча томонларни авлоддан-авлодга оғзаки ўтказиб келганлар: йирик халқ достонларини яратганлар».

Сурхон воҳасида ҳам халқ оғзаки ижодиётида достончилик қолаверса бахшичилик ўзига хос тарзда ривожланган. Воҳада учта Шеробод, Бешқўтон ва Кофрун достончилик мактаблари бўлиб, бу мактаблар орасида Шеробод

достончилик мактабида устоз-шогирдлик анъаналари кучли бўлган. Чунки, Қашқадарё воҳасининг Дехқонобод, Қамаш, Кўкбулоқ ҳудудларида ижод қилган бахшилар ҳам Шеробод достончилик мактаби вакиллари дир. Шунингдек, Сурхон воҳаси бахшилари таъсирида Тожикистон ҳудудидаги лақай бахшилари ижодидаги кўпгина достонлар шаклланган.

Воҳа аҳолиси ёмғир сўраб “Суст хотин”, шамол сўраб “Ё Ҳайдар”, шамолни тўхгатишни сўраб “Чой момо” (аслида Чолмомо), ёвуз руҳларни кувишда “Алас-алас”, “Кинна”, “Жахр” кўшиқларини ҳам ижро этишган.

Воҳа аҳолиси оғзаки ижодида марсия ва йўқловлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Марсия ва йўқловларда марҳумни соғиниш, унинг яхши сифатларини эсга олиш каби жиҳатлар етакчи мотив саналган. Воҳа аҳолиси ҳаётида бахшичилик алоҳида ўринга эга. Умумўзбек достончилигида Шеробод достончилик мактабининг алоҳида ўрни мавжуд. Шеробод достончилик мактаби таъсир кучи ва тарқалиш доираси билан ўзбек фольклоршунослигида муҳим ўрин тутди. Шеробод достончилиги мактабининг асосчиси Шерна бахши (Шерназар Бекназар ўғли) саналади.

XIX аср охири XX аср бошларида Шерна бахши, Умир бахши, холиёр бахши, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, нурали Боймат ўғли, Қора бахши, Мамарайим бахши, Бўрибой Аҳмад ўғли, Юсуф Ўтаган ўғли, Боймурод бахшилар ана шу мактаб теварагида бирлашиб ижод қилишган. Шеробод достончилик мактаби Сурхон воҳаси, жанубий Тожикистон, жанубий-шарқий Туркманистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларини камраб олган. Шеробод достончилик мактаби қўйидаги белгилари билан ажралиб туради:

1. Дўмбира созлигини аниқлаш учун бир кеча куй ижро этиш
2. Битта ёки иккита терма куйлаш
3. “Нима айтай” термаси орқали айрим достонлардан парчалар айтиш

Шеробод достончилик мактабига бирлашган бахши шоирлар: “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмуш”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Нурали”, “Юнус пари”, “Мисқол пари” каби достонларни алоҳида маҳорат билан ижро этишган. Шеробод достончилик мактаби вакиллари репертуаридаги “Олтин қовоқ”, “Малла савдогар”, “Олланазар”, “Олчинбек”, “Тошбосар”, “Хурсўна” достонлари бошқа жойлардаги бахшилар репертуарида учрамайди.

Шерободда Қосимқўр номли машхур достончи яшаб ўтган бўлиб, Шеробод достончилик мактабининг йирик вакили Шерна (Шерназар) Бердиназар ўғли (1855-1915) шу кишининг шогирди бўлган. Шунингдек, шу даврда Холмурод Қосим ўғли, Алим юзбоши каби бахшиларнинг ҳам устозидир.

Бойсун-Шеробод бахшичилик мактабига Сурхондарё вилоятидаги: Шеробод, Бойсун, Жарқўрғон ва Денов туманлари, Қашқадарё вилоятидаги Ғузар, Дехқонобод туманлари, Туркманистонни Чоршанги тумани, Тожикистонни Қабодиён ва Шартуз туманларида яшаб ижод этган бахшилар асосан Сурхон бахшичилик мактаби ижодий маҳсулидир. Булар Бахши Шерназар Бердиназар халқда Шерна бахши (1855-1915) номи билан танилган, у

ўз навбатида Қосимқўр бахши (XIX асрнинг 2 ярмида яшаб ўтган) дан таълим олган бўлса, у ўз навбатида Бобо бахши шоирнинг шогирди ҳисобланади. Бобо бахши XIX сарнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган. Шерназар бахшини шогирдлари: Мардонакул Авлиёкул ўғли, Ахмад юзбоши, Саодат юзбоши, Чори юзбоши, Нормурод Шерназар ўғли, Жўра Эшмирзо ўғли, Худойкул Лақай, Эсон Шомурод ўғли ва бошқалар. Алим юзбошини шогирди Холиёр Абдуназар Карим ўғли 1897 йилда Паданг қишлоғида туғилган. 1929 йилда Фольклоршунос олим Ходи Зариф Бойсунда бўлиб, Абдуназар бахшидан «Амир Қочди» достонини ва бир қанча термаларни ёзиб олган. Бойсун-Шеробод бахшичилик мактабини асосчиларидан бири Умар шоир Сафар ўғли қарийб 20 та достон ва юзлаб термаларни ёддан айтган. Ҳозирги Шеробод-Бойсун бахшичилик мактаби бахшилари Шерна бахши, Холёр бахши, Умур базшиларнинг давомчиларидир. Ҳозирги бахшичиликда Мунчок қишлоғидан, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Бахши Болтаев Хомкон қишлоғидан Абдуназар Поёновлар шулар жумласидандир. Уларнинг шогирдлари-Шодмон Эгамберди, Урал Рахимов, Йўлдош Сувонов, Бахтигул Бобоева ва бошқалар. Бахшичилик нафақат Бойсун туман марказида, балки чекка қишлоғларида Мунчок, Тўда, Тангимуш, Даштиғозда ҳам бахшичилар етишиб чиқмоқда.

Шоберди Бахши Болта ўғли. (Болтаев Шоберди) - Бойсун районидаги «Мунчок» қишлоғида 1944 йилда туғилган. Термиз Давлат Педагогика институтини 1972 йилда битирди. Мунчок қишлоғидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Шобердининг бахшичиликка фаолияти айрича жиҳатларга эга. Унинг ижодига таалукли терма ва достонларнинг мавзуи ва мазмуни фалсафий мушоҳидаларга бой ҳолда долзарб муаммоларни қамраб олиш билан ўта муҳимдир. Унинг ижод бисотига тегишли «Алпомиш», «Олтинқовок», «Қунтуғмиш», «Малла савдогар», «Сулувхон», «Санамгавҳар», «Ойпарӣ», «Оллоназар олчинбек» достонларни эл севиб тинглайди ва бу достонларни бахши мароқ билан куйлайди. Бахшининг «Мехмондур», «Тилар», «Нима ёмон», «Кунларим», «Думбира», «Ойпарӣ» ва бошқа талай термалари аллақачон эл олқишига сазовор бўлган асарлари қаторига киради.

Шоберди бахши 2000 йил «Ўзбекистон халқ бахшиси» юксак унвон соҳиби бўлди. Хассос ижодкор Хидир шоир 2009 йил «Ўзбекнинг ўз алпи бор» достонини айнан Шоберди бахшига бағишлаган.

Шоберди терма айтадим, достон куйлайдим ҳаммасини юракдан куйлайди ҳам сел бўлиб куйлайди ва барчани ўзига махлиё этиб дўмбирасини сайратади.

Абдуназар Поёнов Хомкон қишлоғида туғилган. «Олтин қовок», «Малла савдогар», «Аллоназар Олчинбек», «Хомкон», «Алпомиш», «Келиной», «Қунтуғмиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Турсун мерган», «Давркул полвон» каби достонларни куйлайди. Бахшининг ўзи яратган «Алпомиш достонига» кирувчи «Турсун мерган» ва «Давркул полвон» достонлари 2000 ва 2003 йилларда нашр этилди. У Шеробод-Бойсун бахшичиликда «Алпомиш», «Ёдгор», «Хурсина», «Қунтуғмиш», «Ёзи билан Зебо», «Келиной ва Гўрўғли» достонига кирувчи «Нурали» достонларини куйлаб келмоқда. Инсоният янги даврга кадам куйди. Янги асрда дунёнинг кўплаб халқлари ўз миллий

кадрятлари, урф-одатлари ва маънавий-маданий маросимларига тобора қизиқиш билан қарамоқда. Зеро инсонни англаш учун у мансуб бўлган халқнинг урф-одат ва анъаналарини баддий тафаккур намунаси ҳисобланган халқ оғзаки ижодини ўрганиш лозим. Ўтмишни ўрганмай туриб ёруғ келажак яратиш бағоят мушкул. Сирасини айтганда халқ оғзаки ижодини ўрганиш-халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъаналари, тарихи бугунги ва келажаги, уй-кечирмалари ҳамда руҳиятни ўрганиш демакдир. Бундай ижод сахнасини англаш эса бахшичилик санъати сирларини ўрганишдан бошланади. Бахшичилик неча-неча асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаятган ғаройиб санъатдир. Ҳар бир бахши хотирасида ўтмиш анъаналарини сақлаб, уни авлодларга етказган ва бу эпик анъана ҳар гал ижро жараёнида янада бойиб, янгиланиб борган.

Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур (1370-1405) ҳукумронлиги йилларида Давлатшоҳ бахши деган киши бўлган. «Акбарномада» эса Мирбахши деган бош бахшини номи тилга олиб ўтилган.

«Қутатғу билиг», «Хибат ул-хақойиқ», «Мероснома» каби абадий меросимизнинг нодир намуналари ҳам «Бахши» деб аталувчи котиблар томонида кўчирилган. Бахшиликнинг эътиборга молик яна бир хусусияти устоз-шогирдлик анъанасидир.

Бахшилик узоқ тарихга эга. Бу анъана ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бойсунда- бахшичилик санъати ҳам узоқ тарихга эга. Бу юрт бахшилари юрти десак муболаға бўлмайди.

Бойсунлик Улаш Бахши Ғози ўғли (1892-1969) юксак махоратли бахши бўлган. Қорабўйин уруғидан чиққан Работ қишлоқлик Мулло Эрмамаат бахши Бадалов халқ оғзаки ижодига қизиқди, дўмбира чертишни падари бузруквори Бадал бободан, кейинроқ қайнотаси Мерган овчидан ўрганди. Ўспиринлик йилларидаёқ дўмбира жўрлигида термалар айтиш, халқ дostonларидан парчалар ўрганишга интилдди. Унинг араб тилидаги саводхонлиги, мактаб йилларида эса лотин графикасини яхши ўрганиш, мунтазам машқ ва устозлар мадади бахшичилик санъатининг нозик сирларини эгаллаш йўлидаги орзусини рўйобга чиқишига имкон берган. Таланти юксала бориб, 1950-1956-йилларда юқори чўққисига кўтарилган, номи туман аҳолиси орасида Мулло Эрмамаат бахши сифатида танилган.

Эрмамаат бахши ижоди давомида йигирмадан ортиқ халқ дostonлари, жумладан «Алпомиш», «Авазхон», «Даллижон», «Қунтуғмиш», «Мисқол пари», «Бологардон», «Базурғон», «Кундуз ва Юлдуз» каби дostonларни ўзига хос услубда махорат билан куйлаган. Мулло Эрмамаат бахши Бойсун туманидаги Ёмчи, Питов, Кофрун, Бандихон, Тўда, Газа, Тоба қишлоқларида ўз санъатини намойиш этган. 1938-йилда Газалик Худойкул Турдиалиев томонидан мулло Эрмамаат бахшини термалари ёзиб олинган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг фольклоршунослар Музаяна Алавия, Ходи Зариф туманимизга ташриф буюриб, Мулла Эрмамаат бахши билан учрашиб, ундан айрим терма дostonларини ёзиб олган.

Бироқ, XX асрнинг 30 йилларида Шўролар даврида халқ оғзаки ижодиёти қолаверса дostonчилик ўша давр мафкураси тазйиқи билан чеклаб қўйилган эди.

Сурхон воҳаси бахшилари «Алпомиш», «Гўрўғли», «Бева Барчин ёхуд Барчин бека», «Авазнинг туғилиши», «Малла савдогар», «Кунтуғмиш», «Нурали», «Ҳасанхон» «Олтин қовоқ», «Аваз ва Ойзайнаб», «Ойпарча», «Авазхон», «Зандигор» каби кўплаб дostonларни куйлаб келганлар.

Сурхон воҳаси аҳолиси ижтимоий маиший турмушида халқнинг руҳий куч қувват олиши, маънавий ривожланишида халқ орасида оғиздан оғизга ўтиб келаётган ривоятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқ этилаётган даврда воҳа аҳолиси «Ҳазрат Али», «Бобо Равшан» каби қисса ва дostonларни ривоят шаклида айтиб келишганлар.

Ҳазрат Али қиссаси.

Ҳазрати Ахтам саҳобамиз Мадинадан Амударё бўйларига айланиб келганда Мақотилнинг Ҳабаш палвонига дуч келиб қолади. Шунда Ҳабаш сен ким бўласан деганда, мен Ҳазрат Али бўламан дейди. Сўнгра Ҳабаш Ҳазрат Ахтам билан жанг қилади. Уч кунлик жангдан кейин Ҳазрат Ахтам етмиш жойларидан ярадор бўладилар. Ана шунда қонсираб йиқилганларида у кишининг бошларини Ҳабаш кесиб олади. Шу вақтда у кишининг бўғизларидан бир томчи қон Мадинага бориб Ҳазрат Алининг юзларига томади. Шунда дўстимиз Ҳазрат Ахтамга бир гап бўлди деб, Ҳазрат Али у кишини излаб келган. Келганларида тана ётибди-ю, бош йўқ. Бош йўқ танадан овоз чиқиб:

Биродарлик нишонаси шу бўлурму,
Танадан жон чиққанда келурму.
Шунда Ҳазрат Али, эй биродар
Мен Али бўладурман деб,
Ўзини балога гирифтор қилурму.

Ҳазрат Али Ҳазрат Ахтамнинг жасадларини Мадинага олиб бориб дафн қилиб, қайтиб келади. Мақотил билан жанг қилади. Мақотилнинг бўйи қирқ газ бўлган. Ҳазрат Али Оллоҳим бу маҳлуқингни ўзинг даф қил деганда, Ҳазрат Алининг дулдул отлари бир сакради. Шунда Ҳазрат Али қиличинини Мақотилнинг тепасидан солди. Ҳазрати Жаброил ҳам Ҳазрат Алининг қиличларини бир томонидан ушлаб пастга босади. Шунда қилич ернинг уч қаватини кесиб юборади. Мақотил эй қумурсқа сен нима қилаяпсан деганда, Ҳазрат Али бир силкингинчи дедилар. Мақотил бир силкинди. Шунда Мақотил иккига бўлиниб кетади. Ал қисса шундан кейин Ҳазрат Али бу ерли халқни мусурмон динига киритади. Шундан кейин Ҳазрат Алининг номига яъни, «Шери Худо», «Оллонинг Шери» обод қилди деб, бу ерларни Шеробод деб номладилар.

Халқ оғзаки ижодиётида эртақлар энг сеvimли ва оммавий бўлиб, унда халқнинг урф-одати, ижтимоий турмуш тарзи ўз ифодасини топган. Эртақлар ёшларнинг ахлоқий тарбияси ҳамда эстетик маданиятини шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Эртақларни сеҳрли эртақлар, ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар, маиший эртақлар каби гуруҳларга ажратиш мумкин. Сурхон воҳасидаги этнографик дала тадқиқотларимиз жараёнида ёши улуғ кекса ахборотчиларимиздан «Уч оға-ини ботирлар», «Кенжа ботир», «Гулиқаҳқаҳ», «Зиёд ботир», «Ялмоғиз», «Меҳриғиё», «Зумрад ва Қиммат», «Нўхатпалвон» каби эртақларни айтиб ўтишдилар.

Халқ кўшиқлари оғзаки ижодиётида ўзига хос ўринга эга бўлиб, кенг доирадаги мавзуларни ўзида мужассам этган. Хусусан, халқ кўшиқларида ҳаётдан хурсандлик, нолиш ёки ғамгинлик, кўнгил дардларини ёйиш, руҳни кўтариш, ўзини овутиш, қолаверса севги, севгилисини мадҳ этиш, севги ҳижронлари куйланади. Бу халқ кўшиқлари кишиларда ватанпарварликка, меҳнатсеварликка ҳамда севгига содиқлик каби ҳислатларни шакллантиради.

Сурхон воҳасида олиб борилган этнографик дала тадқиқотларимиз жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, ёши улуғ отахон ва онахонларимизнинг кўпчиллиги халқ кўшиқларини ёддан билишар экан. Халқ кўшиқлари воҳа аҳолиси томонидан тўйларда, байрамларда қолаверса, кундалик турмуш жараёнида ҳиргойи қилиб юрилган. Воҳада келин тўйларда ёр-ёр кўшиқлари, шунингдек суннат тўйларида эса эркақлар ва аёллар томонидан айтиладиган махсус кўшиқлар бўлган.

Қизлар узоқ қишлоқларга келин бўлиб кетганларида ота-онаси, ака-укаларини шунингдек, ёри узоқ сафарга кетганда кўшиқлар айтган.

Аллаёр ҳовли солар пас-пасгина,
Ичида гуллар экар жўро-жўро.
Гулидан олай десам михчаси бор,
Суvidан ичай десам илони бор.
Шунча ҳам ичмай дедим ичирдилар,
Ота-онам шаҳридан кўчирдилар.
Ота-онам шаҳрида ўғлон эдим,
Тахти-равон устидан ўйнаб тушдим.
Қўлимда тилла қайчи, бахмал бичдим,
Биз бичган бахмалларнинг боғи бошқа,
Бадахшон кетган оғамнинг оти қашқа.

Отининг қашқалари тангача бор,
Ўзининг салтанати бекларча бор.

Оғажоним отлансин,
Зар қалпоғи қатлансин.
Тўйдан улоқ айирсин,
Ўтопига қайирсин.
Ўтопини ичида,
Оқ келинчак бор экан.
Оқ келинчак ёнида,
Тилла бешик бор экан.
Тилла бешик ичида,

Ҳасан-Ҳусан бор экан.
Қизил олма бир тишлам,
Макка йўли қирқ тишлаб.
Макка йўли йирокдир,
Ичгам сувим булокдир.

Тўлин ойнинг ёриғи,
Кундуз кунга ўхшамас.
Олти оғам, бир отам,
Олганимга ўхшамас.

Сурхон воҳасида ёши улуғ онахонларимиздан алла айтишларини ўрганиш жараёнида аллаларда ҳар бир она ўзининг фарзанди келажагини, уни яхши инсон бўлиб етишишини ва бошқа орзу-умидларни кўшиқ қилиб куйлаганликларини гувоҳи бўлдик. Ёши улуғ онахонларимиздан бири алла ҳақида тўхталиб,

Аёл бўлиб айтолмасанг аллангни,
Қора ерга кўмибсанда, қалбингдаги тиллангни деб таъкидлаган эдилар.

Жов кадининг лотаси, алла,
Айлансинда отаси, алла.
Катталар тутнинг танаси, алла,
Айлансинда энаси, алла.
Ой чайнакнинг шаммаси, алла,
Айлансинда аммаси, алла.
Қўзиларнинг тўласи, алла,
Айлансинда бўласи, алла.
Толлилар тутдан бешиги, алла,
Айлансида тоғаси, алла.

Алла жоним адига,
Сув олиб келсин кадига.
Кади бови узилсин,
Куёв бўлиб сузилсин.
Алла болам, алла-ё.

Болагинамнинг боласи, алла,
Буғдойимнинг донаси, алла.
Маккайимнинг сўтаси, алла,
Алла болам, алла-ё.

Воҳада «Ё рамазон» кўшиқлари ҳам айтиб келинган.

Ассалому алайкум ётган киши,
Тангрининг каломига ботган киши.
Ётасизми холажон хурра-хурра,
Супрангизни кучуклар йиртди, тарра-тарра.
Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Худойим ўғил берсин бешигингизга.

Ё рамазон, ё рамазон.
Рўзага сўйган кўйнинг гўшти қани,
Гўштини еган бўлсангиз, уча билан тўши қани.
Ё рамазон, ё рамазон.
Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Закотини беринг бизга.
Ё рамазон, ё рамазон.
Бой ота айтади,
Кўтондан кўй бераман деб,
Кўйнинг бир қулоғи йўқ.
Бой бича холам айтади,
Бўғчадан тўн бераман деб,
Тўнининг бир енги йўқ.

Ё рамазон, ё рамазон.

Сурхон воҳаси аҳолиси маънавий маданиятида халқ оғзаки ижодиёти ўзига хос тарзда ривожланиб келган. Маънавий маданиятимизнинг бу каби дурдоналарини сақлаб қолиш қолаверса, ёшлар онгига сингдириш муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Сурхон воҳаси аҳолисининг мусиқа санъати ва мусиқа чолғулари кўп минг йиллик тарихга эга. Чунки воҳа аҳолиси маънавиятининг ажралмас қисми саналган мусиқа санъати инсоният онгли турмуш тарзининг муҳим бўлаги саналади. Воҳа мусиқа санъатининг қадим тарихга эга эканлигини Айритом фриздан ишланган “Дўмбирачи” ва “Уд чалаётган аёллар” ҳайкалидан ҳам билиб олиш мумкин. Сурхон воҳаси мусиқа чолғулари ўзига хослиги билан ажралиб туради ва анъаналарга бой. Қолаверса унга локал хусусиятлар ҳам хосдир. Анъанавий мусиқа чолғулари халқнинг турмуш тарзи маросимлари в яшаш шароити билан боғлиқ тарзда шаклланган. Анъанавий мусиқа чолғулари номланиши, шакли, тузилиши, безаги, ижро услуби ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси анъанавий чолғу асбобларини пуфлама, торли, урма-зарбли чолғу турларига бўлиш мумкин. Ушбу чолғу асбоблари чақириқлар учун ёки ҳайвонларнинг овозига тақлид этишда қўлланилган. Чолғулар овда, сафарда, чорвани ҳайдамоқда, ибодат маросимлари, шаманлик маросимларида ишлатилган. Чақириқ чалғилари пуфлама ва урмазарбли ҳолатда ишлатилган. Аксарият қадимий чолғулар жўрнавот соз сифатида халқ кўшиқлари ва дostonларида ишлатиб келинган. Сурхон воҳаси аҳолиси орасида турли тилсимон хилидаги чолғулар-чанқовуз, пуфлама найсимон чолғулардан-ёғочли, суякли ва лойли найлар, торли асбоблардан-дўмбира, урма-зарбли асбоблардан доира кенг тарқалган. Сурхон воҳаси аҳолиси мусиқа асбобларининг маълум вазифалари бўйича эстетик, амалий ва мачик гуруҳларга таснифлаш мумкин. Мусиқа чолғулари бир томондан моддий мерос ашёси бўлса, иккинчи томондан маънавий мерос бойлиги саналади. Эстетик эҳтиёж юзасидан тайёрланган чолғу асбоблари (дўмбира, сурнай, най, дутор, сибизғи, чанқовуз, доира ва ҳ.к.) халқ кўшиқлари, куйлари ва дostonлари ижро этишда кенг қўлланилган. Магик функциялар билан боғлиқ бўлган мусиқали товуш чиқариш асбоблари (кўбиз ва дап) ёвуз руҳларни ҳайдаш билан боғлиқ

шомонлик тартибларида кенг қўлланилган. Воҳа аҳолиси рақсларни ижро этишда ҳам маълум атрибутлар (масалан, қошиқ, кўнғироқча, қайроқ тош, оддий таёқ ва ҳ.к.)ни бир бирига уриш орқали чиқадиган товушларни ҳам мусиқа жўрлигига қўшишган. Воҳада кенг тарқалган мусиқа чолғуларидан бири найдир. Найлар қамиш пояси ва ёғочдан ясалган, узунлиги 15-20 см атрофида бўлган. Сибизғи (сибизик) чўпонлар орасида кенг тарқалган. Сибизғи оддий қамишдан ясалган ва пуфлаб чалинган. Бундан ташқари найнинг ғажир най тури ҳам мавжуд бўлиб, бундай найлар воҳанинг Бойсун туманида кўпроқ қўлланилган. Ғажир найлар чўл бургути ғажирнинг суягидан ясалган. Найларда кўпроқ “Чўпонча” куйлар чалинган. Най шувуллоқ лойдан тайёрланган ва чумчуқсимон, найсимон, ғўзачасимон каби турли шаклларда ясалган. Воҳа аҳолиси орасида кенг қўлланилган пуфлама чолғу асбобларидан яна бири сурнай саналади. Сурнай яккасоз ва ансамбль чолғуси сифатида қўлланилган. Сурнай доира чолғулари тўй маросимлари ва байрамларида кенг қўлланилган. “Бойсун мавригиси”, “Лолача”, “Оқча бола”, “Ковушим”, “Ҳамроз” кўшиқлари сурнай жўрлигида куйланган.

Воҳа аҳолисининг торли чолғу асбобларидан бири дўмбира ёғочдан (тут, ўрик, ёнғоқ) ясалган. Дўмбира торлари эса мол ичагидан эшилган. Дўмбира бироз “бўғик” товуш чиқарган. Дўмбира халқ созанда ва бахшилари орасида етакчи чолғу асбобидир. Халқ дostonлари дўмбира жўрлигида ижро этилган дўмбира чолғу мусиқаси “бахши куй”, “нағма”, “чолғу куй”, “чўпонча”, “нолиш” каби куйлари ўзига хос тарзда ижоро этилган. Хусусан ҳозирги кунда Ўзбекистон Халқ бахшиси Шоберди Болтаев репертуаридан “Бой келди”, “Оғажоним”, “Келиной”, “Тарки дунё”, “Куй чертиш”, “Чўпон чертиш”, “Меҳмондир”, “Зубайда”, “Хончалак”, “Туя чўктир” нағмалари жой олган. Яна бир халқ бахшиси Абдуназар Поёнов бўлиб, унинг репертуаридан “Дўмбира нағмаси”, “Келиной нағмаси”, “Сарбоз нағмаси”, “От хайдаш нағмаси”, “Кўнғирот нағмаси”, “Қайғу нағмаси” каби куйлар ўрин олган. Ўтмишда воҳада кенг тарқалган турли чолғулар орасида кўбиз алоҳида аҳамият касб этган. Рўзибой бахши ўз айтимларини кўбиз жўровозлигида ижро этган. Умир бахши ҳам дўмбира ва кўбиз чолғуларининг моҳир созандаси бўлган. Лекин ҳозирги кунда кўбиз чолғуси воҳада йўқолиб кетган худди шундай ҳолат урма-зарбли асбоб даппа ҳам тегишлидир. Дапп доирага ўхшаш бўлиб, гардиши (кашнок) ўрик ёки ёнғоқ ёғочидан ясалган. Бир томони эчки териси билан қопланган. Гардишда халқачалар осилмаган. Товуши паст ва жарангсиз бўлган. Бойсунда касалларни даволаш мақсадида ўтказиладиган “жаҳр” маросимида асосан дапп кенг қўлланилган. Хусусан Каромат бахши, Саид бахшилар ўз айтимларида даппдан фойдаланиб, “жаҳр” маросимини ўтказишган. Боймурод бахши эса дostonларни ҳам дапп жўровозлигида ижро этган. Воҳада кенг тарқалган чолғу асбобларидан яна бири чанқовуз (чанг кўбиз) дир. Чанқовуз – торли – урма ёки тилсимон чертим асбоби. Чанқовуз аёллар томонидан кўпроқ чалинган. Баъзан чанқовуз эркаклар томонидан ҳам чалинган. Жумладан Кумқўрғонлик Жума Абрайкулов чанқовузнинг моҳир созандаси саналади. Чанқовуз айланма тақасимон шаклда бўлиб, ўртасидан пўлат тил ўтказилади. Чанқовузни ижрочи чап қўли билан тишларига босиб туриб, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан

чанқовузнинг тилчасини ҳаракатлантириб туради. Тил ҳаракати ҳаво ва зарба воситасида товуш ҳосил бўлади. Ўтган аснинг иккинчи ярмигача чанқовузнинг 3 хили, темирли чанқовуз, суякли чанқовуз турлари бўлган. Суякли чанқовуз туя қовурғасидан ясалиб, унинг ўртасидан тилча кесилади ва ип боғланади. Чалиш жараёнида ипни тортиш орқали тилча тўлқинлантирилиб товуш ҳосил қилинади. Ёғочли чанқовуз ҳам суякли чанқовузга ўхшаб ёнғоқ, тут ва арча дарахтидан ясалади. Анъанавий мусиқа чолғу-асбоблари тўй маросимлари, мавсумий меҳнат жараёнлари, оммавий тантаналарни ўтказишда муҳим аҳамият касб этган. Мусиқа маданияти халқ кўшиқчилиги ижодиёти билан ҳаммаҳанг тарзда ривожланиб борган. Воҳада халқ мусикаси билан бирга халқ рақс турлари ҳам анча ривожланган. “Сарбозча”, “Ёкку-якку”, “Ғажир рақси”, “Мавриги”, “Лочава”, “Лаҳча”, “Чорқарсак”, “Қайроқ ўйини” “Уфу ўйини”, аёлларнинг “Лаби хол”, “Ғишт ўйини”. “Урчуқ”, “Қиз қийити”, “Жамалак” ўйинлари, болаларнинг “Бак-бака”, “Чўпон бола”, “Ўн уфу шахалв” каби ўйинлари анъанавий мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилган. Воҳа мусиқа ва рақс санъати ўзининг характери ва ўзига хослиги билан минтақанинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради.

Сурхон мусиқа мероси. Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг қадимий масканларидан биридир. Бу ўлка ўзига хос ижтимоий-маданий таракқиёти тарихига эга. Қадимги Юнон-Бақтрия ва Кушон салтанати маркази саналган, савдо йўллари чорраҳаларида жойлашган, ўтмишда Осиёнинг энг ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланган бу воҳа, эндиликда қадимий анъаналарни, беқиёс аҳамиятга молик моддий ва маънавий меросни сақлагани туфайли халқ ижодиётининг ўзига хос маданият кўриқхонасига айланиб қолган. Сурхон заминида қадимий халқ анъаналари янги замон руҳига мос тарзда раванг топган.

Бадий анъана – бу санъатнинг узок вақт давомида халқ тажрибасидан ўтиб одат тусига кирган хусусият, “ҳақиқий халқ гуруҳи”ни ифодаловчи ҳамда халққа хос бадий кўриниш, унинг ижодида чуқур илдизи борлигини кузатиш мумкин. Анъана қиёфаси кенг қамровлидир – у халқнинг мусиқа маданиятидаги миллий услублар хусусияти, халқ ижрочилиги услублари, усуллари ва бир қатор аҳамият хусусиятлари (санъат дунёсини аниқлаш учун зарур бўлган) билан боғлиқдир.

. Турли этноснинг мусиқа фольклори жанрлари таркиби, унинг турли даври тарихида маълум этноснинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичи, унинг ҳаётидаги хўжалик-маданий типологияси, унинг маданият, турмуш шароити ва анъаналарининг аниқ шакллари ва бошқа этноснинг маданияти билан ўзаро боғланиши билан шартланади.

Айтим (халқ кўшиқлари, айтимлар, йиғи-сиғилар) ва чолғу (чақириклар, оҳанглар, усуллар, куйлар) жанрлари халқ маросимлари билан кенг боғлангандир. Булар орасида маросим кўшиқлари (мавсумий, тўй-маросим, аъза-мотам, диний-ибодат) кўпчилигини ташкил этиб, ҳамма қишлоқларда мавжуд. Шу билан бирга меҳнат, алла, лирик кўшиқлари ҳам кенг тарқалган; маиший, тарихий ва ҳажвий кўшиқлар ҳам сақлангандир. Бадий мавқеи ва мазмунига қараб жанрлар умумий, ўзига хос ва ягона турларига бўлинади.

Халқ кўшиқлари, ўз навбатида, муסיқий хусусиятлари билан ҳам умумлашган айрим жанр ва турлардан иборатки, бунда мавзу талқини ва кўшиқнинг ижро этилиш муҳити, услуби асосий ўрин тутати. Умумий жанрлар таркибига маълум ҳаётий жараёнларда, масалан, меҳнатда (деҳқончилик, чорвадорчилик ва хунармандчилик кўшиқлари), бола тебратишда (алла кўшиқлари), тўй маросимларида (Бешик, Суннат, Мучал ва Никоҳ тўйлари билан боғлиқ кўшиқ-айтимлари ва чолғу куйлари), аъзада (дафн ва мотам айтимлари) ижро этиладиган муסיқа асарлари киради. Ўзига хос жанрларга лирик ва маиший кўшиқлар ва кўшиқ жанрлари – терма, кўшиқ, лапар, ялла ва ашула киради. Бойсун минтақасидаги мавриги, қарсақ, байтлар ва айтишувлар (ишқий-лирик ва ҳажвий мавжуда кенг тарқалган). Қишлоқларда оммабоп бўлиб кетган дoston термалари ва бахши термалари ҳам ушбу гуруҳга киради. Ягона жанр турлари ижрочилик услублари ва ифодавий воситалари билан маҳаллий анъаналарга таянган – садр, жаҳр, алас, кўшнос, гўянда, туя қадам каби айтим-кўшиқлардан ташкил топган.

Шу билан бирга Бойсун муסיқа фольклори маълум жўғрофий ва этник минтақаларга мос ҳолда маҳаллий тафовутларга ҳам эга. Масалан, воҳанинг пасттекислик қисмидаги аҳоли маданияти тоғлик аҳоли маданиятидан фарқ қилади. Мачай ва Қўрғонча каби қишлоқларида фольклор намуналарининг маросим (жумладан, диний-ибодат айтимлари ва тўй кўшиқлари); Сайроб ва Дарбандда меҳнат (асосан, сут соғувчилар ва жунга ишлов берувчилар) ва алла кўшиқлари; Бойсун шаҳрида эса мавзу ва ижро анъаналари хилма-хил бўлган халқ кўшиқлари – кўшиқ, ялла, лапар, ва ашула жанрларида ижро этилади. Яккатол, Олачопон, Пулҳоким ва Кофрун қишлоқларида кўш хайдаш, ҳосил йиғим-терими ва уларга ишлов бериш билан боғлиқ меҳнат кўшиқларини ижро этиш характерлидир, шунингдек, афсунгарлик ва бахшичилик кўшиқлари учрайди. Авлод, Сариосиё, Мачай, Қўрғонча қишлоқлари ва туман марказига хос сўфийлар маросимларида урф бўлган “жаҳр”, шунингдек “алас” (“халос”) чолғу жўрлигисиз куйлаб ижро этилади. Жумладан, “жаҳр” да куй ва айтим ижросидаги ҳаракат, расм-русум, атрибутика, тузилма (Қўрғончада кўбиз билан, Мачайда дўмбира билан) ва ўзига хос ритмик зарблар (Бойсун шаҳрида доира жўрлигида), уларнинг шаманлик билан муштараклигидан дарак беради.

Халқ кўшиқлари. «Суст хотин», «Майда», «Бойсун мавригиси», «Муборақбод», «Кўк салла», «Лолачага Ишим бор», «Янгажон», «Бедана чертмоқ», «Наврўз», «О, зам-зам», «Кўш хайдаш», «Шохмойилар», «Ўроқчилар кўшиғи», «Алла», «Хавор-хавор», «Турна келди», «Ха, дурси-дурси», «Бойсун ёр-ёри», «Якку-якку-як», «Уфу жақала», «Айлансин ёр», «Ё, рамазон», «Ковушим», «Ошпаз кўшиғи», «Ким оладиё», «Келгин ёр ўйнайлик», «Хут», «Хай ёр-ёр», «Дўст бўламиз лолача», «Ҳамал-ҳамал», «Тул бобо», «Халинчак», «Воқуба», «Ха жўш» каби халқ кўшиқлари қадимдан буён халқ томонидан куйланиб келинади.

Бойсун кўшиқчилилик санъати тўрт гуруҳга бўлинади:

Биринчиси: Бойсун шаҳри ва унга яқин бўлган қишлоқлар Сариосиё, Авлод, Пасурхи, Бибиширин, Кўшкак, Қорабўйин, Работ, Шайит, Газа, Пойгабоши, Кофрун, Даштиғоз, Омонхона, Пулҳоким, Тўда.

Иккинчиси: Туманнинг шимолий-шарқий томонидаги Қўрғонча ва унинг атрофидаги қишлоқлар.

Учинчиси: Туманнинг шимолий-ғарбий қисмидаги Мачай ва унинг атрофидаги қишлоқлар.

Тўртинчиси: Туманнинг жанубий-ғарбий қисмидаги Сайроб ва унинг атрофидаги қишлоқлар.

Буларни бир-биридан этник жихатидан, миллатларни тил ва айрим урф-одат, маросимларидан ҳамда қўшиқчилик соҳасидаги айтишув ва ижро этиш услубларидан фарқ қилади.

Бойсунда дўмбира тайёрлаш

Қишлоқ номи	Узунлиги мм	Мензура мм	Дека мм	Чуқурлиги мм
Қўшқак	770	630	190	70
Сариосиё	790	470	150	130
Сайроб	840	560	150	100
Бешэрқак	820	530	170	110
Даштиғоз	850	630	150	130
Дуоба	940	680	180	190
Мунчоқ	870	580	160	180
Назари	870	560	20	120
Бойсун	880	660	210	160
Хомкон	950	660	200	160

Дойра чалиш-Сатторова Сора, Жумаев Бўриқул, Холмирзаева Байнаҳол Тўда қишлоғи.

Таниқли мусиқашунос олим Музаффар Наимов томонидан Сурхон қўшиқлари билан боғлиқ ижодий изланишлар олиб бориб, унинг илмий тадқиқотлари натижасида Бойсун санъат ахли ҳамда қўшиқ санъатига оид манбалар илмий жамоачиликка “Сурхондарё ижодкорлари”, “Сурхон қўшиқлари” номли рисолалари туфайли тақдим этилди. Ушбу рисоладан маълум маънода фойдаланилди.

Сурхон воҳасида ҳосилни янчиш ва хирмон кўтариш билан боғлиқ бир қанча урф-одат ва маросимлар ўтказилиб, унда халқимизга хос энг яхши фазилатлар ўз ифодасини топган. Шулардан бири хирмон қилиш жойида, янчиш бошланиши олдидан «Чош оши» ўтказилишидир. Бунда Бободехқонга атаб хирмонда мол сўйиб қон чиқарилган ва ҳурматли кексалар тақлиф қилиниб, Оллоҳдан барака тилаганлар.

Хирмон одатда отлар ёки хўкизлар ёрдамида янчилган. Отлар ёрдамида хирмон янчилганда, 3-4та от ёнма-ён боғланган ва марказдаги кучли от устидаги одам томонидан галагов ҳайдалган. Хўкизлар ёрдамида хирмон янчилганида хирмон марказида *хўп чўпи* қоқилган. Хўп чўпга бир неча хўкиз бир-бирига ёнма-ён қилиб боғланган ва гаврон (узун хивчин) ёрдамида ҳайдалган. Галаговга хўкизлардан мумкин қадар камроқ фойдаланганлигининг боиси, улар секин ҳаракат қилган, шунинг учун ҳосил унуми ҳам кам бўлган.

Ҳалол ҳайвон ҳисобланган отлардан фойдланиш ҳам қулай, ҳосил ҳам унумли бўлган. Эшак эса ҳаром ҳайвон ҳисобланганлиги боис галаговга қўйилмаган. Фақат от ёки хўкизи йўқ ночор оилаларгина эшакдан фойдаланишган.

Дала ёзувларининг тасдиқлашича, хирмон янчиш ишлари баъзан бир неча кунга чўзилиб кетган. Шунинг учун деҳқонлар оғир ишни кўшиқ айтиб бажаришган. Янчиш вақтида «хўп ҳайда» «майдаё-майда» сингари анъанавий термалар ижро этилган. Терма матни ва оҳанги галаговчининг кайфиятига боғлиқ бўлган. У хурсанд бўлса кўшиқлар матни ҳазил-ҳузулдан, ишлаб толиққан бўлса, кўшиқ оҳанги мунгли бўлган. Мақтов оҳангида айтилган термага мисол келтирамиз:

Сенинг энанг сигирдир, майдаё-майда³⁴,
Сени хўпга буюрди, майдаё-майда.
Тошдек туёғинг бугун, майдаё-майда,
Сени хўпка уюрди, майдаё-майда.
Сенинг энанг сигирдир, майдаё-майда,
Сувдан бурнинг жийирдинг, майдаё-майда.
Галаговга кўшганда, майдаё-майда,
Чуриллатиб уюрдинг, майдаё-майда.
Ёки ранжиб галаговга қаттиқ-қаттиқ гапирган:
Майда десам мой босар, майдаё-майда³⁵,
От ўрнини той босар, майдаё-майда.
Сенинг қалин терингни, майдаё-майда,
Этик қилиб бой босар, майдаё-майда.

Бугдой янчиш билан боғлиқ кўшиқларни эшитар эканмиз, уларда Бободехқонга ризқ ва мадад пири сифатида қаралганлигини ҳам кўрамиз:

Қора-қора қулоғинг, майдаё-майда³⁶,
Усталарнинг улгуси, майдаё-майда.
Майда деган товушинг, майдаё-майда,
Бободехқоннинг белгиси, майдаё-майда.

Бободехқон тонг саҳар пайти, яъни тангри одамларга ризқ улашаётган пайтда хирмонда ҳозир бўлиб, турли ёвузлик ва ёмонликлардан асрайди, донларнинг сочилиб тупроққа қоришиб кетишига йўл қўймайди, яхшиназар билан қараса дон кўпайиб, ҳосилнинг баракаси ошади деб тушунилган. Этнографик материалларнинг гувоҳлик беришича, хирмонда янчилган донни сомондан ажратиб олишда ҳам шамол чақирувчи термалар айтилган. Бунда шамол ҳомийси “Ҳайдар” га мурожаат қилинган:

Ҳайдар- Ҳайдар, Ҳайдар-а³⁷,
Шамолингни кўйбара.
Шамол элга эш бўлсин,
Дон совурмоқ пеш бўлсин.

³⁴ Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хомкон кишлоғи. 2007 й.

³⁵ Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Хўжабулғон кишлоғи. 2007 й.

³⁶ Дала ёзувлари. Кумқўрғон тумани, Хўжамулки кишлоғи. 2007 й.

³⁷ Дала ёзувлари. Жарқўрғон тумани, Очамойли кишлоғи. 2007 й.

Сурхон воҳаси деҳқонларининг шамол чақириш билан боғлиқ расм-русумларида шамолнинг афсонавий ҳомийси –Ҳайдар ёки Мирхайдар номи кўпроқ тилга олинади. Янчилган хирмоннинг донини сомонидан ажратиб олиш учун шамол ҳомийсини чақириш Олтой ва Сибир халқларида ҳам мавжуд бўлиб, шамолни аллақандай тош одамлар пайдо қилади деб, улкан қояларга сиғиниб, қурбонлик келтирганлар³⁸. Республикамизнинг Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва қисман Қашқадарё ўзбекларида шамол ҳомийсини кекса аёл образида ҳам тасвирлаганлар³⁹.

Ахборотчиларнинг маълумотларига қараганда шамол чақириш учун унинг тилини билиш керак экан. Шамол ҳомийси қаттиққўл, ўжар бўлиб, ноҳақликларга, зулмкорликка унча хуши йўқ экан. Бой-бадавлат кишиларнинг зикналиги, бойликка ўчлиги, қўл остидагиларни қийнаши унинг жаҳлини чиқарар экан. Шу боисдан ҳам у хирмонга зарур пайтда эмас, кераксиз вақтда эсар экан. Мободо ҳалол, покиза, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайдиган одам ёрдамга чақирса, албатта кўмакчи бўлиб келаркан. Унга мурожаат этишдан олдин шамолнинг эсишига тақлид қилиб, хуштак чалиш ва ундан кейингина илтижо лозим экан:

Мирхайдара энангга⁴⁰,
Кўмагингга бўлди зор.
Товдан думалаб кетди,
Шамолингни қўйивор.

Бу маросим термаларининг моҳиятидан шамол ҳомийси Ҳайдардан мадад сўраш ёки уни чалғитишга уриниш бўлганлигини кўриш мумкин.

Янчилган хирмон шоҳа ёки курак билан ташланиб, дони ажратилгандан кейин дон «пайхун» қилинган. Бу воҳанинг қўнғирот ўзбекларида «пайхин», тожикларида «пайхот» деб аталган⁴¹. Пайхунда ҳали янчилмаган бошоқ- *чори* (қобикдан чиқмаган донлар) кўп бўлган. Чори кўп буғдой, яна хирмонга ёйилиб галагов қилинган. Шундан сўнг хирмон тўдаланиб, курак билан шамолга совурилгач, чиғилдан (ошланган тери ипидан тўқилган, тешигидан буғдой ўтадиган асбоб) ўтказилган. Тозаланган ва тўдалаб қўйилган буғдой *чош* деб аталган.

Чош билан боғлиқ урф-одатлар ҳам амалга оширилган. Жумладан, воҳанинг қатағон ва жуз этник гуруҳларида ғалвирга буғдой тўлдирилиб, чошни айлантириб тўккач, ғалвирда қолган буғдой чошнинг устига сепилган. Гўёки бу билан чошнинг белини боғлашган. Бу “белбоғ” деҳқонларнинг айтишига кўра чошни инс-жинс ва ёмон кўзлардан асрармиш⁴². Воҳанинг ўзбек қўнғиротларида бу удум бошқачароқ усулда амалга оширилган бўлиб, дон чош қилинган, айланасига барака тошлари ёки барака қозиклари қўйилган. Чошнинг энг баланд жойига буғдой совурадиган куракнинг дастаси қиблага қаратиб санчиб қўйилган. Қарияларнинг айтишича, Бободехқон тонг сахар пайти

³⁸Саримсоқов Б. Маросим фольклори. // Ўзбек фольклоридан очерклар. – Тошкент, 1986. Т.1. - Б.112.

³⁹ Саримсоқов Б. Ўша асар, - Б.112.

⁴⁰Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хўжаулкан қишлоғи. 2007 й.

⁴¹ Шаниязов К. Узбеки- Карлуки. Т., 1964. – Б.55.

⁴²Дала ёзувлари. Денов ва Сарисийё туманлари. 2007 й.

хирмонга кадам қўйиб, курак билан ишлаб, донга дон қўшар эмиш⁴³. Буғдой тозаланиб бўлгач, чошни “ҳалоллаш” удуми ҳам ўтказилган. Хирмон эгаси чошдан бир ғалвир буғдой олиб, пири ёки муллага ҳалоллатган. Бунинг маъноси шундаки, токи буғдой янчилиб, чош қилингунича, унинг устида юрган ҳар хил ҳаром ҳайвон, кемирувчи ва жониворлардан поклаш бўлган. Бу билан бутун чош ҳалолланган.

Шунингдек, «Ҳаққуло» расм-русуми ҳам амалга оширилган. Чош эгаси қиблага қараб, бир ғалвир буғдой олган ва уни Ҳаққуло (худо ҳақи) дейишиб, етим-есир, бева-бечораларга улашилган. Хирмон эгаси “пирлар ҳақи” деб, бир ҳовуч буғдойни хирмон жойдан атрофига ҳам сочиб юборган. Хирмондан оқсоқол ва дин пешвоси учун олдиндан капсан (улуш) ҳам белгилаб қўйилган. Амлоқдор, доруға, амин ва бошқаларга бир ғалвирдан хирмон чош қилинган. Бундан ташқари, гўзал удумлардан бири, хирмон қопларга солинаётганда бирор йўловчи ўтиб қолса, «чошга барака» деган, унга жавобан «умрингизга барака», деб жавоб берилган. Буғдойни ғалвир билан қопларга солиш пайтида «бир барака», ёки «икки барака» деб айтилган, ҳеч қачон бир, икки, уч, тўрт ва ҳоказо деб саналмаган. Буғдой қопларга солиниб, уйга жўнаш куни «хирмон кўтариш куни» деб аталиб, дин пешвоси келгуси йил ҳам ҳосилга барака беришини сўраб, дуо қилган.

Тўй маросим қўшиқлари. Лайла-ло. Сурхондарёнинг тоғли қишлоқ худудларига хос қўшиқ бўлиб, тўйларда фақат аёллар томонидан ижро этилади. Қўшиқда қизларнинг ёрларига нисбатан севги-муҳаббатлари ҳазил сўзлар орқали акс эттирилади. Қўшиқ доира жўрлигида ижро этилганда уфори усуллар силсиласида қизалокдан кампиргача даврани тўлдириб рақсга тушишади. Қўшиқ шўх, рақсбоп оҳангда ижро этилади.

Пахтаро гир (Пахтани ол). Тоғли қишлоқларда азалдан ўзбеку тожик бир оиладек яшаб келишади. Улар бир-бирлариюшг тилларига тушуниб, кўплари икки тилда ҳам гаплашаверади. Тўй маросимларида ҳам ўзбекча, ҳам тожикча қўшиқлар ижро этилади.

Никох. тўйида куёв келингиш уйга киргизганидан кейин аёлларимиз томонидан "Пахтаро гир" қўшиғи ижро этилади. Икки аёл қўлларига оппоқ пахта олишиб, шу қўшиқни куйлашади. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб енгил, ҳазил, юмор тариқасида куйланади.

Нақш. Суннат тўйи куни туш пайтида элга ош тарқатилгач, "нақш" базми бошланади. Базмда эркаклар икки томонга бўлиниб, бир-бирларига қарата байт айтишни бошлашади. Байтни бир киши айтиб қолганлари бас, бас, бас, бас сўзларига жўр бўлишади. Иккинчи томон ҳам шу тариқа давом эттириб даврани қиздиришади. Айтишувнинг ҳар бир банди янги сўзлар билан бадихагўйлик тарзида бойитилиб боради. Ҳар бир банд ўз мазмунига эгадир. Айтиладиган сўз бўғинларига маълум товуш тўғри келади, шу туфайли регитатив ижро услуби ҳосил бўлади. Ижрочилар овози баланд товушларда жаранглайди. Ритмик услуби равон, ижро ҳаракат жараёнида намоён бўлади. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, тез темпда чолғу жўрлигисиз ижро этилади.

⁴³Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хўжаулкан қишлоғи ва Бойсун тумани, Хўжабулғон қишлоғи. 2007й.

Ёр-ёр. Бу кўшиқларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб такалади. Кўп йиллар фарзандларини вояга етказиб келин-куёв либосида кўриш, висол оқшомларида айтиладиган ёр-ёр кўшиқларини хар қайси ота-она интиқлик, соғинч ва умид билан кутади. Қизни ота-онаси уйдан узатаётганда ва куёвнинг хонадонига кириб бораётганда ёр-ёр кўшиқларининг айтилиши беихтиёр ота-оналар кўзида севинч ёшларини пайдо қилади. Бу кўшиқда ота-онанинг таърифи, орзу-умиди, келин ва куёвнинг бахти, саодати, мухаббати, вафоси, серфарзанд бўлишлари иштиёқ билан куйланади. Доира жўрлигида бу кўшиқларни куйлаётган аёлларимиз ҳазил-мутойиба тариқасида келин-куёвга, оғайниларига, кўшниларига атаб ҳазиломуз бандлар ҳам тўкиб куйлашади.

Наврўз кўшиқлари. Охай-охай. "Наврўз" сайлларида ижро этилиб, байрамга ўзига хос кўтаринкилик кайфияти бахш этади. Кўшиқ ёрга нисбатан ҳазил-мутойиба сўзлардан иборат бўлиб, шўх, ўйноқи оҳангда ижро этилади. Кўшиқ фақат аёллар томонидан куйланиб, унинг хар бир банди бир хил оҳангда айтилади.

Ох-воҳ. "Наврўз" сайлларида фақат эркаклар томонидан ижро этилган кўшиқлардан бири ҳисобланади. Кўшиқ шўх, енгил лапар услубида айтилади. Кўшиқ мазмуни севги мухаббат, ёрга, сайл иштирокчиларига нисбатан ҳазил сўзлардан иборат бўлсада, асосий мақсад иштирокчиларни ўйинга, рақсга чорлаш бўлган. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, куйи калта диапазонда енгил ва жозибали характерда ижро этилади.

Бедана. Баҳор келиши билан атроф кўм-кўк либосга ўраниб олади. Бир томонда майсалар қийғос очилса, бир томонда лола, қизғалдоқлар фалакка қараб бўй чўзиб, шамол таъсирида гўёки рақсга тушаётгандай тебраниб туради. Табиатнинг фусункор фаслида халқимиз қадимдан сайлларга чиқишиб хурсандчилик қилиб, кўшиқлар куйлашган. Майсазорларда бир жойдан бошқа жойга кўниб "пит-пилик" деб сеҳрли сайрашлари билан одамни ўз оғушига тортадиган бедана қуши ҳақида ҳам кўшиқлар тўқишган. Кўшиқда бедананинг чиройли сайраши, қизларнинг баъзи қирралари ҳазил, юмор тариқасида енгил, шўх ўйинбоп характерда куйланади.

Мавсумий меҳнат маросим кўшиқлар. Ёзи. Буғдой ўрими пайтида тарафма-тараф бўлиб айтиладиган бу кўшиқ ўроқчилар кўнглини кўтариб, уларга тегиклик бахш этиб, чарчоқларини унутишга ёрдам берган. Кўшиқ сўзлари чўзиб куйланиб, байт охирида эса ҳамма "обло" сўзига жўр бўлишган. Кўшиқ куйи жозибадор, бир оҳангда диалог шаклида бўлиб, жўрсиз айтилган. Шунинг учун куйловчилардан катта маҳорат талаб этилган.

Йилнома—тақвим кўшиқлар. Раббиман. Рўза ойининг учинчи кунда хонадонма-хонадон юриб айтиладиган кўшиқ Сурхондарёда "Рамазон", "Раббиман" деб аталади. Шундай кўшиқларни айтувчиларни рамазончилар ёки раббиманчилар дейишади. "Раббиман" кўшиғининг асосий мазмуни хонадонга яхшилик, ризқ-рўз, хонадон соҳибларига эса яхши ниятлар тилаш ва рўза ойининг мукаддаслиги, файз-баракот келтирувчи ой эканлиги куйланади. Раббиманчилар эрта сахардан ёки кечга яқин уч киши уйма-уй юриб шу кўшиқни айтишади. Бир киши кўшиқ бандларини айтса, қолган икки киши раббиман нақоратига жўр бўлишади. Кўшиқ охиригача ижро этилиб бўлгач, хонадон эгалари имкон даражада раббиманчиларга топганини кўнгилдан чиқариб беришади. Бу кўшиқни ҳавас, ғурур ва қувонч билан ёшу қарилар ижро этишади.

Турли мавзудаги халқ кўшиқлари. Во вelay (Вой ўлай) Айрилиқда қолган севикли ёр томонидан чўзиб куйланадиган "ғамгин кўшиқ бўлиб, яккахон томонидан ижро этилади. Кўшиқ сўзларида душманга нисбатан нафрат туйғулари якқол кўзга ташланади. Кўшиқ диапазони квинта оралиғида бўлиб, мусиқа жўрлигисиз куплет тарзида айтилиб, бир оҳанг қайта-қайта такрорланади. Воҳанинг тоғли Ўшор қишлоғига хос бу кўшиқ бошқа жойларда қайд этилмаган.

Хай доғу доғ. Бу кўшиқ йигитнинг севгисига нисбатан айтилган дил дардларини изҳор этиши, ёр висолига етишиш учун ўртаниш, қизнинг камон қошлари, уни кўрганда ақлу хушидан айрилиб лол қолиши, ишқ ўтида ёниши ва соғинч каби ҳис-туйғулар шўх оҳанглар орқали куйланади. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, мусиқа чолғулар жўрлигида, айниқса доирада уфор усулларининг садоланиши кўшиққа янада кўтаринкилик руҳиятини бағишлайди.

Дўрма. Кўшиқда йигит ва қизнинг гулзорда сайр қилишлари, қизнинг гўзаллиги, ёшлик шўхликлари, сурма тортилган қошу кўзларининг мафтункорлиги, ноз-карашмалари, йигитнинг қизга нисбатан муҳаббати лирик оҳангда куйланади. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, ўртача тезликда шўх, ўйноқи тарзда ижро этилади.

Хуёлло. Сурхон воҳасига хос бўлган алла кўшиқларидан яна бир тури бўлиб, улар боболаримиз томонидан болани юпатиш, эркалаш, суйиш, овутиш кўшиғи сифатида алоҳида ўрин тутди. Болани эркалаш айрим ҳолатларда ухлатиш, ором олдириш учун айтиладиган бу кўшиқ ўзига хос регитатив оҳангда такрорланиб, сатрлар охирида "йу-хуй" сўзлари такрорланади. Кўшиқ оҳанги бир ҳолат ва услубда айтилади, унинг диапазони калта(терция оралиғида) ритм услуби равон, шакли ҳам текис даврия тузилишида. Бу кўшиқнинг нафақат сўзлари, балки оҳангида ҳам воҳага хослик сезилиб туради, ушбу айтимлар ўзининг лиро-эпик характери билан ажралиб туради.

Лолача. Уфор усулида ижро этиладиган бу кўшиқда ёрнинг "лола" ўсимлигига қиёсий ўхшатилиши, эркалатиш, ёрга етишиш каби сўз ўйинлари куйланади. Кўшиқ ўйноқи, рақсбоп характерда ижро этилади. Яккахон ҳар бир куплетни куйлагандан кейин қолганлар нақоратга жўр бўлишади. Сўз бўғинларининг доира усуллари билан ҳамоҳанг бўлиши кўшиққа янада кўтаринкилик бахшида этади.

Воҳ-воҳ тўрам. Кўшиқда ёр(тўра)га нисбатан ҳазиломуз илтижоси, эркалига, унга зеб бериб турувчи кокили сочларига тақилган жамалага, унинг гўзаллиги ва нозиклига куйланади. Кўшиқ мусиқа чолғулар жўрлигида енгил, шўх, ўйноқи оҳангларда ижро этилади. Кўшиқ ижроси давомида "бўлама"(бўлармиш) каби сўзларнинг бир неча бор такрорланишида бойсунликларга хос шева якқол сезилиб туради.

Алла. Она қалбининг тўридаги орзу-армонлари дард-ҳасратларини ва бешиқда ётган боланинг қошу кўзларини, келгусида ўсиб улғайиб камол топишини, висол оқшомлари насиб этишини ифодаловчи сўзлар маълум оҳанглар билан, нолалар билан жилоланиб ҳамоҳанг бўлиб алла кўшиғига айланади. Оналар алласининг оҳанги ва ижроси ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди. Бешиқни бир маромда секин-аста тебратилиши кўшиққа майинлик бахш этиб, боланинг тиш ухлашига ва ором олишига ёрдам беради. Маълумки, кўшиқ чолғуларсиз ижро этилади, шунинг учун куйловчидан катта маҳорат талаб

этилади. Бу алла қўшиғида даҳшатли уруш қанчалар оналарнинг тинчини бузиб, кулфатлар келтиргани ва урушга кетган аскарларнинг севикли ёрлари томонидан куйланган айрилиқ, соғинч, ўкинч каби ғамгин нолалари ўрин олган.

Янгажон. Қайноға(қайни) томонидан янганинг қошлари, кўзлари, юзларининг гўзаллиги ва кийган либослари ярашганлигини ҳазил-мутойиба тариқасида таърифлаб айтиладиган қўшиқ бўлиб, хуш-чақчақ, енгил, шўх, рақсбоп оханглар билан айтилади. Қўшиқ бандлари яккахон томонидан ижро этилиб, нақоратга эса ҳамма жўр бўлади.

. Ўрим қўшиқлари якка шахс ва кўпчилик томонидан ижро этилган. Уларда баҳорнинг инжиқ, ёзнинг жазирама иссиқ кезларида қилинган меҳнатнинг самара берганлигидан қувонган деҳқоннинг кўтаринки руҳи, етилган ҳосилни тезроқ йиғиб олишга бўлган кучли иштиёқ тараннум этилади.

Ўроғим олмос,
Ўришдан қолмас.
Сира ҳам толмас,
Ўрмасам бўлмас.

Маълумки, ўтмишда ғалла ўрими ҳашар йўли билан амалга оширилган. Чунки одамларнинг якка хўжаликлари, ҳосилдор ерлари катта ва сермеҳнат бўлиб, деҳқондан кўп қўл кучи талаб қилган. Илгари ҳашарнинг айниқса, бева-бечораларга, камбағал оилаларга катта ёрдами теккан. Ҳашарнинг ўзига хос хусусияти, у беминнат, бепул, бетаъма бажарилган. Ҳашар пайтида ўримчиларни зериктириб қўймаслик, иштиёқ билан меҳнатга чорлаш мақсадида сўзга чечан кишилар турли лирик қўшиқлардан ва қизиқарли дostonлардан парчалар куйлаб, ўроқчиларга далда берганлар.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Сурхондарё яшовчи ўзбеклар ўрим пайтида «Ёзи билан Зебо» дostonидан парчалар куйлашган. Чунки Ёзи кал билан Зебонинг ишқий саргузаштлари ўроқчиларга завқ бағишлаган:

Зебижон эрта кетади сой билан,
Қўлида чинни пиёла мой билан.
Чиннини нодонга берманг, синдирар,
Яхшини ёмонга берманг, куйдирар.

Дostonда Ёзи кал Поёндоз исмли бойнинг Зебохон деган қизига ошиқ бўлади. Ошиқ Ёзи кал Поёндозбой агар қизини берса, унинг ҳамма ишларини қилишини, севгилиси учун жонини беришга ҳам тайёрлигини куйидаги мисраларда ифодалаган:

Поёндоз бой боқаман улоқ билан кўзингни,
Қайтармайман сенинг айтган сўзингни.
Менга берсанг Зебохондай қизингни,
Ғўданглатиб бек кўтарай Майманага ўзингни.¹

«Ёзи билан Зебо» дostonининг айрим парчаларида Ёзининг Зебохонни кўриш илинжида олти ойлаб Поёндозбойнинг кўй ва туяларини боққанлиги, лекин Зебохоннинг висолига етишолмаганлиги, агар уни кўрса армони йўқлиги ва махбубага интизорлиги мотивлари тараннум этилади:

Олти ой боқдим Поёндозбой кўйини,
Бир кўрмадим Зебохоннинг бўйини.
Олти ой боқдим Поёндозбой туясини,
Бир кўрмадим Зебохоннинг уясини.

Бир кўрганимда Зебохоннинг уясини,
Бокмас эдим Поёндозбой туясини.

«Ёзи билан Зебо» достони парчалари баъзан айтишув шаклида, савол-жавоб тарзида ҳам айтилган:

Зебохон:

Тоғ белидан ўтин олган Ёзимисан,

Ўтинингни ололмайин ётибмисан.

Отам Регистон² кўчиб боради,

Регистоннинг йўллари кўрибмисан.

Ёзи:

Отанг кўчса, кўчаверсин Регистон,

Регистоннинг нарисиди Ҳиндистон.

Ҳиндистоннинг йўллари ҳам кўрибман,

Ҳиндистонлик қизларни ҳам кўрибман.

Ғалла ўрими пайтида ўроқчилар бу қўшиқларни завқ-шавқ билан куйлашиб, ғайрат-шижоат билан ғаллани ўришган. Бу эса ўз навбатида деҳқоннинг кайфиятини кўтаришга ёрдам берган.

Ҳозирги кунда ғалла ўрими билан боғлиқ «Ёзи билан Зебо» достонининг айрим парчаларигина бобо-момоларимизнинг хотирасида сақланиб қолган бўлиб, улар ҳам аста-секин унитилиб бормоқда. Бу қўшиқларни кексаларимиздан суриштириб тўплаш, уларни келажак авлодга қолдириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.

Алла-қадимий, миллий халқ қўшиғи бўлиб, бола бор жойда алла айтилиши табиий. Аллани «Аллоҳ» сўзидан олинган муқаддас қўшиқ деб ҳисоблайди, кексаларимиз. Аллаларда халқ турмушининг жуда кўп қирралари ўз инъикосини топган. Оналар қадимдан ўз болалари тепасида кечаси бўлсин, кундузи бўлсин алла айтиб келишган. Алла ўз оҳанги билан болага она нафасини етказиб туради, гўдакни хотиржам қилади, элитади, ором олиб ухлашига имкон беради.

Аллаларга оналар ўз ҳис-туйғулари, орзу-армонлари, истак-ниятларини, дард-хасратларини ҳам қўшиб айтганлар:

Дардларимини сенга айтай, дармоним бўл, болам алла,

Армонларим сенга айтай, орзуйим бўл, болам алла.

Қоронғуда топинчиғим, совқотганда ёпинчиғим,

Қариганда суянчиғим, овунчоғим аллаё-алла.

Аллалар ижтимоий эстетик қимматига кўра икки вазифани бажаради: биринчиси - унинг тарбиявий-эстетик моҳият касб этишида кўзга ташланади. Бу унинг эмоционал таъсирчанлигидан келиб чиқувчи хусусияти бўлиб, болани куй оғушида ҳаёт билан таништириш, оҳанглар воситасида ҳаёт маъносини англашига йўл очиш, шу залда эстетик дидини шакллантириш ва ўстириш мақсадига қаратилганлигидир. Буюк қомусий олим Абу Али Ибн Сино алланинг шу хусусиятини минг йиллар илгаридек пайқаб, шундай ёзган эди:

«... боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Биринчиси болани секин-аста тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси

билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади». Алланинг иккинчи вазифаси-болаларни ухлатиш; аслида «алла» сўзининг луғавий маъноси ҳам овутиб, авайлаб болани ухлатишдан иборат.

Аллалар одатда боланинг эмизикли давридан то уч ёшни тўлдиргунларигача айтилади. Аллалар боланинг ёшига қараб турлича айтилган. Аллалар оналарнинг минглаб, авлодидан бир-бирига ўтиб, сайқал топиб, оналик меҳрини, армонини ифодалаб келган. Шу жумладан, Сурхон воҳасида XIX аср охири XX аср бошларида аллаларнинг ўзига хос, ажойиб намуналари оналаримиз томонидан ижро этилган. Бола бир ёшга тўлгунча айтилган энг қадимий аллалардан бири қуйидагича бўлган:

Аллалар бўлсин адига, алла-ё, алла,
Сувлар опкесин кадига, алла-ё, алла,
Кадилар бови узилсин, алла-ё, алла,
Мунчоқлари тузилсин, алла-ё, алла,
Куёв бўлиб сузилсин, алла-ё, алла.
Аллалар алла айтайин, алла-ё, алла
Бахмаллар кўрпа ёпайин, алла-ё, алла

Бизга маълумки, чақалоқ беш ва тўққиз кунга тўлганда, бешикка биринчи марта боғланганда, яъни «Бешик тўйи»да, илк тиши ёриганда, биринчи марта мустақил ўтирганида, оёқ босганида, қизалоқ сочини илк бор ювиб-тараганда, ўғил бола сочи биринчи марта олинганда, бола шаънига исириқ тутатиб, шундай расм-русумлар ўтказилган, ана шундай урф-одатлардан бири чақалоқни илк бор ота-онаси ва қариндошларига таништирилганда қуйидагича алла айтилган:

Оқ чойнакнинг шаммаси, айлансинда аммаси, алла-ё, алла,
Кўк чойнакнинг шаммаси, айлансинда момоси, алла-ё, алла,
Совлиқ қўйнинг сабоси, айлансинда бобоси, алла-ё, алла,
Жавкачакнинг лотаси, айлансинда отаси, алла-ё, алла,
Катта тутнинг тепаси, айлансинда опаси, алла-ё, алла,
Жона ернинг тўласи, айлансинда бўласи, алла-ё, алла,
Қизил шудгорнинг лоласи, айлансинда холаси, алла-ё, алла.

Ҳаттоки боланинг шаклланишида эл-улуснинг ҳам муҳим ўрни бордир. Шунинг учун чақалоқни уруғлар ҳам қўллаб-қувватлаб турсин деб оналаримиз аллаларга уларни ҳам қўшиб қуйлашган:

Чакка-чакка чочингдан чор тарафлар айлансин, алла-ё, алла,
Елка-елка чочингдан етти уруғ айлансин, алла-ё, алла,
Тўба-тўба чочингдан тотрувлилар айлансин, алла-ё., алла
Қора-қора чочингдан қорақасмоқлар айлансин, алла-ё, алла.
Бешигининг остидан беш уруғлар айлансин, алла-ё, алла.
Қўлбовингнинг остидан қўнғирот эллар айлансин, алла-ё, алла.

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНING ХАЛҚ ТАБОБАТИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ИРИМ-СИРИМЛАР.

. Халқимизнинг бой тарихий меросини ўзида акс эттириб келаётган қирралардан бири бу халқ табобатидир. Халқ табобатини тадқиқ этиш натижасида кўп минг йиллик тарихимиз кўз олдимизда намоён бўлади. Тадқиқтчимиз Сурхон-Шеробод воҳаси аҳолиси мисолида олиб борилиб, бунга яна бир бора амин бўлдик. Этнографик амалиёт чоғидаги кузатишларда қишлоқлари аҳолиси халқимизнинг халқ табобатига ишончининг бугунги замонавий медицина тараққий этиб, кенгайиб бораётган шароитда ҳам сақланиб келаётганлигига гувоҳ бўлдик. Бунинг. Албатта, ўзига хос бирқанча сабалари борки, қуйида буларни баҳоли қудрат асослашга ҳаракат қиламиз. Халқ табобати орқали кўпгина касалликлар бугунги кунда ҳам муваффақиятли даволанмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, касални даволашда даво чораларини қўллаш билан бирга турли ирим-сиримлар ва у билан боғлиқ урф-одатлар бажарилган. Масалан, кўз оғриганда, қизарган ва ачишган чоғларда халқ орасида пошшойи танга деб номланувчи Бухоро амирлигининг кумуш тангаси кўзга қўйилиб, уч-тўрт бора «ирими-сирими шу бўлсин, бор келгани йўқ бўлсин» дейилиб кўзда буралган. Албатта бу фақатгина касалликнинг ирими бўлиб, кушноч кўзни толиқтирмаслик ва кўзга чанг туширмасдан тоза латта билан тозалаб туришни буютгач шифо топилган, чунки бундай ҳолатларда кўпинча кўз соққаси ва қовоқни бирлаштириб турувчи парданинг яллиғланиши (медицина конъютивит) кузатилиб профилактика чораларининг вақтида олиб борилиши бу касалликнинг даволаниб кетишига олиб келади. Худди шунга ўхшаш ҳолатни қичима (замонавий медицинада прурито) мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бунинг ирими сифатида касал киши тўнининг этагини қайири унга арпа ёки арпа солиб эшакка олиб бериб едирган. Шунинг учун ҳам мазкур касаллик халқ орасида «эшак еми» деб ҳам юритилади. Касаллик сабаби одатда юкумли вирус бўлиб, аждодларимиз бунинг ирими сифатида чорвага садақа чиқариш маъносида Қамбар отага чироқ ёкиб юқорида таъкидлаганимиздек эшакка тўнининг **бариди** ем олиб бориб едирган. Шунингдек замонавий медицинада паротит деб номланувчи тепки касаллигининг келиб чиқиши қулоқ олди сўлак безининг яллиғланиши туфайли бўлиб, ўринда ётиш, суюқ овқат ичиш, оғизни содали сув билан чайиб туриш билан касалликни даволаса бўлади. Халқ оарсида ҳам беморга нисбатан худди шундай тасиялар берилиш билан бирга қуйидагича ирими хам ўтказган: бемор эшик остонасига ётқизиблиб, ёнида супурги тикка қўйилиб эгиз фарзандли аёл ёки қушноч аёл томонидан бўйиннинг тепки чикқан томонига «Ирими-сирими шу бўлсин» дейилиб, оҳиста уч марта босиб олинган. Шунинг учун ҳам мазкур касаллик халқ орасида «тепки» деб номланган. Шу ўринда мазкур ирим чоғида қўйиладиган супурги ҳақида : бизнингча супурги зардуштийлик дини билан боғлиқ бўлса керак. Чунки зардуштийлар бир кечакундузни беш қисмга бўлиб, ибодат қилганлар. Ибодатдан олдин ҳар бир диндор белбоғини ечиб, юз-қўл ва оёқларинисигирнинг тозаланган сийдиги

билан ёки қум, қув билан тозаланиб олгач, белбоғини боғлайди. Шундан сўнг эзгулик тимсоли оловга тикилиб махсус дуолар ўқилиб Ахурамазда улуғланган Ахриман эса лаънатланган. Мана шу пайтда ҳар бир диндор қўлида албатта муқаддас ўсимлик-барсман бўлиши шарт ҳисобланган. Зардуштийлар муқаддас тутган бу ўсимлик биз билган исирик бўлиб, зардуштийлар назарид барсман (исирик) зиён-заҳматлардан сақловчи восита ҳисобланган. Супурги ҳам барсманнинг мазкур иримда трансформацияланган шаклда кўриниши бўлса керак. Шунингдек супургига халқ орасида уйнинг кўрикчиси, уйнинг тозалигини сақловчи кулот сифатида қарашади. Уйга келувчи зиён-заҳмат, касалликка қарши восита сифатида ҳам супурги мазкур маросимда қўлланилади. Беморнинг остонага қўйиб тепки босилишида касаллик бўсағаданок, бошидаёқ қайтсин деган маъно мужассам. Халқимизда исириқдан ревматизм, радикулит. Грипп, шол, безгак каби касалликларни даволашда кенг фойдаланилган. Исириқ (ҳазариспанд-минг дардга даво деб ҳазор (форсча-минг) испанд деб номлаб келишган. Шунинг учун келин туширганда, чиллали уйларга исириқ тутатилади, уйларга ёмонликларга даф деб исириқ шодасини осиб қўйишади. Худди шундай табобатда фойдаланиладиган неъматлардан бири саримсоқ пиёздир. Саримсоқ-нафас йўлларининг очилиши, юқумли касалликларни енгишда кенг фойдаланилган. Бунга сабаб саримсоқ таркибидаги микробларни қирадиган фитонцид (грекча-фитон ўсимлик, лотинча ацедерес-қирувчи, яъни касаллик тарқатувчи микроорганизмларни ўлдирувчи) моддалари борлигидир. Халқ табобатида саримсоқдан кўплаб дорилар тайёрлашда ҳам фойдаланилади: «Саримсоқ пиширишнинг йўли шундайки, саримсоқ ҳам думбаёғ ичига солинади, сўнг хамирга ўралади, шоли тўпонидан бўлган кўрга кўмилади. Хамир юзи куя бошлагач, ичидаги саримсоқ пишган ўрикка ўхшаб, сарғайиб пишади, ҳиди ҳам кетади». Саримсоқ даволари ҳақида Ибн Сино шундай ёзади: «Унинг қайнатилгани ва қовурилгани тиш оғриғини босади. Пишириб ишлатилса, овоз ва томоқни тозалайди, эски йўталларга ва совуқдан бўлган кўкрак оғриқларига фойда қилади. Агар унинг кулини асал билан қўшиб доғга ва кўздаги қонталашларга суртилса фойда қилади...» шундай даво хусусиятига эга ўсимликлар қаторига яна такасоқол, исмалок, чучукмия, чаёнўт, рўён, қирқбўғим, лимонўт кабилар кириб улар халқ табобатида кенг қўлланилган. Халқ орасида кенг тарқалган хасталиклардан бири пашшахўрдадир. Пашшахўрда халқ эътиқодига кўра эркаги ва урғочиси бор деб 2 га ажратилади. Пашшахўрда борлиги аниқланса. Унинг ирими сифатида қушноч ёки қўл олган шахс томонидан ангишвона олиб яранинг устидан буралиб айлантирилган. ШУни айтиб ўтиш жоизки мазкур ирим фақат касалликнинг бошланиш босқичида амалга оширилиб бундан яранинг тўлиқ тугаб қайтиб кетиши эмас, эртароқ пишиши, яна кўпаймаслиги учун амалга оширилган. Пашшахўрда ва чипқонда даво сифатида анжир сути суриш, тез-тез ҳаммомга бориш, шунингдек, чайналган буғдой . хамиртуруш ёпиштириш тавсия қилиниб, суяқ овқатлар буюрилган. Халқ орасида энг кенг тарқалган касаллик қизамиқ (чечак)дир. (Халқ орасида қизилча ҳам деб юритилладиган касаллик бор.) Қизамиқ суяк ёриб чиқадиган касаллик бўлиб бошдан белга томон кучайиб бораётиб, соғайиш жараёни эса аксинча белдан бошга томон

давом этиб боради. Қизамиқ юқумли бўлганлиги сабали унинг олдиға ҳамма ҳам киритилмаган. Дам-бадам исириқ тутатилган. Келган- кетганлардан кийимларидан кийимларидан тутотқи олиб қолиниб исириққа қўшиб тутатишган. Беморға қизил кийим кийдиришган. Айнан мана шундай ҳолатни биз қизилчада ҳам кўришимиз мумкин.

Халқ орасида гул (чечак) деб номланувчи касалликда кўзга доғ (гул) тушади. Бунинг оқибатида унинг кўриш қобилиятини йўқотиши аждодлар тасаввурига кўра гул ўсимлиги билан боғлиқ бўлган деб изоҳланади. Чунки анимистик тасаввурларга кўра, қизил гул кучли сеҳр қудратига эга бўлган, ёвуз руҳларнинг жинсларни ўзига чақириб олиб, жонли нарсаларга, айниқса, кишиларга зарар етказувчи ўсимлик ҳисобланган. Бинобарин, кишининг кўзига доғ тушишини тилаш заминиде вужудга келган «кўзингга гул тушсин» қарғиши метафорик кўчим эмас, балки ибтидоий инсон тасаввуриде сеҳр кучига эга бўлган гул турининг кишига зарар етказа олиш хусусияти ётади. Шунинг учун киши кўзига ёки баданига гул тушганда кексалар унга гул кўрсатишмаган. Воҳада қизамиқ ва гул чиққанда дарахтга қизил латта парчасини илиб қўйишган. Буни муқаддас мазоратда ҳам чироқ ёкиб (муқаддас жой номига) ихлос билан ўша ерга илиб қўйишадики, бу билан касаллик келтириб чиқарилган ёвуз кучларга қарши пирларидан ёки эзгулик кучларидан шу йўл билан мадад олишга ҳаракат қилишади. Чироқ билан қўшиб етти қатлама ҳам пиширилиб худо йўлига. Худойи қилиниб мушкулкушод ўтказилган. Айрим қишлоқларда қизамиқда отнинг ёш ҳам исириққа қўшиб тутатилади. Халқ орасида ҳатто қизамиқ, чечак кабилар тошганда ёки кирна кирганда («кўз текканда» ўқиладиган махсус афсунлар бўлиб улар аласлаш жараёни деб аталган. Бунда асосланувчи майдонга ўтқазилиб етти хил рангдаги матолар қийқимлари олиниб қилинган даста ёкилиб махсус алас ўқилган.

Алас-алас

Касалликдан холос

Алас-алас

Болагинамдан чиқсанг бас...

тарзида касалликларга дўқ урилади. Бу бадикхонлик дейилиб, у қалтирамоқ, титрамоқ маъноларини англантиб турувчи туркий «баз» сўзидан олинган. Аласловчи яъни кўчириқ қилувчи касалликни «кўрқитгач» унинг кўчадаги ерини ҳам кўрсатади.

Кўч-кўч кўчасан!

Кўчар еринг мен айтсам,

Мома бўлсанг қўлга кўч,

Арвоҳ бўлсанг, гўрга кўч...

Олиб борган тадқиқотларимиз давомида шунга амин бўлдики, халқ табобати бемор билан табиб ўртасидаги муносабатга катта эътибор беради, беморнинг ишонч ва эътиқодидан усталик билан фойдаланади. Зеро, бугунги медицина ҳам даволашдаги энг устивор йўналиш бу беморнинг шифокорга бўлган

ишончи ва ва улар ўртасидаги муносабатга кўп томонлама боғлиқ эканлигини инкор этмайди. Халқ табобатида тутқанокли ўқитиш, қайтарма қилиш умуман инсон руҳиятига таъсир қилиш қабиларда ислом дини ва муқаддас Қуръони Карим сураларидан ҳам фойдаланилади: Англиялик Вильям Рикард шундай хотирлайди: «Кўл оёғим бутунлай ишдан чиққан эди. Энди мен нима бўламан? Ана шундай тушкун руҳий ҳолат ичида эканлигимда тўсатдан хаёлимда Угандада ўқиган бир китобдаги Қуръони Каримдан олинган тасалли берувчи оятлар келди. Мазкур оятларни кўнглимдан ўтказиш бошладим ва мен учун руҳиятимда умид эшиклари очила бошланди. Докторлар мени яна бир марта жарроҳлик амалиётидан ўтказдилар. Оёғим тузала бошланди...» Зеро, Қуръони Каримда Оллоҳу таоло умидли, сабр-қаноатли бандаларига марҳамат қиладиларки: «Менинг раҳматим ҳамма нарсани ўз ичига олади. Албатта, ўз раҳматимга тақводорларни, закот берувчиларни ва менинг оятимга ишонувчиларни эриштираман. Умуман олганда инсон руҳиятидаги кучли психик ҳолат инсон организмида касалликка қарши иммунитетни кучайтириши бугун илмий жиҳатдан асосланган. Аждодларимиз буни яхши англаганликлари ва асрлар давомида табобатда халқ ишончидан фойдаланиб келганликларини сақланиб келаётган ирим-сиримлардан ҳам билсак бўлади. Мисол учун аласлашда оловдан фойдаланиш, қушноч томондан чироқ ёқиш қабиларда зардуштийлик илдизларини, кўчириқ қилиш ва у боғлиқ ҳолдаги тартиблар жумладан еттита тол навдаси билан савалаш шомонлик (қам дини билан алоқадорлиги тахмин қилинмоқда.

Қизамиқда отнинг ёлини тутатиш эса туркийларнинг Кўктангрига эътиқоди билан боғланади. Халқ табобати қўшни халқлар билан алоқалар сабали ҳам бойиб борган. Жумладан, Х.Ҳикматуллаев ва Н.Жабборовлар Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги тиббий алоқлар хусусида фикр юритиб, ривожланган ўрта асрлардан XIX асрга қадар ҳамкорликда яратилган ўнлаб тиббий асарлар рўйхатини келтирадilar. Худди шундай мисолларни Эрон, Хитой, Қрим давлатлари мисолида ҳам келтириш мумкин.

Сурхон воҳаси табобатини амалий эҳтиёжлар туфайли шаклланиб бойиб борган. Уни сохта, фирибгар табибчиликдан фарқлаш лозим. Зеро, Сурхон воҳаси халқ табобати кўп асрлик тарихий-маънавий асосларга эга ва бугунги кунда биз учун унинг очилмаган қирраларини ўрганиш тарихимизни, халқимизнинг асрий маънавий-руҳий оламини тадқиқ этишда муҳим роль ўйнайди.

ДОНОЛАР БИСОТИ.

Халқимиз ниҳоятда бой маънавий меросга эга бўлиб, мукамал донолар бисотини яратиб, ватан, озодлик, мардлик, меҳнат, одамийлик, ўзора ҳурмат, оғир дамларда амалий ёрдам кўрсатиш, душмандан, лоқайд кишилардан эътиёт бўлиш каби мазмунли ҳикматларга эга бўлган буюк халқдир. Донолар ҳикмати

хар бир хонодонга амалий ёрдамчи, ҳаёт синовларидан фойдали хулоса чиқарувчи йўлни топишга ўндайдиган одоб калитидир

Ардашер ўтмишнинг доно кишиларидан бири эди. У ўз ходимга учта хат ёзишни буюрди. Сўнг унга деди; “Эй ходим, агар менинг юзимда ғазаб туғенини кўрсанг, бирор нарса устидан қатъий ҳукм чиқармасимдан аввал хатлардан бирини менга кўрсат. Шунда ҳам ғазабим босилмаса, иккинчи хатни кўрсат. Шунда ҳам таскин бўлмаганини кўрсанг, учинчисини кўрсат!”.

Айтишларича, биринчи хатнинг мазмуни шундай экан: “Шошилма, иродангни ғазаб қўлига асир қилма, шошган киши доим афсус чекиб, кейинчалик пушаймонлик тортади!”. Иккинчи хатнинг мазмуни эса қуйидагича эди: “Давлат ўзимда деб ўзингдан ожизларга жазо бераверма, куни келиб, замонлар ўзгарса, улар ҳам сен қандай муомала қилган бўлсанг, шундай муомала қилишади!. Учинчи хатнинг мазмуни эса қуйидагича эди:”Эй ғазабланаётган киши, шошиб ҳукм чиқарма, ғазабингни босиб, инсоф юзасидан иш кўр!”

Мунча қаттиқ чопма отингни, ўғлон,
Олиб қочса уни қайтармоқ гумон.
Сендан чиққан ҳукм ҳақ ҳукм бўлсин,
Золим ҳамда куйсин, ожиз шод кулсин
Абулбарокат Қодирий

“Махзан ал –улум” китобида. Қаноатли киши ҳеч қачон камбағал бўлмайди, чунки уни ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадойга ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса учун одамлар олдида бош эгади, - дейдилар.

Сабр била боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур. А.Навоий.

Юрагим тубида муқаддас
жой бор,
Унга Ватан дея ёзиб
қўйганман.
Юртга хизмат қилиб,
яшайман ҳар дам,
Чунки тупроғини босиб
қўйганман. Г.Эргашева.

Инсон яратганни иродаси билан яшайди, фақат яратганга шукур қилиш, уни берган умрига, ризқ-насбасига итоат этиш туйфайли барокатли бўлади.

Умрни хазон қиладиган нарса мақсадсиз яшаш, беҳуда вақтни ўтказишдир.

Энг даҳшатли фожия-ақлни чархламасликдир.

Ўғилни кечириб бўлмайдиган хатоси-отаси ўргатган насҳат ва касб-ҳунарни эгаламаслиги.

Оғир юк- яхшилиқни минат қилиб, юзга солишдир.

Тарози ўлчовдир-унга оғирлик қиладиган нарса ўйламай айтилган сўз.

Дунёда қилиниши керак бўлган иш шунчалар кўпки-у инсон пайдо бўлгандан буён тугамайди.

Қарзга пул бериб қайтариб ололмаганлар оғир қисматда яшайдилар. Пулни олганлар эса фароғатдадирлар.

Оллоҳ берган ризқни-бошқаларга бериб, гуноҳ ортирганлар ниҳоятда кўп.

Буюк бўлиш учун тўрт нарса зарур-тоза насл, азалий тақдир, ёмонлардан ибрат олиш, тез бойиганларни манманлигидан хулоса чиқариш.

Тупроқ билан гаплашган одамни ақли теран, юраги тоза бўлади. Чунки яна у тупроққа қайтади.

Дунёда ҳамма ўзини буюк деб билади-хатто лоқайд, данкаса инсон ҳам.

Энг бепарво одам-уйғоқ ҳолда кўрпа ичида хаёл суриб, вақтни бекор ўтказган одамдир.

Йиғласанг чин юракдан йиғла- сохта йиғи билан ўз юрагигни азоблама.

Ишни манбаий китобдир-китоб эса бу ҳаёт.

Тил танани-ҳокими. Тана тил ҳукмига бўйсунди.

Мансаб вақтинчалик-сақлаб қолиш ақлга боғлиқ.

Мени энг катта хатом- ақл ва соғлигимни тан олмаганлигимдир.

Мени энг яқин одамим-мени душманимдир. Унга бардош бериш учун яшашни ўргандим.

Мени қанчалар кўп ғийбат қилсалар, шунчалик тез элга таниламан.

Мансаб даврида кўп бойлик тўплайди инсон,

Бироқ насб этмай, кетар фоний дунёга.

Руҳи чирқилаб излар қолган бойликни,

Талон- тарож қилар изидан қолган насиллар.

Ўзинга-ўзинг доимо ҳисоб бериб, айбларигни тан олгин.

Йуқотган нарсангни излама-чунки ўз айбинг туфайли содир бўлган.

Қийшиқ ва тўғри танни камтарин ҳис-тўғулар ҳамда дидли кийимлар гўзал кўрсатади.

Ёшларга кўп насиҳат қилма-ибрат кўрсат. Чунки сени кимлигинни бошқалардан билиб олади.

Ҳеч бир инсондан хато ахтарманг-чунки у шундай яратилган. Фақат ундан ибрат олинг.

Дунёда сўз яшайди-яхшилик, ёмонлик, лоқайдлик унда ўз ифодасини топади.

Она қанча кўп умр кўрса- табиат шунчалик гўзал бўлиб боради. Чунки табиат ҳам она-ердан куч қувват олади.

Она қанча аччиқ сўз айтса, шунча ширин дори бўлади.

Онаник буюк жасоратдир-агар унга меҳр сингдирилса.

Онани тирикликда қадрланг-ўлгач унга битилган ҳар қандай доно сўз бефойда.

Она ўлгач йиғлаб жасорат кўрсатгандан, тириклигида бир бориб ҳолидан хабар олиш савобдир.

Онани бахти-номусли, иффатли қиз.

Фарзанд туғиш ҳамма аёлга хос-лекин она бўлиш илоҳий бахт.

Ота бўлишни кутиш бахт эмас, насиб этган оталикни қадрига етган бахтдир.

Макон ва замон оталар ақлли -ҳаракати билан ўзгариб туради.

Ота ватан посбони, агар у ватан қадрини билса.

Ота ўқ, она мойиллик- иккаласини ҳурмат қилиш буюклик тимсоли.

Ота ғазаби ҳар қандай қуролдан кучли.

Отани номини уч нарса безайди-ақлли фарзанд, касбга ҳурмат, эл хизматини қилиш.

Отадан олмаган ақл ва ҳунарни- элдан олса бўлади.

С.Н.Турсунов.

Этнографик тадқиқотлар оила ва унинг мазмун- моҳияти ўзора ҳурмат, бир- бирини тушунадиган ,содиқ қалбларни ҳамжиҳатлилик билан шакилланиши севги-муҳаббат тушунчаси билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Севги юракни довалайдиган, унга умр бахшида этадиган ,хаёт лаззатларни тотли ,ширин қалбга боғлайдиган тўғудир.Севги юраклар учрашуви, қалблар туташуви, таналар лаззатидир.Севги инсонга хос бетакрор умр мазмуни, ишонч ва алдовлар ўлчовидир.Севгига камдан-кам одамлар эришади, шу туфайли қолган одамлар шу йўлда қурбон бўладилар.Севги кимдир учун хаёт кураши, кимдир учун ўйин- қуғирчоғи.Севги азоби-ўлим даҳшати каби аччиқ бўлади.

Ҳилол юрагинига ошиқман жоним,
Улкан севги бахтин берган сенсан.
Лайли мисол ягона ой-юлдуз жоним,
Куркам баҳор каби ўзинг хаёт илҳоми.
Айтай сенга бағишлаб ёздим муҳабат ғазали,
Раҳминг келсин вафоли ёр-жаҳоним.

Севги ҳамиша инсонни яшашга ундаб, ғам-андуғларни, чарчоқ, азоб-ўқибатларни енгиб ўтишга куч мадат беради.Ҳатто энг қудратли давлатлар ҳам оддий севги қурбонга айланади.Севги кучсизларга қудрат, кучлиларга мағлубият бахшида этувчи синовдир.Сувсиз чўларни боғу-бўстонга айлантирадиган куч- бу севги.Севгисиз қурилган оила-пойдеворсиз ўйдир.

Тонг шамолидан сўрайман дудоғингни,
Ҳеч кимда йўқ тоза қалби сендадир жоним.
Севдим чин кўнгилдан меҳринг жамолин,
Сен юрагим ишқининг-муҳабат шайдоси.

Сендаги меҳр,сендаги лаззат юрагимга дармон,
Сен берган куч юрагимга малҳам ,билагимга куч.
Ташна бўлоғинг суви, бошқаларда йўқ асал,
Йўқ сенсиз хаёт қувончи, дил ошиғим мени.

Сен туфайли хаётда борман дил,
Юрагимга ўт-муҳаббат солдинг.
Сенга ҳадия юрагим жони-қалб,
Сенсан ишқ-муҳаббат булоғим.

Сен узоқдасан, масофа йироқ дил,
Юрагим беролмас билсанг бардош.
Севгинг ҳижрони чексиз берар азоб,
Сенга етмоқ оғир шунчалар бироқ.

Ўйку йўқ ҳижрон азоби қийноқ,
Ўйқим келса тушимда сендил чироқ.
Тушим оғишда сен қалби қайноқ,

Ўйғонсам йўқ сен

Қизлар ҳаётимиз рамзи, тозалик, ор- номус, меҳр-оқибат ўлчовидир. Қизлар уйимизни тозалиги, одоб-ахлоқи, уятни торазиси. Ўзбек қизлари ватан ишқида жон берган, жасорат рамзилари. Миллий маданиятимизни жаҳонга танилишида қизларимизни беғубор ўрин бор. Қизли ўй сандиқли ўй-сандиқли ўй совчили ўй. Қизлардан фаришталар ибрат олади.

Гул боғим раъноси ўзингсан қизим,
У икки юрак ишқ меҳрини қўшган дилим,
Шоҳи рўмол гулини ўзисан орли қизим,
Айланай Оллоҳим берган ниёзи меҳрим,
Ниятим ушалди юрагим сенда жон қизим.

Бир қизнинг сочини шеърга солгандим,
Кипригу қошини шеърга солгандим,
Юрак талошини шеърга солгандим,
У келса изидан офтоб келади.
Эсласам юрагим бетоб бўлади.

Шодмонқул Саломов.

Агар ҳар киши элга эҳсон этар,
Элидан мудом унга раҳмат етар.
Улуғ бўлсаю, қолмаса яхши ном,
Нишонсиз ўлиб кетди у, вассалом.

Донодан бир панду насиҳат сўрдим,
Дедики: Нодонга қўшилма ҳеч ҳам.
Агар доно бўлсанг, аҳмоқ бўлсан,
Йўқса, нодалигинг ортар яна ҳам.

Оғиз ичида тил, недур, эй оқил?
Ҳунар хазинасин калитидир-у.
Эшик ёпиқ экан, билиб бўлмагай
Уерда нима бор-мунчоқму, инжу?

Камтарлик одат ақлли эрга,
Мевали шох боши эгилур ерга.

Оддий қамиш қанча ўсса -бўш ичи,
Ҳеч қачон бўлолмас шакар қамиши.

Бани одам илмдан топмиш камол,

Бекор бунда мансабу бойлик ва мол.

Бор нарсангни бериб, бамаънилик ол,
Барчаси кетса ҳам, шу абад қолур.

Яхши дўст айбингни мисоли кўзгу,
Юзма-юз ўзингга очиқ айтади.
Ёмончи-чи, тароқдек минг тил билан
Сочдан сочга иғво қилиб қайтади.

Этнографик тадқиқотларда инсон ақл – одоби, оила тарбиясига таллуқли ниҳоятда мазмунли фикр мулоҳазалар борки, ушбулар ҳаёт синовларда ҳар лаҳзада керак. Энг муҳими аждодлармиз асрлар оша бу ҳикматларни сақлаб, ундан ибрат олганлар ҳамда хулоса чиқарганлар.

Эй инсон ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил- буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) маъсул бўлур. Ал-Исро сурасини-36 ояти.

Ер юзида кибр- ҳаво биланн юрмагил? Чунки сен (оёқларинг билан ҳаргиз ерни тепиб (унинг тубига) кетмайсан ва бўйи – бастда тоғларга етолмайсан. Ал-Исро сурасини-37 ояти.

Биз Одам болаларини азиз- муқаррам қилдик- уларга ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал- устун қилиб қўйдик. Ал-Исро сурасини- 70 ояти.

Кишига неча келса мушкул ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол.

А.Навоий

Халқ ҳикматлари- “турмуш онасининг дард чекиб тўққан тўнғич ўғли”.

А.Қодрий.

“Сен уйингдан қанчалар узоққа кетма, барибир қайта уйингга қайтасан”.

Юсуф Ҳайёт Термизий.

Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.

Ж.Сантаяна.

Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир.

Л.Н.Толстой.

Ота донолиги болалар учун чинакам сабоқдир.

Демокрит.

Битта ота юзта ўқитувчидан устун демакдир.

Ж.Герберт.

Ёмон болалар учун ота-онани жазоломоқ керак.

М.Горький.

Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам ўғри боқаётган бўлади.

Т.Фуллер.

Аллоҳ таоло тақсимлаб берган нарсаларига рози бўлинг, шукур қилинг, шунда кишиларнинг бойроғи бўласиз. Ҳадис.

Дўстларни чорлаб ёзинг бир нома

Сухбатда бўлсин ҳар бир аллома

Ҳикматдан ясаб ажиб ҳангнома

Илмдан яратинг бир насихатнома.

Абдурахмон Жомий.

Шундай яшагинки, сен бўлсанг Шарқда

Ҳаққинга дуо айласин одамлар Ғарбда.

Х У Л О С А

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида илмий тадқиқотлар жадал олиб борилиб, тарихшунослик фанида холисон воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш туфайли муҳим аҳамиятга эга этнологик изланишлар олиб борилди. Мамлакатимиз халқларни этнографиясини ўрганиш бўйича моддий-маънавий маданият асослари илмий ёритилди. Жумладан, Сурхон воҳаси этнографиясини ўрганиш бўйича мазмунли асарлар яратилиб, воҳа аҳолисини ижтимоий- иқтисодий ва маданий турмуш таризга оид натижаларга эришилди. Ўзбек халқини этногенези ва этник тарих билан боғлиқ манбалар Сурхон воҳаси мисолида аниқ натижаларга эришилиб, ушбу ҳудудда яшайдиган аҳолини келиб чиқиш билан боғлиқ жараёнлар асослаб берилди. Энг муҳими жаҳон цивилизацияси бешиklarидан бири бўлган Сурхон воҳаси хўжалигига оид манбалар илк аждодларимиз маданияти билан ҳозирга даврдаги меҳнат натижалари боғланиб илмий таҳлил қилинди. Халқимиз турмуш таризда деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликни аҳамияти, унинг ривожланиб бориш ҳолати ҳамда меҳнат қуроларни такомиллашиб бориш мисоллар билан изоҳланган. "Сурхондарё- этнографик макон" мазмунида олиб борилган тадқиқотлар натижасида миллий турар- жойлар, уни минтақавий қурилиш билан боғлиқ турлари, уй-жой билан боғлиқ маросимлар, анъанавий миллий таомлар, унинг тайёрлаш усуллари ҳақида мазмунли таҳлиллар баён этилди. Мустақиллик туфайли миллий кийимларни тайёрлаш, мато ва ипларга ранг бериш усулларни қайта тикланиши ҳамда ушбу жараён билан боғлиқ ҳолатлар этнологик манбалар билан изоҳланди. Этнологик тадқиқотлар жараёнида маросимлар, тўй билан боғлиқ урф- одатлар, унинг босқичма-босқич турлари, диний маросимлар, унинг воҳа аҳолиси турмуш таризидagi ўрни, одатлар, қадимий динлар ва унга халқнинг муносабати илмий тақосланган. Этнография соҳасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида воҳада халқ- оғзаки ижод, бахшичилик, достонлар, халқ мусиқа саънати, қўшиқлар, айтишувлар, халқ термалари мисолида муҳим аҳамиятга эга илмий хулосалар тақдим этилди. Монографияни тайёрлаш жараёнида халқ ўйинларни ёш баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти манбалар йуналишида илмий асосланди. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб муаллифлар китобхонлардан монография тўғрисида билдирийдиган фикр мулоҳазаларни ва таклиф истакларни чин кунгилдан қабул қиладилар ҳамда ўз минатдорчилигини билдирадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон.,1996.
2. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Тошкент.: 1998 йил... 18-бет.
3. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент: «Шарқ», 1999.
4. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият. 2008.
5. И.А.Каримов. Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т., Ўзбекистон, 2009. 26бет.
6. Каримов И.А. Озод ва Обод Ватан эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз.-Т: Ўзбекистон.,2000.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналарни, маърака ва маросимларини ўтказишдаги дабдабозликка чек қўйиш тўғрисида»ги Фармони. || Халқ сўзи. 1988 й. 29 октябр.
- 8.Ўзбегим.Т.,”Звезда Востока”.”Ватан”серияси.1992.90.б.
9. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал Жомий ас-саҳих (Ишонарли тўплам). 3-китоб.-Т., 1997.
10. Авесто Яшит китоби (М. Исоқов таржимаси). Т., 2001.
11. Амир Темур ўғитлари.Т., 1992.
12. Абдуллаев Т.А., Хасанов С.А. Одежда Узбеков (XIX-нач. XX вв.)-Т., 1978
- 13.Аннемарие Шиммел.Жонон менинг жонимда.Т.,”Шарқ”.1999.171.б
14. Абдурахмонов И. Т. Ўзбекские народнўе игрў.-Т., 1997.
15. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Тошкент.,1994.
16. Ахмедов Б. Ўзбек улуси. Тошкент.,”НУР”.1992.149.Б.
17. Асқаров А. Ўзбеклар қандай келиб чиққан. Фан ва турмуш журнали. 1985.,2-3-4-сонлар.
18. Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. -Тошкент., 2001.
19. Абулғозий. Шажарай турк. -Тошкент., 1992.
20. Аширов А. Авестодан мерос маросимла. -Т, 2001.
- 21.Аширов.А.Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.Т.,”Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”.2007.247.б.
22. Алавия М. Ўзбек халқи кўшиқлари. -Т., 1998.
23. Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида.-Т., 1964.
- 24.Аҳмад Муҳаммад Турсун.Зукколар китоби.Т.,”Муҳаррир”.2010.119.б
- 25.Бахтга бошловчи сўзлар1-2-3 китоблар.Т.,”Yurisn-media markazi”.2009.
26. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1-жилд. -Тошкент.,1968.
27. «Биз нега мусулмон бўлдик?» Т.: 1997 йил 21-бет.

28. Борозна Н.Г. Материальная культура ўзбеков Бабатага и долины Кафирнигана. || Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана, -М.: Наука. 1996.
29. Бўриев О. Мурод бахш кунлар-Т., 1993.
30. Бўриев О., Шаймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан.-Т., 1995.
31. Бўриев О., Исмоилова Н. Ўзбек халқининг анъанавий уй- жойлари. || Гулистон., 2001. №4, 44-45 бетлар.
32. Бўриев.О.Усмонов.М.Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар.Самарқанд.2008.243.б.
33. Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори-Т., 1998.
34. Древняя Бактрия. - Л.: «Наука», 1974.
35. Древности Южного Ўзбекистана (каталог). Токио, 1991.
36. Жаббаров И. Ўзбек халқи этнографияси. - Тошкент, “Ўқитувчи”.1994.
37. Жаббаров И.М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти.Т.,”Ўқитувчи”.2003.206.б
38. Жилиха народов Средней Азии и Казахстана.-Москва., 1982.
39. Жавлиев Т. «Анъаналар-ҳаёт сабоғи» Т.: 1992 йил 25-бет.
- 40.Жўраев.М.Ўзбек мавсумий маросим фольклори.Т.,”Фан”.2008.б.291.б.
41. Занятия и быт народов Средней Азии.-М-Л. 1974.
- 42.Набиев.А.Бўриев.О.Шоймардонов.И.Ўзбекистон тарихини ўқитишда этнографик материаллардан фойдаланиш.Т.,”Ўқитувчи”.1996.127.Б.
43. Народы Средней Азии и Казахстана. Том 1-2.-Москва. 1962-1963.
44. Народы традиции и культура.-Т. 1992.
- 45.Ҳошимов.Н.Қадимда боғлар қандай яратилган?.Т.,”Фан”.2006.80.б.
46. Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари.-Т., 1978.
- 47.Имом ал-Бухорий.Эр ва аёл бурчи.Т.,Ўзбекистон миллий энциклопдияси”.1998.111.б.
48. Костюм народов Средней Азии.-Москва, 1979.
- 49.Иброҳимова.Д.Бебаҳо мерос дурдонаси.Т.,”Муҳаррир”.2009.35.б.
50. Кайковс Унсурулмаой. Қобуснома.-Т., 1992.
51. Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. - М.: Наука, 1976.
53. Логофет Д. И. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том1.СПб. 1911.
54. Логофет Д. И. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. - СПб. 1912.
- 55.Тошпўлатов, Ж.Мустафоқулов.Р.Алпомишлар афсона эмас.Т.,”Янги аср авлоди”.2007.121.б.
56. Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана.-Москва, 1989.
57. Этнографические очерки материальной культура ўзбеков. (конец. XIX-начала XX вв.)-Т., 1981.
58. Этнографической изучение быта и культура узбеков.-Т., 1962.

59. Этнографической очерки узбекского сельского населения.- Москва., 1969.
60. Махмудов Н. Земледелие и аграрные отношения а Средней Азии в XIV-XV вв.-Душанбе, 1966.
61. Махмудов М. Ўзбек тансиқ таомлари- Т., 1988.
62. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома (сурхондарё талқини). 1-китоб-Т., 1999.
63. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори.-Т., 1986.
64. Сувонова.У.Сурхондарё бадий хунармандчилиги.Т., ”Мухаррир”.2010.31.б.
65. Пешерева Е.М. Молочные хозяйства горных с ним обичаи. –Т., 1927.
66. Шаниязов К. Ўзбеки-карлуки-Т.. 1964.
67. Шаниязов К., Исмоилов Х. Этнографические очерки материальной культуру ўзбеков (конца XIX- нач XX вв.)-Т., 1981.
68. Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар.-Т., 1999.
69. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни.- Т.,”Шарқ” 2001.462.б.
70. Наджимов К. Антропологический состав в населения Сурхандарьинской области. (В связи с некоторыми вопросами этногенеза.). Ташкент., 1958
71. Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Ўзбекистана. -М.:Наука., 1976.
72. М.Саттор. Ўзбек удумлари.-Т., 1993.
73. Турсунов С.Н. Ўзбекистонда этник қадриятлар ва миллий-маданий мерос. || Проф-ўқитувчиларининг илмий назарий конференцияси материаллари-Т., 2000.
- 74.Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. - Тошкент.,2001.
- 75.Турсунов С.Н. Сурхондарё тарихи. –Тошкент., 2004.
- 76.Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш. Тошкент., 1997.
- 78.Турсунов С.Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти - Сурхондарё этнографияси. -Тошкент., 2006
- 79.Турсунов.С.Н.Сурхондарё вилояти топонимлари.Т.,”Алишер Навоий”кутубхонаси.2008.151.б
- 80.Турсунов.С.Н Шерободликлар.Т.,”Алишер Навоий”кутубхонаси.2007.
- 81.Турсунов.С.Н.Жарқўрғон.Т.,”Фан”.2008.303.б.
- 82.Турсунов.С.Н.Денов.Т.,”Фан”.2009.495.
- 83.Турсунов.С.Н.Бойсун.Т.,”Аkademhashr”.2011.551.б.
84. Ҳасаний М. «Хавосул ашё» («Ашёларнинг ҳосияти» Т.: 1990 йил 31-бет.
85. Мадраҳимов А.С. «Ибн Сино шифобахш ўсимликлар ҳақида» Т.: 1990 йил, 26-27 бет.
- 86.Мухамедов.Т.Ҳовлида ток ўстириш.Т.,”VORIS-NASHRIYJT”.2008.64.Б
87. «Шарқшунослик» (тўплам) Т.: 1990 й. 79-87 бетлар.

88. Улуғбек. Тўрт улус тарихи. -Тошкент.,1993.
89. Ўзбек халқ оғизаки ижодиёти-Т., 1990.
90. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи.- Тошкент.,”ЧЎЛПОН”.1995.238.Б.
- 69.Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Т.,”YURISN-MEDIF MARKAZI”.2008.183.Б
91. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари-Т., 1991
92. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима.-Т., 1998.
- 93 Қурбонов А.Э. Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси этник ҳолати.||Мустақиллик, маънавият, тарбия. -Термиз.,2000., 111-115-бетлар.
94. Қурбонов А.Э. Сурхон воҳаси аҳолисининг анъанавий уй-жойлари.|| Проф-ўқитувчиларнинг илмий-назарий анжумани-Термиз, 2003.
95. Сурхондарё. Илмий тўплам . Т., 1997.
96. Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи кўзгусида. Т.2001.
97. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилоят тарихини Ўрганиш. Т., 1997.
98. Турсунов С.Н ва бошқалар Сурхондарё тарихи. Т., «Шарқ» 2004.
99. Турсунов С.Н, Темур ҳақида тарихий фикрлар, Термиз, 1993.
100. Турсунов С.Н, Шеробод тарихидан лавҳалар. Денов.1993.
101. Термиз альбоми. Т., 2001.
102. Турсунов С.Н.. Жой номлари маънавият кўзгуси. Регион – UZ 2008 й 3 январ №1
103. Турсунов С.Н Сурхондарё– этнографик макон. Термиз оқшоми 2009 й 30 сентябр.
104. Турсунов С.Н Деҳқончилик анъаналари . “Тиббиёт ва ҳаёт” 2009 й 20 феврал.
105. Турсунов С.Н Дала-қирда минг ифор. “Термиз оқшоми” 2009 й 16 феврал.
106. Турсунов С.Н. Давонлар забт этилдан. “Термиз оқшоми” 2009 й 1 январ.
107. Турсунов С.Н. Жой номи– тарих варағи. “Сурхон тонги” 2009 й 22 январ.
108. Турсунов С.Н. Шошган ютқазади. “Сурхон тонги” 2005 й 18 март.
109. Турсунов С.Н. Хотира барҳаёт кадрлаш мангу. “Халқ йўли” 2005 й 20 май.
110. Турсунов С.Н. Шерободликлар. А. Навоий номли Миллий кутубхона нашриёти 2006 й.
111. Турсунов С.Н. Денов. Тошкент “Фан”. 2009.
112. Турсунов С.Н. Жарқўрғон. Тошкент “Фан”. 2008.
113. Турсунов С.Н. Раҳбар маънавияти. Тошкент “Фан”. 2009.
114. Турсунов С.Н. Сурхондарё топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент. А. Навоий номли Миллий кутубхона нашриёти. 2008.
115. Турсунов С.Н, Ботиров И.Т. Сюань–Дзань ва Буддизм тарихига доир. Тошкент “Фан” 2009.
116. Турсунов С.Н Шеробод тарихидан лавҳалар. Денов.1993.
117. Термиз. Илмий тўплам . Т., 2001.

118. Чағониён илмий тўплам . Т. 2001.
119. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.Қомуслар Бош тахририяти. 2001-2006.
- 120.Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар.(халқаро конференция материаллари). 1-2-қисмлар.Тошкент.2005.
121. Шарафиддин Али Яздий, “Зафарнома”, Т., 1994.
122. Хожа Самандар Термийий, Дастурулмулук, Т.1997.
- 123.Файзуллаева.М.Ҳ.Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар(Сурхон воҳаси мисолида).Т.,”YANGI NASHR”.2010.158.Б.
- 124.Усмон Турон.Туркий халқлар мафкураси.Т.,”Чўлпон”.1995.103.б.
- 125.Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. Т.,”Меҳнат”.1991.59.
- 126.Ризоуддин ибн Фахруддин.Оила.Т.,”Меҳнат”.1991.27.б.